

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али	Абдулла Орипов
Эркин Воҳидов	Умарали Норматов
Кенгесбой Каримов	Хайридин Султонов
Энахон Сиддиқова	Сирожиддин Саййид
Иқбол Мирзо	Меҳрибон Абдурахмонова
Абдувахоб Нурматов	Йўлдош Солижонов
Баҳамдулло Нурабуллаев	Шухрат Маткаримов
Нурбой Жабборов	Адхамбек Алимбеков
Ислом Ёқубов	Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф
Масъул котиб — Шавкат Валиев
Навр бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова
Назм бўлими мудири — Икром Отамурод
Адабиётшунослик бўлими мудири — Аъзамхон Қозихўжаев



УШБУ СОНДА:

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

НАСР

ДОНИШМАНД СИЗИФ

Роман

Ҳар бир ўзгариш, ҳар бир янгилик янгидан-янги умидга доя, янги умиддан янги дунёлар дунёга келади. Сизиф бу ҳақиқатни яхши билади, бироқ бу масканда ўзгариш юз бермаслигига, ўзи ўзгармас биёбон бандисига айланганига аллақачонлар амин бўлган.



Гулчеҳра РАҲИМОВА

НАЪМ

ҲАР КЕЛАЖАК — МУСТАҲКАМ ЗИНА

Шеърлар

*Осмон саҳни қуёшга тордек,
Оғиз очар қушлар нимчорак.
Гўё кўкда муҳим гап бордек,
Қочар итин узиб бодбарак.*




Дилмурод ХОЛДОРОВ

АДАБИЁТШУНОСЛИК

*ҚОДИРИЙШУНОСЛИК
ҚИРРАЛАРИ*

Мунаққидлар Абдулла Қодирий ижоди ҳақида гап кетганда, аксарият ҳолларда, ёзувчининг романларини эсга оладилар, холос. Унинг жаҳон ҳажвиёти билан бўйлаша оладиган ҳажвий асарлари четда қолиб кетаверади.





ДИЛИМНИ ЙОРЛАТИБ ЁНАР...
ЧИРОҚ

Шеърлар

Бир сўз бор.
Бегубор тонг каби гўзал,
Тонг чоғи очилган гунча каби,
Гунчада шабнам каби мусаффо.



ИШИҚ АҲЛИНИНГ ҚЎЗГҶСИ

Киши тахайюл оламига кириши учун эса вақти-вақти билан ўз кўнгил ботинига боқиб, бир фурсат бўлса-да, оёғи заминдан узилмай, чинакам воқеликка, шеърияту табиатга уйғун тарзда ҳаракатланиши лозим. Бу билан ўзининг “савдойи хом” хаёлларини пиширади ва тасаввур оламини янада бойита боради.



ШИМЛА БАДОҚ

Ҳикоя

Зулайхо Санобар опага кутичани тутқазди.
– Яхши кунларга ишлатинг!
Санобар опа бир нима дейишга улгурмай, Зулайхо чопганча машина томон кетиб қолди. Уни ортидан ҳайрон кузатиб қолган опа қўлидаги кутичани очди-ю йиғлаб юборди...

МУНДАРИЖА

Алишер НАВОИЙ. Бу рисолат бирла гар изхори иъжоз айласанг.....5

ПУБЛИЦИСТИКА

Ғози РАҲМОН. Зумрад диёр.....8

НАСР

Хуршид Дўстмухаммад. Донишманд Сизиф. Роман22
Абдуқаюм Йўлдош. Дарё. Роман (давоми)65
Нодирабегим Иброҳимова. Икки ҳикоя.115

НАЗМ

Муҳаммад АЛИ. "Соҳибқирон" китобидан12
Абдумажид АЗИМ. Сен борсан, иқболим эрур зиёда.
Шеърлар.57
Гулчеҳра РАҲИМОВА. Хур келажак – мустаҳкам зина.
Шеърлар.62
Рустам МУСУРМОН. Васлингга интилдим. Шеърлар.97
Гўзал БЕГИМ. Уммон ўртасида бир жуфт кабутар.
Шеърлар.102

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Абдурасул ЭШОНБОБОВ. Навоий таржимаи ҳолига доир янгилик.110
Қозоқбой Йўлдош, Муҳайё Йўлдош. Миллий насрдаги ўзига хос воқеа.124
Дилмурод ХОЛДОРОВ. Қодирийшунослик қирралари133

БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ

Манзар АБДУЛХАЙР. Ишқ аҳлининг кўзгуси.106

МУНОСАБАТ

Баҳодир ЭРМАТОВ, Адҳамбек АЛИМБЕКОВ. Марсель Брион: ҳақиқат ва уйдирма.142
Марсель Брион. Амир Темур.151

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Рауф ПАРФИ. Дилимни порлатиб ёнар... чирок. Шеърлар.168

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Элёр МУРОД. Юракда уйғонди муҳаббат. Шеърлар. ...120

БИР ДАРАХТ НОВАЛАРИ

Абулқосим ЎТЕПБЕРГЕНОВ. Жавоблар қалбда уради тугён. Шеърлар.137

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Поль Элюар. Сукунат тарозиси. Шеърлар.172

Адабий ҳаёт.....176

Шарқ юлдузи

2016

1-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек адабиёти" ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обунда даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
29.01.2016 йил.

Қоғоз бичими 70x108 $\frac{1}{16}$,
Офсет босма усулида офсет
қоғозда босилди.
Босма тобоғи 11,0.

Шартли босма тобоғи 15,4.
Наشريёт ҳисоб тобоғи 17,2.
Адади 2200 нусха.

Буюртма №

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 16.09.2010 й.

0562-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ғафур Ғуллом номидаги НМИУ
босмаҳонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Лабзак кўчаси, 86-уй.

Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусахҳих:

Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Мадина Абдуллаева

Copyright © "Шарқ юлдузи"



ДУРДОНА

Алишер НАВОИЙ
(1441-1501)



Бу рисолат бирла гар изҳори иъжоз айласанг

* * *

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар Наврӯз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.

Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.

Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарвим бўлуб дилбар,
Ани ел айлабон музтар, бу елдин секретиб адҳам.

Қўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидан ғулғул,
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.

Қилиб оҳим сари парво, бу ён майл этмадинг қатъо,
Сабодин, эй, қади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ ҳам.

Бу боғ ичра, эй, соқийки бормен асру муштоки –
Ки, анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.

Навоий, кўйин эт манзил, юзу қаддиға бўл мойил –
Ки, боғ этмас сени хушдил, гулу сарв айламас хуррам.



* * *

Тун окшом бўлди-ю, келмас менинг шамъи шабистоним,
Бу андух ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.

Не ғам, кўргузса кўксум порасин чоки гирибоним,
Кўринмас бўлса кўксум ёрасидин доғи пинҳоним.

Ғамидин дурри макнундек сиришким оқти Жайхундек,
Музайян қилди гардундек жаҳонни ашки ғалтоним.

Фалак ҳам тўлди кавкабдин, куёш ҳам тушти ашҳабдин,
Келиб тушмасму маркабдин менинг хуршиди рахшоним?

Жаҳонни зулмат этти чаҳ, бу зулмат ичра ўлгум, ваҳ,
Менга бўлсанг не Хизри раҳ, етиб, эй, оби ҳайвоним.

Дема кўктин куёш кетмиш, фалакка тийралик етмиш,
Ул ой ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афғоним.

Куёш қочиб – юзин уйди, шафақ ўтқа тушуб – куйди,
Фалакка доғлар қўйди ғамингдин сўзи пинҳоним.

Навоий киби ҳижрондин бу окшом ўлдум афғондин,
Ғамим йўқ бўйла юз жондин, етиб гар келса жононим.

* * *

Бизинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш,
Маломат даштида овора бўлмиш.

Анга баским, ёғар тош устида тош,
Танида ёра узра ёра бўлмиш.

Урарда дам-бадам хороға бошин,
Сўнгалар анда пора-пора бўлмиш.

Бало тоғи аро ётқанда бемор
Хазу синжоби хору хора бўлмиш.

Қаро қилди нечукким рўзгорим,
Онинг ҳам хонумони қора бўлмиш.

Қадаҳ хуршиди қониким, ғамидин
Сиришким кавкаби сайёра бўлмиш.

Навоий, чорадин кўп дема сўзким,
Ғамингга чорасизлик чора бўлмиш.



* * *

Холу хатинг хаёлидин, эй, сарви гулузор,
Гоҳо кўзумга хол тушуптур, гаҳе ғубор.

Юзунгда хол сафҳада томған киби қора,
Холинг малоҳати туз эрурким қорада бор.

Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчук шарор.

Билман, кўнгулда холларингнинг хаёлидур
Ё кирпигинг тиканларин айлабсен устувор?

Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзум тийра бўлмагин,
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.

Машшотан қазо бежамиш холу хаттини,
Беихтиёрликда манга борму ихтиёр?

Мискин Навоий холи лабинг кўрса, жон берур,
Боқсанг не бўлди сурати холиға, эй, нигор?

* * *

Эй, муғанний, ёр базмида наво соз айласанг,
Жон фидонг ўлсун ғамим шарҳидин оғоз айласанг.

Уддек куймаклигим шарҳ эт лисони ҳол ила,
Нағмада удунг лисонин сеҳрипардоз айласанг.

Ўзга оламдин хабар деб бизни тиргуздунг не тонг,
Бу рисолат бирла гар изҳори иъжоз айласанг.

Розим ар созинг лисонидин баъид ул-фаҳм эса,
Анга руҳафзо унунгни доғи ҳамроз айласанг.

Отланиб, бошимни рахшингнинг аёғи остиға,
Тиғ бирла солғудек масти сарандоз айласанг.

Парда ёп роз узрау дохил бўл ушбу базм аро
Ким, эрур хориж агар бепарда пардоз айласанг.

Чекмадинг лаҳне Навоий кўнглун истаб, айб эмас,
Англаб ўзунгни, наво аҳлиға шаҳноз айласанг.



ПУБЛИЦИСТИКА



Ғози РАҲМОН

1947 йилда туғилган. Қарши давлат университети битирган. “Чумолилар сўқмоғи”, “Орият шажараси”, “Булбул қанотидаги битиклар” каби бир қанча китоблар муаллифи. “Эл-юрт ҳурмати” ордени совриндори.


ЗУМРАД ДИЁР

“Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини гоёт қутлуг маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намояндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хисрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, шубҳасиз Соҳибқирон Амир Темур бобомиздир”.

Ислом КАРИМОВ

Гуллаб яшнаган бу дилкаш ва гўзал Шаҳрисабзга, ҳар гўшасида оққан зилол сувига, ганжу хазина тупроғига, бир муносиб фарзанд сифатида Соҳибқирон Амир Темурнинг бекиёс меҳру эътибори тушгани каби Юртбошимиз Ислом Каримов ҳам бу юртни алоҳида суйиб-ардоқлайдилар. Шу маънода 2014 йил 20 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ҳисор – кўрғонли тоғ, ҳаммаёғи тошдан, ровоғу пештоқ, кунгирали минорсимон чўққилар бисёр, арчалари самоларга санчилган тиғдор, хамиша қорли, Мангу музликлари абадий ётар. Филон чашмасинда юзини чаяр, пари-пайкарлар, анҳор, шодлигидан шаршара бўлар. Кешнинг қадим кўчасида ҳуркак охудай, бир дилбар қиз намоён бўлар. Кешни машҳур



қилган гўзаллар, бу ҳақда кўп битилган байту ғазаллар. Олис болаликда қишлоқ тўйида, йигитлар саф тортиб, ўзидан ортиб, тунда гулхан ёқиб, айтарди қўшиқ. Жўр бўларди фақат кафту бармоқ, номи “Бешқарсақ”:

*Шаҳри Кешнинг қўргони
Миндим жийрон йўргани.
Қушдай учиб борамиз,
Омонгулни кўргани.*

Патила сочига тол баргак таққан, дириллаб сакраган қўзи-улоқдай, тошни ёриб чиққан булоқдай, уч-тўрт қизалоқ, кўнглини хушлаб, бир-бирин қўлини ушлаб, айланиб, шайланиб, айтишар қўшиқ:

*Ҳажия, ҳажия наमतдак,
Паст қўргонинг баланддак.
Оқсаройни оқ тоши,
Янгамнинг қалам қоши.
Оҳ, қанийди улғайсам,
Оқсаройни бир кўрсам.*

Ою кун ўтиб, бир куни ўсмир чоғимда орзум ушалди. Уч-тўрт жўрам билан пою пиёда Оқсаройни кўргани бордим. Ўх-хў, маҳобатли кўрғон, бўйлашгани осмон ва лекин томини олдириб қўйган, қўш девор. Кимдир сўйлаб берди гўё афсона. Қирқ метрлик бино томида зилол сув пуркаб, ишлаб турган зумрад фаввора.

Ёмондан ҳам из қолар экан. Интиқ кўнглимизга санчилди тикан. Ҳеч кимга кўрсатмай тўрт қатор шеър ёздим ўзимча:



*Бир-бирига етолмаган
Икки ошиқ-маъшуқдай
Қўлларини чўзиб қолган
Оқсарой деворлари.*

Оқсарой, яшил деворда оят-хадислар, Жаҳонгир бобомизнинг дил сўзларини ўзида жамлаган, бутун оламни лолу хайрон қолдириб ҳамон гул-гул яшнаб турибди. Ўша машҳур қарор туфайли ўтган йилнинг феввали-

да улкан бунёдкорлик, қайта қуриш ишлари бошланиб кетди.

Эҳ-хэ, бундаин мисли кўрилмаган шиддат, бунёдкорлик, керак бўлса дунёнинг бирор буржида ҳеч ким кўриб қузатмаган. Аслини олганда бизнинг мамлакатда давлат ва халқнинг бирдамлиги оқибатида эришилган ютуқлар, жаҳонга кўз-кўзласа арзийдиган Ўзбекистон мўъжизалари санаганинг сари баракаси ортиб боради. Биргина Қашқадарёнинг ўзида бунёд этилган “Шўртангаз кимё заводи”, Ҳисор қўйнидаги Новвот тоғ қони, Калий заводи, осмонўпар тоғдан қичқириб ўтаётган, марказдан шамолдай елиб келаётган поездлар, тоғларни тешиб ўтаётган йўллар ҳақида ҳар қанча ёзса ҳам оз. Ўша тонгда Шаҳрисабз тумани ҳокими Фаҳриддин Норов қабулида бўлиб, муддаони айтгач, у киши бизга туман маҳалла хайрия фондининг раиси Баҳодир Маматовни ҳамроҳ қилиб жўнатди. Баҳодиржон билан тўппа-тўғри шаҳар марказидаги Қурилиш марказига йўл олдик. У жойда қурилиш бўйича мутахассис Фарҳод Ҳалимов билан учрашиб керакли маълумотларни олдик.

Бундан бор йўғи икки-уч йил бурун шаҳар маркази, тарихий обидаларига олиб борадиган йўллар тор ва қисқа, шаҳарликларнинг турар жой бинолари, ҳовлилари ҳам ҳамин қадар эди. Собиқ иттифоқ даврида қадимий бинолар ночорлигидан зўр-базўр турарди. Шаҳар ичидаги тарихий обидалар оҳори ўчган, кўпчилиги таъмирталаб бўлиб қолган эди.

Бугун-чи, қисқа вақт ичида аввало шаҳар марказини ўраб турувчи қадимий қалъа атрофида “Кичик халқа йўли” ётқизилди. Қалъа деворлари рамзий тарзда 1,5 км.гача тикланди. Оқсарой биносидан Кўкгумбаз мачити охиригача 82 гектар боғ барпо этилди. Шаҳардаги ободончилик ишларини “Кичик халқа” йўли билан қўшиб ҳисобласак, боғнинг умумий майдони 117 гектарни ташкил қилади. Майдоннинг кун чиқиш тарафидан кун ботиш тарафигача ҳадемай электромобиллар қатнай бошлайди. Қанчадан қанча оилалар янги уй-жойларга кириб олганидан боши осмонда. Шаҳарнинг “Ипак йўли” кўчасида кенгайтириш эвазига бузилган иморатлар ўрнига эллиқдан зиёд уч қаватли турар жой бинолари қуриб битказилди. Қалъа ичидаги икки-уч қаватли биноларнинг биринчи қавати шаҳар меҳмонлари ва сайёҳлар учун хизмат қиладиган ҳунармандлик дўконларига айланади. Имкон даражаси-



да бу уйларга ҳунарманд усталар, зардўз, каштачиларни жойлаштириш мўлжалланмоқда.

Қалъа ичида бунёд этилган тарихий обидалар барчаси жиддий таъмирдан чиқарилган. Марказдаги Чорсу деҳқон бозори бутунлай янгидан қурилди.

Абдушукур Оғалиқ мадрасаси таъмирланиб Ислоом Маданияти Марказига, Чубин мадрасаси тарих музейи-

га, Коба мадрасаси миллий мусиқа асбоблари музейига айлантирилди.

XV асрда бунёд этилган ҳаммом қайтадан барпо этилди. Кулоллик чойхонаси чирой очди. Дорут-тиловат, Дорус-саодат мажмуаларига кирувчи Шайх Шамсиддин Кулол, Гумбази Саййидон Жаҳонгир мақбараси, Кўкгумбаз, Ҳазрати Имом мачитлари асл ҳолига келтирилиб таъмирланди. “Ҳовузи мардон”, “Сардоба” бинолари қайта тикланди. Шаҳарнинг ўзида мавжуд меҳмонхоналардан ташқари тўртта хусусий меҳмонхона, иккита санъат ва мусиқа мактаблари қурилмоқда. Санъат саройи, Тарих музейи қад ростламоқда.

Энг асосий эътибор, шаҳарнинг ўз номига муносиб сабза – яшил шаҳар эканлигига қаратилди. Қишин-ёзин ям-яшил туриши учун ташкил этилган янги боққа Белгиядан 32 минг тупдан зиёд дарахт кўчатлари, ажойиб гуллайдиган бутасимон гуллар туваги билан олиб келиниб, экиб кўқартирилди. Улар орасида каштан, дуб, липа, қайрағоч, япон беҳиси, лола дарахтлари, ер бағирлаб ўсадиган бутасимон ўсимликлар, тоғ арчаси, магнолия, жасмин, вегелла, зирк, настарин каби ноёб бутасимон ўсимликлар ҳам бор. Ўтган йил уларнинг кўпчилиги гулга кирди.

Тасбеҳ донасидай ўтади йиллар, кунба-кун ободдир ошиқ кўнгиллар, Оқсарой пойида гуллар арғувон, уни ҳидлаб туйсанг бегумон. Атир пуркаб ётар ҳаммаёқ, бошдан-оёқ чорбоғ. Ошиқ булбулларга тўлганин кўринг. Гилам дўппи талаш бўлганин кўринг. Меҳмон келиб кетса етти иқлимдан, ҳарчандки, санаса ўзни билимдон, хайратдан ёқасин ушлаб, барча армонларни орқага ташлаб, сўнгра зиёрат қилса Соҳибқиронни, кўнгли тўлиб қайтар ҳар сайёҳ. Биз эса толедан миннатдор авлод, Ватан мадҳиясин ҳар дам қилиб ёд. Темур бунёд этган Турон салтанат, яна балқиб турса қандай бахт. Тошга ёзган каби ям-яшил ёзув, Оқсарой тоқида яшнаб турибди: “Шубҳанг бўлса, куч-қудратимизга, Биз қурдирган иморатга боқ”. Дунё келиб кўрсин, лол қолиб турсин.

Дунё тургунча турсин Ватаним – томиримдан уланган жоним.



Муҳаммад АЛИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати. 1942 йилда тугилган. Москвадаги Адабиёт институтини тамомлаган. “Машраб”, “Гумбаздаги нур” каби дostonлар, “Боқий дунё” шеърый романи, “Сарбадорлар” тарихий дилогияси, “Улуғ салтанат” тетралогияси, “Абадий соғинчлар” роман-хроникаси муаллифи. Қадимги ҳинд эпоси “Рамаёна”, Бёрнс, Шиллер, Байрон, Пушкин, Лермонтов асарларини ўзбек тилига ўгирган.

"Соҳибқирон" китобидан

*Соҳибқирон Амир Темур
таваллудининг 680 йиллигига*

Шоир

Бадиҳа

Қўлга олганда қалам,
Кўзи нурларга тўлди.
Уйғoқларни уйғoтмоқ –
Доим вазифа бўлди.

Тирикларни тирилтиб,
Ҳамду сано ўқиди.
Улуғ Ватанни алқаб
Шеър-дostonлар тўқиди.

Сатрлар орасига
Жойлади маъноларни.
Сехрли сўз ичидан
Топди не дунёларни.





Тарихга таъзим айлаб,
Эъозлаб шаън-шукуҳин,
Шод этди, этди тавоф
Соҳибқироннинг руҳин.

У шоирдир. Шоирлик
Яратганнинг инъоми.
Бас, жаҳонга янграсин
Озод ўзбекнинг номи!

Шоир қаламин тутса,
Кўзи нурларга тўлгай.
Уйғоқларни уйғотмоқ –
Умрбод бурчи бўлгай...

“Исмим Темурбекдир, Темурбек сўзим.....”

Исмим Темурбекдир, Турон ўғлимен,
Юртимда ёв кўриб, бағри тиглимен.
Чақмоқнинг симини бука олғон ким,
Ёмғирнинг ипини туга олғон ким?
Ким ўша ер-кўкни якқалам этган,
Бу фалак-дунёнинг тагига етган?
Ғайбий хотифлардан келгай бир садо:
“Бу ёлғиз Ўзидур, Ўзи – Ҳақ-Худо!”
Кабиру зулжалол, жаббору ғаффор,
Ҳамду сано сенга, эй, Парвардигор!
Азал-азалийсан поёни йўқ, йўқ,
Абадийсан, англаш имкони йўқ, йўқ!
Эй, кўкни устунсиз кўтариб азот,
Кун-ойни ҳукмига бўйсундурғон зот!
Кечани кундузга айлағон шерик,
Бор жумла мавжудот сен билан тирик!
Салламно айтади чўлу дара, тоғ,
Жўр бўлур чақмоғу момақалдиروق...
Боғдаги гул эса барқ уриб гулгун,
Шукр дер, менга ризқ берганинг учун.
Борлиқ олам узра босдинг муҳрингни,
Фаришталар алқар сенинг умрингни!
Гарчи забт этсам ҳам ярим дунёни,
Титратсам сарбаланд еру самони,
Имон келтиргаймен неча минг карра,
Сен – улуғ тоғдирсен, мен – кичик зарра!..





Исмиим Темурбекдир, Турон ўғлимен,
 Дили аламлимен, кўнгли чўғлимен.
 Инсон тўрт унсурдан яралмиш азал,
 Яралмиш бекаму кўсту мукаммал.
 Ўт билан сув дерлар, тупроқ ва ҳаво –
 Тўрт нарсдан тўлуғ еру кўк, фазо...
 Туғилдим Кешда мен, толе ониди
 Амир Тарағайнинг хонадониди.
 Тангри бандасини шундай яратди,
 Сўнг жумла оламини унга қаратди...
 Оқ ювиб, оқ тараб Тегина онам
 Асло тегизмади кўзларимға нам.
 Офтоб нур сочару кўргизур ҳиммат,
 Аммо ҳиммат учун қилгайму миннат?
 Болалик чоғимдан мисли сирдошим
 Бошимда соябон бўлди куёшим.
 Дардим бор, дардлашни истайди кўнгил.
 Ўпиб пешонамдан отам дерди: “Бил:
 Ғам тортган шунқорнинг кўнглини олғил.
 Инчунин савобнинг тагида қолғил!
 Агарда бошинга тушса қора кун,
 Соянг ҳам сени тарк этмоғи мумкин.
 Бамисли шам эрур инсон ўзи ҳам,
 Ёниб қачон тугар – сира билмас шам...
 Билгил, суиистеъмол қилсанг мабодо,
 Қусурға айланур фазилат ҳатто.
 Чин дўстлар қилмағай хиёнат зинҳор,
 Уларда имон бор, бор диёнат, ор...
 Умрингда кўл келар дея атайин,
 Бобонг ўгитини сенга айтайин:
 “Ўзингни кам ўйла, ўзгани – кўпроқ,
 Ўзгани шод этсанг, шул сенга хўброқ...”

Исмиим Темурбекдир, Турон ўғлимен,
 Томир-томир абад сенга боғлимен.
 Кенгашга юкладим салтанат ишин,
 Бир эмас, иккимас, тўққиз улушин.
 Пирим шул ҳикматни дилимға солмиш,
 Фақат бир улуши қиличға қолмиш.
 Зеро, Ҳақ осмондан туширмиш ерга,
Китобу Тарози, Темирни – бирга.
 Бандага “илм” ёр, “адолат” ёрдир,
 Афсус, “темир”га ҳам эҳтиёж бордир...

Туғимда уч халқа ярқирар ял-ял:
Эзгу сўз, хур фикр, хайрли амал.
Эзгу сўзни тутиб, хур фикр айлаб,
Хайрли амални кўнгилга жойлаб,
Мадрасалар қурдим, боғлар уйғонди,
Бўй-бастимга қараб тоғлар қувонди.
Тикладим урф-одат, удумларни мен,
Асрадим золимдан мазлумларни мен.
Катталарин кўрдим ака ўрнида,
Кичикларин суйдим ука ўрнида.
Емадим – едирдим, ичмай-ичирдим,
Гуноҳ қилғонларни дарҳол кечирдим.
Меҳр ила қаҳримни айлаб ҳаммайдон,
Жазо беришликдан тийилдим ҳар он.
Жазо қўлламоқдан Худо асрасун,
Қўлласа, Оллоҳнинг ўзи қўлласун.
Кўнгилдан нозикроқ кўрмадим аъзо,
Кўрмадим, ки бандни эҳсондин аъло,
Энг нозик аъзони қатъий ва қоим,
Эҳсон банди билан боғладим доим!
Хайру эҳсонларни дариф тутмадим,
Хайрсиз лаҳза ҳам куним ўтмади.
Дунёга кенг боксун, юрт тузғон ул мард,
Душманни ўзига дўст қилмоғи шарт:
Душманинг биттага камайгай, ўғлон,
Биттага кўпайгай дўсти дили жон.
Дўст қани?.. Ҳушёр бўл, емай пушмонлар,
Дўст – дўстга айланғон эски душманлар.
Бир ҳикмат қалбимда Оллоҳдан сийлов:
“Дўстингга бўл ялов, душманга – олов!..”

Исмим Темурбекдир, Турон ўғлимен,
Чақмоқ қиличлимен, мағрур туғлимен.
О, бизлар тўп бўлиб бола паллалар,
“Пошшо-вазир” ўйнар эдик болалар.
Мен пошшо бўлардим... Миниб ёғоч от,
Етқизмай кетардим ҳеч кимга, ҳайҳот!
Шундоғ юрт тузишни айлардим орзу,
Токи жаҳон тожи бўла олсин у!
Довруғи дунёнинг тагиға етсун,
Васфани тарих ўз қатиға битсун!
Ҳа, қилич тиғини ўпа олғон зот
Пошшоликқа лойиқ эмиш умрбод!



Ҳар кимнинг қамчиси ўз қўлиндадир...
 Ҳар кимнинг толеи ўз йўлиндадир.
 Майдон мард изидан топадур шараф,
 Мард ҳам улуғланур майдонга қараб.
 Шиддатимни кўриб жўшди дарёлар,
 Пойимга тўшалди чўлу сахролар.
 От устида бўлдим, юрмадим яёв,
 Йўллар танобини тортдим беаёв.
 Қачонки, майдонга солибдурмен от,
 Ҳақ дариф тутмади назарин, ҳайҳот,
 Илоҳий сабаблар уланиб бир-бир,
 Қўшилиб ниятлар, такбирга такбир –
 Бошда етти иқлим боғбони – офтоб,
 Наъра тортиб кирдим жангларга шитоб!
 Ёвларни титратдим, чўккалатдим тиз,
 Бош эгиб чиқмадим майдондан ҳаргиз!
 Тангри таолодан мададлар олиб,
 Фақат ғолиб бўлдим, фақат мен ғолиб!
 Ҳамиша юксакда балқиди туғим,
 Ҳамиша фалакда яйради рухим!
 Англлатдим дунёга бир сўзни лекин:
 Туронга бўроннинг қофиялигин!
 Ҳа, эллар улуғи Турондир, дўстлар,
 Туронга қофия бўрондир, дўстлар!..

Исми Темурбекдир, Турон ўғлимен,
 Ватан, сенсиз мен ҳам борли-йўқлимен.
 Дунёда омад бор, бахт бор, висол бор!
 Ноумид қўймагай ҳеч Парвардигор!
 Шундоқ эранлардан бири бўлдим мен,
 Дунёни титратган шери бўлдим мен,
 Ўн саккиз минг олам яратган Худо,
 Хоҳлаган қулига мулк этгай ато.
 Дунёга не учун келганин агар
 Англаса, шул инсон бахтли муқаррар!
 Мен Ватан, Турон деб дунёга келдим,
 Ватанни кўзимга тўтиё билдим!
 Чилпарчин косадай қуроқ эдинг сен,
 Турон деб аташдан йироқ эдинг сен.
 Самарқанд бир ёқда, Тошканд бир ёқда,
 Қайсар, ўз ҳаддидан ошган бир ёқда...
 Миллат деб қуйиш йўқ, эл деб ёниш йўқ,
 Қуйманиш, тўлғониш, ох, ўрганиш йўқ!



Халқим юрагига ҳамсоз, ҳамнафас,
Бирикмас бошларни қовуштирдим, бас!
Юрт деб яшагани кўтардим бошга,
Ибрат деб алқадим, кексага, ёшга...
Шукрим, муроду мақсадга етдим:
Туронни ягона мамлакат этдим!
Оллоҳдан сўрайман, то замон-замон,
Жаннатдай юртимни асрагин омон.
Дунёга таралсун шуҳрати, шони,
Илоҳи, мусаффо бўлсин осмони!..

Исмим Темурбекдир, Турон ўғлимен,
Юртимда ёв кўриб, бағри тиглимен.
Дили аламлимен, кўнгли чўғлимен.
Чақмоқ қиличлимен, мағрур туғлимен.
Ватан, сенси мен ҳам борли-йўклимен.
Исмим Темурбекдир, Турон ўғлимен,
Томир-томир абад сенга боғлимен!..

Валиаҳднинг уйланиши

Ўн еттига кирди Муҳаммад Султон,
Уйлолмай қийналар Сароймулкхоним.
Назардан ўтади не-не моҳтобон,
Маъкул эта олмай ҳалакда жони.

Сўнг Амир Темурга ёлборар, сўрар:
“Ҳазратим, насиҳат айлангиз бир оз.
Ҳеч кимни ёқтирмас валиаҳд, қайсар,
Қудратингиз бисёр, ҳайиқмоғи рост!”

Амир Темур дейди: “Қудратим буюк,
Юртларни кўшамен юрган йўлимда.
Лек, икки кўнгилни кўшмоқ... о, йўқ, йўқ!
Бунга ожиздурмен, келмас кўлимдан!

Кўнгил – осмондаги эркин кушдир, бас,
Кўнгилга султон ҳам ҳоким бўлолмас!..”

Туман оқа малика

Бахти тўкис малика,
“Туман оқа” номи бор.

Кўрганлар дер: “Ёнида
Ўчмас порлоқ шамъи бор!”



Хурилиқо, сарвқомат,
Унинг нима ғами бор?

Ҳар нарса бисёр, аммо
Биттагина ками бор:

Тирноққа зор ўтдим деб,
Кўзларида нами бор.

Шундоқ, болдай ҳаётнинг
Аччиққина таъми бор...

Қилич ҳақида икки фикр

Амир Ҳусайн:

Қилич билан бирлаштирғаймен
Ўзбошимча, гажир бекларни.
Ўз ҳолича бўйин эгмаслар,
Ўз ҳолича тилар эрklarни!

Амир Темур:

Қиличга ҳеч кунинг қолмасин,
Синмас қанотларни қайиар.
Қилич, асло, бирлаштирамайди,
Қилич, афсус, баттар айиар!

Қилич дастасидаги битиклар

* * *

Қонга – қон, жонга – жон! Унутма, ўғлон,
Унутма, ўртада турибди имон!

* * *

Тутганда, бир лаҳза шайтонга ҳай бер,
Жиловлай олади қаҳрин ботир эр!

* * *

Офтобда ярқ этган қилич тиғиму,
Йўқ, йигит ғазабин учкунлари у?

* * *

Қилич агар синса, қўл билан ёпиш,
Душманни маҳв этгил мисли Алпомиш!

* * *

Билгилки, сен билан кўрклидир майдон,
Қилични қўлингдан туширма, ўғлон!

* * *

Кўнглингда сақлагин шундай илинжни,
Маҳкам тут боболар тутган қилични!

Соҳибқирон дейди

Бағоят теран эрур
Ушбу гапнинг мазмуни:
Мард бир марта ўлади,
Кўрқоқ ўлар ҳар куни!

Белбоққа ёзилган битиклар

* * *

Белбоғ муқаддасдир, мардлар боғлаюр,
Боғлаган ўзини тоғдай чоғлаюр.

* * *

Бу танимда токи жоним бор,
Ёлғиз сени дейман, сени, ёр.

* * *

Тикдим, ғойибона меҳр-ла дилдан –
Белингдан кучай деб қўлларим билан.

* * *

Ҳар кимга ҳам жоиз эмас белбоғлар,
Ҳақиқий белбоғни халқу эл боғлар.

* * *

Мен дилдорлар ичида энг бахтиёр,
Ёргинамнинг белида белбоғи бор!

* * *

Белбоғ тикдим ёзиб кўнгили хуморим,
Белини маҳкам қил, Парвардигорим!





Бизнинг барлос боболар

“Хон тағойи барлос,
Мардикорга бормас...
Мардикорга бормас,
Хон тағойи барлос...”

Шундай кўшиқ айтарди
Бизнинг барлос боболар.
Сўнг кўшиққа изма-из
Уланарди дуолар.
Дўлвор, ўктам овозлар
Тоғлар оша ўрлайди.
Она юрт деб ўртанган
Кўнгилларни нурлайди.
Боболар дуосидан
Куч олади Темурбек.
Қишлоқдан – жаҳон сари
Йўл солади Темурбек.
Шиддат билан лашкарга
Танлайди йигитлардан.
Битта ҳам кўшмас сафга
Субутсиз ирkitлардан.

Амирзода отланар
Тошкўрғоннинг ғорига.
Икки юз қадам баланд
Чикмоқ шарт юқорига.
Ярим йўлда – ҳаво йўқ,
Йигит қолар ютоқиб.
Қулиб дейди Темурбек,
Йигит кифтига қоқиб:
“Қийналдинг-а, қолақол,
Ўйлаганим – олис йўл!
Ким ғорга чикса осон,
Ўшал мард бизга мақбул!

Тоққа чикдим, кўркмадим,
Сувга тушдим, чўкмадим!
Молу сарик чақа деб,
Обрўйимни тўкмадим!

Тин билмадим бир лаҳза,
Ўтда ёндим, ёнмадим!
Ният холис, айтдим сўз,
Айтганимдан тонмадим!



Ёв ўқ отар беомон,
Ўқлар ботар жонимга!
Аммо сира текканин
Сездирмадим ғанимга!

Ўйлаганим – йўл олис,
Олдимдадир кенг жаҳон!
Жаҳонни олмоқ учун
Мардлар керак, укажон!

Олға, ортга қайтиш йўқ,
Жонга – жону қонга – қон!
Ёвни тиз чўктирмоққа
Мардлар керак, укажон!

Боболардан мерос бу,
Азал, замону замон!
Дунёга бўй чўзмоққа
Мардлар керак, укажон!

Мен жаҳонни олурмен,
Ўйламай жону танни!
Улуғламоқ мақсадим,
Турон – Она Ватанни!..”



ҲУКМАТ

Саодатбахш руҳ зудолига манбаъ ҳам тил,
шақоват наҳс кавкабига матлаб ҳам тил.

Алишер НАВОИЙ



Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университети-нинг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ёзувчининг “Ҳовли этагидаги уй”, “Жажман” каби ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. “Паноҳ”, “Ҳижроним мингдир менинг”, “Оромқурси”, “Чаён-гул” каби қиссалар, “Бозор” романи муаллифи.

ДОНИШМАНД СИЗИФ

Роман

I

Зўрнинг тоши қирга қараб юмалар... Тақир ерда узоқ ўтирган Сизиф ўзи ҳам тўла англамаган аллақандай маънода бошини бир сермаб кўйдиди, оғир кўзғалди. Асли у новча-дарозгина эди, лекин узлуксиз оғир ва қора меҳнат оқибатида тарашадек қотиб кетган қад-қомати хийла букилиб қолганидан олдинга осилиб турган узун-узун қўллари тиззасига тегай-тегай дер, нафақат қад-қомати, балки дийдаси ҳам қотиб кетган, унча-мунча гап-сўзга таъсирланавермас ҳам эди. Ваҳоланки, бу гапни кўп эслайди у, бир пайтлар ёдига тушган захоти чехрасида беозор-беғубор табассум пайдо бўларди, буткул қисматим мужассам бу ҳикматда деб ҳайратланар, баъзан рўпарасида қад ростлаган тоғу тошнинг, айниқса, ёнгинасида қўққайиб турган харсангтошнинг қулоғига етиб борармикан деган умидда уни баъзан баралла – овозининг борича бақириб-ҳайқириб, баъзан эса шивирлаб айтарди. Қалб тубидан чиққан ёхуд астойдил ҳайқириб айтилган гап бетаъсир қолмас деб ўйларди. Кейинчалик эса, эшлашга эслайди, айтишга айтадию, на кулади, на қуяди, на пинагини бузади...

– Ҳой, Сизи-иф, ялқовликни бас қил, қара, харсанг интизор сенга, харсангтош!..

У оҳиста бош кўтариб, овоз эгасини топмоқчи бўлди, “ялқовлик” де-



димиди, ола-а, Сизифнинг шаънига исталган маломат тошини отсинлар, чидайди, илло ялқов деган таъна тавқи лаънатдек эшитилди қулоғига, аслида ҳам ялқовликка бало борми бу ерда, ахир туну куннинг фарқи қолмаган, очин-тўқиннинг фарқи қолмаган, ҳордиқ бадар унутилган бу жазо ошённинг ҳар лаҳза-ҳар сонияси меҳнатдан, машаққатдан, уқубатдан яратилган бўлса! Бу ҳақиқатни аллақачонлар англаб идрокига сингдириб юборган Сизиф бисотидаги нодиру нордон сўзлар учун оғиз жуфтлаб атрофга аланглади, бироқ овоз эгаси тугул, даъват қай томондан келганини ҳам аниқлай олмади. Овоз жуда-жуда таниш эди, афсус, таниш чехра ўрнида унинг рўпарасида хайҳотдай харсангтош қўр тўкиб турар – харсангдан бошқа нима ҳам овоз чиқара оларди бу биёбонда?! – яқин-яқиндан у тилга кирадиган одат чиқарди ва Сизифга қадрдон аллақимнинг жуда-жуда таниш товушида тўсатдан сас-садо таратадиган бўлиб қолди. Сизиф хўп ўйлади, хўп уринди, эслолмади, илло унинг ишончи комил – дийдаси метинга айланиб кетган харсанг шу туришича ҳамишадагидек яна ва яна Сизифни навбатдаги муҳорабага, олишувга чорлаётган эди.

* * *

Сизиф ортиқча ўйлаб ўтирмади, нима қиларини билмай боши қотган одам сингари чаккасини қашлаб ҳам турмади, балки иккала кафтини бараварига харсангтошнинг тагига сукди, эти мушаклари пўлатга айланиб кетган кўкси ва елкаси аралаш тошга қапишди, оёқларини ерга тираганича: “Ҳа-а юмалоқ, ҳа-а думалоқ, ҳа-а бақалоқ”, деганича жон-жаҳди билан харсангни жойидан силжитди. Бутун залвори билан ерга қадалган харсанг худди шу турткига шай ва интиқ тургандек, гўё япроқдан ясалган тошдек энгилгина ҳаракатга тушди. Харсангнинг бу феълини Сизиф аллақачон ту-

Сизиф англаган ҳақиқат

Ҳомер куйлаган дostonларда айтилишича, Олимп маъбудлари Коринф ҳокими Сизифни жазолаш учун уни то қиёматга қадар оғир ва думалоқ харсангни баланд чўққига думалатиб чиқаришига ҳукм қиладилар. Сабаби – у исёнкор, маъбудларни алдаган, Ўлимни занжирбанд қилган, ҳатто бош маъбуд Зевсга қарши боришига журъати етган одам. Маъбудлар бежиз бу жазони раво кўришмаган. Чунки харсангни чўққига думалатиб чиқаришининг иложи йўқ, Сизиф юқорига чиқдим деганда, харсанг пастга қараб думалайди. Маъбудларнинг назарида Сизифдек исёнкорга бемаъни ва бефойда меҳнатдан ҳам оғирроқ жазони топиб бўлмайди. Европада “Сизиф машаққати” ёки бошқача айтганда, “Сизифчасига меҳнат” деган иборанинг пайдо бўлиши ҳам шунга ишора.

Лекин Хуришд Дўстмуҳаммад яратган Сизиф бежиз донишмандга айланмаган. У ўзига ўқилган ҳукмининг мантиқий интиҳосини топа билади. Думалоқ харсанг чўққига чиқа олмаса, демак, у емирилиб адо бўлиши керак! Агар Сизиф шунчаки ҳукмини адо этиб, дўзахдан чиқа олса, унинг аввалги, Ҳомер куйлаган Сизифдан қанчалик фарқи қолади? У донишмандга айлана оладими? Аслида Сизиф ким ўзи? Назаримизда, ёзувчи кўйган савол шундан иборат.

Замонавий насримизда пайдо бўлган яна бир ажойиб романи “Шарқ юлдузи” журнали ўқувчиларига тавсия этмоқдамиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгаши



шуниб олганди, бинобарин, у дарҳол ўзини ярим одим ортга тортиб, тошни ўз ҳолига қўйди. У куч-қувватини мисқоллаб сарфламоғи, ҳар қадам, керак бўлса, ҳоли-қудратини ҳар қарич-ҳар баҳя учун ўтакетган хасислик билан тақсимламоғи зарурлигини яхши биларди. У кўз етар, аммо қўлу оёқлари етмас манзил – тоғ чўққиси томон бир қур қараб ҳам қўймади, зеро турган жойидан то ҳо-ов чўққига қадар масофанинг ҳар кулоч, ҳар қаричи ёд бўлиб кетган, оёғининг остидан кўз узмаса-да, тоғ ёнбағрининг қайси манзилида бораётганини, чўққига довуру яна қанча масофа қолганини беш қўлдай билади. Сизиф одатда харсангга тармашган дамларда ўйламасликка ҳаракат қилади, ортиқча ўйлаш жисмоний қувватимни сўриб олади деб хавотирланади, шу боисдан ўй-хаёлларини-да аъзойи бадани – вужудидан вулқон янглиғ отилиб чиқадиған шиддатига пайваста қилади – унинг учун харсангтошни тепалик сари думалатишдан муқаддасроқ, муҳимроқ, савоблироқ бурч, мақсад-вазифа қолмайди. Шу онда хаёл уюрига булут ўрқачлари қўшилади, хаёлга чирмалган булут ёхуд булутга қоришган хаёл даф солганида ундан халос бўлиш осон кечмайди, устига-устак, кучи қирқилиши оқибатида тошнинг думалашини сусайиши, йўлнинг унмаслиги ҳам майли, бундай дамларда харсангтошдан кўра қоп-қора булутга тўйинган ўй-хаёллари юз, минг қарра оғирроқ, залворлироқ туюлади Сизифга – харсанг ва хаёл қадрдонлашиб олса борми, Сизиф ёлғиз, ночор ва абгор бир ҳолатга тушар, ҳализамон улар икков жипслашиб мен танҳони нақ мажақлаб ташлашади деган хавотирда қочгани жой тополмай қоларди. Йўқ, Сизиф зинҳор бунга йўл қўя олмайди, йўл қўймайди ҳам, зеро, пешонасига урилгудай бўйлашиб турган харсангтошни ҳо-ов анави чўққига олиб чиқиш унинг ягона мақсад-маслагига, умрининг маъно-мазмунига айланиб кетганини бирон лаҳза унутмайди, у шунга мубтало, шу боисдан ҳам, қандай бўлмасин, хотинини номаҳрам назардан қизғанган эркакдек харсангтошнинг метин вужуди билан апоқ-чапоқлашиб кетган хаёлларини амаллаб ундан айиради. Харсанг қанча тош босади, бордию, тарозининг палласига қўйилса, неча ботмон чиқади, умуман уни чўққи сари суриб чиқаришга инсон боласи қодирми йўқми, булар ва шунга ўхшаш саволлар, иштибоҳлар устида Сизиф жуда кўп бош қотиради, бироқ уларнинг бирортасига тайинли жавоб тополмас, бари-барчаси бекор-бехуда деган қарорга келибгина қўл силтарди. Сизиф бу қарорини ҳақиқати мутлақ сифатида қисматиға, толеларға лиммо-лим тақдир лавҳларига ўчмас қилиб муҳрлаб ташлаган. Эшиги-туйнугидин йўқ нишон, афт-башараси, кўз-қулоғи ниҳондин-ниҳон юм-юмалоқ, дум-думалоқ, бақ-бақалоқ – харсангтош эмас, Сизифға инъом этилган қисмат тоши, тақдир тоши, насибаси, оши ҳалоли бу! Не замонлардан буён бериб келинган “жазо тоши” қабилдаги бадҳазм таърифу тавсифлар, яъни ўзининг шаъниға ёғдирилган тухмат тошларига тоқати йўқ Сизифнинг, зеро у тақдир ва қисматни ўзига раво кўрилган инъом, иноят, насиба деб билади, ҳамон маъбудлар маъбудни раво кўрдими, вассалом, Сизиф унга қарши ғалаён кўтармайди, у ўзини ғаддор исёнкорлар тоифасига қўшмайди, тақдирнинг қайтмас панжасига панжа уриш ниятида



килич яланғочламайди, балки кўксини қалқон қилиб харсангтошни чўққига олиб чиқиш ҳақида қайғуради, астойдил қайғургани учун ҳам шу мақсад, шу орзу унинг аъмолига, ўтаётган умрининг мазмунига айланиб кетганди.

Харсангтошнинг ерга қадалиб турган жойидан осонгина ҳаракатга тушиши, қарич-бақарич юқорига қараб ўрмалашини ҳам ўша тақдир ва ўша қисматга соғлом ва садоқатли муносабатининг ажри деб билади Сизиф. Вужуди, шуурини камраган ушбу ишонч-эътиқод Сизифнинггина эмас, харсангтошнинг ҳам ишонч-эътиқодига айланиб кетган, худди шу сабабга кўра тош гўё Сизифни ортиқча уринтиргиси келмагандек, унинг қўл учлари тегар-тегмас бир, икки, ҳатто уч-тўрт одимлар ўзидан-ўзи думалаб борар, буни кўрган Сизифнинг назарида қуёш денгиз томондан эмас, ўзининг чехрасидан чиқиб келиб оламини чароғон қилиб юборгандек туюлар, қувонганидан вужудида сон-саноксиз алп-пахлавоннинг кудратини ҳис қилар, агар шу маромни саклай олса, агар шу шиддатни сусайтирмаса чўққига эсон-омон қадами етишига, харсангтошни чўққининг қоқ учига кўндириб кўйишига ишончи, қатъияти ортар эди.

* * *

Аслида эса чўққи остонасидаги яланглик бир қадар равон, сатҳи бир қадар нишаб эканлиги боис харсангга бир туртки кифоя – Сизифнинг ҳам, тошнинг ҳам жони киради гўё – харсанг юмала-аб кетади. Ҳар сафар шундай – ҳар сафар Сизифнинг хаёли тотли ўйлардан масрур, назарида чўққининг энг тепасига доғур харсангтош мана шу маромда – қир бағрида сирпанчиқ учаётган болакайнинг чанаси янглиғ силлиққина, беозоргина сирпаниб кўтариладигандек туюлади.

Сизиф қарсақ чалиб юборди, харсангтош ёнида ўзи ҳам думалаб-ўмбалок ошиб, ирғишлаб, қийқириб, шодлигини ким билан баҳам кўришини билмай... харсангтошни кучоклаб олди, баракалла, дея унинг елкасига шاپатилаб қоқди, уни силаб-сийпалади, юмалокқинам, думалокқинам, бақалокқинам дея, дуч келган жойига бетини босиб онасининг момиқ бағрига сингиб кетаётган пишакчадек тантиғланди-эркаланди. Ваҳоланки, оғир, машаққату укубатлар сўқмоғи бошланажак мана шу кафедеккина нишаб яланглик кўндалангига, нари борса, олти-етти одимдан ошмас, кўзга кўриниб турган эса-да, қарийб ҳар сафар шу йўлбошидаги эмин-эркинликдан туғилган шодумонлик Сизифни гўдакларча кўзини кўр, ақлини кемтик қилиб кўярди. Ахир олти-етти одимдан сўнг тик қиялик бошланади, олдинда юқорига қалин аркон янглиғ ўрмалаб кетган сўқмоқ эгри-бугри, ўйдимчуқур, бинобарин, бояги равонлик ортда қолгач, энди у ёғига ҳар қадам эмас, ҳар қарич илгарилаш Сизифдан бир дунё куч-қувват талаб қилади. Лекин у йўлнинг – харсангтош чўққи сари чиқавериб-чўққига етар-етмас пастга думалаб тушавериш очган сўқмоқнинг нақадар машаққат сўқмоғи эканини беш қўлда билади. Боринги, Сизиф ҳали йўлнинг бошланишида эмасми, шундан унинг билаклари, елкалари, биқини, тиззалари кучга



тўлиб турган бўлади, ўзи чарчоқ нима эканини билмайди, бир умр экану, то-абад шу машғулотга андармон бўлишга-да қурбим-қурбатим етади деб ишонади. Одат кўникмага ёинки кўникма одатга айландими, вассалом, унинг заррача оғирлиги сезилмайди одамга, бинобарин, ҳеч бир урф-одат ўзига ихлос қўйган қавм имкониятлари билан ҳисоблашмайди. Аксинча, унинг ҳатто машаққату уқубатлари ушбу қавм кишиларига роҳат, адоқсиз роҳат-фароғат бағишлайди! Оҳ-ҳо-о, одатланиш нималарга қодир эмас, яхшилар!..

* * *

Харсангтошни қирга қарата юмалатиш, шу аснода толиқиш, қавариб кетган кафтлари, елкаларига қалтироқ туриши, ҳолсизланишлари, зирқираб азоб беришлари аллақачонлар Сизиф учун оддий ва одатдаги ҳолга айланиб кетган, қолаверса, йўл бошида у оғринмайди, харсангтошни яна уч-тўрт, баъзан саккиз-ўн одимлар масофага олиб чиқишда қийинчилик нима эканини деярли билмайди.

Қийинчилиكنинг илк куртаклари пича кейинроқ уч бера бошлайди.

Сизиф бир зум нафас ростлайди, тин олади, оёғининг учини харсангтошнинг тагига пона ўрнида сукиб туради, тўсатдан у мувозанатини йўқотиб, пастга қараб шўнғиб қолмаслиги учун шундай қилади, неча дафъа шундай бўлди ҳам – нафас ростлаш истагидаги бир лаҳзалик паришонлик тошнинг пастга қараб қуюндай отилиши билан якун топди. Тош бир чимдим ортга силжидими, тамом, уни тутиб қолиш, олдинга ҳаракатлантириш учун чиранишлари зое кетар, бунга бандасининг қудрати ожизлик қиларди. Сизифнинг меҳнати, машаққату уқубатлари ҳисобсиз марталар шу тарзда завол топди. Ҳисобсиз марталар аччиқ ситамлар остида эзилди, бироқ алами ўзидан эди, ахир ён-берида, атроф-жавонибда ҳеч зоғ йўқ, тош олдинга бир кадам-бир қарич силжиса, ўзини ўзи олқишлайдиган ҳам, қўйига қараб шўнғиса, ўзини ўзи аямай-нетмай яниши, болохонадор қилиб сўкишлари ҳам ўзининг шаънига қаратилган бўларди.

* * *

Харсангтошнинг юм-юмалоқлиги, бир ҳисобда, Сизифга қийинчилик туғдирса, бошқа жиҳатдан қулайлиги ҳам йўқ эмасди. Бордию, харсангнинг тизза ё тирсакка ўхшаш туртиб чиққан, текис-ясси жойлари бўлганида у ҳар думалаганида силтаниб-чайқалиб мувозанатни сақлай олмаса, уни тутиб қолишга Сизифнинг чоғи келмай қолар, бинобарин, харсангнинг ҳар ҳаракати ўн хавотир-тахликани келтириб чиқарган бўлур эди. Шу боис, харсанг нечоғлиқ силлиқ ҳаракатланса, Сизиф ҳам шунчалар мулойим тортар, мумкин қадар кучига зўр бермаслик чорасини изларди.

Бу сафар харсанг унга тўла-тўқис бўйсунмаётган, бундан Сизиф нечоғлиқ мамнун бўлмасин, кўнглининг бир чеккасида ҳадемай харсангнинг ўжарлиги тутиб қолиши муқаррарлигидан, уни тирноқча олдинга суриш ҳам машаққатга айланадиган жойлар келишидан хавотири ҳам йўқ эмасди.



* * *

Ўша кун, ўша сонияларда юз берган воқеалар Сизифнинг ёдидан сира ўчмайди. Ёдида ҳам гапми, бамисоли сахнада қўйилган томошадек ҳар бир манзараси нигоҳи рўпарасидан нари кетмайди. У ҳақда учига чиққан таъмагир-муттаҳам, афсунгар-товламачи деган овозалар шамолдай тарқаганини, ривоятлар, эртақлару дostonлар тўқиб-бичилганини тушунолмади, ҳамон тушунмайди. Маъбудлар маъбудидан ўпка-гинаси ўз йўлига, билло, кечагина ўзи қатори юрган дуппа-дуруст одамнусха увриндилар шармандаларча бонг уришда шоввозлик кўрсатганларидан ёмон мутаассир бўлди Сизиф. Ўб-ба, баччағарлар-ей, ўб-бба ювуқсизлар-ей, дея мириқиб кулди. Уларнинг катта-кичигига бўлган хурмати шоён самимий, ҳар бирларини бошига кўтаришга шай эди. Бу ёғини айтадиган бўлса... нимасини яширади энди у, кимдан сир тутади, индаллосига кўчганда, Сизиф ич-ичидан уларга аччиқ истехзо билан қарар, олифталар, мунофиқлар, хезимкашлар, резгилар... пайраҳалар, деб сўкинар, ҳеч ким ва ҳеч нарса эмас булар, дея ҳар бирининг гўрига мингта-лаб тош қалар, ўзларини эркин ҳис қила билмаган эркакнусхалар қанчалар олифталиқ қилмасинлар муқаррар нафратга лойиқдирлар, бунақанги нозик-мизождлар икки дунёда ҳам жасоратга қодир эмаслар деб ҳисоблар, унинг наздида кўрқоқлик ҳам бориб турган тавқи лаънат, шу қадар шафқатсиз тавқи лаънатки, таассуф, бу қарғишга лойиқ бўлмаган тирик жон анқонинг уруғидан-да камёбу ноёб деб биларди.

Содда, гўл, лақмага чиқаришди Сизифни. Аҳмоқона қаҳрамонликни кўнгли тусаб қолди, тентак, деганлар бўлди у ҳақда. Сизиф эса ҳеч бир вайсақи тарқатган иссиқ-совуқ миш-мишга ортиқча ажабланмади, мўйсафид ўтмиш учун бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ, ҳамиша шундай бўлган ва шундай бўлиб қолажак, дея хулоса ясади ўзича босиқлик билан. Ахир қачон қараманг, софдил ва беғубор кишилар виждонсизлар, сўқимтабиатлар, кўрқоқ ва елпатак хушомадгўйларга қараганда хийла тушунарсизроқ, ғалатироқ туюлишади. Кулгига қолиб юришади. Ваҳоланки, ҳаётда жуда кўп сарқитларга қарши курашишда сопини ўзидан чиқариш усули қўл келади, бинобарин, хушомадгўйларни ўлдирса бўлур эди, хушомад билан... кўпиртириб мақтаса бас эди алар нуқсонларини! Чунки билар эди – ҳақиқатни сўзласалар, тоқатлари тоқ, аммо-лекин хушомадга жон деб солишар кулоқ!..

* * *

Сизиф ҳар сафар шуларни ўйлаганида биров биқинига кириб китиклаётгандек кулгисини тиёлмайди. Бордию мен таъмагир-муттаҳам, афсунгар-товламачи ҳисоблансам, ҳақиқий таъмагир-муттаҳамлар, афсунгар-товламачиларнинг афт-ангори, ранг-рўйи қандай бўлади? Ҳарчанд ўйласин, бош қотирсин, тасаввурига сиғдиролмади бўлаётган воқеаларни у. Олис-якин кечмишини неча қайта хаёлида гавдалантириб ўзини ўзи тафтиш қилишга уринди – қачон, қандай шароитда, кимга муттаҳамлик қилди у, кимнинг



мулки-амлокига кўз олайтирди, кимни хиёнаткорона алдаб-сулдади... кимга ноҳақдан-ноҳақ зулм ўтказди – Сизиф эслолмади. Аксинча, у бориб турган оғир-вазмин, хатто ҳаддан зиёд эҳтиёткор, зинҳор эл-юрт орасида ёмонотлик бўлиб қолишни истамайдиган одам эди (“Ана, Коринф аҳли бунга шохид!” дея озмунча бўғилиб ҳайқирдимиз, у?!), ўрни келганда, феълидаги мана шу юмшоқ супурги табиати ўзига кўпда ёқавермас, нафи бўлармикан, деган ўйда бошқаларга эшиттирмай ўзини ўзи янишга тушиб кетарди. Кўрқок, лапашанг деб озмунча сўкканми ўзини ўзи у, эр киши (тағин, кимсан, мартабадор аъёнлардан бўлмиш муҳтарам зот!) лоақал жиндек жасур, кўрқмас, ё остидан-ё устидан қабилида иш тутадиган дангалчи, таваккалчи бўлгани дуруст-да, деб ўзини ўзи тарбиялашга ҳаракат қиларди. Жазо тайинловчилар ва ижрочилар эса унинг “таъмагир-каззоблиги”, жасур-кўрқмаслиги, умуман номаъи аъмоли билан пачакилашиб-ижикилашиб ўтиришмади...

Сизиф йўл бўйи солинтириб келган бошини салт кўтардию, ўзини тик чўкқиси кўкка қадалган мана шу тоғу тош пойида кўрди. Қўллари кишанланган, ҳар бир тўпиғи болдирлари аралаш чандиб боғланган занжир халқаларининг залвори уларнинг ерда аранг шалдираб судралиб келаётганидан ҳам аён эди. Ваҳоланки, Сизиф ҳали бу қадар хатарнок маҳбуслигини, инсон боласи бошига тушмаган жазога маҳкумлигини ҳам теранроқ англаб етолмаётган, айникса... ичида кулди у, ўзининг аҳволи аянчли даражада кулгили кўринди. Ахир, ё, раб, наҳотки, кимсан Сизиф оёқ-қўлларига кишан уриладиган, дунёнинг назар-нигоҳлардан йироқ э-энг овлоқ биёбонига келтирилиб, ёвуз ва шафқатсиз қисмат ила юзма-юз қолдирилишга лойиқ инсон бўлса?! Наҳотки, у ёвуз, малъун кимса сифатида бадарға қилинмоқда? Наҳотки, энди у ўзини, шаънини ҳимоя қилолмайди, менга қулоқ солинглари, яхшилар, сизлар ўйлаганчалик бадбахт одам эмасман, дея олмайди! Деган тақдирда ҳам... тушунча ва тасаввурлар мураккаблаша боради, шаклланади, шу аснода улуғ зотлардаги ақлий эврилиш халқнинг эврилишига – фикран-шууран улғайишига қанот бағишлайди, шу тўлқинда жуда кўп ҳақиқатларга ойдинлик киритилади, жумладан, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тушунча ва тасаввурлар такомил чўкқисига етиб, қуйма ёмби мақомига етган паллада – шу мақомга етишган халқ тўсатдан емирилишга юз тутайди, кирғинга учрайди, деган башоратлар... бе-бе-е, бундай сафсаталарнинг Сизифга, Сизифнинг бошига тушиб турган шафқатсиз мусибатга нима дахли бор?!

У сесканиб тушди, бошини асабий силтади.

– О, тангрилар! Қай гуноҳим учун менга бунча азобни раво кўрмоқдасизлар? Ҳайҳот, наҳот мен шул жазога лойиқ инсонман, наҳот?!

* * *

Сизиф жон аччиғида ҳайқирганидан оёғидаги зил-замбил занжир шарақлаб кетди. Тўпиғи жазиллаб ачишди. Ахир, нечун оёғига кишан уришди унинг? Оёқларида не гуноҳ? Бош гуноҳкор унинг тили-забони эди-ку! Зарурат туғилса, Сизиф буни бўйнига олишга ҳозир нозир эди, бироқ



оғзини жуфтлаган чоғда туйкус фикридан қайтди. Бордию, оёғидаги занжир унинг тилига урилган тақдирда ёинки шу кимсасиз ва овлоқ биёбонга сургаб келиб унинг маҳмадона тилини таг-тугидан қиркиб ташлашган тақдирда ҳам... тилида не гуноҳ-не карохат?! Тили гунг эди унинг, тилини тишлагани-тишлаган эди, ахир. У ҳолда... у ҳолда... Сизиф бошини ҳам қилган кўйи оёқларига разм солди, уларга узрли боқди, уларга таскин-тасалли сўзларини изҳор қилгиси келди:

– Дилимда эди бари, дилгинамнинг қаърида...

* * *

Одатда у йўлбошида заррача қийналмайди, шу сафар ҳам ўйнаб-кулиб тошни юмалатиб юборди, шундан сўнггина ҳақиқий маънода ишга киришди – тошга тармашганича уни қадам-бақадам юқорига, юқорига қаратиб силжитишга тушди. Қадами, қулочи унмоқда эди. У аллақачонлар тошни думалатиш ҳадисини ўзлаштирган, бу машғулот унинг кундалик ҳунарига, ўзи эса харсангтош думалатувчи ҳунармандга айланиб кетган, шундан, унинг ҳаракатлари сийқа, ҳеч бир янгилик йўқ, муҳими, самара, яъни тошнинг олдинга-юқорига қараб силжиши эди. Ўша гап – гап: зўрнинг тоши қирга қараб юмалайди!.. Сизиф ўзини зўр деб билади, шу харсангга кучи етмай мағлуб бўлишини тасаввурига сиғдирилмайди, зинҳор-базинҳор сиғдирмайди ҳам! Шу бақалокқа кучим етмаса, инсонлигим қайда қолади, деган гапни такрорлайверганидан тили неча бор танглайига ёпишиб, неча бор чақа бўлиблар кетмади!..

* * *

Сизиф шунақа инсон. Изидан, мақсад-маслагидан қайтадиган кўрқоқ, лапашанг эмас! Орқасига чоптирадиган мағзава сўтак ҳам эмас! Нимагаки қўл урса, дадил ва ишонч билан киришади. Харсангга ҳам худди шу шиддат, шу қатъият билан яқинлашади. Йўлнинг ҳар қадами, ҳатто ҳар қаричи унга ёд бўлиб кетганидан у бир нигоҳ ташлашда қайси жойда кетаётганини беш қўлдай билар, кейинги қадам ёхуд кейинги қарич учун қандай куч-қувват сарфламоғи, қандайин чаптастик кўрсатмоғи зарурлигини олдиндан билар ва шунга яраша чоғланарди. Бу сафар боши узра булут хирмон бўлиб тўдалашмаган, шу сабабми, у чўккининг қоқ белига довур кўтарилганини тўсатдан пайқади, демак, бу сафарги юриши унга ўзгача инъомларни ҳозирлаган кўринади, ҳатто одатдаги чарчаш-толиқишни ҳам туймаяпти, демак, марра сари юриш ғолибона поёнига етиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Ғайрати жўшиб-кўпчимоқда, бордию, боши тепасида булут уюрлари пайдо бўлган тақдирда ҳам ҳозирги шиддати билан уни... умуман унинг булут билан нима иши бор, бесаноқ-беҳисоб, боши охири билан бўлмас осмонда учиб ўтадиган тутунсимон бир нарса бўлса! Ана, тоғ ёнбағридан ҳў-ў нарида қир-адир шамойилидаги булут гўё осмон тоқига боғлаб қўйилгандек қилт этмай турибди, Сизиф билан иши йўқ унинг, шу алфозда бир жойда силжимай тураверганидан, офтоб тиғида ранг-туси унниқиб, ранг-тусиз, гезариб кўриняпти.



* * *

Сизиф сўнгги лаҳзаларгача ўзини қандай жазо кутаётганини билолмади. Дорга осишармикан?.. У ҳолда қани халойиқ, қани тўсинда тебраниб уни интиқ кутаётган сиртмоқ?.. Жимжит. Ёхуд, манави кимсасиз тоғ этагида шартта ерга ётқишиладию, ким кўриб ўтирибди, азиз бошини сапчадек қилиб танасидан жудо этишади-вассаломмикан?! Бир зумгина – бу дунёда бир одам камайди, нимаю, кўпайди – нима! Ёхуд Коринфнинг устига осмон кулаб тушармиди Сизиф қатл этилса?! Ундай деса, ойболта тутган жаллодларнинг қораси кўринмаяпти, кунда ҳам йўқ... Ўт қалаб, тиккасига ёндиришармикан?.. Балки бошидан намақоб пуркай-пуркай терисини шилишар, тириклайин?! Э-э-э, ана, ана, Сизиф кўрди! Кўрдию, вужуди ловуллаб кетди, аён, деган ўй шуурини-дилини яшиндай тилиб, куйдириб ўтди. Тўғриси, у бундай жазони кутмаганди. Нима бўлса бўлар, лекин ортиқча қийнамай жонимни олишади деган умидда шайланиб келаётганди у, бироқ... Кўз олдида оғир ҳайбатли харсангтош остида мажақланган ва ер билан битта бўлиб ётган оёқ-қўли, жисми-жасади гавдаланди. Харсангтошнинг роса думалайдиганини топишибди ўзиям! Баҳайбатлигини!.. Аввал Сизифни ерга юзтубан ётқизадилар, сўнг олди-орқасидан пойлоқчилик қилиб келаётган хоснавкарлар бараварига харсангга ёпишадилар-да, тошни унинг устидан бир сидра думалатиб юборадилар, қарабсизки, қасира-қусур-р-р!..

Харсангнинг биқин томонида ола-чалпоқ қизил доғ-дуғлар кўринди. Демак, Сизиф тахминда адашмади, илгари ҳам кимларнидир бу ерга келтириб тошга бостиришган, ўша бурунги қон доғлари харсангга юқиб, сингиб кетган!..

Сизиф ўзи устидан чиқарилган ва ўқилган ҳукми астойдил, бутун вужуди кулоққа айланиб эшитди, кулоғи – ҳукмда, нигоҳлари эса тутқич бермас – яғрини осмонга туташ тоғ чўққисининг расо қадди-бастидан, тоғ ёнбағрини қоплаган майин-барра майсанинг гўзаллигидан ҳайратда эди. Эҳтимол, ўзига ажал олиб келишга шай турган харсангтошга қарамаслик учун ҳам шундай қилгандир. Ҳақиқатда залворли, маҳобатли харсангтош – шу тоғми ёхуд бошқа бир тоғ чўққисиданми аллақандай қудратли қўл улкан ховучлари билан ўйиб олгану, олмадек, йўқ, анордек дум-думалоқлаб уни шу ерга – махсус-атайин Сизиф ҳукм этилган жазо чораси ўталмоғи лозим кўрилган масканга келтириб кўйилган. Олма эмас, анор ҳам эмас – нақ тарвуздек юм-юмалоқ, омонлашай десанг на тутадиган қўли бор, танишай десанг на афт-ангори, боғлай десанг на боғлаб қўядиган бўйни ё думи бор! Тархи тарвуздан олингани муқаррар! Ўзи қай аҳволдаю, бир қарашнинг ўзида унга исм кўйиб улгурди Сизиф. Исм эмас, лақаб тўқиди: юмалоқ, думалоқ, бақалоқ, деб юборди у ичида. Ерда юзтубан ётган одамнинг устидан думалатиб юбориш осон кўчиши учун ҳам айни шу бичимдаги тошни танлашганига шак-шубҳа йўқ, эҳтимол, кўз кўриб-қулоқ эшитмаган ажаб-товур жазо чорасини кашф этганликларидан мамнунликларини яширолмагандирлар, айниқса маҳкум билан харсанг, харсанг билан маҳкум жисми-жасадидаги тафовутни кўрганда яна, яна бир бор ўз маъбудликларидан, маъбудона топқирликларидан беҳад масрур бўлгандирлар... маъбудлар!



* * *

Начора, осий банда, неча айлансин-неча ўргилсин, бошини дуч келган тоғу тошга урсин-урмасин, гуноҳкор бўлиб чиқаверади. Ҳамма ва ҳар кимса бир-бировининг олдида гуноҳкор. Шундай экан... нақадар гўзалдир бегуноҳ одам, деганларига ўласанми! Қани, кўрсатсинлар, ўшал гўзални! Ўзини гуноҳлардан буткул холи дея, гўзалларнинг гўзали дея майдонга чиққан борми ҳеч замонда?! Бор бўлса, марҳамат, мен бегуноҳман, онадан туғилгандек бокираман, деб кўрсин-чи ўшал бегуноҳ, беайб гўзал! Ҳай-ҳай-ҳай, нақ худонинг қаҳрига учрадим деявер, шўрлик! Бир савалашади-бир савалашади-и!.. Жонингни эговлаб, баданингни... қоқ белингга арра солиб, тасаввур қиялпсанми, ғир-ғир, ғир-ғир, ғир-ғирлатиб араласинлар ёинки оёқ-қўлларингни арқонлаб, тўрт томонга от чоптирсинлар, кўрасан, ихтиёрий ҳолда, баб-бажонидил бегуноҳдан гуноҳкорга айланиш қандақа бўлишини!.. Гуноҳнинг ҳам унча-мунча жўн-хашакиларини эмас, бориб турган э-энг ноёбу нодир – кабир гуноҳларни илишади бўйинингга! Бу қабилдаги гуноҳлар эса у дунёю бу дунё афв этилмайди – охиратингга довур куйиб кул бўлди деявер!.. Қани эди, лом-мим деб оғиз очолсанг, сенинг “лом”ингдан ҳам, “мим”ингдан ҳам чўлок кумурсқанинг ундек момик тупроқ юзида қолдирган изи кадрлироқ бўлиб турган бир замонда... Бирор марта хит бўлганмисан? Хит бўлиш нима эканини биласанми ўзи?.. Сени дунёга келтирган волидаи муҳарраминг ҳам бадбашара ялмоғиз бўлиб кўринади кўзингга... Беланчакка беланган неварачангнинг маъсум кикирлаши ҳам иблисинг қаҳ-қаҳасидек ботади қулоғингга. Вой дейсанми, их ёки уҳ деб юборасанми, ё, фалак дея нола чекасанми?.. Бас, етади, шунинг ўзи сени гуноҳкорга чиқариш учун кифоя қилади – чунки эшитгансан, биласан – ҳар бир тирик жон пешонасига қазои ҳақ тамғаси янглиғ муқаррар гуноҳкорлик тамғаси уриб қўйилган, осий банда. Ҳамон шундай экан, Сизиф ҳам ўзига раво кўрилган қисмат ҳадяси олдида бош эгишдан ўзга чораси йўқ. Ахир ҳарчанд таваллою дод-фарёд кўтарма, пешонангга ёзилганидан қочиб қутулолмайсан, инсон. Энг аянчлиси, ўз манглайингдаги ёзувнинг бир сатрини ҳам олдиндан ўқий олмайсан – истиқболда нималар кутмоқда сени, қандай саодатли ёхуд қандайин маҳзун кунлар ё лаҳзалар интиқ-интизор кучоқ очиб турибди, билолмайсан. Қувончли дамларни бошдан кечирганда яратганга шукрлар қиласан, етказганига шукр дейсан, бошингга мусибат гурзиси тушганда эса далли тасалли аниқ: пешонамда бор экан-да, демокдан бошқага ярамайсан! Ёзиғим шул экан-да, демокдан ўзга чора тополмайсан, бечорага, бе-нажотга, ожизу нотавонга айланасан. Гўё пешонангдаги ёзувни, жилла курса, кечикиб бўлса-да, ўқигандек бўласан. Воқеа юз бериб ўтди, яъни, манглай дафтаридаги кўзга кўринмас ёзув амалга кўчди, лекин бир нарса эътиборингдан четда қолади – юз берган ҳодисани ўтди-кетди деб ҳисоблайсан, бўлди, тамом дейсан. Аслида эса... тақдир битикларини битгувчи хаттот шу ўринда бандасига беминнат ҳадя инъом этганини, меҳрибонлик кўрсатганини унутма, ҳисобга олиб қўй. Товонингга зирапча киргани ҳам беҳикмат эмас, бинобарин, юз берган воқеа-ҳодиса рўй берди, тамом-вассалом эмас, асло, у ҳали



давом этади – ибрат маъносида, огоҳ маъносида, даъват ва ҳоказо маъноларда. Ақли бор одамнинг кўзи мошдай очилади. Чунки ўша ибрат ёхуд даъват аталмиш ҳали-бери нари кетмай бошинг тепасига турфа шакл-шамойилда айланишаётган булут қарвони янглиғ қайтиб келади, ҳа, ҳаёти-дунёда унга яна ва яна кўплаб марта рўпара келасан. Эҳтимол, ўшанда айни шу воқеа илгари ҳам – қачонлардир бошингга тушганини унутиб юборган бўласан, э-воҳ, деб юборасан, зинҳор кутмагандим, дейсан, ваҳоланки, у шуурнинг аллақайси шийпончасида яслане-еб сенинг устингдан беозоргина кулиб-кулимсираб турган, эҳтимол, сени мазах қилаётган бўлади.

* * *

Узундан-узун ҳукми олий хатми (бунчалар чўзишмаса, деб кўйди Сизиф ичида, энсаси қотиб) адоғига етаёзгандагина у харсангтошнинг рафторига бош-оёқ разм солди. Ҳайбатини кўриб юраги орқасига тортиб кетди... Уни думалатиб-думалатиб тик чўкки тепасига олиб чиқишни мўлжаллади, чамалади. Шул тоифа жазо раво кўрилди унга, демак, ҳозирнинг ўзида уни кишанлардан озод этишади ва Сизиф ё, мадад, деганча ишга киришади... Ёки у тахминда адашдимми? Ҳукми олийни янглиш эшитдимми?.. Боши ғувулламаяптими? Кўзлари аниқ-равшан кўряптими ўзи? Ахир унга ҳеч бир амр бўлгани йўқ, яъни ҳозирнинг ўзида жазони ўтамоқликка киришгайсен, деган амри-фармон ўқилганича йўқ.

Сизиф анграйиб қаради атрофга, қулоғида шамол гувуллаши тинмади, ҳукми дуруст эшитмай қолдим, деган ўйга-да борди, лолу ҳайронлигини яширадиган аҳволда эмасди у. Жазонинг ғаройиблигини аниқ ва тиниқ тасаввур қилиб улгурмаган эса-да, тақдирга тан берди. Оғирдир... азобдир... машаққат чекар, укубат остида қолар, илло, ҳо-ов маррани ишғол этиш эпини топмай қўймас, ё бўлмаса... Ё бўлмаса... Ё алҳазар!..

* * *

Сизифнинг қулоғи том битди. Кўз ўнгида шарпалар, соялар, булутлар аралаш-қуралаш қоришиб кетди. Аланглади, қулоғини динг қилмоқчи эди, кўнгли беҳузурлашди. Қоп-қора ва дамқисди сукунат уни аста-секин комига тортаётган – уни бош тарафидан юта бошлаган эди! Аллақандай бўйни узун махлуқнинг тор жиғилдонидан тушиб бораётгандек ҳис қилди ўзини. Торлик, қоронғилик ва жимлик – сукунат бу қадар қўрқинчли, ҳатто кўнглига кутқу соладиган даражада даҳшатли тус олиши мумкинлигини тасаввурига сиғдирилмасди Сизиф! Нима қилади энди у? Бақирсинми? Қичқирсинми? Фарёд қилсинми?.. Ким эшитади унинг ноласини? Ким ёрдам қўлини чўзади унга? Ким?! Уни шу масканга довур етаклаб келган навкарлар, ясовуллар қайга ғойиб бўлдилар! Бошдан-оёқ тухматдан иборат ҳукми дунё аҳли кўрмаган адолат тантанаси янглиғ қироат ила ўқиганларда сўроғи бор эди Сизифнинг! Қани улар?!

Саволлар ёғдириш ҳам, уларга жавоблар топиш ҳам зиммасида қолди Сизифнинг...



* * *

Бундан кўра, хушларига келган бошқа ҳар қандай тарзда паймонасини тўлдириб қўя қолганлари маъқул эмасмиди?! Майли, дорга оссалар... бошини танидан жудо этсалар... тилини қирқсалар... Майли эди, манави... манави баҳайбат махлуқни устидан думалатиб, қизил қонини қора тупроққа қориштирсалар!..

* * *

Сизиф хушини ўнглаб, тилини тийди. Нималар деб вайсаяпти? Кимга дашном бермоқчи, энди унинг билармонлиги кимга керак?! У қўрқа-писа харсангга нигоҳ югуртирди, негадир кўнглидан, у жондор бўлса-чи, деган ўй лип этиб ўтди, яқинлашмай туриб унинг бош-оёғи, ён-берига қаради, бир-бир одим ташлаб, кўл етар-етмас масофада туриб унинг атрофини айланди. Юмалок, думалок, бақалок!.. Илло, бўйи бўйига тенг, харсангнинг белига Сизифнинг кучоғи етмаслиги аниқ, бунинг устига у юмалок, думалок, бақалок бўлгани билан сип-силлик эмас, ғадир-будур, ўйдим-чуқур, қиличнинг дамидек кескир қирралари кўриниб турибди. Айрим жойларини моғор, пўпанак босган, кўринадики, у жуда узок вақтлардан бери соя-салқин, пана-пастқам бир жойда ётгану, асқотадиган мавриди келганидан уни шу жойда мухайё қилишган. Ранг-туси...

Сизиф тошу харсангтошнинг фарқига борар, Коринф қалъасини девор билан ўрашда, айникса бош кўрғон деворлари учун келтирилган харсангтошларнинг сангтарошлар томонидан йўниш ишларига шахсан ўзи бош-қош бўлган, бош-қош бўларкан, аллақанча фурсатлар катта-кичик харсанглар тепасидан кетолмай қолар, бу ажабтовур тоғ жинсларининг ақл бовар қилмас шакл-шамойлига, ранг-тусига, ундаги чизиклар, холлар, доғ-дуғлардан кўз узолмас, уста сангтарошларни теварагига йиғиб олиб ўзини қизиқтирган ва билмаганларини тортинмай-нетмай сўраб-суриштирар, ўша билганлари... мана, мана шу биёбонда асқотиб қолиши мумкинлиги етти ухлаб тушига кирмаганди!..

– Ҳар бир харсангтошнинг жони бор, – деган эди мўйсафид сангтарош устабоши. – Сизиф бу тентак чол мен билан майнавозчилик қилишга қандай журъат этипти деган ўйда ўқрайиб қараганди мўйсафидга, бироқ сангтарошнинг афтида мутойиба шарпаси сезилмади, аксинча, у жуда жўн ҳақиқатни айтаётган қиёфада ва оҳангда бошлаган сўзини тасдиқлади: – Фақат буларнинг кўнглини топа билиш керак!..

Сизиф аттанг дея бош чайқади. Жони қайда бу бақалоқнинг? Кўнгличи?.. Шу ўйда харсангни бир бошдан назардан ўтказишга киришди. Харсангнинг турли ери турфа рангда товланаётганига эътибор берди, қизғиш, қирмизи, қорамтир, оқиш... холли-холли, ажабтовур чизиклар айқалиб кетган... худди иккита тош бир-бирига эриб қапишиб кетгани белгисидек тўғри тортилган чизиклар... Ланғиллаб ёнаётган гулханнинг қизил-қорамтир тилини эслатувчи шакллар... Сизиф харсанг яхлит қуйма тошми ёхуд йиғиндими эканлигини аниқлолмади, ўзича харсангнинг бетини, кўзи, бурни ва қулоғини белгилаб олди, бир ё икки жуфт оёғи бўлганидами, Сизиф ҳа-а, чув, дея уни тирқиратиб тепага йўрғалатган бўларди-я!.. Қулоғидан чўзиб бўлса-да, етаклаб чиқарди-я!.. Бикинига хала суқардики!..



* * *

Одам – тик юрувчи жондор, бу-чи? Ўйлади-я, айтди-я, кадам ташлаб юра олганида, оёғини ерга теккизмай югуртирмасмиди Сизиф уни! Мингоёққа ўхшаб ўрмалаганида, ўрмалатмасмиди юқорига қаратиб?! Қаноти бўлганидами! Оҳ-х-о-о!.. Йўқ, харсангтош юмалоқ, демак, у – юмаловчи, думалоқ, демак, у – думаловчи. Уни думалатишдан ўзга иложи, чораси йўқ Сизифнинг!..

* * *

Узун оқ кунлар, улардан-да узунроқ кора кунлар уланиб, уйқашиб кетди. Сизиф учун бунинг аҳамияти қолмади, у бутун борлигини, бутун мақсад-маслаги, орзу-умидини бир ниятга – харсангтошни чўққи тепасига олиб чиқишга қаратди. Аъзойи баданида қувват пайдо бўлганини сеза бошладим, бас, оқ кунми-кора кунми, жазм этаверар, кафти, кифти, кўкси, манглайдаги лой, тупроқ, чанг-ғубор юқини артмай-суртмай яна ва яна харсангга ташланар, эхтимол, шу сафар, ҳа-ха-а-а, мана шу сафар харсангни чўққига қадар думалатиб олиб чиқишига бўлган галдаги ишонч унинг ғайратига ғайрат қўшарди. Ахир унинг кўз очиб кўргани тош эди, кўргани тоғ ёнбағри, тоғ чўққиси эди. Оғзига қайси сўз келса, ўша билан атади тоғ ва тоғ чўққисини. Тоғ, тоғ ёнбағри, тоғ чўққиси, тақир тепа, мушкул тепа, ғурбат тоғи, қир, адир, сўқмоқ... Кўксини яланғочлаб осмонга қараб ётган навраста қизнинг ҳали уч бериб улгурмаган маммасини эслатиб юборарди баъзан тоғ чўққиси. Қизэмчак!.. Сизиф яйраб-яшнаб, оғзини тўлдириб, мириқиб кулди. Ширинтой шумтака неварачаси ҳали тили чиқмай туриб хотин-қиз зоти яқин келса “мамми-мамми” деганича уларнинг кўксига чанг соларди... Симобдай, нукрадай, парку булутдай оппоқ, кўзни олади, қамаштиради... хаёлни хазондай тўзитади, чарчоғингни тумтарақай қилиб қувади, йўқ ердан куч-қувват бағишлайди, эркаклигини ёдга солади, тоғ маммиси!..

* * *

Номидан, киёфасидан қатъи назар тоғ ёнбағри, ўзи очган сўқмоқ йўл кадрдонларига айланиб кетди Сизифнинг. Юмалоқ, думалоқ, бақалоқ харсанг унга бўйсуниб тепага томон ўрмалагани сайин тошни, унга қўшиб тақир тепани, сўқмоқни алқашга тушар, уларнинг барчасини тил бириктирган кадрдон дўстлари янглиғ айланиб-ўргилар, бироқ бундай хушкайфият ва хушмуомала узоққа бормас, харсанг чўққи сари чўзилган сўқмоқ йўлнинг қайсидир манзилига етган жойида таққа тўхтар, бамисоли иккала оёғини бир этикка тикқан баттол хангидек у ёғига бир кадам, бир қарич ҳам силжимасди. Сизиф бирдан кўрқиб кетарди, кўрқувга ҳовлиқиш уланарди, сўнг саросима, тахлика... озмунча марта талвасага тушдимми?! Буларнинг бари заифлик, иродасизлик аломати эканлигини эслаган заҳоти эса ҳушини йиғишга киришар, вазмин тортар, шу тариқа безабон тоғ, безабон сўқмоқ, безабон тошга термилган безабон одам аста-оҳиста, аста-оҳисталик билан вужудининг аллақайси пучмоқларида пусиб олган ирода ришталарини топиб, тутиб олар, уни авайлаб-ардоқлаб ҳимариб-ҳимариб тортиб олиш йўлларини излар, Сизиф учун ўз иродасидан бўлак мададкор, халоскор йўқ эди.



* * *

Дунёнинг турган-битгани иродадан иборат, дейишган. Дархақиқат, инсонни ирода тарк этса еру осмон ҳам, куёшу юлдузлар ҳам беҳуда-бефойда. Мен эса янги иродага ўргатаман одамларни!.. Ҳа, мутлақо янги иродага, демак, бошқача ҳаёт кечиришга ўргатаман! Ана ўшанда бошқача яшай бошлайдилар одамлар, дунё бошқача бўлиб қолади. Нуқул азоб-укубатдан иборат бўлган ҳаёт барҳам топади. Нафақат манавиндақа бежон-бенюм тоштупрокни кўтариш, сургаш-ташиш эмас, инсон зотини оёқости ва бекадр қиладиган ҳар қандай қора меҳнат машаққати батамом барҳам топади! Инсон ҳаёти ҳудами, беҳудами, бамаъними, бемаъними, деб йўқ ердан бош қотириб ўзларига ўзлари азоб бериб юришмайди одамлар.

* * *

Дастлабки кезлар у харсангтошни юқорига қараб юмалатишда шошилди, шошилиш ҳам гапми, ҳовлиқди. Қайта-қайта чамалаганида чўққигача бўлган масофа айтарли олис эмасдек, марра қўл чўзса етгудеккина кўринди, шу ҳам юмушми-жазоми, деди, назарида физиллаб тошни думалатадию, нақ чўққининг тепасига етиб боради, навраста қизалоқнинг кўкси ёнига тошни қимирламайдиган қилиб ўрнатади-да, бир муддат маммидан кўз узмай қолади, сукланиб хаёли қочади. Шундан сўнггина ўзини қўлга олади – харсангнинг устига чиқиб олиб бутун оламга жар солади: ҳе-ей-й, одамлару одамла-ар, эшитмадим демангла-ар, менким шаҳаншоҳ Эол ва малика Энаретнинг суюкли ўғлони, Мероплар сулоласининг арзанда куёвтураси, Главканинг падари, Беллерофонтанинг ғамхўр бобоси бўлмиш маҳкум Сизиф каминага белгиланган жазои ҳақни, ниҳоят, шараф билан ўтадим, уддалади-и-м-м! Ҳа-ҳа-хе-е-ей-й-й! Мана-а, қарангла-ар, шоҳиди бўлингла-ар, харсангтошни чўққига олиб чиқдим, чўққини забт этдим, зафар кучдим, дея чор тарафга хайқиради!..

* * *

Димоғи чоғ бўлган Сизиф харсанг атрофида айлана ясаб югуришга тушганини ўзи ҳам сезмади.

– Лакалум лак-лакалум! Лака-лака лак, лакалум!.. Лакалум лаклакалум! Лака-лака лак, лакалум!..

Сизиф умуман ҳаётда жуда камдан-кам, аҳён-аҳёнда рақсга тушган, ихлосмандларининг қўярда-қўймай уринишларини рад этишнинг иложи топилмаган ҳолларда эса қўлини номигагина кўтариб қўяр, ҳаракатлари бошқалар тугул ўзига ҳам беўхшов кўриниб кетарди, энди эса, шу тобда назарида моҳир раққосдек сезаяпти ўзини – гавдасини гоҳ ўнг-гоҳ сўл томонга ташлаб ирғишлар, сопалак тепаётган болакайдай лўкиллаб қўяр... Илҳоми жўшиб, қадамини янаям жадаллатди, хиргойиси ҳаракатларига монанд шўх-шодон янграй бошлади:

– Лакалум лак-лакалум! Лака-лака лак, лакалум!.. Лакалум лаклакалум! Лака-лака лак, лака-лака лак, лак-лак, лакалу-у-у-м-м!..



Ўзиям роса айланди у харсанг атрофида! Харсанг кўзига кадрдонидек кўриниб кетди. Роса хумордан чикдию ҳолдан тойди, шунинг баробарида кушдай енгил ҳам тортди...

* * *

Биринчи бор у улуғ мақсадлар билан жангга отланганидан буён эҳ-ҳе-е, озмунча тўфону бўронлар уввос солиб бу биёбонга човут солдиларми, озмунча давру даврон ва озмунча замонлар қайтмас ёқларга бадар ғойиб бўлдиларми, озмунча булутлар ўркак-ўркак бўлиб, тоғ-тоғ бўлиб карвон тортиб ўтдиларми?! Лекин, буни қарангки, на кучи қирқилди, на-да мисколча ғайрати сўнди Сизиф азаматнинг, ўзи эса бутун бошли одам-чидамга, одам-бардошга, одам-иродага айланиб кетди. Башарти мўъжиза юз бериб, ундан кимдир келиб исминг нима деб сўраса, ҳеч иккиланмай, исми матонат ёки исми бардош деб, ёки бўлмаса, турган-битганим тош, харсангтошга, чўянга, метинга айланиб кетганман дея жавоб қайтаришдан орланмаган бўлур эди. Ваҳоланки, у ҳақда, унинг бошига тушган бу қисмат синови устида гап чувалаштирадиган вос-вослар не-не бадҳазмдан-бадҳазм ва ҳавойи миш-мишлар тарқатишмади. Нима эмиш, Сизиф абадулабад бесамадан-бесама қаро меҳнатга маҳкум этилмиш, неча замонлар қаро терга ботмасин, у харсангтошни чўққи тепасига юмалатиб чиқа олмасмиш, инчунин, Сизиф бемаъни, бешукух, безавқ қаро меҳнат қаҳрига учраган бадбахт-бетоле тақдир тимсоли дея битилмиш солномаларда!..

Одамнинг туриш-турмуши доимо бемаъни, дея жиртакилик қилганлар бекор айтибдилар! Туриш-турмушнинг бемаънилиikka айланиши ҳам, уни бамаъни қилиш ҳам ҳар банданинг ўзида қолган! Мен исботлагайман, мен! Марҳамат, бу йўлда ҳар қандай маломатга тайёрман. Қани эди, бетимга ёғдирсалар захар-заққум таъна-маломат. Ким бетимга аямасдан шапалок торгар? Ким бурнимдан тортиб мени каззоб, деб айтар? Қани, ким бор? Кела қолсин, қулоғим динг, мана, мен ҳозир нозир, мен тайёр!

* * *

Сизиф тошни юқорига қарата думалатиш машқини аллақачон пухта эгаллаган, думалатмаган тақдирда ҳам ундан нари кетолмас, гўё у харсангга кўринмас ип билан боғлаб қўйилгандек беш одим узоқлашди дегунча харсанг уни ёнига тортиб олаётгандек бўлаверар, бунга сари Сизифнинг меҳри товланар ва овозининг борича “Лака-лум”лаб думалок, юмалок, бақалок кадрдони ёнига кучоғини ёзиб етиб келар... ҳа-а, хў-ў, аввалбошда эса... кўргани кўзи йўқ эди унинг турқини!.. Кўзини очди дегунча унга ўқрайиб қарар, нигоҳлари билан тешиб юбораман деган иддаода тирғалар, парчалаб ташлайман, майда-майдангни чиқариб қумингни кўкка совураман деган пўписа, дағдаға билан енг шимарар, бунга сари кучига куч қўшилаётганини равшан ҳис қилар, тишларини ғижирлатиб, кафти, елкаси, тиззаси, тирсаклари азбаройи тошга, метинга айланиб кетганга ўхшар, ўша ҳолатида вужудида қайнаб-тошаётган шахди-



шижоатини тасвирлашга сўз, таъриф тополмасди. Қаёқдаги мана шу нарсани, тагин жонсиз, онгсиз... кўримсиз бир харсангтошни кўриниб турган тоғ тепасига олиб чиқолмайманми, мендай онгли бир инсон-а, кимсан коринфлик аёнларнинг аёни, омилкорликда Сизифдайин мисли камёб одам-а!.. Қон кечаман, тирноқларим ўйилиб тушсин, бармоқларим, кафтларим мажақланиб кетса кетсин, тоғ-тошнинг бағри ўпирилиб чоҳларга куласа-куласин, илло сен харсангни тепага, анави теп-пага-а олиб чикмагунча қўймайман-н! Қўймайман!..

Унинг қон-қонига, вужуд-вужудига сингиб кетганди-я, бу ақида. Мушт дўлайтириб яқинлашарди у харсанг ёнига, мушт ёғдирарди дуч келган ерига, овозининг борича ҳайқирар, пўписалар қилар, ҳақоратлардан-да тилини тиймас, қандоқ бўлмасин сен менинг измимдасан, бўйсунмаганинга қўймайман, дея шахт-шиддатини рўқач қилишдан, пеш қилишдан чарчамасди. Бироқ... бироқ Сизифнинг шашти қанчалар баланд бўлса, ишининг унуми шунчалар сезилмас, қадам олиши оғирлашар, гоҳо саккиз-ўн, гоҳо ундан-да пастроқ, ҳатто тиккасига қараб бор-йўғи икки-уч қулоч илгарилаган бир паллада тўсатдан харсангнинг қайсарлиги тутиб, уни қимирлатиб бўлмай қолар, бояги шашт, бояги важоҳатда Сизиф ловуллаб тирик алангага айланар, ёруғ дунёда топилмайдиган ҳақоратларни болохонадор қилиб дўлдек ёғдирар, одамгарчилигу инсонгарчилик деган афандимайллар ҳў-ў аллазамонларда ўтиб кетган дея захрини сочар, жаҳл чиққанда ақл қайда деганларидек, яна ва яна муштига эрк берар – харсангни бет-кўзи демай дуч келган жойига савалашдан, тепкилашдан тўхтамас, харсанг қилт этмас, ўзи эса оёқ-қўллари қип-қизил қонга белангандагина ҳовурдан тушар, эс-хушини йиғар, аламини кимдан олишини билмаганидан мук тушиб, энди ерни муштлагани-муштлаган эди.

* * *

“Аксари харсангтошларнинг жони бўлади”... Негадир мана шу жумла ўқтин-ўқтин Сизифнинг тили учида айланишадиган бўлиб қолди. Мункиллаган сангтарош устабошининг киёфасини кўз олдига келтиришга уринди, уринишлари зое кетди, лекин унинг гапини деярли айнан такрорлай олди: “Фақат кўнглини топа билиш керак!..” Кўнглини дедими ёки тилини?.. “Топа билиш” дедими ёхуд “Уйғота билишингиз керак” дея Сизифга қарата айтдимми чол? Айтганда ҳам, кўзини дўлайтириб, зарда қилиб айтди. Худди вақти келиб, кимсан Сизиф мана шундай ҳолатга тушишини билгандай, шундай воқеа юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмас деган маънода башоратомуз қилиб айтди!

Сизиф эса юм-юмалоқ, дум-думалоқ, бақ-бақалоқ харсангнинг на жони, на кўнгли, на-да тилини тополмаётганидан хуноб эди...

* * *

Харсангтошнинг маммиси қаеридайкин? Ёки... эркакмикан у?

“Хаёл курсин”, деди Сизиф кулгисини яширмай, шундай деса-да, хаёли измидан чиқолмади – “Харсангтошнинг эркак-урғочиси бўладими?” деб уста сангтарошдан сўрасам тилим узилиб тушармиди, деб пешонасига шапатилади.



* * *

Нима қилганда ҳам, харсанг – тош-да, Сизифнинг кайфияти, аҳвол-рухияси билан заррача иши йўқ, ўз билганидан қолмас ва Сизифнинг қайсидир маррага қадар сарфлаган машаққату уқубатини бир нобоп силжиш билан чиппакка чиқарарди.

Вазиятга кўра, харсангни ортга силжитаман деб неча бор адабини еди Сизиф. Ортга қайтиш ўта хавfli эди, чунки барзанги бир чимдим эрки ўзида қолганини сезса бас, уни тутиб қолишнинг иложи бўлмас, эҳтимол, тутиб қолиш учун Сизифдақасидан ўнлаб, йигирмалаб азаматнинг кучи кифоя қилмас, шунинг учун, харсанг бўйсунмай бошладими, Сизиф биринчи навбатда, қандай бўлмасин, дарҳол ўзини четга олиб қолишни ўйлаши шарт эди. Бундай дамларда харсанг билан ҳазиллашиб бўлмаслигини, у ҳарчанд хай-ҳайлашга ҳам, дод-фарёдга, илтижоларга ҳам бепарво-бераҳмлиқ билан куйига – чўкки пойига томон қалдираб-гулдираб шўнғиши муқаррарлигини Сизиф яхши биларди.

Сизиф беш-олти қулоч юқорилаган жойида харсанг пастга қараб думалаган пайтлар бўлди, уни не-не илму амал, не-не хийла-найранг билан думалата-думалата чўккининг ярмига етган пайтлар бўлди, ҳатто ундан-да юқорига кўтарилди, жонлари ҳаприкиб-кўпириб кетди ўшанда Сизифнинг, маррага қўл етгудай масофага ҳам чиқди ва ҳар сафар, ҳар сафар етдим деганда Сизиф беихтиёр, “Эҳ!!!” деб, “Воҳ!!!” деб, “Вой-ей-й!!!” деб юборар, ҳар сафар бутун вужуди кўзга айланар ва йўлида дуч келган тош-тупроғу, янтоқ-бутоқни эзиб-янчиб, кўпориб-мажақлаб пастга думалаб бораётган харсангдан нигоҳини узолмас, замбаракнинг тўпидек думалаб бораётган юмалоқ, думалоқ, бақалокқа қараб туриб тиззаларини шапатилаганича қоларди. Ичинга урай, қорнингни ёрай деб хумордан чиққунча сўкинарди. Оғзи шалоқ одамга айланиб қолаётганини пайқаб, ғаши келар, асли боодоб эркак эканлиги ёдига тушиб, шундай эса-да, баъзан бундайин қўланса сўзларнинг нафи сезилаётганига иқроп бўлиб ҳам кўярди. Зеро, сўкигани сайин машаққатлари зое кетганини ҳам унутар, харсангнинг вазоҳат ила худди кутурган баҳайбат жондор сингари ўкириб-айкириб пастга қараб думалашининг оқибати нима билан тугашини ва ниҳоят харсанг қаерга бориб тўхташи мумкинлигини чамалаб чамасига етолмасди. Осмонда чакмоқлар чақарди, тоғлар ларзага тушар, тоғ тизмасига туташган денгиз мавжлари азбаройи баттар мовийлашиб, тунд қиёфа ҳосил қиларди ҳар сафар. Тошни думалашдан тўхтатадиган, уни кўтарилган жойида асраб қоладиган куч бўлмасди атроф-жавонибда бундай дамларда.

Қизик, ҳар сафар тошга тармашар, уни жойидан жилдириб, чўкки томон силжита бошлар экан, Сизиф бу галдаги юриш тоғ ёнбағрининг қайси мазгилига қадар давом этишини чамалай олмасди. Нафақат куч-қуввати етмаслиги, балки тошнинг пастга қараб шўнғишининг сабаби кўп эди – сабабидан қатъи назар, лаҳзанинг юздан бир сонияси, нафасида ҳамма уринишлари чиппакка чиқар, Сизиф эс-хушини йиғишга улгурмас, хушёр



тортиб улгурмас, чаптастик қилишга улгурмас – алай-балай деганича харсанг ўзидан шиддат билан узоклашаётган бўлар, қанчалар машаққат ва укубатлар эвазига имиллаб кўтарилганига тенг шиддат ва денгиз тўфони янглиғ ғалаён билан пастга шўнғир, харсанг ҳў-ў этакка етиб, ҳаракатдан тўхтаганида Сизиф ҳали нафасини ростлолмаган, алаmidан тилини, лабла-рини чайнаб-ғажиб, қон туфлаб улгурмаган бўларди.

* * *

Сизифнинг бирдан-бир мақсади харсангтошни чўққига олиб чиқиш эса-да, ғалат, ҳар сафар харсанг пастга қараб думалаганида унга қараб туриб, ундан кўз узмай туриб бирдан шу қадар енгил тортардики!.. Елкасидан тоғ ағдарилгану, боши узра сузаётган оппоқ булутдек вазнини ҳис қилмай кўярди, мана, хо-озир, шу топнинг ўзида осмону фалакка кўтарилиб парку булут янглиғ олис-олисларга учиб кетадигандек ҳолатга тушарди...

* * *

Туйқус Сизифнинг кўзи қамашди. Мамнун жилмайди, кафтини соябон қилиб чўққи томонга қараётди: “Қуёшнинг қилиғи!” деб қўйди ичида алам билан. Анча бўлди, у маммини куёш нурларидан, гоҳо эса булутлардан қизғанаётганини сезиб қолди. Даставвал бунга эътибор бермади, мийиғида кулди-қўйди, бироқ аста-секин қизғаниш очик-ойдин рашкка айлана бошлади, қанчалар ўзини кўлга олишга уринмасин, бундай ҳолатларда Сизифнинг ичига ёввойи мушук кириб олгандек бўлар, ўзини қаёққа уришини билмас, яна ва яна аламини харсангдан оларди.

У кўзларини чирт юмди. Кифоя қилмади, кафти, билаклари билан юз-кўзини тўсди. Шунда ҳам заранг таёқдек тошқотган бармоқлари орасидан оппоқ тоғ маммиси симобдай нур сочиб кўриниб, кўриниб эмас, жилмайиб турарди.

Сизиф бошини тоғ чўққисининг кунчиқар биқинида ястаниб ётган денгиз томон бурди. Денгизнинг қорни бақалоқ одамнинг қорни каби шишиб кетган, ўртаси тўнкарилган қозонга ўхшаб кўринар, дам қорайиб-дам кўкариб жилваланаётган сув сатҳида тўсатдан пайдо бўлган офтоб шуъласи (ажабо, ой шуъласи ҳам Сизиф томонларга денгиз сатҳи орқали таралар, у офтобни ҳам, ойни ҳам бевосита кўриш саодатидан мосуво эди) тушар, гоҳ ёлқинга айланиб нур сочар, гоҳ ханжардек тигдор нурларини тўғридан-тўғри унинг кўзларига қадаётган, Сизифнинг эса азал-азалдан негадир тонгги офтоб ёғдусига тоқати йўқ эди. Жини суймасди.

Афтини терс бурди у, қош-кўзи аралаш оқиб тушаётган тер сувини билаги, сўнг дағал кафтининг сирти билан суриб ташлади, бироқ кўзлари баттар қамашди. Чўққи томондан нигоҳини олиб қочди, “Қуёшнинг касофати!..” дея тақрор ғудранди ва иттифоқо денгиз сатҳида чокқина қайиқчада сузиб бораётган... Одам!.. Одам!.. Чол-ку!.. Қария-ку!.. Севинганидан, хурсандлигидан ҳушини йўқотиб қўяёзди у, шу қадар энтиқдики, шу қадар жони бўғзига тикилдиди, лоақал, “Ҳо-ой-й!” дея овоз чиқаролмади.



Ҳайқириш қаёқда, дами чиқмади Сизифнинг. Эсини йиғиб олгунича эса чол қайиқ-пайиғи билан кўздан ғойиб бўлди... Аллақанча вақтгача Сизиф дам чўнқайиб, дам қад ростлаб турган жойидан қимир этмади, бирон лаҳза денгиздан нигоҳини узмади, чол яна пайдо бўлади деб ишонди, шунда, кўринган заҳоти овозим борича бақираман, чинқираман, дод соламан дея шайланди, ҳатто қандай бақиришни, нима деб чақиришни ўзича машқ ҳам қилди. Харсангтошни қиялик тепаси томон юмалатиш юмушини қанда қилмаса-да, аллақанча вақтлар фикр-хаёли денгизда, аниқроғи, қайиқда эшқак тутиб ўтирган чолга кўчди.

* * *

Зевснинг қаҳрига учрамаслиги жуда-жуда осон эди Сизифнинг. Ўзи бар-по этган Коринф қалъасида давру дарвон суриб умргузаронлик қилишига ҳеч қандай монелик йўқ эди. Фақат қурғоқчилик ёмон қақшатди Коринф аҳолисини. Қултум сувнинг қадри нондан, ҳаводан-да ошди. Заҳира адоғига етаёзди. Нима қилмоқ керак?.. Сизиф ҳаловатини йўқотди. Халойиқ ундан нажот кутарди. Шунда... Ҳар қандай дарднинг соясида унинг давоси пусиб ётади, деган қадимгилар. Сизиф ана ўша давонинг топилишига ишонарди. Лекин бу давонинг... Эгина қиз эканлиги Сизифнинг етти ухлаб тушига кирмаганди. Бордию, Эгина гўзалликда тенги йўқ соҳибжамол бўлмаганида ҳам, бордию, у сув тангриси Асопнинг суюкли арзандаси бўлмаганида ҳам, бордию, боқира Эгинага илоҳлар илоҳи Зевснинг назар-нигоҳи – ишқи тушмаганида... Сизифнинг бошига бу кунлар тушмасмиди?! Кимсасиз бу масқанда – ер тарвузининг устида, осмон тоғорасининг остида ўзига нисбатан бир неча баробар барзанги харсангтошга кифтини босиб хаёлга толиб ўтирмаган, абадият қадар чўзилган умри зил-замбил бақалоқни осмонўпар тоғ чўққиси сари юмалатиб олиб чиқишга бесамардан-бесамар уринишлар билан ўтмасмиди! Малаксиймо боқира Эгина!..

* * *

Денгиз юзалаб сузаётган қарияни қайта кўришдан тамоман умидини узган, унутаётган кезлардан бирида у, иттифоқо, яна пайдо бўлди! Сизиф айнан биринчи сафар кўргандаги аҳволга тушди. Аввалдан ўйлаб қўйган ниятларини буткул унутди. Аксинча, бехосдан товуш бергудай бўлса, чол яна кўздан ғойиб бўлишини ўйлади, қани, нима бўларкин, қаергача сузиб бораркин, мен томонга ўгирилиб қарармикан деб, нафасини ичига ютди. Чол елкадор, қадди хийла буқик, қоқ елка суяқлари туртиб чиққанигача, эшқакни оғир ва бир маромда эшаётганигача Сизиф аниқ-тиниқ кўрди. Ва ана энди бемалол чақирсам ҳам бўлади, деган хулосага келган сонияда... ха, худди шу лаҳзада чол яна ғойиб бўлди!..

– Чолни денгиз ютиб юборди!

Сизиф бу фикрдан ториқдию, лекин чол яна қайтиб денгиз сатҳида пайдо бўлади деган ишончини йўқотмади.



* * *

Сизифнинг аниқ ёдида йўқ: Эгина қизнинг ғойиб бўлиши боисини у Асопнинг қулоғига шипшидими ёхуд воқеадан хабар топган Асопнинг ўзи нажот умидида уни излаб Коринф дарвозаси остонасига бош уриб келдими, ҳар қалай, ҳаммаси Эгина қиз фожиасидан бошланди. Бошландию, унга худолар худоси Зевс амри ила ёғилган таъқиб-тазийқлар тўфони уланиб кетди. Зевснинг нафрат-ғазабини оловга, алангага айлантириб келди у томондан йўлланган лашкар.

Ваҳоланки, Сизифнинг бор-йўқ гуноҳи унинг бохабарлиги эди. Бохабарлиги панд берди унга. Ҳа, у Эгина қиз паритимсол ва хушқад гўзаллар қушандаси бўлмиш Зевс томонидан ўғирлаб кетилганидан хабар топди. Абадулабад ўзгармас ақида шу – маъбудлар назар-наздида хабардор кимсадан хавфлироқ жондор йўқ. Хабардор одам шердан, арслондан, сиртлону аждаҳодан... тўфону вулкондан-да хатарли. Дунёнинг хатари – хабардорда! Боз устига, Сизиф сингари ҳақпараст, адолатпеша ва бетгачопар хабардорларнинг турган-битгани тирик зиён. Ундайларнинг боридан кўра йўғи авло!..

* * *

Қайиқ минган чол учинчи дафъа кўзига кўринганида Сизиф сас-садо чиқармай уни обдон кузатишга қарор қилди. Сув сатҳида оҳиста чайқалиб бораётган қайиқ сузаяптими ёки бир жойда... Чол эшкак эшяптими?.. Қўллари эшкакда, лекин... Ҳар сафар қандай кўринган бўлса, ўша-ўша – калласини кўксига осилтирганича кимир этмай ўтирибди. Қўллари эшкакка боғлаб-чандиб ташланган бўлса-чи?!

Сизиф бу фикрдан хаёлга ботди: нега боғлашади? Нима, чол балиқчими ёхуд банди-махбусми?.. Сизиф хаёллари пўртанасида ғарқ экан, устма-уст ёпирилиб келган тўлқин қайиқни аллақачонларга олиб қочди.

Сизиф бу сафар ортиқ ачинмади, қуюнмади ҳам, балки назар-нигоҳидан шарпадек ғойиб бўлган қайиқ томондан кўз узмай туриб ўзи устидан чиқарилган ҳукм моҳиятидаги адолатсизликни пайқаб қолди.

Унга ёнида ғўдайиб турган харсангни тоғ чўққисига олиб чиқиш жазоси белгиланган, бироқ ҳукмда унинг ёлғиз-кимсасиз қолдирилиши ҳақида ломмим дейилмаганди. Нега энди уни ёлғиз қолдиришди? Ахир инсон ҳар қандай ҳолатда фикрлайди, фикр одами эса гапирмасдан иложи йўқ. Инсон ичида етилган гапни гапирмаса ёрилиб кетади, шу боис у тинмай гапиради, ҳар қандай инсон айтар гапларини тингловчи маҳрамга муҳтож, ичини бўшатмасликка ҳукм этилган одамнинг аҳволи эса... даҳшат!.. Офат!.. Фалокат!..

– Гапирай-да, кутулай, – деб юборди Сизиф. – Ичимни тўлдирган гапларни гапирай-да, кутулай, гапирай-да...

* * *

Баъзан Сизиф оғзи гапдан тўхтамаётганини, ҳатто алжираётганини тўсагдан сезиб қолар, бу одатининг яхши-ёмонлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмас, одамни га-



пирувчи хайвон, жондор деб биларди у. Фақат у овоз чиқариб гапиряптими ёхуд товуши чиқмаяптими – бунга ҳам кўпда эътибор қилмайдиган бўлиб қолганди. Инсон овоз чиқарадимиди-чиқармайдими, нима фарқи бор, у хашиша ичида гапиряётган бўлади ахир. Яхшиям, ўзига ўзи гапириш, ўзи билан ўзи гаплашиш таъқиқланмаган!.. Ёлғиз одам ҳам истаганича гапириши, сўйлаши мумкинлигини ҳисобга олишмаган чоғи... Қайикдаги қария ҳам ёлғиз... У ким билан гаплашади, кимга дардини ёзади?.. Балиқ тутиш дардида денгизга чиққану, адашган. Ҳолдан тойганми?.. Йўли олисмикан ё?.. Бепоён денгиз узра беҳуда-бесамар сузиб юриш Сизиф сингари қисматига битилган жазо тамғаси бўлса-чи?!

* * *

Тағинам Зевсдек уддабурон маъбудлар маъбуди тайсаллаб, катта хатога йўл кўйди, у заррача ўйламай-нетмай мулозимларига амр қилмоғи, Сизиф билган нарсани ошкор этмай туриб, зудлик билан уни эл-улус назаридан олисларга гумдон қилмоғи, олислар ҳам гапми, оёқ-кўлидан тутганча осмону фалакка олиб чикиб, ерга ирғитиб юборишлари шарт эди. Олий истакка истехзо ила қиё боққан кўзларни ўйиб олмаган худонинг худолиги, маъбуднинг маъбудлиги қоладими, ахир?! Ким нима деса десин, илло, каттол салтанат йўриғи шафқатсиз!

– Олампадох Зевс ўз шаън-шавкатига ярашмаган қилмишга кўл урди. У сув ва дарёлар маъбуди Асопнинг бокира фарзанди-аржуманди Эгина қизга кўз тикди – уни ўғирлаб, ҳарамига яширди-и!..

Сизиф эндигина баралла айтяпти бу сўзларни, у дамлар эса дилидан тилига кўчмаган шу хабар маъбудлар наздида шумхабар дея талқин топди.

Талқин еди Сизифни! Талқин бошига етди!..

* * *

Шафқатсиздан шафқат тиланма асло, зеро...

– Нечун бординг бозоргоҳ, малъун?!

– Нечун борурлар бозоргоҳ, маъбуд?

– Гап ўйнама, бетавфиқ саёқ! Ваъз ўқимок эди ниятинг.

– Ниятим – ҳақ бўлган мудом! Ҳамон...

– Ҳаҳ-ҳа-а, ҳақиқат?! Ҳақиқат – ғулув!..

– Дилдан тилга кўчмаган калом...

– Тамом-м! Тамом-м! Батамом-м!..

...Чорсу бозорига боргани чин, майдон оралаб ўтгани рост.

Шунда баногоҳ – унга нигоҳи тушган халойиқ турган жойида суратдек тўхтаб қолар, унга анграяр, ундан сўз кутар, бундай ҳолдан Сизиф ҳам хайрон, зотан, дилида ҳақ ахбор қайнаган – бохабар одамнинг ҳар босган қадами, ҳар ташлаган назари бир ҳикмат эканлигини ўзи ҳам англамаган... Маъбудлар устидан ғалаба қозониш эса тентаклик, телбалик – давоми эса хатар-тахлика. Илло, Сизиф қилмишидан афсусланмади, аксинча, маъбудлар маъбудининг ҳаддидан ошгани мени ҳаддимдан оширди, дея оқлади



ўзини. О, идроким, қонларга тўл, қонга тўл чанқок, даҳшат солиб яша ёки яшама мутлоқ!.. Ҳа, шундоқ: арслон – изидан, эркак – сўзидан!..

* * *

Кимдандир ёки нимадандир қочиб келган қуюқ булут гўё жон сақламоқ умидида денгиз сувига чаплашиб кетди, булут қайда – сув қайда, Сизиф ажратолмай қолди. Сув тўқ кўкимтир, деярли бинафша ранг тусга кириб... Сизифнинг кўзини ачиштирди. У пича чидади, ўзи забт этишга чоғланган тоғ чўққисининг ёнгинасида ястаниб ётган денгизнинг булутлар хуружига учрагани... ҳозиргина жилваланаётган мовий сув сатҳидан кўз узолмади, ахир поёнсиз денгиз сатҳи жимир-жимир қилиб шивирлаётганга, олис-олислардан эсаётган шабада сув сатҳини эркалаётганга, сув мавжланиб-эркаланиб ноз-карашма қилаётганга... Сизифга куч бағишлаётганга ўхшаётганди. Балиқчи қария бошқараётган қайиқнинг денгиз узра бир маромда сузиб боришига ҳаваси келаётганди. Чол чиранмасдан, бир меъёрда эшқак ураётган, Сизиф сирти теп-текис, силлиқ ва айниқса юмшоқ-момиқ сув сатҳидан суклана-суклана кўз узолмаётган, беихтиёр бошини азот кўтариб ўзи забт этмоқликка қасд қилган қоя томон кетган йўлни назардан ўтказаётган, дамо-дам чол қайиқни оқим измига қўйиб қўлларига дам бераётганини кўрганида ўзи бундай имкониятдан маҳрум эканлигини яна ва яна тақдири азалдан, қисматида кўриб, ич-ичидан эзилаётганди.

* * *

Сизифнинг боши узра Танатоснинг¹ қора булутлари қуюқлашди. Сизиф бўш келмади – тўғри, у ўзига етганча ҳийлакор эди, унча-мунчага бўш келмасди, унча-мунча найранг тузоғига илинмасди ҳам. Танатосга бўйсунуш ўлим билан тенг, яъни жаллод тиғига гарданини тутишнинг ўзгинаси эди. Бунга яхши билган Сизиф бирдан-бир тўғри йўлни танлади – у ўлим маъбудини қуллуқ ила қарши олди, унга ожиз ва нотавон қиёфада рўбарў бўлди. Бироқ у мазлумнинг ёвузликка қарши исёни – ҳийла, деган ақидани қўллаётганини ҳеч зоғ пайқамасди.

* * *

Сизиф овозининг борича хахолаб тоғу тошни бошига кўтарди, кулоқ тутди – тоғ кулди, чўққи кулди, ўт-ўлану хў-ў наридаги денгиз мавжлана-мавжлана кулди. Сизифнинг шумлиги тутди, у рўпарасида бақрайиб қолган ғанимини мазах қилаётган ғолиб саркарда янглиғ истехзоларга тўла башарасини кўз-кўз қилиб кулди. Ҳаққирост маъбуд бўлса, кўнглимда етилиб турган ниятимни пайқамасмиди?! Ўзини маъбуд дея жар солган маъбу-уд, маъбу-уд, ҳаммаси ўзича маъбудчалар, ярамаслар!.. Кулги уни хумордан чиқаролмади, бирдан жиддий тортди, йўқ, наъра тортди, наъра:

¹ Танатос – Қадимги Юнон ўлим худоси.



– Сенми мени доғда қолдирмакка аталган жазо? Менми сенга калака-эрмак? Шул харсанг, шул тоғ бўлдим йўлимда пайдо?! Менинг йўлимда-я?!

Сизиф харсангни даст кўтариб ҳов денгизга қарата улоқтирадиган важоҳатда қўлларини боши узра мушт қилиб дўлайтирганича атрофга заҳар пуркади.

Кейин нима бўлди, кейин? Нима бўларди, олам аҳли кўрмаган-нетмаган ходиса юз берди – Танатос ғафлатда қолганини англаб етишга улгурмай, Сизиф уни занжирбанд этиб, зиндонга ташлади, зиндонга! Тўфон тутди оламни, бетиним ва бетизгин чаққан чакмоқлар момагулдуракка айланди – олам тошқин остида қолди. Жала куйди, сел куйди. Сизиф Коринф улуси ичмоғи учун сув сўраганди – кечагина қултум сувга зор аҳоли неча кун-неча ой тинимсиз ёққан жала остида ғарқ бўлди, ғарқ!.. Бирок Зевс ниятига етолмади, яъни ўлим маъбуди Танатос зиндонбанд эканлиги боис ер юзида ўлим тўхтаганди.

Зевс талвасага тушди!..

* * *

– Қирғинбарот ўлимнинг тўхташи Зевсни даҳшатга, талвасага солди. – Сизиф харсангтошга кифтини тираган кўйи чўнқайганича унга разм солди. Харсанг зил-замбил сукунатга кетган, афтидан, у оҳиста бошланган хикояга бутун вужуди билан қулоқ солаётганди. Сизиф давом этди:

– Зевс ўликларни ҳам, ундан баттар тирикларни ҳам кўргани кўзи йўқ эди. Осмону фалакдан ёғиладиган, одамлар бошига мингдан-минг офат-талофатлар ёғдирадиган ёғин-чақинлар худосига ва тангрилар тангриси деган олий шараф соҳибига айланган бу кимсанинг кимдан ва қай тариқа дунёга келгани аҳли авомдан пинҳон тутилган.

Энди ўйлаб кўрса, шу хабардорлиги, яъни Зевснинг насл-насабини беш кўлдай билиши Сизиф устидан ўқилажак ҳукмнинг шафқатсизлигини белгилаб берган эди. Хуллас... аввалбошда Кронос ва Рея оиласида тотувлик, хотиржамлик ҳукмрон эди. Бирок бу осудалик узокқа бормади – Рея фарзанд кўрди дегунча Кронос уларни ҳаяллатмай пакқос жигилдонига уришни одат қилади. Волида Рея уввос солади, фарёд чекади, эри Кронос эса ўз фарзандларидан бири томонидан маҳв этилажаги ҳақидаги башоратдан тинчини йўқотган, тахт-мартабадан Мосуво бўлишдан кўра насл-насабсиз қолишни афзал деб билгани боис разил одатини қанда қилолмасди. Жони ўртанган Рея навбатдаги ҳомиласи – Зевс дунёга келган заҳоти уни ўраб-чирмаб яширади ва унинг ўрнига эрига чойшабга ўралган тош парчасини тақдим қилади. Кронос тошни ютиб юборади. Орадан неча фурсатлар ўтиб, Зевс вояга етади ва башоратда нақл қилинганидек қонхўр ва одамхўр падаридан туғилмай нобуд бўлган ака-опаларининг хунини олади.

Ўша отадан дунёга келган Зевс ўзи ҳам падар қарғишига, сўнгра қисматиға гирифтор бўлди. Отамерос қонхўрлик қисмати Зевсни бачажиш – чақалоқхўрга айлантирди, бирок, ҳайҳот, у бу борада отасидан ўтиб тушди, яъни тақдир лавҳига битилган қатли ом қисматидан омон қолиш илинжида



кўз очиб кўрган жуфти ҳалоли Метидани тириклайин ютади. Онанинг вужу-дида жон сақлаган ҳомила эса ривожланишдан тўхтамайди, балки ота мияси-дан озуқаланиш ҳисобига ривож топади ва вақт-соати етгач, дунёга келади...

Сизиф ҳикоя қилишдан бир зум тўхтаб, узоқ тин олди. Нима қилсин – айтсинми-айтмасинми, йўқ, у башорат қилиш ниятидан йирок, фақат шоҳ Ибн К. билан боғлиқ воқеа... Шундай бир замонлар келадики, шоҳ ибн К. кибру ҳавода ўзини осмон устунни деб эълон қилади. Ўз қўл остидаги юртда бунга шубҳа билан қараганларни, уларга кўшиб маълуму машҳур зотларни ёппасига қатли ом этади. Нима бўладию, беҳосдан унинг бурнига чивин кириб кетади. Ҳарчанд уринмасин, аюҳаннос кўтармасин, чивинни қайтариб чиқариш эпи топилмайди, чивин эса унинг миясини кемириш ҳисобига кун ва соат сайин катталашиб сичқондек бўлиб кетади. Шоҳ ибн К. ўлмай туриб жаҳаннам азобини кўради... Сизиф бу ҳикояни сўзлаб юборишдан ўзини базўр тийди.² Лекин Кронос ва Зевс иккови асли худосиз бадбин эканликларини айтди. Очiqқасига айтди, дона-дона қилиб айтди:

– Кронос ва унинг зурриёди Зевс – ота ва ўғил худосиз бўлганлари учун ҳам ўлимни даҳшат деб билардилар, зотан ўлим гуноҳкорлар наздидагина даҳшат ва аянч манбаидир!..

Хуллас, мана шундай малъун худосизлар ўзларини илоҳга, маъбудга менгзаганлари, ҳарамини эса манфур ишратхонага айлантиргани нима учун аҳли оммага ошкор бўлмаслиги керак?! О, бадкирдор, о, ярамас, қонхўр, муттаҳам, о, лаънати хотинбоз! Оҳ, қайдасан қасос, қайда интиқом?! Пўсткалласин айтсам, эшаксан, эшак... бешак!..

Сизиф ўрнидан ирғиб қад ростлади, азбаройи жунбишга кирганлигидан букик қадди ростланди – бўй-басти харсангдан-да тик, маҳобати харсангдан-да улуғроқ кўринди. Давом этди:

– Унинг кирдикорларидан сўз очган кимса борки, ғийбатчи, ғаним, юртбузар муттаҳам дея эълон қилинди, бетларига қора чапланди. Кўз етмас, қўл етмас, сўз етмас масканларга бадарға қилинди. Қизининг ҳажрида куйиб адо бўлган Асоп эса дом-дараксиз, ном-нишонсиз...

Сизиф бирдан жим бўлиб қолди. Бошлаган сўзини ниҳоясига етказмай тилини тишлади. Яна нима жин урди уни? Яна не мақсад-муддаода тилига эрк бермоқда? Бежон-беҳис харсангтош-ку, деб ўйладими? Ундай деса, жоникўнгли бўлса-чи, бу бақалоқнинг?! Тошда ҳам руҳ мавжуд деганлар. Оҳ, ёрилтош-ёрилтош, ич-ичингни очайин, мен қалбингни кўрайин... Ёрилақол, ёрилтош... Мени алдади, кўппак, қари сангтарош!.. Кўнгил нима қилсин, бул... Махлуқмиди, жондормиди, касу нокас бандамиди, бу харсангтош?!

* * *

Сизиф айтганлари тошга юқмаслигига ишончи комил эди, жигарпораси ҳажрида адойи тамом бўлган падар – Асопнинг дом-дараксиз ғойиб бўлганидан оғиз очган жойида... боши, елкалари аралаш майда қум зар-

² “Қуръони карим”нинг “Бақара” сураси 258-оятда нақл қилинган ривоят.



ралари ёғди. Сизиф хайрон бўлди, бирдан ҳикояни чўрт уздию, юқорига каради, туйкус “қирс-с” этган сас эшитилди. Сизиф дабдурустдан буни тушунмади. Ақли бовар қилмади, ваҳоланки, аниқ-тиниқ эшитди! Зум ўтмай сапчиб оёққа қалқди ва назарида харсангтош чарсиллаб, парчаланиб тушадигандек хавотирда тошнинг панасидан отилиб ирғиб чиқди. Ортига ўгирилиб харсангга бош-оёқ разм солди.

Тош қилт этмай турарди. Ваҳоланки, неча замон-неча даврлар ўтди-кетди, Сизиф харсанг лоақал қилт этса-чи, деб хуноби тошар, аччикланар, аюҳаннос кўтарар, нор туядек ўкириб юборар, туя эмас, айна аччиғи чиққан дамларда филга айланиб қолсаю, қудратли хартуми билан харсангни даст кўтариб!.. Йўк, филдан ҳам бирор иш чикишига кўзи етмайди, яхшиси, Бриарейга³ айланади! Мушқули осонлашади шунда, харсангни кифтига кўндириб, юзта қўлини ишга солади – қўлма-қўл қилиб, ҳа, шундай – харсангни кифтига кўндириб, тоғ чўққиси экану, осмону фалакка қаратиб ирғитади, сокқа қувиб юрган боладек истаса, пастга қаратиб думалатади, истаса, тепага – чўққи томон чопқиллаб-ирғишлаб кўтариб чиқади!.. Бирон қадами зое кетмайди унинг!

Сизиф шундай дедию, кўкка қараб худди тавалло қилаётгандек ўзининг кутилмаган кашфиётидан мутаассир бўлиб қолди!

Ҳеч бир ҳаракат зое эмас... Беҳуда, бесамар, бемаъни эмас!.. Эмас, эмас, эмас-с!.. Кумурсканинг қадам олишидан тортиб Ер ва Қуёшнинг икки севишган қалб соҳиблари янглиғ бир-бирининг атрофида айланишигача – ҳикмат, ҳикмат, ҳикмат! Ер Қуёшнинг атрофида айланадими ёхуд аксинчामी – нима фарқи бор, дея бефарқлик қилиш наҳот ақли расо одамга ярашса?! Омилик, бетавфиқлик эмасми, бундай фикрлаш! Бундай нусхалар еру қуёш ҳаракатдан тўхтаган тақдирда ҳам пинакни бузмас! Сизиф учун эса... харсангтош тепасидан қум зарраларининг учиб-тўкилиб тушганидаёқ оламча ҳикмат мавжуд. Ҳа, шундай, ҳаракат мавжуд жойда маъно-мазмун, моҳият мавжуд. Нажот қуруқ иродада эмас, йўк, ҳаракатга айланган иродада! Маъно-мазмун ва моҳият мавжуд экан, ҳеч бир иродали хатти-ҳаракат беҳуда-бемаъни кетмайди. Адоқсиз ҳаракат бекор, боқий ҳаракат бесамар-бемаъни деганларнинг ўзлари, сўзлари бекор-бемаъни-бесамар!..

Сизиф бир жойда туролмай қолди, бирдан товушининг борича бақиргиси-хайқиргиси, шу билан тоғу тошдан, осмон тўла булутдан, булутларга туташ денгиздан, харсангдан... маммидан суюнчи олмоқчи эди. Турган жойида чир айланишга тушди. Айланаверди-айтаверди, айтаверди-айланаверди. Яхши яшамаса-да, майли, азоб-уқубат чекса-да, рози, илло, қандай бўлмасин узоқ, узоқ, жудаям узо-оқ яшамоғи ҳикматдир-ҳикмат! О-о, Сизиф! Чир айланиб айтди: яхши яшашни эмас, узоқ яшаш авло! Оҳ-ҳо-о, Сизи-и-ф! Айтиб-айтиб, гир-гир айланиб – уста кулолнинг чархидан шиддатлироқ жойида айланиб айтди: яхши яшаш эмас, узоқ, узоқ, узо-оқ яшашдан ва зинҳор-базинҳор ҳаракатдан тўхтамай яшашдан ўзга олийроқ орзу-ҳавас, илинж-истаги қолмаган Сизи-и-ф! Ҳақиқа-ат!.. Ҳақиқа-а-ат-т!.. Тотли ҳақи...

Сизиф сувдан бўкиб чиққан... итдек силкинди, тамом ҳолдан тойган,

³ Мифларда тасвирланган юз қўлли ва эллик бошли махлук – дев.



аъзойи бадани шалвиллаган, лекин ичи... вужуди... шуури тоза-тиниқ эди, бетини кўкка қарата кўзларини юмди, шу алфозда янаям сергак тортишга ҳаракат қилди, бироқ ўзининг қаерда, қандай ҳолатда, қай вақтда яққалғиз қакқайиб турганини англаб етмай, бош чайқаганича оғиз жуфтлади:

– Яхши яшаш эмас, узоқ яшаш... Куруқ ироданинг ўзи эмас, ҳаракатга айланган ирода бунёдкор, яратувчидир, шундай ирода омон экан, поёнсиз маънисизликнинг адоғи – бамаънилик, ушбу бамаъниликка етишмоқлик йўлидаги машаққатларга бардош беришда эса сабр-тоқат, сабр-тоқат, сабр-тоқат...

Харсангтошнинг аллақаери қарсиллаб кетди, фавқулодда беўхшов қарсиллади, Сизиф дабдурустдан бунинг қандай товуш, шовқин эканлигини тушунолмади, кўзлари ялт этиб очилганича харсангни бош-оёқ назардан ўтказишга тушди, анграйди-аланглади, нафи бўлмади, дарҳол эс-хушини йиғди, шунда харсангга қапишининг, уни жойидан силжий бошлашига қаршилиқ кўрсатишнинг ҳожати қолмаганини сезди. У тамом ҳолдан тойган эса-да, ғоятда чапдастлик билан жон ҳолатда ўзини четга тортди. Харсангтош бир силтандию, аюҳаннос солиб, оламини бошига кўтарганича пастликка қараб думалади!..

II

Тўхтовсиз ўтқувчи замонга инсон дош бермаслиги, тоғу тош, харсангтош дош бермаслиги мумкин, борингки, халқона ҳикматнинг оҳори тўкилиши ҳам учрайдиган ҳол, аммо-лекин, ҳаммасидан даҳшатлиси, Сизифнинг назарида вақт тақа-тақ тўхтаб қолгандек, у вақт тушунчасини аллақачонлар унутиб юборгани эди... Йилни ҳам, кунни ҳам, соату дақиқаларни ҳам унутди у. Вақтни унутган ўзини ҳам унутади. Ўзини унутган одам мўлжални, режани, ҳисоб-китобни унутади. Яшамаётгандек яшайди.

Бундай ҳолатга тушган одамнинг аҳволини яхши биларди Сизиф, бир хаёли, қандай бўлмасин, вақтнинг ҳисоб-китобини олиб боришга астойдил киришганди ҳам, бироқ бу нияти узоққа бормади – нима, қачон юз берганининг нечоғлиқ аҳамияти, қиммати бор? Қолаверса, Сизифнинг тош юмалатишдан бўлак бошқа ҳеч қандай мақсад-маслаги, вазифаси қолмаган. Учрашадиган, гаплашадиган одами йўқ – у ёлғиз. Кўрган-кечирганларини дoston қилиб кимларгадир арзиҳол қилиш нияти ҳам йўқ.

Шу ўй-хаёлда бепарволик қилганди, бошқа муаммога рўпара келди: вақт ўтяптими ёхуд таққа тўхтаб қолдими, ахир вақт имиллаб ёхуд жадаллаб ўтиб тургани қандайдир белгилар ёрдамида сезилиб турмоғи керак-ку! Ўзининг мавжудлигини сезмаслик, ҳис қилмаслик бунчалар оғир кечишини Сизиф тасаввурига келтирмаганди.

* * *

Сизиф харсангтош тепадан пастга қараб неча марталар думалаганини санамай қўйганига, эҳ-ҳе-е-е, аллақанча замонлар ўтиб кетди. Дастлабки кезлар оҳ деганча, воҳ деганча қарсақ уриб қоларди у. Аламидан лабию



тилини чандир гўшт чайнаётгандек ғажиётганини сезмас, конини шима-шима туфлаб ташлар, тиззасига гурсиллатиб муштлар, назарида овозини, ҳайқиришини эшитса, харсанг юмалаб бораётган жойида, “Лаббай, чақирдингизми?” деб таққа тўхташи муқаррардек хуноби тошиб аюҳаннос кўтарар, меҳнат-машаққатлари зое кетганига ачинар, қандай хатога йўл кўйдим деб ўзини ўзи тергар, тафтиш қилар, афсусланар, харсанг ортга қараб думалай бошлаган жойидан туриб чўққига довуз қанча масофа қолганини чамалар, бир ёки нари борса, икки-уч зўр бериш билан чўққини ишғол этиши мумкин бўлган масофа қолганини кўриб фарёд чекиб юборарди. Кейинчалик эса ана шундай фиғони фалакка чиқиб афсус-надомат чекиш одатлари аста-секин йўқола борди. Ҳатто навбатдаги сафар харсангни жойидан жилдирар экан, тепалик ёнбағрининг қайсидир манзилида қандай қилмасин, барибир бу тошнорак юмалоқ, думалоқ, бақалоқ неча бор-неча дафъа чиқиб борган изи бўйлаб ортга қайтишини, бунга Сизиф ҳарчанд уринмасин тўсқинлик қилолмаслигини олдиндан бўйнига олиб кўяр, чиқамиз – қайтиб тушамиз, чиқамиз – қайтиб тушамиз, илло ҳаракатдан тўхтамаймиз, дея хиргойисифат минғир-минғирлар билан ўзини ўзи юпатарди.

* * *

Яқин-яқиндан эса Сизифнинг феълида ғалати бир ўзгариш юз бера бошлади – унда харсангтошнинг тепадан пастликка томон ўқдек отилиб тушишини худди биринчи бор кўраётгандек таажжубу ҳайратдан оғзини ланг очиб қоладиган одат пайдо бўлди. Харсангнинг аёвсиз, шафқатсиз ва тасвирлаб бўлмас шиддат-важоҳат билан чўққи этаги сари юмалашини кўриш-кузатиш танг аҳволга солиб кўярди уни. Маъбудлар харсангтошнинг қулоғига эритилган қўрғошиндек қилиб қуйиб, унга тайинлашганмикан... зинҳор ва ҳеч қачон унга бўш келмайсан, чўққига олиб чиқишига йўл кўймайсан, фақат ва фақат пастлик сари юмалайсан дея пишиқлаб кўйишганмикан...

Сизиф бехосдан садоқатли кадрдонининг хиёнатига йўлиққан одамдек бирдан чўкиб қолди, қадди дол, қолдан тойган кўйи шилқ этиб чўнқайди, бошини тиззалари орасига солинтирганича ғужанак бўлиб олди, алла-паллагача ўтирди шу алфозда, ичи қизигандан-қизиди чоғи, чўнқайиб ўтирган жойида чалқанчасига узала тушди. Заранг ер баданига ботмади. Ётган жойидан бу сафар ҳам ихтиёрига бўйсунмаган харсангга гоҳ ғазаб, гоҳ тушунуксиз алам-армон билан ўқрайди. Харсангтош жонли махлуққа ўхшаб кетди назарида. Ичинга урай, деди Сизиф тишларини ғижирлатиб, қон аралаш туфлади, дона-дона, бурро-бурро қилиб сўқинди. Осмонга термилди. Само хоқони – оҳиста ва залворли сузиб бораётган қават-қават булут орасида янаям қорароқ, ҳайҳотдек, юм-юмалоқ... Сизиф диққатини жамлади, қоп-қора ва юм-юмалоқ, дум-думалоқ, бақ-бақалоқ, баҳайбат... мана-ви юмалоқ, думалоқ, бақалоқдан юз қарра улканроқ тошбулут... гўё ичига ҳаво тўлдирилган пуфакдек енгилгина ва ҳеч қандай қийинчиликсиз сузиб



бораётганди. Сизиф ҳаваси келиб нигоҳини узолмай ётди. Қўли етса, тортиб туширарди-я уни, оёғининг остига!.. Беозор, беғалва, бемашакқат силжиш қандай бўлишини манави харсангга кўрсатиб кўярди-я!..

Булутдан ясалган-да, – деди Сизиф, ўша заҳоти ичида пайдо бўла бошлаган ҳасад аралаш ҳавасни унутишга уриниб. – Бизники эса – тошдан, қоя тошнинг бағридан ўйиб олинган, махсус ишлов берилган, жило берилган, йўнилган, қулоғига дам солиб...

“Йўғ-е, – деб юборди Сизиф хаёлига келган фикрдан қайтиб. – Жило-ишлов берилганга ўхшамайди, шундайига бирор тоғ бағридан ўйиб олингану шу масканга – жазо биёбонига келтириб ташланган”. Илло, Сизиф бурун бундай сазойигоҳлар, жазогоҳлар мавжудлигини на кўрган, на эшитган.

Булутни пуф десанг, кифоя – енгил, оғирга эса – оғир бўлишга мажбурсан.

Хаёлига келган бу фикр Сизифга маъқул тушди, дарҳақиқат, оғирга – оғир бўлиш даркор. Оғирга енгиллик кетмайди, оғирни оғирлик билан енгил мумкин, енгиллик билан эмас!..

* * *

Сизиф ҳозиргина харсангнинг пастлик томон юмалаб кетишидан аввал турган жойига қарадио, суратдек қотди-қолди! Кўзи ерда ётган бир бўлак япалок тошга тушди! Тошнинг оқиш-қорамтир аралаш тусли ички томони шу қадар ялтирар, жилваланардики, Сизиф қамашган кўзларини устма-уст юмиб-очди, беихтиёр мижжаларини мушти билан ишқади, тош парчасига қайта тикилиб қаради – манзара ўша-ўша, ўзгармади, ҳаяжоннинг зўридан унинг шуури, вужуди, оғзи хувуллаб бўм-бўш алланима идишга айланиб, ўзи серрайиб туриб қолди. Нима ўзи бу? Қандай?.. Қандайига?! Ҳайбатидан одам тугул, йиртқич ҳуркадиган харсанг не сабабдан ўзидан-ўзи синиб тушди?! Ахир!..

Сизиф ичини алғов-далғов қилиб пайдар-пай қалашиб келаётган саволларнинг бирортасига ҳам жавоб тополмади, тополмасди ҳам, зеро кўзи билан кўриб, ҳатто қўли билан тутиб турган нарсага ақли бовар қилмаётганди. Шошилинич, ҳа-ҳа, зудлик билан бирор чора кўрмоғи, мабодо тайсаллайдиган бўлса, кор-ҳол юз бериши муқаррардек, лекин нима қилмоқ керак? Нима?! Қандай кор-ҳол юз бериши мумкин? Бордию, харсанг синиб тушганининг ўзи кор-ҳол бўлса, бу ниманинг аломати, белгиси, ишораси?! Нимага йўймоғи керак буни Сизиф?! Нажот истаб тўрт томонга қараб югурсинми, вазиру вузаро, авлиёю мавлоно мушовурларини шошилинич машваратга чорласинми, ерни муштласинми ё кўкка қараб ув тортсинми?!

* * *

Ҳар бир ўзгариш, ҳар бир янгилик янгидан-янги умидга доя, янги умиддан янги дунёлар дунёга келади. Сизиф бу ҳақиқатни яхши билади, бироқ бу масканда ўзгариш юз бермаслигига, ўзи ўзгармас биёбон бандисига айланганига аллақачонлар амин бўлган, бинобарин, ўйлаш, хаёл суриш, муҳокамаларга берилиш ортиқчадек, шунга қарамай, ҳарчанд истасин-



истамасин, вақти-вақти билан саркаш хаёллар олиб қочганини ўзи ҳам сезмай қолар, саркаш тўлқинлар исканжасидан халос бўлолмас, шундай лахзаларда, чунончи, нимадан яралган ўзи бу харсангтош, дея ўзини ўзи саволга тутган, муҳокама юритган, адоксиз муҳокамаларидан бирор тайинли наф топмаганди. “Нимадан бўларди, – дея бир замонлар чиқарган хулосасини дилида такрорлади Сизиф, – одам одамдан, йиртқич йиртқичдан, гиёх гиёхдан пайдо бўлганидек тош ҳам тошдан келиб чиқади-да”. Шундай деб у этак томон бир-бир одимлаб пастлашаркан, харсангдан узилиб тушган япасқи-япалоқ тош бўлагини икки қўллаб кўтариб олди – залворлигина экан! – ҳозиргина харсанг пастга қараб юмалаган сўкмоқ ёқалаб одимлаб куйига эниб бораркан, ундан қолган янгигина изларга – тупроқ-тошнинг эзилган-нетган чуқурчалари, ботиқларини бирма-бир назардан ўтказди. Яхлит харсангтош қандай қилиб синди?.. Зарралардан бунёд бўлган қумтош эса синмайди, уваланади.. Ранги... Сизиф тоғ ёнбағрининг нақ белида турган жойидан харсангнинг рангини аниқламоқчи бўлгандек дам унга, дам қўлидаги харсанг парчасига тикилди. Харсангнинг Сизифга қараган томони қорайинқираб кўринди, бир неча одим энди, харсанг оқарди, яна пастлади – тош худди қўлидаги парча сингари қўнғир тусга кирди. Сизиф унинг ёнига ета-етгунича харсангдан кўз узмади. Ҳар қадамидан сўнг харсангнинг ранг-туси товланаётганини пайқади, айниқса, шу дамда назарида харсанг оғир-оғир нафас олаётганга ўхшади. Сизиф унинг атрофини оҳиста айланди, айлана туриб, япалоқ парча узилиб тушган жойини излади, излаганини бирдан тополмай, шошганидан харсангни ушлаб-ушлаб кўяр, бу ҳаракатлари билан оғир лат емадингми, қаеринг шикастланди, дея шўх-шодон ўғилчасидан хавотирланган отадек саросимада бир жойда туролмай қолди.

У ўзининг яна бир, навбатдаги уриниши зое кетганини ўша заҳоти унутган, бутун вужуди-шуури билан харсангнинг шикастланиши ҳодисасини англашга ҳаракат қилаётганди. Бироқ, харсанг ҳамон бус-бутун экан, ортиқ тайсаллашга ҳаққи йўқ, демак, навбатдаги ишғол этиш сари отланиши мумкин, бундан бўлак чора ҳам, мақсад-муддао ҳам йўқ. Нима бўлган тақдирда ҳам ўй суриш, хаёлга берилиш, чалғиш эмас, харсангни жойидан силжитиш, яна, яна ва яна марра сари машаққатли йўлга тушиш муҳимлигини Сизиф бирон сония унутишни истамайди. Ҳа-а, деди у дўриллаб, нафас ростлашингга қўёлмайман, чиқамиз – қайтиб тушамиз, чиқамиз – қайтиб тушамиз! Ҳордикнинг мавриди эмас. Менга бир қара, юмалоқ, бўларим бўлган, илло, ғайратим, кучим-қувватим ҳали бисёр, сени ҳов қиз маммиси ёнига олиб чиқишга қурбим етади, қани, кетдик, думалоқ! Юр-юр, дедим, олдимга туш, деяпман, бақалоқ!..

Аввалбошда харсанг ҳар сафар шу тахлит этак томон думалаганида Сизиф оғзига келган ҳақоратларни қайтармасди, икки қаватлаб, уч қаватлаб – топиб-топиб сўкарди, маънодошу оҳангдош сўзларни териб-териб сўкарди – ишонасизми, йўқми, бўралатиб сўкишлари иш бермай қолмасди, илло шунда ҳам хумордан чиқиши осон кечмас, ҳовлиқиб, хал-лослаб пастга югуриб тушар, худди харсанг аллақаяёққа қочиб кетмасин



деган мақсадда унинг йўлини тўсмоқчи бўлаётган одамдек икки кўлини икки томонга ёйганича зир югурар, сўнг кўлига, оёқларига эрк берарди!.. Кейин-кейин бундай қилиқлари ўзига нашъа қила бошлади, кимга зарда қиляпман, кимга эмас, нимага қичқиряпман, кекирдагим ёрилиб кетган-даям бунинг парвойига келмаса, қичқирдим нима, қичқирмадим нима, эшитадиган қулоғи, ўтдай тутаб, кулдай тўзиётганимни кўрадиган кўзи бўлмаса! Нима бўлган тақдирдаям, дунёга тош бўлиб, харсанг бўлиб келиб қолган бир нарса-да, сўқимтабиат, тўнғизтабиат жонсиз бир махлуқ-да, шу билан тенглашаманми, шу билан пачакилашиб ўтираманми?! Фақат, начора, тақдирига битилган экан, пешонаси, шу бебақо нимарсага боғланиб қолди, бу ёғи Сизифнинг ихтиёридан, истаги, хошиш-иродасидан йирок!.. Мана, у қанчалар ўзини баланд олмасин, ўзининг инсонийлик шаънини сақламасин, алам аралаш харсангтошнинг гулдираб, оламни бошига кўтариб, тоғу тошни онтар-тўнтар қилиб пастга шиддат билан юмалашини гўдак боладек ўзгача қизиқиш, ўзгача сурур билан кузатиб ўтирибди. Дастлабига у ўзида харсангтошнинг пастга қараб юмалашини кузатишга мойиллик пайдо бўлганига ажабланди, бироқ вақт ўтгани сайин арзимасдек кўринган майл одатга айланиб кетди. Харсанг қуйига қараб жила бошладими, у дарҳол ўзини четга олар, бўлар иш бўлди, деган ўйда ўша заҳоти тўғри келган ерга ўтирганича ҳаётда кўрмаган-нетмаган ажойиб ва ғаройиб воқеага илк бора кўзи тушган одамдек фавқулодда қизиқиш билан харсангни кузата бошлар, унинг шу қилиғини олқишлаб қарсак чалиб юборар ва қизиғи... ҳар сафар фавқулодда воқеа юз берган илк сонияларда рисоладаги ҳар қандай одамда кузатиладиган ҳолат – ақлининг лол қолиши Сизифни буткул паришон бир аҳволга солиб қўярди...

* * *

Сизиф армонлардан кўз юмиб, орзу-ниятлар билан яшашни аллақачонлар ўзига одат қилиб олганди. У ўнг кифти ва ўнг кафти билан харсангни жойидан жилдира бошлаганида тошнинг ўзи-кўзи учун ёд бўлиб кетган кўнғир, оч кўнғир, тўк кўнғир, қизилтоб жойларига, ундаги ғаройиб чизиқларга, изларга, доғ-дуғларга, турфа катталиқдаги холларига, ланғиллаган “гулхан”нинг учларига бирма-бир разм солди. Назарида, харсангдаги ҳар бир доғ-дуғ, ҳар бир чизик-из нималардандир дарак бераётгандек, сас-садо чиқмаса-да, нималардир ҳақида сўзлаётгандек, фақат Сизиф – инсон бу тилни тушуниб, англаб етмаётганидан хуноби тошар, бунга сайин харсангнинг шаънига ёғдирган барча-барча дашному маломатлари учун ўзидан хижолат чекар, ҳатто худди узрхоҳлик қилаётгандек, мулзамлигини хаспўшлагандек харсангга тик қаролмай қоларди.

* * *

“Сўқимтабиат, тўнғизтабиат жонсиз бир махлуқ-да” деди-я харсангни! Ваҳоланки, тошда ҳам фикр ва руҳ мавжуд. Жонсиз нарсалар одамлар назарида жонсиз бўлиб кўринади, чунки инсонга жонсиз нарсаларнинг жонини кўриш



ва англаш қуввати берилмаган. Буни баъзи фавқулодда ҳолларда ҳис этиш, илғашгина мумкин, холос. Ким айтганди-я, бу сўзларни? Ким айтгани ёдида йўқ, лекин эшитган чоғи эътибор қилмаган, ҳатто бачканадек, беўхшоврок чалинганди қулоғига. Нақадар ҳикматли, нақадар пурмаъно сўзлар эканлиги мана энди англашилмоқда. Ўйлаб кўрса, мана ўша фавқулодда ҳолат бошига тушиб турибди-ку, Сизифнинг. Фавқулодда ҳолат унга англаш, идрок этиш имконини бермоқда. Наинки харсангтошдек жонсизнинг жонини англаш, ҳис этиш бахти Сизифга насиб этадиганга ўхшамоқда!..

* * *

Сизифнинг назарида, харсангнинг айрим жойлари оддий тупроқдан котирилгандек, гўё уларни қўл билан қириб тушириш ҳам мумкиндек туюлди. Сизиф шу хаёлда синган-нетган тирноқлари, қонталаш кафтининг қирраси билан уннаб кўрди, бироқ харсангдан зарра ҳам кўчмади, аксинча, харсангнинг тупроқ бўлиб кўринган ерлари тошдан-да қаттиқ, метин бўлиб кетганди. Сижжилмикан?..⁴ Тупроқми, тошми, бошқами – Сизиф харсангнинг қайси ерига қўл урмасин, котиб, метинга айланиб кетганди. Харсангнинг сатҳи сип-силлик эмас, у қадар ғадир-будур ҳам эмас. Сизифнинг қўли – кафти, бармоқлари тегмаган жойи қолмади. Харсангнинг нотаниш жойи қолмади Сизиф учун. Ҳатто пешонаси, бети, кифти, кўкраги, тиззаси... қоши-киприклари чиппа ёпишмаган жойи йўқ харсангнинг баданида. Фақат ичи, ичини билмади, билолмади. Ҳо, харсангтош, ёрилтош, мен ичингни кўрайин, дилгинангни билайин, дея хиргойи қиладиган бўлди ахён-ахёнда Сизиф. Зеро, унинг учун харсангдан бўлак дўст, биродар йўқ бу ерда, истайдими-йўқми – маҳкум одам учун хоҳиш-истак деган сўзлар бегона ахир – Сизифнинг бирдан-бир кўз очиб кўрадигани мана шу харсанг. Дўсти, сирдоши, суҳбатдоши... рақиби, ҳатто тажовуз қилиб қолиш эҳтимоли бўлган яккаю ягона ғаними шу. Вақти келса, ҳасрат халтасини ҳам мана шу тошнинг жонига-ҳиссиётига ишонади, шунга раво кўради Сизиф.

* * *

У ёдига нимадир тушган одамдек шошиб харсанг атрофида айланиб-тимирскиланиб излай кетди. Маймундек тармашиб унинг тепасига чиқди, топмади, ерга тушиб, бағрини ерга бериб эмаклаганича харсангнинг остини пайпаслади. Топди! Бармоғининг учлари билан тошга ёпишган тупроқни қириб туширди. Қаноат ҳосил қилмади шекилли, зумда қад ростладию, иккала кафти билан харсангни осонгина жойидан жилдирди. Сизиф ҳозиргина тупроғини қириб туширган жойини нигоҳи баравар баландликка келишини мўлжаллаб, харсангнинг тўқ қорамтир сиртига ўзи ўйиб ёзган ёзувни ўнглаб, тўхтатди – “Сизиф”. Исмини ёзгунича озмунча булут сузиб ўтдими осмонда! Сизиф вужуд-вужуди билан шу машғулотга андар-

⁴ “Қуръони карим”нинг “Худ” сурасида келадиган бу арабий сўз “лойи қаттиқ котиб қолган тош” дея тафсир қилинган. Тафсири хилол. 3-жилд, Б. 128.



мон бўлди. Заррама-зарра, биттама-битта киррадор тошлар ёрдамида ўйиб-ўйиб ёзди. Қўллари қонаб кетди, харсангдан учиб отилган тош зарралари юз-бетини чўтири қилиб юбораёзди. Сизиф ахдидан қайтмади, тўхтовсиз сузиб бораётган булутлардан вақтнинг ҳисобини олди, демак, булутлар ўтади, Сизиф ҳам ўтади, янги-янги булутлар келади, ана ўшанда бу биёбонга қадами етган одамлар харсангтошдаги ёзувни ўқийдилар! Воқиф бўладилар!

Сизиф ҳар битта ҳарфни ёзишни ниҳоясига етказганида қувончдан ўзини кўярга жой тополмас, ҳарфларнинг қинғир-қийшиқлиги ҳам ўзига сезилмас, сангтарош бўлиб кет-е, тошзаргар бўл-е, Сизифбой, дея ўзини ўзи алқашдан толмас, тошга муҳрланган ўз исмини ўқигани сари харсангтош қандайдир жонли дўсти, ҳамроҳига айлангандек бўлар, бундан ҳайронлигини ҳам четга суриб қўйиб, харсангга қарата меҳр тўла сўзларини такрор-такрор айтгиси келаварарди.

– “Сизиф”нинг ёнига “Коринф” деган сўзни қўшаман, – деди у, хаёлига келган фикрдан севиниб. – Замонлар кетидан замонлар ўтади, бу биёбон ташриф буюрувчилар дастидан азбаройи қадамжога айланади. Ана ўшанда, ана ўшанда...

* * *

Харсангтош тоғ этагидаги “қўналғаси”дан пича оғирроқ силжиди бу сафар, оғирроқ бўлса-да, ҳар қалай, Сизиф харсангнинг янгигина синиб-узилиб тушган жойи чанг-ғубордан холи, худди уни биров яхшилаб ярқиратиб ювгандек жилваланаётганини кўрди. Сизиф турган жойида қимир этолмади. Нигоҳини харсангнинг лат еган жойидан узмади. У илк марта харсангга ачиниш билан, гўё унга ҳамдардлик изҳор қилмоқчи бўлган кадрдондек маънос тортган, киприк қоқмай, термилиб турарди...

* * *

Ҳа, у билан қирпичоқлашиб, бир-бирларига ғанимлик қилишган замонлари аллақачон ўтиб кетди, энди улар ўртасида дўстлик, иноқлик қарор топган, гарчи харсанг бу кадрдонликка охирига қадар садоқат кўрсатаётган бўлмаса-да, шунга қарамай, Сизиф ундан гина-кудуратларини унутиб юборган, бинобарин, қоқилсанг – тошдан ўпкалама, деган нақлни эслар, харсангни бир қадам юқорига олиб чиқолса ҳам, ўн-ўн беш одим-қулоч тепага думалата олса ҳам – қанча йўл босганлигидан қатъи назар, Сизиф буни фақат ва фақат яхшиликка йўяр, қимирлаган қир ошар, деб ўзига тасалли беришдан чарчамас, шунинг ўзи натижа, шунинг ўзи самара, ҳе-еч бир уринишим зое кетмайди деган ўйда зинҳор тушқунликка тушмас, бироқ зое кетмаган тақдирда қандай қувончли ҳодиса юз бериши мумкинлигини тасаввурига сиғдиролмас, бу саволга жавоб тополмас, шунга қарамай, бир зайлда кечаётган кунларидан нолимас, хуноби ортмас, зерикмас, чарчамас... Нега ҳам зериксин, недан чарчасин Сизиф?!



* * *

Унда илгари ҳам зеркиш, толиқиш одати бор эди, сабаби ўзига қоронғи, тўсатдан ҳамма нарсдан – яшашдан чарчаб кетар, ўзини қаерга қўйишни билмас, кундалик аёнлик вазифа ва бурчларига чалғишга ҳаракат қилар, кўнгилочар эрмакларга андармон бўлар, бироқ энди биляпти – озод одамнинг чарчаши билан маҳкум одамнинг чарчаши орасида у дунё билан бу дунё орасича фарқ бор экан. Ундай деса, озод одамнинг қувончи билан маҳкум одамнинг қувончи, шодлиги ўртасида ҳам оламча фарқ, тафовут бўларкан. Бунга Сизиф ўзи шоҳид бўлиб турибди. Сизиф астойдил ўйлаб кўрса... бордию, мана шу харсанг унга йўлдош-ҳамроҳлик қилмаганида Сизиф нима билан машғул бўлур эди? Бошини қаёққа урарди, охири-адоғи кўринмас фурсатларини қандай ўтказарди? Чарчармиди? Зерикармиди?.. Яхшиям хаёл бор, хотираси буткул издан чиқаёзган эса-да, истайдими-йўқми, ўй-хаёли тиним билмайди, ушбу тинимсизликдан таскин топади. Эҳ-хе-е-е, Сизиф озмунча ҳаёт шарбатини тотидими?! Дунё танидими?! Ваҳоланки, бу ёруғ дунёда бор-йўғи бир кунгина яшаган одамни юз йил, истасангиз каталакда, истасангиз зиндонда ёхуд ўрада сақланг, ундай одам зинҳор-базинҳор зеркиш нима эканини билмайди, чунки хотира ва тасаввур унинг нажоткорига айланади, у ана ўша хотирасидан ва тасаввуридан таскин-тасалли, ҳаловат топади! Фақат...

* * *

Фақат, туриб-туриб, ёлғиз қолдиришгани алами Сизифнинг жонини ўртаб юборган дамларда у инсоний мулоқот йўқлиги боис жуда кўп сўзлар унут бўла бораётганини, бунинг оқибатида бир хил сўз, бир хил гапни бот-бот такрорлаётганини пайқаб қолар, ёдига нима ва қандай сўз келса қаторлаштириб айтиб ташлар ва яна... ғашини келтирувчи такрорга дуч келарди. Қимирлаган қир ошади... Зўрнинг тоши қирга қараб юмалайди!.. У мана шу ҳикматларни унутиб қўйишдан хавотирланар, ўтирган-ётган турган ҳолатларида беихтиёр такрорлар, такрорлагани сайин ушбу бир жуфт тагдор гапдан куч-қувват олаётгандек бўлар, харсангни жойидан жилдириш ниятида унга қўл чўзган заҳоти эса шу мадақдор ҳикматларни баралла – бутун тоғу тош, бутун биёбон, ҳатто ҳов наридаги денгиз мавжларини осмонда сузиб бораётган булутлар ҳам эшитадиган қилиб бақириб-хайкириб айтганини сезмай қолар – худди янги гап кашф қилгандай севиhib кетарди: омадлининг тоши қирга қараб юмалайди! Ҳа-а, харсангвой, ҳа-а, бақалоквой, ўжарликни бас қилсинлар, ғўдайиб тургандан кўра, қани, қирга, юқорига жилдик, юрдик, юмаладик, юмалоқвой, деганича, олдимга тушиб бир чопқилла-чи, думалоқвой, дея бор-йўқ аламини яна ва яна зўр бериб харсангтошни думалатишдан олар, ана шунда, бордию бекор қолдиришганида нима қилардим деган ўйдан азбаройи хуркиб, эсхонаси чиқиб, сапчиб тушарди.



* * *

Бекорчиликдан кўра даҳшатлироқ, ёвузроқ жазо йўқ Сизифнинг назарида! Шундай экан, харсангнинг борлиги, айниқса уни чўкки томон олиб чиқишга маҳкумлиги Сизифнинг таърифига тили ожиз бахти, қувончи, саодати! Машаққатлар... кўринган тоғнинг йироғи йўқ, ана, қиз мамми жойида қимирламай турибди, харсангни алалоқибат ўша ерга олиб чиқса, машаққатлар ҳам шамол тўзитган булутдек йўқолади, унутилади. Қолаверса, мана, кўз ўнгида унинг учун янги ҳаёт бошланмоқда, у қандай янги ҳаёт бўлади, бу ҳаёт унга қандай кутилмаган онларни тақдим этади – буларни-да ўйлаш, ўйларининг адоғига етишдан жоникиб кетмоқда Сизиф. Ошиқма, Сизиф, ошиқма, дея ўзини ўзи сабрга чорлади у, кўкдан тушган шодликни бир сипқоришда адо қилгандан кўра, уни томчи-томчилаб, култум-култумлаб эрмак қилиш зукколик, донишлик эрур.

* * *

Харсанг одатдагидек дастлабки уч-тўрт одимлик масофада Сизифга малоллик келтирмади. Сизиф одатига кўра, мамнун, тошга тармашди. Энди унинг харсангга ташланиши ҳам, уни итариб-силтаб юқори томон силжитиши ҳам аввалгиларга ўхшамасди. У ҳамон зиммасига юкланган мақсадвазифани адо этиш ниятидан қайтмаган, қайтиш қаёқ-да, тош юмалатиш унинг учун кундалик ҳунарга айланиб қолган, шунга яраша аъзойи бадаидаги бор куч-қувватини, тийнати-тажрибасидаги барча устумонликларини сафарбар этса-да, харсангга нисбатан заррача қўполликка йўл қўймас, унга ниҳоятда авайлаб, эҳтиётлаб муносабатда бўлар, силтаб ташламас, туртмас-турткиламас, ҳатто хуноби тошган маҳалда ҳам овозини баландлатиб тошнинг шаънига ола-кура ҳақоратлар ёғдирмас, балки бир баҳя-ярим баҳялаб бўлса-да, ўзи очган сўқмоқ бўйлаб олдинга-юқорига, олдинга-юқорига тарзда илгарилашда давом этар, баъзан, туриб-туриб, ўзига раво кўрилган жазо тури ҳақида ўйлаб... боши ҳў тепада айланишаётган булутларга қадар ўсиб кетар, шунга-да қаноат қилмай севинчидан ирғиб-ирғиб тушарди!..

* * *

Оллоҳ ато этган ақл-идрокнинг озмунчасини жазо чоралари, аслаҳаларию анжомларини кашф этишга совурдими одамзод! Бир бошга бир ўлим, ҳа, минг бошга минг ўлим раво кўрилмоғи ҳам мумкин. Хайрият, Сизифга ҳар тунда бир юлдузни маҳв этасан, демадилар. О-о, қайдасан, осмон шотиси?! Қайларга бош урарди Сизиф у ҳолда?! Харсангтош-ку, гоҳ юқорига, гоҳ пастга қараб думалаб турибди, адоқсиз машаққату уқубатлар келтирган бу машғулотни бора-бора Сизиф ёктириб, ҳатто севиб қолди, унингсиз туролмайди. Унга тунги Оймомони тилим-тилимлаб шу тоғ ёнбағрига қовун қоқидек қилиб териб чиқасан, дея шарт қўймадилар, Офтобнинг қоқ бети-



га санч, дея кўлига ханжар тутқазмадилар, о-о, раҳм-шафқат тангрлари!.. Сокин биёбонда... Сизиф сокинликка шу қадар кўникиб кетдики, тиқ этган шовқин ҳам унинг кулоғини тешиб юборгудай туюлар, бордию, ўзини, харсангни, тоғ чўққисини ва биёбонни чулғаб олган сукунатга путур етса, дейлик, денгиз ёхуд мудом булутлар макони бўлмиш само томонлардан ғайритабиий чинқирик таралса борми?! Йўқ, Сизиф ҳар қандай қийноғу азоб-уқубатга дош бериши мумкин, бунинг эпини топади, аммо-лекин чинқириқдан юраги ёрилиб кетиши, эс-хушидан айрилиши, бус-бутун вужуди тилка-пора бўлиб кетиши ҳеч гап эмас, шу боисдан ҳам харсангни чўққи томон юмалатиб олиб чиқиш жазоси бошқа ҳар қандай шафқатсиз жазодан кўра осонроқ, енгилроқ, азизроқ... жоннинг роҳатига айланиб кетганди.


* * *

Кўз ўнгида элас-элас қилдек ингичка шарпа-чизиқлар хира пашшадек айланишаверди. Бармоғининг учи, сўнг кафти билан кўзларини ишқади, неча қайта юмиб-очди. Шарпа-чизиқ бирдан катталашди ва Сизиф денгизда таниш қайиқ пайдо бўлди деган хаёлда хурсандлигидан иккала кўлини боши узра кўтариб, овози борича ҳайқирмоққа шайланди. Не кўз билан кўрсинки, денгиз сатҳида қайиқ эмас, қоп-қора тобут оҳиста лапанглаб сузиб келаётганди! Қутилмаган манзарадан Сизиф шошиб қолди, нима қилишини билмасди у, кўнглининг бир чеккасидан лип этиб ўтган аянчли хавотир кўз олдини баттар зимистонга айлантирди. Наҳотки, балиқчи чол... Йўқ, у тирик, у ўлмаган! Кўзларим мени алдамоқдалар, деган ўйда Сизиф мушти билан мижжаларини босиб-босиб ишқади, қатъияти бесамар кетмади – ўша заҳоти кўз ўнгида тобут қайиққа айланди, лекин у қоп-қора эди, аввалги сафарлар ҳам у шу қадар қора эдими, йўқми, бунисини эслолмади. Муҳими, балиқчи чол ўша-ўша алфозда – бош кўтармай, бетини тиззаларига теккудай энкайганича эшкак эшмоқда эди. Фақат... Сизиф нигоҳларига зўр бериб чолнинг кўлларига разм солди. Иккала кўли эшкакда, бироқ... у эшкак эшмаяпти, балки сув ичидан кимдир ёки нимадир эшкакларни тебратаётган, эшкакларга қўшилиб қариянинг кўли бориб келаётган, шу боис олисдан қараган кўзга худди чол эшкак эшаётгандек кўринарди. Табиий, бу сирнинг тагига етмагунича Сизифнинг кўнгли тинчимасди.

Давоми бор

**Абдумажид АЗИМ**

1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Муаллифнинг “Ўтаётган йиллар”, “Қалбимнинг Ватани”, “Қуёш боласи”, “Ёруғлик одами”, “Руҳи равоним” номли шеъррий китоблари чоп этилган.

**Сен борсан,
иқболим эрур зиёда**

* * *

Эрка хаёлимнинг малаги, хури,
Азизам жонимсан, мисоли танда.
Баҳорим чечаги, юрагим кўри,
Вужудни жон, асло, қиларми канда?

Офтобни севгандек она сайёра,
Оташин тафтингга ташна, интизор.
Соядек эргашиб, бокса, деб зора,
Суйибман, кўнгилда гуркираб баҳор.

Мен сени суйибман, мисоли она,
Авайлаб суйгандек боласин гўдак.
Талпина-талпина ўтга парвона,
Ўрганиб, тўлғаниб ёнгандек бешак.

Суйибман мен сени, аммо, бу ишқдан
Ахтарма заррача таъна, иддао.
Сен, ахир, осмоний, яъни, фаришта,
Мен эса кўйингда ғарибу гадо.





Сипқариб телбаю риндоналарча,
Севги шаробидан ақлимдан оза.
Девона десалар халойиқ барча,
Қувончим ичимга сиғмабди роса.

Сен борсан, иқболим эрур зиёда,
Олам зимистондир сенсиз қанчалик?
Ёдингдан чиқарма ҳеч ким дунёда
Ёниб севолмагай сени менчалик.

Дуойинг қилурман, мен ожиз банда,
Фақат сен шодумон, омон бўлсанг, бас!
Азизам, жонимсан, мисоли танда,
Сенинг ёдинг ила олурман нафас.

* * *

Шопирганча хас-хазонни, қилиб нола,
Урилади шамол ойна тўшларига.
Адирларда сурув қувлаб юрган бола,
Кечалари кириб келар тушларига.

Қўйларини йўқотганди ёппасига,
Чалғиганча ўйинларга бола бир кез.
Яхшиямки, иши кетмай чаппасига,
Қутқарганди фалокатдан отаси тез.

Оқиб ўтди қанча сувлар шундан буён,
Ўтди-кетди бу дунёдан отаси ҳам.
Болалиги ёдга тушса ўша замон
Нимагадир ўз-ўзидан бўлар мулзам.

Қилолмади эсиз, ота хизматини,
Олиб кетди узоқларга уни тақдир.
Ечимини топмай чигал қисматини,
Симиради ҳаёт майин талху тахир.

Ўтса ҳамки, неча ёзу неча қишлар,
Чувалашиб, тўзғиб ётар чала ишлар,
Қўпайгандан-қўпаяди, ғам, ташвишлар,
Турмуш эса талабларин яна пешлар.

Қани энди, осмонларга учиб кетса,
Аммо, оила, рўзғор торгар оёғидан.
Ундан дуруст, онасига бўлди ҳасса,
Бобо толнинг қуриган бир таёғи ҳам.

Бўлмасмиди юрганида кўйлар боқиб,
Уйланиб у қизларгул ё тошгулларга?
Қаёқлардан келиб қолди у улоқиб,
Ота-бобо кўрмаган бу манзилларга.

Такдир унга қаноат ва тўзим берса,
Тоғлар оша келмасмиди бу маконга?
Шаҳри Шошнинг шамоллари изн берса,
Қанот боғлаб учмасмиди Қумқўрғонга?

Уни энди тушунмайди майса-гиёҳ,
Болаликнинг армонлари ёнар кўзда.
Юраклари санчиб-санчиб кетади, оҳ,
Олис қирлар тушганида қайта эсга!

Бир кимсани қидиргандай чекиб нола,
Шошқин шамол увуллайди кечалари.
Шудгорларда кўй излайди ўша бола,
Лойга ботиб этигининг ўкчалари.

* * *

Билмас эдим, ишқ-муҳаббат зорини,
Билмас эдим, кимлар ишқда гадолар?
Тушда кўриб, мен ул шўх нигоримни,
Қалбимда мавжланди тўфон, ғавғолар.

Фарҳод каби ул Шириннинг васфида,
Мен изладим сени кўклам фаслида,
Етолмасдан ҳаргиз малак васлингга,
Ёш ҳолимга қаддим бўлди дутолар.

Сўроқладим сени жумла жаҳондан,
Тошкент тарафлардан, олис Сурхондан,
Коинотдан, олис Аршу осмондан,
Кучоқ очди ўн саккиз минг дунёлар.

Аҳволимни агарда, билганингда,
Ҳолим сўраб ёнимга келганингда,
Ғарибингга жилмайиб кулганингда,
Яшнаб кетармиди дашти фанолар?

Йўл юрсамда, сира унмас йўлларим,
Кўл узатсам, сенга етмас қўлларим,
Жудоликдан қон йиғлаган дилларим,
Билмам, яна бошда қандай савдолар?





Бовар қилинг аҳли олам сўзимга,
Икки олам тангу тордир ўзимга,
Жолаларим сиғмай икки кўзимга
Ўзанидан тошди Жайхун дарёлар.

Бирор хабар келтирмаслар санамдан,
Гулзоримдан эсган боди саболар.
Мажнун бўлиб, ўт туташиб танамда,
Энди менга насиб этгай саҳролар.

* * *

Чоршанбадан йўлим бошлайман,
Мен ўзгача, янги ҳаётда.
Сигаретни буткул ташлайман,
Сайр этаман оқшомлар отда.

Ҳаққа бирдай қилсам илтижо,
Йўлларимни, албат, очади.
Сурхон элдан Тошкентгача то,
Қирк йил гўё ондай кечади.

Ичимизда не сирлар пинҳон,
Не аламлар ботин, кўрингиз?
Чоршанбадан очилар осмон,
Арш токига қараб турингиз.

Эзгулик-ла дилни беласам
Саодатманд кечар ҳаётим.
Яратгандан нени тиласам
Ҳосил этгай бешак муродим.

Онам каби бағрикенг, мунис
Туюлади курраи замин.
Энди кавокиблар сайрини
Кундузлари кузатаман жим.

Эркаланиб шамол кафтида
Учиб ўтар булутлар гоҳ-гоҳ.
Совуқ юлдузларнинг тафтида
Юрагимни иситгум шу чоқ.

Кузатарман ҳайратлар ичра
Энг ғаройиб синоатларни.
Мен кўраман лаҳзалар ичра
Барбод бўлган коинотларни.

Борлиқдаги қимирлаган жон,
Яратганга айтар ҳамд-сано.
Осмондаги қушлар ҳам, инон,
Ҳақ изнисиз учолмас, асло.

Бошланади ҳаётим қайта,
Вужуд дўнар шаффоф ойнага.
Аҳли олам ухлаган пайтда
Руҳим жўнар олис самога.

Чоршанбадан очилар осмон,
Ортимга ҳеч келмайди боққим.
Менга қибла энди тўрт томон,
Осмон сари келади оққим.

Энди эксам қандай зироат,
Саховатин аямас тупроқ.
Кечалари фалак қатидан
Юлдузларни тераман бодроқ.



ҲУКМАТ

Сўзгадур ҳар яхшиликки, имкони бор,
Мундин дентурларким, нараснинг жони бор.

Алишер НАВОИЙ



Гулчехра РАҲИМОВА

Қорақалпоғистон халқ шоири. 1952 йилда тузилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетида ўқиган. Шоиранинг "Ишонч", "Она меҳри", "Муножот", "Юртим ардоғи", "Жон фидо", "Тўрткўл баҳори" китоблари нашр этилган.

Ҳур келажак – мустаҳкам зина

* * *

Қалбинг – нур, хонангда порлайди куёш,
Ичин ҳар кун ўзинг қиласан таъмир.
Сийлабми, синабми – ўзи берган ёш,
Муқим ота макон, ўткинчи умр.

Топган, йўқотганим кўзимга бердим,
Ичақол, яширган ёшларимни, дам.
Болам, тўғрилиқни қалбингга тердим,
Қалбимда яшаган ҳисларимни ҳам.

Улгурмадим бахтга, сен улгурасан,
Юрмайсан, сен мендек бўй ва эн бўлиб.
Эл-юрт, бола-чақам деб югурасан,
Оёқ етган жойда юрак кенг бўлиб...

...Сен озод мамлакат фуқаросисан,
Рўёби Раҳим бобом армонларининг.
Юртим, қора кўзим оқ-қорасисан,
Туғисан Ипак йўл қарвонларининг!

* * *

Хазина – ер, қаърига қара,
Саҳролар – гул, очиқ манглайи.
Мақсадлар бўй-бастига қараб,
Куртак ёзар боғлар йил сайин.

Қутлуғ замон холи кам-кўстдан,
Бизда ҳур руҳ – Алпомиш, Широқ.
Мозийга нур сочган Туркистон –
Қадимиятни порлатган чироқ.



Амударё бўлиб оқайин,
Берар жонин кўздаги булок.
Қушдек эркин қанот қоқайин,
Умидимга умид билан бок.

Бокий тинчлик йўлларда илҳак,
Чинорларда минг жажжи япроқ.
Юрган бари ҳақми ё ноҳақ,
Ёпар кўзин бир сиқим тупроқ.

Қайга пойим ё қурбим етса,
Мадор бўлай дилларга тайин.
Зора, кўзим эрта ярқ этса,
Чўл гардларин кўзга суртайин.

Қадим қалъа кўзин сотгани,
“Авесто”да минг аср фироқ.
Келдим юртга томир отгани,
Манглайи оқ шу кора тупроқ.

* * *

Осмон саҳни қуёшга тордек,
Оғиз очар қушлар нимчорак.
Гўё кўкда муҳим гап бордек,
Қочар ипин узиб бодбарак.

Берар кун мингни биримизга
“Дук-дук!” Дунё қулоқда саси.
Очар эшик диёримизга
Завқ-шавқ тўла исёнкор фасл.

Кўкда қуёш танга ўт қалаб,
Ботинга йўллар етти ётти.
Симираб ер, атрофин ялаб,
Қақроқ лабда обихаётни.

Қикирлаб сой, қулай бошлар ғам,
Осмон оқтўш нурга ёлчиган.
Оёқ остда мармар тошлар ҳам
Ерга урса, кўкка сапчиган.

Кўз ростмана сеҳрни кўрди,
Энди унинг иши юрт билан.
Шамол ичда қони югурди,
Ётмас писиб қирда ўт-ўлан.

Отар тонглар айтгали азон,
Туриалар кўк сафарларида.
Лиқ-лиқ тўла айвон, дошқозон,
Кўк, сумалак ифорларидан.





Йўллар, қирлар, чўллар баланд, паст,
Еган эрта қишнинг ғамини.
Кувончидан дунё муқим, рост,
Тотиб дилда бор ишқ таъмини.

Саҳроларда қанча ўй ётар,
Ўпиб Устюрт қир этакларин.
Яширишга фикр уйғотар
Дарахт бўм-бўш бутоқларини.

Келар ризқ-рўз битта ғам емай,
Орол ёқасига қўл етмас.
Қўлин-қўлга бериб, ҳадемай,
Боғлар орасидан қил ўтмас.

Унгач кенг йўл қадамларининг,
Хур келажак – мустаҳкам зина.
Қўли очиқ одамларининг,
Ўзбекистон – ганжи хазина.

* * *

Ўзин ўзи уқиб олсин деб,
Оламга нур зиё таратган.
Қўйган ўзи бор ғамимиз еб,
Соқов тилни қушдек сайратган.

Кўзни йўлга, қўлга қаратган,
Юз қиблада юмшоқ тиззаси.
Илоҳ ихлос қўйиб яратган
Инсон – табиат мўъжизаси.

Хатарларин тор тиз ёполмай,
Чўқир баъзан кўзини кўзи.
Мўъжизага бир сўз тополмай,
Еган ғамлар ўзини ўзи.

Чўмдирган Ҳақ мўл-кўл зиёга,
Қуёш ҳовуч-ҳовуч нур сочар.
Қалбдан эшик очиб дунёга,
Ҳақ инсонга равон йўл очар.

Ҳар замонда бонг урар соат,
Юртлар юртга ёқиб қолсин деб.
Шунинг учун берган Ҳақ фурсат,
Инсон ўзин уқиб олсин деб.



Абдуқайюм ЙЎЛДОШ

ДАРЁ

Роман¹

III боб

Қишлоқ бозори ёнидан нималарнидир ўйлаганча, боши эгик ҳолда ўтиб бораётган Тоҳир таниш овозни эшитиб, сесканиб кетди.

– Тоҳир?!

Йигитнинг қаршисида Гулноза турарди.

Жувон биринчи бўлиб салом берди:

– Ассалому алайкум.

– Яхшимисиз, – дея олди Тоҳир. Сўнг бундай меровсираб туриши аёл учун ноқулайлик туғдиришини сизди чоғи, гапида давом этган бўлди: – Бу ердалигингизни... билмагандим, Гулноз.

– Ўзи эрталаб келгандим.

Тоҳир чуқур нафас олди. У эркак киши, ўзини босиб олиши керак, ўзини ўйламаган тақдирда ҳам қаршисида жилмайиб турган жувонни ўйлаши лозим.

– Турғунбой амаким яхшимилар? – сўради у.

– Раҳмат. Оёққа туриб кетдилар.

– Яхши бўпти. Сал эркалик қилган эканлар-да.

– Шунақага ўхшайди. Энди эркалик навбати Ўктабр амакига ўтган.

– Тинчликми?

– Кўрпа-тўшак қилиб ётиб олганлар.

Тоҳир безовталаниб қолди:

– Уйларидами? Ёлғиз...

– Йўқ, бизникидалар.

– Унда яхши... Қишлоқни айланиб юрибсизми?

– Ҳам саёҳат, ҳам тижорат. Бироз лаҳм гўшт олсам дегандим. Уч оғайни ботирга қайнатма шўрва қилиб бермоқчийдим. Уйда сабзи-пиёз, шолғом бор экан-у...

¹ Бошланиши 2015 йилнинг 5-6-сонларида.



– Сиз шаҳарликлар гўштнинг фарқини билармидингиз?

– Ҳо, биз ҳали шаҳарлик бўлиб қолдикми?

– Ҳа, ахир йигирма икки йилдан бери шаҳардасиз.

Тоҳирнинг гап оҳангидаги ғуссани англаган Гулноза маънос тортиб қолди. Буни сезган Тоҳир ўзини ноқулай ҳис қилганча қассобхонага шошди:

– Сиз шу ерда туриб туринг. Мен ҳозир... Кейин... кейин сиз билан бориб Ўктабр отадан хабар олсам дегандим.

– Яхши бўларди...

Ўктабр ота ҳамон ухлаб ётган экан. Турғунбой ота азалий эрмагини давом эттириб, ёғочдан кемача ясарди.

Тоҳир Сарсенбой ота билан бироз гурунглашди.

Елкасига сочиқ ташлаган Гулноза дастшў, обдаста кўтариб кирди:

– Овқатам пишиб қолди. Серсенбой амаки, қўлингизни ювасизми?

– Қўл таза, қизим.

Гулноза савол назари билан отасига қаради. Турғунбой ота шошмасдан пичокни кўрпача тагига яширди:

– Опке.

Гулноза илдам бориб отасининг ёнига дастшў қўйди, сув қуйиб турди. Турғунбой ота қўлларини ювгач, қизи тутган сочиққа артди.

– Барака топ. Сувдай сероб бўл, қизим.

Гулноза Тоҳирга қаради.

– Қўл тоза, – деди у шошиб.

Шу маҳал Ўктабр ота ингради, кейин нимадир деб пичирлади. Турғунбой ота энгашиб, қулоғини жўрасининг оғзига яқин олиб борди.

– Ком... Коммуна...

– Қизини сўраяпти, шўрлик, – афсус билан бош чайқади Турғунбой ота. Серсенбой ота лаб тишлади:

– Бавур-да, бавур.

Турғунбой ота Гулнозага қаради:

– Хабар беришнинг иложи топилмадим, қизим?

– Неварангизга тайинладим, ота, излаб кўради. Лекин, тўғриси, топилишига ишонмайроқ турибман.

Турғунбой ота ўйланиб қолди:

– Унда... уйига бориб қараб кўр-чи. Балки бирон жойга адрес-падресини ёзиб қўйгандир.

– Майли, ота. Ҳозироқ бориб келаман.

– Ҳовлида бўрибосар бор. Нақ эшакдек келади. Эҳтиёт бўлинг-а, – деди Тоҳир.

Серсенбой ота қўл силтади:

– Э, ўл кўклемде қариб-шириб ўлдиғўй.

– Барибир эҳтиёт бўл, қизим. Овлоқ уйга ҳар хил дайди ҳайвонлар кириб олиши мумкин.



Тоҳирга жон кирди:

- Сменаи бошлангунча бекорман. Мен бирга бориб келишим мумкин.
- Яхши бўларди, ўғлим.

Ўктябр отанинг уйи икки кўча нарида эди. Кўп йиллардан буён таъмирланмаганиданми ё мол-ҳол ҳам сақланмаганиданми, нураб қолгандай таассурот уйғотадиган ҳовли бошқа уйлар ёнида шумшук, ғариб кўринарди. Икковлон ичкарига киришди. Кимсасиз, фэйзсиз ҳовли. Яқин орада одам кўли тегмаганлиги шундай кўриниб турибди.

Ўктябр отанинг чанг босган хонаси. Жавонлар тўла китоблар. Деворга суратлар осилган. Қозикда тўн, дўппи.

Тоҳир бир суратни кўлига олди. Оқ-қора суратда сочи орқага таралган, галстук такқан, галифе шим кийган жиддий киши уч яшарлар чамаси болакайни кўлидан тутиб турибди. Тоҳир суратнинг орқасига қаради.

- 1940 йил. Райқўм котиби Мэлс Мэлсович уч ёшли ўғли Октябрь билан.

Бошқа бир сурат рангли эди. Кексароқ, орқага таралган сийрак сочи оқарган, галстукли жиддий одам чакалоқни бағрига босиб олган.

- 1980 йил. Иттифок аҳамиятига молик пенсионер Мэлс Мэлсович невараси Коммуна билан.

– Бунақанги ғалати исмларни Мэлс Мэлсовичнинг ўзи кўйган экан-а? – деди Гулноза.

– Ҳа. Шахсан ўзи. – Тоҳир суратларни кўрсатди: – Мана, Октябрь амакининг акалари Жонрид, Тельман. Буниси опаси Клара. Илоё, жойлари жаннатда бўлсин. Мэлс Мэлсович байналмилаллик тарафдори бўлган, атайлаб рус кизига уйланган дейишади. Хрушчёв бош котиб бўлганида эса келини украин бўлишини талаб қилиб туриб олган экан.

Гулноза эслади:

– Лекин Агния янга тоза ўзбек бўлиб кетганди. Ўктябр амакини бошига кўтарарди раҳматли.

- Мана, ниҳоят латиш невараси куёв.

– Энди Европанинг қайси бир бурчагида юрган мана шу Коммунахонни излаб топишимиз керак.

- Хўш, қидирувни нимадан бошлаймиз?

– Ҳайронман.

– Бир излаб кўрайлик-чи. Зора адресими, телефон рақамими чиқиб қолса.

Тоҳир жавонларни очиб, нарсаларни бир-бир кўра бошлади. Гулноза китобларни, ёндафтарларни варақлашга ўтди.

Бир соатлардан сўнг ортга қайтаётган Тоҳир билан Гулноза қирғоқда ёғочдан кема йўниб ўтирган Турғунбой отага дуч келишди.

- Топдиларингми бирон нарса?

Тоҳир изоҳ берди:

- Амаки кизидан келган хатларни алоҳида қутига солиб асраган экан.



Лекин охирги хат бундан икки йил бурун келган.

– Жўрам “Қизим ёнига чақиравериб чарчади, охири аразлаб хат ҳам ёзмай кўйди”, дегандай бўлувди.

– Шунақага ўхшайди, – деди Гулноза. – Қизи ҳар бир хатида отасини чақирган. Ҳатто икки марта “Виза масаласини ҳал қилиб кўйдим”, деб ҳам ёзган.

– Лекин жўрамнинг у ёқларга оёғи тортмайди. Саке билан неча марта уришиб, сўкиб ҳам жўнатолмадик-ку.

– Хатлардаги ҳамма адреслар, телефон рақамларини кўчириб олдим. Ноила келса, бераман. Интернетдан яна бир излаб, телефон қилиб кўради, – дея отасига тасалли берди Гулноза.

– Майли, бир уриниб кўринглар. Боя алаҳлаб, яна қизини чақирди. Шамдай сўниб боряпти бечора.

Тоҳир куёшга бир қараб кўйди:

– Хўп, амаки, мен борай. Сменам бошланишига ҳам оз қолди... Айтгандай, қизим келади деётгандингиз, Гулноза. Телефон қилсангиз, қирғоққа келиб тураман. Кечқурун дарё жуда чиройли бўлади. Агар хоҳласаларингиз, иккалангизни бир айлантираман.

Гулноза жилмайиб кўйди:

– Қизим билан гаплашиб кўрай. Лекин у шумтака бунақанги саёхатларни жуда яхши кўради.

– Унда келишдик. Хайр. Яхши қолинг, амаки.

* * *

Тушга яқин шаҳарга етиб келишди. Хайдовчининг ёнида Бердикул билан Самад.

Қўл телефони йўлбошловчидан яхшироқ хизмат қилди. Яна беминнатлиги-чи! Ош сўрамайди, нон сўрамайди, ҳар замонда уч-тўрт сўм томизиб кўйсанг бас...

Ёнига “Тирик балиқ” деб ёзилган машина шундай бозор дарвозаси ёнида тўхтади.

Ичкаридан кун иссиқлигига қарамасдан қалин костюм-шим кийиб, энли қора галстук тақиб олган Тош кучоғини кенг очганча чиқиб келди:

– Э, ошна! Сени кўрар кун ҳам бор экан-ку!

– Бормисан, Тош!

Иккалови кучоқлашиб кўришиб кетишди.

– Қандай шамоллар учирди, оғайни?

Бердикул машинага ишора қилди:

– Айтдим-ку, озроқ балиқ бор эди деб...

– Балиқни қўй, дўстим, ўзингдан гапир, ўзингдан.

– Шу, юрибман ернинг устида, осмоннинг остида. Бир-иккита иш таклиф қилишганди, унчалик ёқмади. Қоровулман.

Тош нафрат билан лаб бурди:

– Э, дўстим, саккиз жойда қоровул бўлсанг ҳам, дўржи-дўржи пул келиб турмаганидан кейин қуруқ ойликнинг ўзига оилани боқиб бўлармиди?



– Шунга, – эҳтиёткорлик билан гапни ўз мақсади томон бурди Бердикул, – тадбиркорлик қилсаммикан деб...

Аммо Тош уни гапиргани кўймади:

– Тўғри ўйлабсан. Замон ишбилармонники. Чикқанимга қанча бўлди, олти ойми? Шундан бери эски ишимни давом эттириб юрибман. Мана, кам бўлмадим. Ҳовли олдим, машина, ўғлимга данғиллама суннат тўйи қилдим. Тўйимга келмаган артист қолмади ўзиям.

– Қойилман, оғайни, – деб юборди Бердикул ҳавас билан.

– Энг муҳими – қандай бизнесни қаерда, қандай қилишни билиш керак, ошна. Қолгани чепуха, – бирдан маъруза ўқиб кетди Тош. – Ишнинг кўзини билсанг пулнинг ўзи оқиб келаверади. Фақат санашга улгурсанг бас. Ҳозир. Бир дақиқа. Зарур бир ишни ҳал қилиб қўйишим керак эди. Банкда кутиб туришибди.

Тош чўнтагидан қўл телефонини олиб, бир тугмачани босди-да, аппаратни қулоғига олиб борибоқ дўқ ура кетди:

– Манга қараларинг, анави ўн бир миллионни ҳозироқ ҳайдаларинг! “Кўк”ини санаб олларинг... Россиядан дилерлар келяпти, ўшаларни кутиб олишни ташкиллаштирилларинг. Рестораннинг додасидан бўлсин... Бўлади. Фақат бутун зални заказ қилларинг. Бегона пашша ҳам кирмасин... Саксон тўрт миллион ҳам эсдан чиқмасин. Саксон тўрт миллион бугуноқ ўтиши...

Шу маҳал... Тошнинг қулоғидаги телефон жиринглаб қолди. Унга анграйиб қараб турган Самад бирдан хушёр тортди. Бироқ Тош пинак бузмасдан телефонининг бошқа тугмачасини босаркан, изоҳ берган бўлди:

– Соткам кўп каналли. Бирданига иккита одам билан гаплашса бўлади... Хўш, Бердикул ошнам, нима масалада хизмат бор дегандинг? Узр, оғайни, ишлар билан бўлиб эсимдан чиқиб қопти.

Бердикул яна бир бор машинани кўрсатди:

– Озроқ балиқ бор дегандим-ку.

Тош машинага қаради, кейин эгилиб, унинг ортига, сўнг ажабланиб сўради:

– Бор-йўғи биттагинами?

– Ҳа. Ҳозирча. Яхши ўтказиб берсанг, менга уч юз-тўрт юз қоларди-да.

Тош ҳафсаласи пир бўлганини яшириб ўтирмади:

– Тўрт юз ҳам пулми, оғайни? Сен менга миллиондан гапир! Камида миллион қоладиган ишни гапир, ана шунақа ишга овора бўлса арзийди... Қолганлари эса, эҳ-хе, вақт сарфлашга арзимайди...

– Айтдим-ку бу бошламасига деб, – хижолат аралаш тушунтиришга уринди Бердикул. – Қолганини кейин кўраверамиз.

– Келган жойидан давом эттираверамиз, де. Ҳа-ҳа-ҳа. Майли, – у хайдовчига буюрди: – Ичкарига ҳайда, ука... Бердикул, дўстим, сенлар шу ерда туриб турларинг. Сенларни кўрса оптовикчилар хитланиб қолишади, нархни ерга уришади. Мен ўзим оборсам “финг” демасдан айтган нархимга олишади. Соққасини ўзим опчиқиб бераман.

– Хўп, Тош, хўп.

– Айтгандай, бироз “кўк”идан керак бўлиб қолди деганмидинг?



Бердикул баттар хижолат чекиб ён-атрофга аланглади, сўнг овозини пайсайтириб гапирди:

– Ҳа, оғайни. Қарзга. Онамни зудликда операция қилдиришим керак. Мени қачон келади деб йўлимга қараб йиғлайверганидан кўзлари кўрмай қолибди бечоранинг.

Тош афсусланиб, астойдил бош чайқади, ҳатто мижжаларида ёш ҳам пайдо бўлди чоғи:

– Шўрлик она... Шўрлик она-я... Юрагимни эзвординг-ку, ошнам. Майли, кўп куйинаверма, иложини қиламиз.

Бердикулнинг ўпкаси тўлди, димоғи ачишди.

– Раҳмат... раҳмат...

– Мени кутгил, – Тош бола каби беғубор жилмайди. – Ва мен қайтарман...

Тош машинани ичкарига бошлаб олиб кириб кетди. Бердикул билан Самад унинг ортидан ҳаяжонланиб қараб қолишди.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас машина қайтиб чиқди. Сўнг ярим соат ўтди, бир соат...

Самад тоқатсизланиб телефонига қаради:

– Икки соат бўлди.

– Парво қилманг, ака, – деди мутлақо хотиржам, ўз ўйлари оғушида орасира мийиғида қулимсираб қўяётган Бердикул.

– Кўнгил – душман, ука, – ўзини оқлаган бўлди Самад.

Бердикул ҳар эҳтимолга қарши телефон қилиб кўриб, бир зум узун гудокларни эшитиб тургач, Самадга жилмайиб қаради:

– Э, Тош унақанги йигитлардан эмас. Биз камерада у билан битта майизни тенг бўлишиб еган вақтларимиз бўлган.

Самад барибир кўнгил ғашлигидан қутула олмаётганди:

– Шундайдирку-я, лекин...

Бердикул шеригини хотиржам қилиш учун ҳайдовчидан сўради:

– Ука, Тош бошқа ҳеч нима демадимми?

– Йўқ. Балиқни тўртта аравага тушириб олишганидан кейин олдимга келиб “Бориб кутиб тур”, деди.

Самад асабийлашиб сўради:

– “Қанча кутаман?” деб сўрамадингми?

– Мен бировларнинг ишига бурнимни сукмайман, ака.

Самаднинг хуноби чиқди:

– Э, қанча кўп ўтирсанг, сенга шунча яхши-да. Сеники соатбай...

– Бўпти, бўлмаса мен бир бозорни айланиб келай, – деди Бердикул. – Бахонада нарх-навониям билиб келаман. Яна Тош мардлик қилиб, ёнидан бизга пул қўшиб юрмасин. Шунақа йигит у!

Бердикул бозорга кирди. Балиқ растаси ғала-ғовурга тўла бозорнинг охирироғида экан.

Бердикул бир сотувчи олдига бориб нархни суриштирди, кейин иккинчисига, баттар ажабланиб учинчисининг ҳам ёнига ўтди.



Бердикул гаранг ахволда дарвоза ёнида депсиниб турган Самаднинг ёнига қайтди:

– Тош келдими?

– Йўқ. Ўзингиз кўришдингизми?

Бердикул ўйланиб туриб қолди:

– Бир нарсага ҳайронман.

– Нимага?

– Бозорда балиқ нархи ўзимиздаги билан теппа-тенг, ҳатто сал арзонроқ ҳам. Улгуржи олувчилар икки баробар тушириб сўрашяпти. Бунақада биз қанақа қилиб фойда кўрамыз? Наҳотки... – Бердикул иккиланиб қолди, ахири ўша сўзни тилига олди: – Наҳотки шимон қилиб кетган бўлса? Мени-я?

Самад дилидагини тилига чиқарди:

– Шунақага ўхшайди, ука.

Бердикул гарангсиб, дарвозага суяниб қолди:

– Бўлиши мумкин эмас. Биз ахир у билан...

Бердикул телефонини олиб, шошиб рақам терди. Яна узун гудоклар.

Бир зумда юзи қорайиб, яшин урган дарахтдай сўппайиб қолган Бердикул шошиб бошқа рақамларни терди:

– Калта! Менга Тошнинг адреси керак. Ернинг остидан бўлсаям топасан!.. Ҳовлиси... Шунақами? Э, эскисини айтавер унда. Хўп, эслаб қолдим. Тўққизинчи қават. – У телефонни ўчирди. – Юринг-чи, Самад ака! Агар мени алдаган бўлса... ичак-чавоғини бошига салла қилиб ўрайман!

Бердикул ҳайдовчининг ёнига борди.

– Қўйликқа ҳайда, ука.

Ҳайдовчи тайсалланди:

– Лекин биз бозоргача келишгандик, ака. Ҳисоб-китоб шу ерда бўлади дегандингиз.

Бердикул унга чакчайиб қаради:

– Ҳисоб-китоб мен хоҳлаган жойда бўлади. Нима, қочиб кетяпманми? Ё бир жойнинг одами эмасмизми?

– Тўғри-ю, – ожизона минғирлади Бурдикулнинг авзойидан чўчиб кетган ҳайдовчи. – Лекин мени ким туширган бўлса ҳаммаси ўзимизнинг жойнинг одамлари.

Бердикул хезланиб, ҳайдовчининг елкасидан маҳкам чангаллаб олди:

– Мен ҳамма эмасман! Мен Бердикулман! Ё менинг кимлигимни эсингдан чиқариб қўйдингми?! Эсингга солиб қўяйинми?

Самад жон алфозда Бердикулни кучоқлаб, нари судради:

– Қўйинг, ука, қўйинг. – Сўнг ҳайдовчини жеркиб берди: – Сен энди оловга мой сепмай тургин, ука. Оласан ўша ҳақингни!

Ҳайдовчи машинага чикди:

– Менга барибир. Меники соатбай...

Бердикул билан Самад унинг ёнидан жой олишди.



Қўйлик деганлари катта жой экан. То айтилган манзилни сўраб-суриштириб топгунларига қадар кеч тушди. Тош лифти ишламайдиган тўққиз қаватли уйнинг тўққизинчи қаватида яшаркан.

Лаби пир-пир учаётган, қўллари мушт бўлиб тугилган Бердиқул тўққизинчи қаватга пиёда кўтарилди. Иккита эшик: биттаси темир, иккинчиси оддий.

Қават майдончасига тўшалган газетада икки киши ўтирарди.

– Тошгами? – сўради биринчи киши.

– Ҳа.

Иккинчи киши қўлини кўтариб қўйди:

– Мендан кейин яна тўрттаси навбат олган.

Бердиқул гарангсиб қолди:

– Тушунмадим.

– Сиздан қанча қарз? – сўради хушмуомала биринчи эркак.

Бердиқул очиғига кўчди:

– Бир машина тирик балиғимизни сотиб бераман деб олганди.

Иккинчи эркак қўл силтади:

– Э-э, арзимаган нарса экан-у. Бир машина балиғам гап бўлибдими? Мана мендан ўн минг олган у занғар. “Кўк”идан. Бир ойга деб. Уч ойдан бери орқасидан қуваман. Охири, мана, уйига келиб ётиб олдим.

– Менинг қирқта гиламимни сотиб бераман деб еб кетди бу даюс! – Кўзларида ёш билан ҳиқиллади биринчи эркак. – Бўлмаса тайёр харидор кеп турганди. Бу қимматига сотиб бераман деса лаққа ишониб турибман-да. Билмайман ўша пайти нима жин урди мени?

– Сиз буни айтасиз, – кўзларини ола-кула қилди иккинчи эркак. – У қирриқ мендан кейин навбатда тургандан қирқ миллион сўм олган.

Бердиқул ўз қулоқларига ишонмади:

– Қирқ миллион?

– Ҳа. Доллар қиб бераман деган. Мана энди сўмам йўк, долларам. Бечоранинг эси кирар-чиқар бўлиб қолган.

Биринчи киши оғир уф тортди:

– Шу кетиш бўлса яқинда биз ҳам ўшанақанги аҳволга тушамиз.

– Нафасингизни иссиқ қилинг-э! – деди иккинчи киши.

– Ҳа, нима, бўладиган гапни айтяпман-да. Мол аччиғи – жон аччиғи, деб бежиз айтишмаган. Пул одамнинг жигар қонидан бунёд бўлади, биродар.

– Олинг-а. Пул қоғозга босилади, сифатлироғига. Қолгани краска, холос...

Даҳанаки баҳс анча давом этишини сезган Бердиқул орага гап суқишга улгурди:

– Тош ҳозир... уйидами?

– Э, биродар, – кўксига шапатилади биринчи эркак. – Тош уйда бўлганида биз бу ерда сарғайиб ўтирармидик! Келмаяпти занғар!

Шериги унга жўр бўлди:

– Қаерлардадир яшириниб юрибди.



Сўнг иккалови бири қўйиб, иккинчиси ғийбатга тушиб кетишди:

– Яшириниш қаёқда, яна одамларни чув тушириб юрибди деб эшитдим. “Ҳовлим бор, тўй қилдим, катта артистларнинг бариси келди” деб оғзини кўпиртириб юрган у туллак.

Бердикул бир амаллаб сўрай олди:

– Унда... Тош келмаса... нима қиламиз?

– Билмадим, – елка қисди иккинчи эркак. – Бизам шу саволга жавоб тополмасдан шу ерда ўтирибмиз гаранг бўлиб.

– Ахир бир кун келади-ку.

– Келгани билан пули бўлмайди. Орқасига эллик марта тепсангиз ҳам киссасидан эллик сўм тушмайди.

– Вақтингиз бемалол бўлса келинг. Гурунглашиб ўтирамиз-да. Ҳар қалай, икки кишидан уч киши яхши.

Бердикул шошиб қолди:

– Йўғ-э. Пастда машина кутиб турибди.

Икковлон яна бири биридан ўзиб маслаҳат беришга тушиб кетишди:

– Ундай бўлса келинга исм-шарифингизни ёздириб кета қолинг. Зора инсоф бериб, телефон қилиб қолса.

– Қилмайди. Мен йигирма марта ёздириб кетганман.

– Айтяпман-ку, зора инсоф бериб қолса деб.

– Бунақаларда инсоф нима қилсин? Инсоф бўлганида шунча одамни қон қақшатиб юрармиди?

Бердикул нима қилишини билмай қолди:

– Сира... бунақа бўлади деб ўйламагандим. Биз у билан ахир...

Бердикул эшик кўнғироғи тугмачасини босди. Жимлик.

Бердикул эшикни аввал секин, сўнг қаттиқ-қаттиқ урди, эшикка кулоғини босиб турди. Ниҳоят ичкаридан “шип-шип” қадам товушлари эшитилди.

Бердикул ўзини жангга шайлаб турган маҳал эшик очилди ва остонада ўттиз беш ёшлардаги қорни қаппайган жувон пайдо бўлди.

– Келинг. Марҳамат, ичкарига кириг.

Шу сўзларни айтгач, жувон орқага чекинди. Бердикул беихтиёр ичкарига кирди, довдираб, узук-юлуқ гапирди:

– Узр... Мен Тош билан... қисқаси, озроқ олди-бердимиз бор эди.

– Кириг.

Жувон лапанглаб ошхонага ўтди, Бердикул унинг ортидан юрди. Бу йўқсиллик ва фақирликнинг тимсолига айланган бир хонали уй эди. Поллар яланғоч, деворлардаги гулқоғозлар кўчиб кетган, қандайдир қўланса ис ўрнашиб қолган...

Йўлакдан бораётиб, Бердикул ягона хонага бўйлади. Учта турли ёшдаги бола газета тўшалган полда ўтириб дарс қилишмоқда эди. Сочи тақир олинган болакай эса ногиронлар аравачасида сўлаги оқиб, номаълум нуқтага тикилиб ўтирарди. Бердикул айниқса шу ногирон болага узоқ қараб қолди. Бола уни сезмадиям.

Ошхона янада ғариброқ эди. Қоп-қорайиб кетган газ плитаси, ис босган шифт. Умивальникда қалашиб ётган ювиқсиз идишлар...



Иккиқат жувон пишиллаганча омонат стулга ўтирди, кейин лиқилдок столдаги қоғоз ва чўлтоқ қаламни ёнига тортди, кураша-кураша чарчаган, ахийри аччиқ қисматига тан берган банда янглиғ ҳазин овозда сўради:

– Ким деб кўяй, ака?

Бердикул тамомила гарангсиб қолди:

– Мен...

– Сиздан қанча олган?.. Уф-эй, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим бу одамнинг дастидан!

– Мендан... майли, келин, безовта бўлманг. Арзимаган нарса эди. Арзимаган...

Бердикул ортга қайтмоқчи бўлаётган маҳал ошхонадан балконга ўтиладиган эшикнинг ёрилиб кетган ойнасида кимнингдир қораси кўрингандай бўлди. Бердикул шу томонга отилди.

Балконнинг бетон полида Тош мунғайиб ўтирарди. Бир четга сасиб кетган пиёз ёйиб кўйилган. Иккинчи томонда оқариб, моғорлаб кетган қотган нонлар.

Бердикул ўлдириб кўйгудай вазоҳатда Тош устига бостириб борди. Тош бетон полдан кўз узмай ўтираверди. Бердикул Тошнинг елкасидан чангаллаб, ўзига қаратди.

Тошнинг кўзлари тўла ёш эди... Бердикулнинг кўллари бўшашди.

– Тилингдан осайми, аблах! – аранг шивирлай олди у. – Ҳеч бўлмаса болаларингнинг уволини ўйламадингми, паст!

Тош яна бетон полга қаради.

Бердикул жаҳл билан Тошни итариб ташлади-да, ортга қайтди. У майдончага чиқиб, эшикни ёпаётган маҳал биринчи эркак умид билан сўради:

– Ёздириб кўйдингизми?

Бердикул бўғиқ овозда:

– Ҳа, – дея олди.

Иккинчи киши унга яқин келиб, негадир пичирлаб гапирди:

– Ака, мабодо ичкарида Тошнинг ўзи кўринмадимми? Агар шу ердалигини билсам, эшикни қўпориб бўлсаям кириб, таъзирини берардим унинг! Ногирон боласига қараб ўтирмасдим!

Бердикул кескин бош чайқади:

– Йўқ! Тош уйида йўқ!

Нафаси қайтиб бораётган Бердикул икки-уч зинани бир қилиб ҳатлаганча пастга ошиқди.

Бердикул адоғи йўқдай кўринаётган зиналардан тушаётган маҳал подъезд ёнида асабийлашиб турган Самаднинг ёнига мотоцикл келиб тўхтади.

Қандайдир ресторан номи ёзилган нимча кийган йигит мотоциклдан тушиб, шлёмини рулга илди-да, орт ўриндикдаги махсус кажавага боғланган тўртта кутидаги пиццани оларкан, Самаддан сўради:

– Ака, 69-уй шуми?

– Билмадим, ука.



Йигит унга ишонқирамай қараб кўйгач, уч-тўрт қадам ортга чекиниб, уй рақамига қаради. Сўнг пиццаларни кўтариб, подъездга кирди-ю, зум ўтмай қайтиб чиқди.

– Лифт ҳам ишламаяпти-ку, ака.

Ўзи бўлари бўлиб турган Самад портлаб кетди:

– Нима қилай шунга, суюнчи берайми?

Чўчиб тушган йигит яна подъездга қайтиб кирди:

– Тавба, заказ беришга бериб кўйишади-да, лифт ишламаётганлигини айтишмайди. Тўққизинчи қаватга пиёда чиқишнинг ўзи бўладими?

Йигит тўнғиллаганча зиналардан юқорига кўтарилди бошлади. У иккинчи қаватга етай деганида юқоридан бўрондай отилиб тушаётган Бердикулга дуч келди. Йигит кўлидаги пиццаларни четга тортиб қолишга аранг улгурди.

– Бу “дом” да соғ одам борми ўзи?

Бердикулни кўрган Самад ҳовлиқиб қолди:

– Бердими? Бердими?..

Бердикул индамай машинага чиқди, ҳамон шеригига умидвор термиллаётган Самад унинг ёнига ўтирди.

Бердикул ҳайдовчига “ҳайда” ишорасини қилди. Машина ўрнидан кўзгалди.

– Хўш, ундими? – яна сўради Самад.

Бердикул индамади, қоронғиликка тикилганча ўтираверди.

Худди шу маҳал...

Қоп-қоронғи хонанинг очиқ деразасидан пастга қараб турган болалардан бири қичқириб юборди:

– Кетишди! Кетишди!

Ўзини ногиронга солиб ўтирган бола аравачадан учиб туриб чирокни ёқди. Ошхонадаги иккиқат аёл илжайиб, этагини кўтарди, корнидаги ёстиқни олиб, омонат табуреткага қўйди. Балкондан оғзи қулоғида, Тош чиқиб келди.

– Кетишди! – деди Тош фахр билан.

Жувон жилмайди:

– Илойим келган бало ўзлари билан қайтиб кетган бўлсин!

Бешовлон хурсанд ҳолда ирғишлашиб қават майдончасига чиқишди. Икки эркак ҳавас қиларли садоқат билан ҳамон газетада ўтиришарди.

– Кетдими? – деб сўради улардан бири.

Бахтиёр жувон лаб-лунжини йиғиштиролмади қолди:

– Қорасини ўчиришди.

Иккала эркак ҳам хурсанд ҳолда ўринларидан сакраб туришди. Тош бориб қарши тарафдаги темир эшикни очди.

– Энди зиёфатга марҳамат! Бугун кўп нарса унмади, лекин камбағалга бедана кабоб ҳам овқат, деган экан машойихлар. Эртага яна бир марта артистлик қилишга тўғри келади. Лекин унинг зиёфати бошқача бўлади.



Ҳамма хонадонга ошиқиб кирди. Йўлакдан бошлаб юмшоқ гиламлар, деворларда алламбало ювиладиган гулқоғозлар, шифтда чиройли қандиллар, энг сўнгги русумдаги мебеллар... Катта хонадаги стол устида тўкин-сочин дастурхон.

Болалар шу хонага ёпирилишди. Ҳамма ёқни шодон кулги босиб кетди.

Эшик кўнғироғи жиринглади. Ажабки, ҳамма бирдан жим бўлиб қолди, баайни буйруқ берилгандай. Тош оёқ учида бориб “глазок”дан қаради ва тантанали тарзда эълон қилиб юборди:

– Пиццалар келди!

Болалар шовқин-сурон билан эшикка отилишди:

– Менга кўзиқоринли!.. Менга пишлоқли!..

Тош болаларга ғурур билан боқаркан, ёнига етиб келган жувонни кўлтиқлаб олди.

– Булар бола эмас, ҳақиқий талант, аяси, – у меҳмонхонада жон-жаҳдлари билан еб-ичаётган, ликопчаларга егуликларни уйиб солаётган икки эркакка ишора қилди. – Анавиларга ўхшаш, хашаки артистлар эмас.

– Нимасини айтасиз, дадаси.

– Юринг энди, аяси, пиццаларнинг пулини тўлаб қўяйлик.

Бу маҳал...

Бердикул ҳамон қоронғиликка тикилиб кетарди.

Самаднинг фиғони фалакка чикди:

– Ука, ёрилсангиз-чи бундоқ. Одамни пичоқсиз сўйиб юбордингиз-ку.

Ахийри Бердикул тилга кирди:

– Ўтники ўтга, сувники сувга, қолди қатикнинг пули... Бизга қатикнинг пули ҳам қолмади, ака.

Бердикул яна қоронғиликка тикилиб қолди.

Ҳайдовчи алам билан пешонасига муштлади:

– Бошланди... Ҳозир акам минг битта баҳонани қалаштириб ташлайдилар. – У тезликни пасайтириб, Бердикулга қаради, йиғламсираб гапирди: – Ака, нима бўлди, нима қўйди – менинг ишим йўқ. Лекин сиз лафз ҳалол дегансиз, қўл ташлагансиз. Келишилган пулни бермасангиз бўлмайди. Топганим бола-чақамнинг ризқи.

Бердикул бир муддат ўйланиб қолди, кейин бир қарорга келди шекилли, хотиржам оҳангда гапирди:

– Уйга кирамиз. Битта боқувдаги кўчқорим бор. Хизмат ҳақинг эвазига ўшани опкета қол. Хоҳла сот, хоҳла сўйиб е. Розимисан, ука?

Ҳайдовчига жон кирди:

– Розиман, ака, розиман.

– Сизнинг масалангиз оғирроқ, Самад ака... Уйдан ҳамма пулни опчиққанмидингиз?

Шундай қилсам бир нарса ундираман деб ўйладими, энди Самад йиғламсиради:

– Ҳаммасини, ука, ҳаммасини. Тўйга деб йиғилган пул эди. Ой охирига тўй деб овозалаб қўйганмиз.



Бердикул маслаҳат солди:

– Кимдан пул топса бўлади? Қарзга.

– Бунча пулни бериб турадиган мард топилмас-ов, – бош чайқади Самад. – Шаҳарда битта Мухиддинбой ака бор. Ўшанинг олдига бош эгиб борилмаса...

– Наилож, борсак бораверамиз-да.

– У сўраган пулингизни бериб туради, дейишади. Лекин эвазига қулдай эзиб ишлатаркан ҳам.

– Лафз ҳалол, ака. Пулингизни қайтараман дедимми, қайтараман.

– Майли, ука, фойдасиям керакмас. Ўзи қайтса бўлди.

– Кўп хавотир олаверманг, ака. Иложи бор экан-ку.

– Э, бунақанги иложи курсин, ука... Лекин нима қилай, менам мажбурман-да. Пулсиз тўй қилиб бўлмаса...

Машина тезлашди.

* * *

Овул одамлари эрта уйғонишади.

Шунгами, тонг палла уйдан чиқиб кетаётган Бердикул ўзи томон шошиб келаётган нотаниш одамни кўрганида унчалик ажабланмади: кишлоқда тўй бордир, маърака бордир.

– Мен кишлоқ врачлик пункти шифокори Шамсиддиновман.

– Келинг, дўхтир.

– Сиз Бердикул акамисиз?

– Ҳа.

– Хайрият-эй, сизни кўрар кун ҳам бор экан-ку! Ассалому алайкум. – Бердикулнинг кўлини маҳкам сиқиб кўришди шифокор. – Менинг ҳисобимга кўра, келганингизга уч ойдан ошди, лекин ҳалигача бир марта кўришиш насиб этмади-я. Бўлмаса ойда бир келиб кетаман, – шифокор ёнига осиб олган сумкасидан дорилар солинган қутичаларни олиб, Бердикулга топширди, сўнг журнални очди. – Марҳамат, манави ерга қўл қўйинг.

Бердикул ҳайрон бўлиб имзо чекди.

– Энди асосий мақсадга ўтайлик, – деди Шамсиддинов. – Бердикул ака, онахонни қачон даволанишга оборасиз?

– Энамними? Кеча гаплашиб келдим дўхтир билан. Насиб қилса яқин кунлар ичида.

– Худога шукр, – худди ўз онаси тузалаётгандай шодланиб кетди Шамсиддинов. – Катта иш қилибсиз лекин. Онахон бежиз сизни интиқ бўлиб кутмаган эканлар. Айтдим-а, сиз келгандан бери юришлари ҳам ўзгариб қолди деб. Хабарингиз борми-йўқми, икки марта бир амаллаб шифохонага оборгандик. Икки сафар ҳам операцияни кутмай келиб қўйдилар. Топиб олган гаплари: “Улим келиб қолса, уй хувуллаб турмасин...” Ё бўлмаса: “Улим келсин, кейин”.

– Бундан хабарим йўқ экан, – тан олди Бердикул.

– Онахоннинг сабрларига балли! – Қайтиб кетишга чоғланган Шамсид-



динов дориларга ишора қилди: – Буларни узмай туринглар. Айтгандай, операция Тошкентда бўладими?

Бердикул баттар ҳайрон қолди:

– Операция... шаҳарда, ўзимизда. Хусусий балниса бор экан-ку. “Кўз зиёси” деган.

Шамсиддинов кетаётган жойида тўхтаб, Бердикулга “жиннимисан?” дегандай қаради:

– “Кўз зиёси”нинг бунга нима алоқаси бор?

– Дўхтириминан гаплашдим, – шошиб изох берди Бердикул. – Операция қиламан, гарантия бераман, деди.

Дўхтирнинг аччиғи чикди:

– Кўз дўхтирининг кўкрак ракига нима алоқаси бор, Бердикул ака?

Нима, одамни мазах қиляпсизми?

Бердикул гарангсиб қолди:

– Қанақа рақ?

Шамсиддинов тутақиб кетди, юзинг-кўзинг демай Бердикулни жеркиб берди:

– Сиз ўзи одамсиз, ака? Фарзандсиз? Онангизда кўкрак саратони аниқланган. Оғир формаси. Мана, эсон-омон қайтибсиз, уч ойдан бери ҳеч бўлмаса уч дақиқа вақт топиб, онангизнинг соғлиғи билан қизиқмадингизми? – Шамсиддинов жаҳл билан қўл силтади: – Э, одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши! Бўлди, эртагаёқ ўзимиз машинада Тошкентга жўнатамиз. Сиз ёнларида ўтирсангиз бўлди! Сиздан бошқа нарса талаб қилинмайдиам!

Шамсиддинов нималарнидир тўнғиллаганча кетди-борди. Бердикул анграйиб қолаверди...

“Гап бу ёқда экан-да...”

Қўлида дори-дармонлар тутган, бирдан қариб қолгандай қадди букчайган Бердикул онаси ўтирган хонага ўтди.

Солиҳа эна сергак эди.

– Иш сўрашга бораман деётгандинг-ку, болажоним, бормадингми?

– Эна... – томоғи қуруқшаб кетган Бердикул дориларни онасининг ёнига қўйди. – Булар сизга экан.

Солиҳа эна дориларни пайпаслаб кўрди:

– Дўхтир болам ташлаб кетдимми? Сенга тўғри келиб қолганини. Шу... сал шамоллагандим. Кампир одам қийналмасин деб дори-пориларни ўзлари бериб кетишади, барака топгурлар...

– Эна... – изтироб билан шивирлади Бердикул. – Мен ҳаммасини биламан, эна. Нега... нега бундай қилдингиз?

Бир неча лаҳзалик сукутдан сўнг Солиҳа эна нурсиз кўзларини енгига артди:

– Болажоним, келинам кетиб қолди... Уни айбламайман... Лекин... менга бир нарса бўлиб қолса... хувуллаган уйга бир ўзинг кириб келасанми деб кўрдим. Сен келганча... судралиб бўлсаям юраман дедим ўзимга ўзим... Мана, Худога шукр, шу ниятимга етдим. Энди бу ёғига Худо пошшо...



Бердикул титраб кетди.

– Эна... сиз тузалиб кетасиз... Сизни... Москвага обораман... Ҳиндистонга... Албатта тузаласиз...

– Болажоним-эй, – тишсиз оғзини очиб кулди Солиҳа эна. – Энди бу ёғига тўримдан гўрим яқин. Мана, Худога минг қатла шукр, эсон-омон қайтганингни кўрдим. Энди шу уйда келинимни кўрсам, Худо насиб қилса, неварамни бағримга боссам, дунёда мендан бахтли одам бўлмайди, болам... Сен энди мени эмас, ўзингни ўйла, болам, ўзингни. Энди менга апарайсанинг нима кераги бор? Бу дунёда ким абадий қолибдики...

– Эна...

– Сен боравер, болам. Бу дорилар менга ёд бўлиб кетган. Ўзим керак пайти керагини ажратиб олавераман. Ҳеч ўйланма. Мени ўйлама...

Бердикул маст одамдай гандираклар хонадан чиқди, дарвоза томон юрмоқчи бўлди, аммо бунинг ўрнига бўм-бўш молхонага кирди-ю, пичан устига қулади. У ёқасини маҳкам тишлаганча бўзлаб юборди:

– Энажон... энажон...

* * *

– Салом, Ноилахон. Мен Тошкентдаман, – деди Дилшод қўл телефонидан таниш рақамларни тергач. – Кеча овулга бораман дегандай бўлувдингиз. Мана. Учиб келдим... Айтган жойингизга етиб бораман...

– Уйимиз тагига кела қолинг. Адресни айтсам, топарсиз, а?

Ноила кўп қаватли уй ёнида кутиб турган экан.

Дилшод қизнинг ғилдиракли чамадонини юкхонага жойлагач, йўлга тушишди.

– Қалайсиз энди, Ноилахон? – кўтаринки кайфиятда сўради Дилшод.

Арази ҳамон тарқамганини билдириш учунми, қиз совуққон оҳангда жавоб қайтарди:

– Яхши деб айтдим шекилли. Дарвоқе, ўзингизни оппоқ қилиб кўрсатиш учун шундан-шунга атай сиз учун келдим деб чўпчак тўкиб ўтирманг. Барибир ишонмайман.

Дилшод кулиб юборди:

– Тўғри, атайлаб келмагандим. Шаҳарда ишларим бор эди. Шуларни битириб телефон қилгандим.

– Яхшиям битгани, – кесатди қиз. – Битмай қолса, телефон ҳам қилмас экансиз-да.

– Узр, Ноилахон, ишлар билан бўлиб кейинги кунлари интернетгаям вақт тополмадим.

Салонга жимлик чўкди. Ахийри Ноила пичинг қилди:

– Бўлдими? Давом этмайсизми?

– Яна нимани айтай?

– Айтаверинг. Ҳаммасини. Уйқусиз кечаларда ёлғиз қолгингиз келганиниям айтинг. Мен билан гаплашгингиз келмай қолганиниям айтинг.



– Узр дедим-ку, Ноила. Ростданам ишларим кўп эди.

Анча аламзада бўлиб юрган эканми, қиз гап билан ўйиб олишни бас қилмасди:

– Ҳа, бечора, сизга қийин. Анча озибам қопсиз.

Дилшод “уф” тортиб, машина тезлигини оширди. Ноилага бу ҳам ёқмади:

– Эътиборингиз учун, сизни билмадим-у, аммо менинг ҳали яшаш умидим бор. Аҳоли пунктидамиз. Марҳамат қилиб қоидага риоя қилинг.

Дилшод тезликни пасайтирди:

– Хўп, хўп.

– “Уф” ҳам тортманг. Бу менга машинангизда опкетаётганингиз учун миннатдай бўлиб эшитиляпти. Мен бемалол юмшоққина “Мерс”да ҳам кетишим мумкин эди. Хотиржам. Беминнат.

– Таксидами? – сўради Дилшод.

– Автобусда. Мана! – қиз машинани қувиб ўтаётган “Мерседес” автобусига ишора қилди.

– Ҳа... Янглишмасам, буям аҳоли пунктида кетаяпти шекилли, Ноилахон?

– Унинг шопириям сизга ўхшаган ўпкалардан бўлса керак-да.

Йигит таслим бўлди:

– Хўп, Ноилахон, хўп. Мен айбдорман. Мен айбдорман.

Яна бир фурсат жим қолишди. Гинахонлик ўтиб кетди деб ўйлаган Дилшод мавзуни ўзгартирмоқчи бўлди:

– Ноилахон, биласизми нима?

Жавоб кескинроқ бўлди:

– Билмайман.

Аччиғи чиқа бошлаган Дилшод:

– Сиз... сиз оғримай ўласиз, – деб юборди.

Ноила энди йигитни очикдан-очик мазах қилишга ўтди:

– Бундай оламшумул хулосага қачон келдингиз? Уйқусиз кечаларда ёлғиз юрганингиздами?

Йигит ҳам бўш келмади:

– Йўқ, ҳозиргина. Қайноққина факт бу. Ўйламай гапирган оғримай ўлади. Шундай ўйламасдан ҳар хил пичинг гаплар айтаверсангиз-айтаверсангиз, бир куни жонидан тўйиб кетган шўрлик эрингиз гурзидай мушти билан бошингизга битта уради. Тамом! Оғрикни сезишга улуғурмайсиз. Эътиборингиз учун, бу халқ ҳикмати.

– Ҳа-ҳа-ҳа! – мазах қилишда давом этди қиз. – Тасаввур қилаяпман. Гурзидай муштга эга шўрлик эр! Гурзидай-а. Бир зарбада тиззамга қадар, иккинчи зарбада елкамга қадар, учинчи зарбада... Йўқ, йўқ, бир зарбанинг ўзида миямнинг қатиғи чиқиб кетса керак-да ўзиям...

Дилшод беихтиёр рулни кескин буриб юборди. Машинанинг йўлдан чиқиб кетишига бир баҳя қолди. Шундагина ўзига келган Дилшод жонжаҳди билан тормозни босиб, рулни айлантди. Машина чийиллаб, бир томонга оғиб бўлса ҳам яна йўлга чиқиб олди. Орқадан узлуксиз сигналлар



эшитилди. “Нексия”ни қувиб ўтаётган “Жигули” ойнасидан бир эркак бош чиқариб, бўкирди:

– Мошина ҳайдашни билсанг рулга ўтир-да, олифта!

Дилшод тер тошган пешонасини артди.

Ранги ўчган, кўзлари катта-катта очилиб кетган, лаблари пир-пир учаётган Ноила аранг гапира олди:

– Ҳа, жуда узокни кўзлаб юборибмиз. Бу кетишда пешонаси ярқираган шўрлик эрга етиб боролмай, бетонканинг ўзидаёқ омонатимни топшириб қўядиганга ўхшайман, жаноб Шумахер. Тўхтатинг машинани!

– “Мерс”да кетасизми?

– Самолётда!

Машина йўл четига ўтиб тўхтади. Рулга Ноиланинг ўзи ўтирди:

– Қўрқманг, правам бор.

Машина Турғунбой отанинг уйи ёнига келиб тўхтаган маҳал ичкаридан Гулноза шошилиб чиқиб келди.

Она-бола кучоқлашиб-ўпишиб кўришишди. Гулноза ўпкалади:

– Автобус яқинлашгандан хабар қил, ўзим марказга чиқиб кутиб оламан дегандим-ку. Нега телефон қилмадинг?

Ноила машинага ишора қилди:

– Тайёр такси бор экан. Сизни овора қилгим келмади.

Юкхонадан чамадонни тушираётган Дилшод салом берди.

– Яхшимисиз. Сизга катта раҳмат, ука.

– Арзимаиди.

Гулноза эгилиб, қизининг қулоғига шивирлади:

– Ҳамёним ичкаридаиди. Ҳозир опчиқаман.

– Керакмас, ойи. Бу ернинг таксичилари йўл ҳақини олдиндан йиғиб олишмаса юришмас экан.

– Мухими соғ-саломат етказиб келипти-ку, – Гулноза Дилшодга мулозамат қилди: – Ичкарига киринг, ука. Овқат тайёр.

– Раҳмат. Мен... мени мижозларим кутиб қолишди.

Ноила дарҳол орага гап суқди:

– Бу кишининг бозори чакқон экан.

– Яхши ишлаган, машинасини кўзига қараб ҳайдаган таксичининг бозори чакқон бўлади-да, қизим... Сизга яна бир марта катта раҳмат.

Машина қайтиб кетгач, Гулноза қизини уйга бошлаб кираркан:

– Даданг қалай? – деб сўради.

– Сизга қизғин салом айтиб юбордилар. Ичмаяптилар. Уйга ҳам вақтида келяптилар.

* * *

Ҳар қанча оғир бўлмасин, яшаш керак. Ҳеч бўлмаганда хаста онанг учун...

Бердикул Мухиддинбойнинг офисига бош эгиб борди.



“Қабул соати”га тўғри келиб қолган эканми, уни ортиқча оворагарчиликларсиз ичкарига киритиб юборишди.

Кабинет эгаси Бердикул билан анча гаплашиб ўтирди, унинг ўтмишини сўраб-суриштирди.

– Бизга яхши ишчилар ҳамиша керак, Бердикул. Кечмишингизга келсак, шахсан мен учун ўша адашишингиздан олган тўғри хулосангиз муҳимроқ. Мени тушундингизми?

– Тушундим.

– Яхши. – Муҳиддинбой қўл телефонини олиб, бир тугмачасини босди. – Бир йигит олдингга боради. Ишга ол. Каттароқ харажати бор экан, қарашвор. Сўраганини бериб тур. Кейин ойлигидан секин-аста босиб қолаверасан... Бўлди. Бу ёғи энди ўзингизга боғлиқ, Бердикул. Ўзимизда бир мақол бор-ку, яхши бўлсанг ошингни ейсан, ёмон бўлсанг бошингни, деган. Мен бундан орттириб бир нима деёлмайман.

– Раҳмат.

– Бораверинг. Сизни кузатиб қўйишади.

Кабинетдан чиққан Бердикулни икки қаватли маҳобатли офиснинг ертўласига бошлаб боришди. Бу ерда мўъжазгина спорт зали бор экан.

Кимоно кийган, профессионал спортчиларга хос келишган қоматли Рустам қаратэ билан шуғулланаётган экан. У шотирларидан бири елкасига ташлаган сочиққа терлаган юз-бўйини артганча эшик ёнида қўл ковуштириб турган Бердикулнинг ёнига келди.

– Пул керак бўлиб қолдимиз? – бирдан мақсадга ўтди Рустам.

– Ҳа.

– Пул ҳаммага керак. Тушиб қолдингми?

– Ҳа.

– Сени тушириб кетган одамдан ўч олмоқчимисан?

– Йўқ.

– Нега?

– Унинг аҳволи меникидан ҳам оғир. Мен фақат олган қарзимни қайтармоқчиман. Кейин...

– Тузук, – Бердикулнинг гапини бўлди Рустам. – Лекин бундан кейин биз билан ишлашинг учун иккита синовдан ўтишинг керак бўлади. Биринчиси эҳтимол бугун кечаси бўлар. Кейингиси эҳтимол эртага, эҳтимол индинга.

– Тайёрман.

– Шу синовлардан ўтсанг, ўтдинг, ўтолмасанг, икки кўлингни бурнингга тикиб қайтаверасан. Бизда тартиб шунақа.

Бу шартни эшитган Бердикул каловланиб қолди:

– Муҳиддин ака ҳаммамизнинг хўжайинимиз! – деди яна Рустам. – Одамларга бериладиган пулга эса мен хўжайинман. Тушундингми?

Бердикул қаддини ростлади:

– Ҳа.



– Тузук. Сени у ёқларда бўлиб келган дейишади. Камерангга зўравонлар чигилини ёзиш учун келганида ўзингни қандай ҳимоя қилардинг? Кўрсат.

Бердикул ерга ғужанак бўлиб ётиб олиб, бармоқларини мушт қилиб тугди-да, тирсаклари билан қорнини, муштлири билан юзини яширди.

– Тузук. Тур ўрнингдан.

Бердикул турди.

– Бу ерда ҳеч ким сенинг олдинга келиб, калтаклайман деб эълон қилиб ўтирмайди. Бу ҳаётда ҳаммаси қутилмаганда рўй беради. Бу ҳаётда аввал сени маҳкам кучоқлаб олиб, кейин биқинингга пичоқ санчадилар. Шунинг учун ҳаммиша, ҳамма нарсага тайёр туришинг керак. Ҳаттоки менинг олдимда ҳам.

Бердикул бош ирғади. Рустам кўз илғамас даражада тез ҳаракат билан ўнг оёғи қиррасида Бердикулнинг кўкрагига қаттиқ зарба берди. Зарбани кутмаган Бердикул орқага гандираклаб кетди, аммо йиқилмади.

– Тузук. Эслаб қол: ҳаттоки менинг олдимда ҳам.

Шу яқин атрофда булбул сайрагандай бўлди. Бояги чаққон шотир ошиғич тарзда Рустамга митти қўл телефонини узатди:

– Ўзлари.

Рустам телефонни олди:

– Лаббай, хўжайин?.. Икки кишими? Уюштирамиз... Ўзим каттаси билан гаплашиб кўяман... Хўп...

Телефонни ўчирган Рустам Бердикулга яна бир бор синчков назар ташлади ва залдан чиқди. Йигитлардан бири келиб ишора қилди, Бердикул унинг ортидан юрди.

* * *

Шу кунгача Дилобар “Саратонда қор ёғди” дейишса ишониши мумкин эди: табиатда нималар бўлмайди, аммо “Тамара сендан юз ўгирди” дейишса бу гапга у дунё-бу дунё ишонмасди... Аммо, мана, воқеа содир бўлди...

Улар шаҳардаги ягона истироҳат боғида кетиб боришарди. Мақсадлари сув-пув ичиб, музқаймоқ ейиш эди, бироқ гапдан гап чиқиб, суҳбат жанжалга айланиб кетди.

– Яна бир ўйлаб кўр, Тамарчик! – бўғриқиб бақирарди Дилобар.

Тамаранинг жавоби қатъий эди:

– Бунақанги ҳаётдан тўйдим!

– Бунинг нимаси ёмон ахир? – ахийри шаштидан тушиб, дугонасини алдаб-аврашга ўтди Дилобар. – Турган-битгани романтика-ку. Ҳар куни ҳар хил саргузаштлар, адреналин...

– Мен оддий аёл бўлишни истайман. Кечкурун уйда эрим, болаларим билан телевизор кўриб ўтиришни истайман.

– Тамарчик! Бошимиздан бунданам қийин кунлар ўтган-ку, тўғрими? Шундаям бир тола сочимиз тўкилмай чиқиб кетганмиз. Бу нима бўпти!

– Тўғриси, мен ўзим чарчадим, Диля. Оддийгина ҳаёт кечирмоқчиман. Ишга тинчгина бориб келмоқчиман. Кечкурун хотиржам ухламоқчиман, эрталаб ўрнимда хотиржам уйғонмоқчиман. Ўзимизда ўқиган Ҳалима бор-ку.



Дилобар эслагандай бўлди:

– Сочини иккита қилиб ўриб юрадиган қоп-қора қизми? Бетида катта холиям бормиди?

– Ҳа, ўша. Қандолат цехи очибди. Ишга чақиряпти. Биласан-ку, пишириш-куйдириш жон-дилим.

– Балки бошқа жойга таклиф қилишгандир? Хунаринг бўйича. Менга билдирмасдан, ими-жимидида катта иш қилмоқчидирсан?

– Диля!

– Балки Ҳалима қандолат цехи баҳона сени бошқа ишга чақираётгандир? Ўзининг-ку, бозори ўтмаслиги аниқ.

– Диля!

– Тамарчик, орзуларимиз нима бўлади? Катта бизнес қилмоқчийдик, ховли, машина, супермаркет сотиб олмақчийдик.

Тамара енгил уф тортиб кўйди:

– Ҳамма орзулар ҳам амалга ошавермайди, Диля.

– Лекин анави американский кинодаги иккита қиз биргалашиб роса пул топишади-ку! Ўшалардан қаеримиз кам? Калламиз ишласа, ёш бўлсак, соғлом, чиройли...

– У кино эди, Диля! Кино! – Тамара дугонасининг кучоғидан чиқди. – Мен кетмасам бўлмайди.

Улар боғдан чиқишди, Дилобар дугонасини катта кўча томон бошлади.

– Майли, унда нимаям дердим, – хўрсинди қиз. – Агар қайтадиган бўлсанг...

– Қайтмайман, Диля. Лекин агар сен бизнинг ёнимизга борсанг, хурсанд бўлардим.

– Ширинликка ўчсан-ку, пучуқ, – дугонасининг бурнига аста чертиб кўйди Дилобар. – Эҳтиёт бўл, айниган крем еб заҳарланиб қолмагин-а тагин.

IV боб

Эрталаб МЧЖдан хабар олгани келган Дилшод ховуз бўшаб қолганини, Абулқосим билан Володя эса оғизларида латта, қўл-оёқлари чандиб боғланган ҳолда ётганини кўрди... Дилшод ишчиларига кўмакка отилди.

Арқон қийиб кетган қўлларини ишқалаётган Володя алам билан бошига муштлади:

– Варвары! Эх, какая популяция была!²

– Абулқосим ака?

– Ярим кечаси қанақадир одамлар бостириб келишди. Иккита қайиқда. Ўшаларнинг иши...

“Москвич”ини “Нексия” ёнида қолдирган Мансур ҳаллослаб чошиб келди.

– Нима... нима бўлди, ўртоқ? Понтонлар қани? Балиқлар қани?

– Ҳаммаси... тамом бўлди... – беҳис пичирлади Дилшод.

Мансур унга анграйиб қараб қолди...

² Ёввойилар! Эх, кўпайиб бораётган балиқлар эди-я...



Ёмон хабар тез тарқалиши рост шекилли, бирпасда участка нозири Ҳамробоев ҳам етиб келди.

Ишчилардан у-бу нарсаларни сўраб олган капитан Дилшодга мурожаат қилди:

– Менга ариза ёзиб беринг, укам. Тўғри, сувда из қолмайди. Мингбоевнинг фарзанди бўлсангиз ҳам буни очиқ айтишга мажбурман. Аммо мен барибир...

– Илтимос, ўртоқ капитан, дадамни аралаштирманг.

– Майли, майли. Мен бу ишни барибир очаман, демоқчийдим. Шунинг учун, сиздан яна бир марта ариза топширишингизни илтимос қиламан. Кейин яна бир нарсани ўйлаб кўринг: балки ўзингизнинг душманларингиз бордир, бу уларнинг ишидир.

– Менда душман нима қилади, Сайдазим ака?

– Э, бу дунёда душмани йўқ одам борми, укам? Ҳатто гадонинг душмани ҳам бор, уям бўлса гадо. Шунинг учун душманни узоқдан излаб овора бўлиб ўтирманг. У балки ҳамкасбларингиз орасидадир, балки шерикларингиз... Мана, укам, менинг визиткам. – Ҳамробоев ташриф қоғозини узатди. – Агар ариза топширишга қарор қилсангиз, телефон қилсангиз бас, қаерда бўлсангиз ҳам ўзим олдингизга етиб келаман.

– Майли.

Ҳамробоев кетишга чоғланди, Мансур уни машинасигача кузатиб қўйди.

Мансур қайтиб келганида Дилшод дарё бўйида, сокин оқаётган сувдан кўз узмай ўтирарди.

Дилшоднинг телефони жиринглади. Йигит экранчада пайдо бўлган Ноиланинг суратига бир лаҳза қараб тургач, телефонни ўчирди.

– Мен... мен синдим, – шивирлади у.

– Бу нима деганинг? – ўртоғига далда беришга уринди Мансур. – Кетса пулинг кетгандир. Пул одамнинг жони эмас-ку.

– Бу ерда... – Дилшод керакли сўзни қидириб қолди. – Бу ерда пулдан ҳам муҳимроқ нимадир бор эди. Пулдан ҳам азизроқ. Бу иш менинг ҳаётимнинг мазмуни, интилган мақсадим эди. Мен ўзимнинг мустақил одам эканлигимни шу ишим билан исботламоқчи эдим.

– Кимга, ота-онанггами?

– Йўқ. Ўзимга.

– Қўй, кўп ғам чекаверма. Даданга ётиғи билан тушунтирсанг яна оёққа туриб олишингга ёрдам беради.

– Йўқ, мен дадамга буни айтмайман. Нима, иш бошлагандим, эплотмадим дейманми? Ё айбдорларни топиб беринг дейманми?

Мансур ўртоғини кўндиришга урина бошлади:

– Балки даданг билан гаплашиб кўрармиз. Иккаламиз бир амаллардик аммо-лекин...

– Йўқ, ўртоқ, йўқ! Мени кечир. Сен менга шунча яхшилик қилдинг. Мен бўлса сени иссиқ жойингдан совутиб, мана энди шунақа аҳволга солиб ўтирибман. Кечир.



Жимлик чўкди. Дилшод дарёга ташлаган тошининг чўкишини кузатиб ўтираверди.

* * *

Панама шляпа кийиб олган иккита хорижлик меҳмон ва уларнинг таржимони, Азизбек исмли кўзойнакли йигитни балиқ овига олиб чиқиш учун сувга учта қайиқ туширилди.

Дарёни кўриб, оғизлари кулоқларига етган меҳмонларнинг қўлларига яхши кармоқлардан берилди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас кувончларидан териларига сиғмаётган меҳмонларнинг бири иккита, бири битта балиқ ушлади-ю, оппоқ тишларини кўз-кўзлашганча таржимон билан чуғурлашиб кетишди. Азизбек орқа қайиқда келаётган Рустамга ўгирилди:

– Ака, меҳмонлар қайтишмоқчи.

Рустам истехзоли илжайиб қўйди:

– Айтиб қўйинг, ҳақиқий балиқ ови энди бошланяпти.

– Рустам ака, – тушунтиришга ўтди таржимон. – Буларга шуям етади. Булар учун балиқ ови дам олишга чиқишдай гап. Бунинг устига жаноб Боб вегетариан. Балиқ гўштиниям емайди у.

– Емаса емас! – қўл силтади Рустам. – Биз ҳозир уларга ҳақиқий балиқ ови қанақа бўлишини кўрсатиб қўйиб, ҳайрон қолдирамиз. Анча пайт эсларидан чиқармай юришади. – У хизматдаги йигитларга буюрди: – Бошланглар!

Иккита қайиқда ўтирган шотирлар – улар орасида Бердикул ҳам бор эди – энгашиб, олдиндан ташлаб қўйилган тўрнинг чеккасидан кўтаришди. Тўр кўтарила борган сайин унда потирлаб, ўзини ҳар томонга ураётган балиқлар кўринаверди.

Балиқ овининг ўз завқи бор-да! Тўрдаги балиқларни “Торт!.. Кўтар!.. Ол!.. От!..” дея шод-хуррам бақир-чақир қилганларича қайиққа ағдарган йигитлар ғайрат билан иккинчи тўрга ўтишди. Хорижликларнинг оғизлари ланг очилиб қолди. Ниҳоят меҳмонлардан бири таржимонга мурожаат қилди:

– Жаноб Азизбек, бунча балиқнинг нима кераги бор? Ёки булар лицензияли овчиларми?

– Ҳа, жаноб Смит. Шунақа. Улар сизларга ўзларининг овчилик маҳоратларини намойиш қилишяпти.

Смит деганлари сал безовталаниб қолди:

– Лекин бу... яхши эмас... Боб ҳайвонларни асраш ташкилотининг аъзоси.

Ов эса ёввойи завқ билан давом этар, Рустам бақириб буйруқ берарди:

– Тортинглар! Қаттиқроқ!.. Чеккасидан ушла! Тўк!

Ахийри буларнинг ҳаммаси тугади. Деярли икки қайиқни тўлдирган балиқларни қирғоқ бўйида махсус тайёрланган жойга олиб чиқишди.

Ерга тўшалган гилам устида аллақачон тўкин дастурхон, турфа ичимликлар. Чеккароқда шаҳарда номи чикқан ака-ука ошпазлар Ҳамроқул билан Санақул қозонда ош пиширишиб, балиқ кабоб учун манқал тайёрлашмоқда.



Меҳмонларни тўрға ўтқазиди, “олинг-олинг” бошланди. Чарчаганми, ранги оқариб кетган жаноб Боб шунча қисташса ҳам фақат мева-чевалардан тотинди. Смит деганлари эса Рустам тутиб турган бир пиёла ароқни қўлигаям олмади. Рустамнинг ҳафсаласи пир бўлди:

– Одам эмас экан-ку буларинг. Майли, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Лекин боя балиқ овлаш қанақа бўлишини кўрсатиб қўйганимиздай, энди ароқ ичиш қанақа бўлишини ҳам кўрсатамиз.

– Балки керак эмасдир, – эътироз билдиришга уриниб кўрди таржимон.

– Керак. Хўжайиннинг топшириғи бу. Зўр кутиб олинглар деган. – Таъкидлаб гапирди Рустам ва орқага ўгирилиб, чақирди: – Ҳамроқул!

Ака-ука ошпазларнинг каттаси бўлган қирқ беш ёшлардаги, катта қорин қўйиб юборган Ҳамроқул лапанглаб чопиб келди.

– Лаббай, хўжайин.

– Меҳмонларга ароқ ичиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўй! – буюрди Рустам.

– Хўп бўлади.

Ҳамроқул қўлини кўксига қўйганча тиз букиб пойгакка ўтиргач, ароқ шишасини олиб, тагига бир урганди, пўкак отилиб кетди. Шундан сўнг ошпаз ароқнинг ҳаммасини дастурхон четида турган бўш косага қуйди. Коса ароққа лим тўлди. Ҳамроқул косани кўтарди ва худди сув ичаётгандай хотиржамлик билан ароқни охирига қадар симирди-да, косани дастурхонга тўнкариб қўйди. Умрлари бино бўлиб бунақа томошани кўрмаган меҳмонларнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

– Хўш, қалай? – меҳмонларга ўгирилди Рустам.

Меҳмонлар ўз ҳайратларини изҳор этиб улгурмасидан бурун чайла ёнига “Жип” машинаси келиб тўхтади. Ҳайдовчи ёнида Муҳиддинбой ўтирарди. Рустам сапчиб ўрнидан турди:

– Мана, ўзлариям келиб қолдилар.

Муҳиддинбой учун аччиққина кўк чой дамлаётган Санакул тўсатдан дарё томонга қаради ва хотиржамлик билан қайиғидан тушиб келаётган Тохирни кўриб, анг-танг аҳволда туриб қолди.

– Ўлдик! – ваҳима ичида шивирлади у. – Ошга пашша тушди!

Тохир қўл телефонида қирғоқда уйилиб ётган балиқларни, ошпазларни, қозон ва манқалларни, ҳатто даврада кўр тўкиб ўтирганларни ҳам узокдан суратга ола бошлади.

Тохирни шу машғулот устида кўриб қолган Рустамнинг авзойи бузилди. У дастурхондан бўш чойнакни олаётган Бердиқулга “Анов томонга бор” дегандай билинар-билинемас ишора қилди-да, ўзи ҳам ўрнидан туриб, чеккароққа ўтгач, чўнтагидан телефонини олди-да, Равшан аканинг рақамини терди.

У томондан бўлим бошлиғининг мулойим овози эшитилди:

– Эшитаман, Рустамжон.

Асаблари ўйнаб бораётган бўлса-да, Рустам аввалига хотиржам гапиришга уринди:



– Ака, анави инспектор бало-қазодай бўлиб етиб келиб турибди-ку.

– Қайси бири?

– Тохир.

– А? – бу исмни эшитишини кутмаган бўлса керак, бўлим бошлиғининг нафаси ичига тушиб кетди. – Ахир, бугун унинг сменаси эмас-ку!

– Лекин у шу ерда! Қайиқларни расмга олаяпти. Ўзингиз гаплашасизми? Телефонни берайинми?

Бўлим бошлиғи қалтираб қолди:

– Рустамжон, биласиз-ку, у одаммас, Худонинг бир балоси. Унинг олдида менинг номимни тилга олмай турганингиз маъкул. Дарров дафтарига тир-каб, устимдан рапорт ёзиб беришданам тоймайди у занғар! Яхшиси “Катталарнинг хабари бор” деб дўқ қилиб кўринг, фақат исмларни айтмасдан.

– Ака, лафз қилдингиз, ҳаммаси жойида бўлади, тушгача хоҳлаган ишларингни қилаверинглар, дедингиз, кафолати билан ярим кунлик тинч ов ваъда қилдингиз. Одам гапига жавоб бериши ҳам керакми?

– Рустамжон, ўзингиз ҳамма нарсани тушунадиган, ақлли-хушли йигитсиз. Илтимос, шу аблаҳга мени рўпара қилманг. Бошқа истаган инспектор бўлса майлиди, бир дўқ билан жойига ўтқазиб кўярдим. Ўзингиз гаплашинг, кўндиринг, пул ваъда қилинг, ишқилиб, бир амаллаб тинчитинг. Фақат менинг исмимни унинг олдида тилга олманг, илтимос!

Рустам телефонни ўчиргач, тўғри Тохир томон юрди. Уни аллақачон уч-тўрт киши ўраб олганди.

– Кўйинг энди, ака... Кўриб турибсиз-ку, Муҳиддинбой акамнинг ўзлари... Чет эллик меҳмонлар олдида шарманда қилманг одамни. Улар нима деб ўйлашади...

Инспекторнинг бу ўтинчларни эшитмагандай ҳамон сурат олишда давом этаётганини кўрган Бердикулнинг ғазаби кўзгади.

– Камандир! – деб юборди у баландроқ овозда.

Тохир уни кўрди:

– Ў, ўзлариям шу ерда эканлар-ку. Қаранг, бутун конунбузарлар бир жойга йиғилишибди. Кўр кўрни қоронғида топибди.

Жағида олхўридай ғудда пайдо бўлган Бердикул инспекторга синовчан қаради:

– Ҳамма расмларам айтилган жойга етиб боравермайди, камандир.

– Мени кўрқитолмайсиз, Бердикул. – У қўл телефонида рақам терди: – Алё. Милициями?.. Инспектор Тохир Холиёров гапиряпти. Тезликда камишзор ёнига, 51-контурга етиб келинглари. Бу ерда катта жиноят содир бўлган. Кутаман. Раҳмат...

Тохир телефонини ўчириб, Бердикулга мазахомуз қаради:

– Мана, тамом, Бердикул. Тамом.

Бердикул оғиз жуфтлаган жойида қолди, етиб келган Рустам уни гавдаси билан тўсди:

– Ҳорманг, Тохир ака.

– Бор бўлинг.



– Биласизми, инспектор, бу ерда, – Рустам дастурхон бошидаги дав-рага ишора қилди. – Чет элдан келган жиддий инвесторлар ўтиришибди. Улар олиб келадиган маблағлар, технологиялар, линиялар, валюта нафақат Муҳиддинбой ака ёки у кишининг ходимлари учун, балки бутун шахримиз, вилоятимиз, қолаверса, сиз қўриқлаётган мана шу дарё учун хизмат қилади. Янги очиладиган иш ўринларида эса неча-неча одамлар, балки сизнинг яқинларингиз, қариндош-уруғларингиз ҳам ишлашади. Мана шундай маҳобатли ишларнинг олдида тўртта балиқ нима деган гап?

Тоҳир индамасдан сумкасидан баённома қоғозини олиб, тўлдиришга ту-тинди.

– Хўп, ёзибам бердингиз дейлик, – яна мураса оҳангига ўтди Рустам. – Судам бўлди. Хўш, қози жаноблари биздан қанча жарима ундириш ҳақида ажрим чиқаради? Ўттиз минимал окладми? Элликтами?

– Буни суд ҳал қилади.

– Йўқ, шу ерда, ҳозир ҳал қиламиз! Дейлик, элликта. Етадимми? Ҳозирнинг ўзида тўлайман. Нақд!

– Менда жарима миқдорини белгилаш ёки ундириш ваколоти йўқ.

– Мен ҳам ваколат суриштириб юрмоқчи эмасман. Мен шу ерда ўтирган меҳмонларнинг кайфияти бузилмаслигини, мисол учун, юзта минимал окладга тенг деб баҳоладим. Нақд ва ҳозирнинг ўзида.

– Баённомага бу таклифингизниям киритиб қўйишга мажбурман, – деди ёзишда давом этаётган Тоҳир.

– Ҳой, бу жуда катта пул, Тоҳир ака! – қаттиқ пичирлади Ҳамрокул. – Рози бўлаверинг. Биз ҳеч кимга айтмаймиз.

Тоҳирнинг бош чайқаб қўйганини кўрган Рустам пул миқдорини оширди:

– Юз элликта!.. Етадимми?.. Икки юзта!..

Бердикул тутақиб кетди:

– Одаммисан ўзи? Ол, бор, кет. Яхшилик ёқадими сенга ўзи?!

Тоҳир индамай баённома ёзишда давом этаверди. Рустам унга диққат билан, ачиниб қаради.

– Демак, қарор қабул қилинди, шикоятга ўрин йўқ. Мен ҳозир.

Рустам дастурхон бошига бориб, аста:

– Хўжайин, – деди.

Меҳмонлар билан таржимон ёрдамида гаплашиб ўтирган Муҳиддинбой ёрдамчиси томон ўгирилди.

– Ҳаво айниятти. Сал шамол қўтарилса, ҳамма ёқни чанг босади. Меҳмон-ларнинг олдида ноқулай. Агар қарши бўлмасангиз, меҳмонлар билан дачага ўтсаларингиз. Биз ҳамма нарсаларни олиб орқаларингиздан етиб борамиз.

Муҳиддинбой таржимонга қаради:

– Агар меҳмонлар рози бўлишса.

Азизбек меҳмонлар билан гаплашди.

– Булар “Бугун соат ўн саккизу нол-нолгача бизнинг ихтиёримиз мез-бонларда”, дейишяпти.

– Унда кетдик, – деди Муҳиддинбой. – Омин.



Меҳмонларни “Жип” томон бошлаб кетаётган Муҳиддинбой формадаги Тоҳирга ишора қилди:

– Муаммо борми? Ҳаммаси келишилган дегандинг-ку.

Қўл ковуштириб турган Рустам шу заҳоти ишонч билан жавоб қайтарди:

– Йўқ, хўжайин, ҳеч қанақанги муаммо йўқ. Ҳаммаси олдиндан келишилган.

Муҳиддинбой билан меҳмонларни кузатиб қўйган Рустам бурун катакларни керилган, кўзлари ғазаб ва нафратдан чакнаган ҳолда инспекторнинг ёнига қайтди.

– Келганингиз яхши бўлди, – деди уни кўрган Тоҳир. – Фамилиянгни айтсангиз, Рустам.

Рустам қандайдир ғалати илжайди:

– Фамилиямми? Наҳотки менинг фамилиямни билмасанг, палид?!

Рустамнинг гап оҳангидан ҳайрон бўлган Тоҳир бошини кўтарди. Шу сониянинг ўзида Рустам бир кулочча сакраб, куч билан Тоҳирнинг юзига тепди. Орқага учиб кетган инспектор қамишлар устига йиқилди.

– Бос! – буйруқ берди Рустам.

Уч-тўрт шотир бирдан Тоҳирга ташланишди. Инспектор жон алпозда типирчилади, аммо йигитларга кучи етмади. Бунақа бўлишини кутмаган Бердикул ҳайрон бўлиб туриб қолди.

– Ичмайман, чекмайман де! Емайман де! Фариштаман де! Балки кўлтигинг тагида қанотинг ҳам бордир? – Рустам Ҳамроқулга қаради: – Оч!

Ҳамроқул қозон ёнидаги қоп тагидан ароқ шишасини олиб, тагига урди. Пўкак отилиб кетди.

– Бер бу ёққа! – Рустам шишани олди: – Оғзини очинглар!

Иккита йигит зўр бериб типирчилаб қаршилиқ кўрсатаётган Тоҳирнинг оғзини очиб турди. Рустам тик турган жойида инспектор оғзига ароқнинг ҳаммасини куйди. Ичкиликнинг бир қисми Тоҳирнинг юзига, бўйнига тўкилди.

Рустам энгашиб Тоҳирнинг чўнтагидан қўл телефонини олди-да, жаҳл билан дарёга ирғитиб юборди. Сўнг кейинги буйруғини берди:

– Ҳамроқул, носдан ол!

Ҳамроқул шоша-пиша чўнтагидан носқовоғини олди:

– Мана, Рустамжон ака.

– Сол манавининг оғзига! Ҳаммасини! Кайф қилганга яраша зўр кайф қилсин!

Ҳамроқул носқовоқнинг оғзини очиб, ичдаги бор носни кўзлари олайиб бораётган Тоҳирнинг оғзига куйди.

Тоҳир ўқчиди. Рустам ўчоқ ёнида турган ярим шиша ароқни унинг оғзига куйди. Тоҳир носни ютиб юборди.

Рустам қўлида бўш шишани тутганча, бўлаётган воқеаларни қалт-қалт титраганча кузатиб турган Бердикулга қаради:

– Сен биринчи синовдан ўтдинг. Мана, иккинчисига ҳам навбат келди. Бунданам ўтсанг, бўлди, ўзимизнинг одамсан. Буни биласан-а?



– Биламан.

– Билганинг яхши. Унда мен ваъдамга вафо қиламан: сенга каттагина пул ишлаб олиш имкониятини бераман! Фақат бу ёғи энди ўзингга боғлиқ. Ундирганинг ўзингники, ҳалолнинг бўлсин. – У инспекторга ишора қилди: – Манави чиранчиққа муносабатинг қандай?

– Мен ундан нафратланаман!

– Бу яхши. Ўзинг нафратланган одам келиб катталик қилса, сени ҳақоратласа, сўкса, пул талаб қилса, буям камдай шиша билан бошингга уриб қолса нима қилардинг?

Бердикулнинг тишлари ғижирлаб кетди:

– Ўлдирардим уни!

Шу маҳал Тохир ҳушини йўқотди. Рустам бунни кўрди, аммо эътибор ҳам бермади. У тобора қизишиб, жазави билан гапирарди:

– Жудаям яхши! Мен сенга шундай имконият бераман. Фақат аввал уни шир-яланғоч қил, токи охириги игнасиғача сотиб сенга берсин. Лекин шундай сендан қутулмасин. Икки дунё сендан қутулмасин! Тушундингми? Тушундингми деяпман? Агар тушунмаган бўлсанг мана энди тушунасан!

Рустам қутилмаганда шишани куч билан Бердикулнинг бошига урди. Шиша синиб кетди. Бердикул оғриқдан чинқириб юборди, бошини чангаллаганча ерга ўтириб қолди. Унинг бармоқлари орасидан қон сизиб чиқди.

Рустам беҳуш Тохирни кўрсатди:

– Анави хизмат вазифасини бажараётган пайтида сени урди. Энди тушундингми?

Бердикул бир амаллаб бош ирғади. Рустам энди Ҳамроқулга ўгирилди:

– Сендан эса пул талаб қилди! Дарё бўйида дам олиб ўтирганларинг учун, ош қилаётганликларинг учун пул талаб қилди! – У чўнтагидан бир даста пул чиқарди. – Манавини бердинг. У эса кам деди. Яна берасан деди. Кейин ичиб олиб Бердикулни сўқди, урди, охири маст бўлиб ётиб олди. Тушундингми?

– Тушундим, Рустамжон ака, тушундим, – жон алпозда такрорлади кўрқувга тушган Ҳамроқул.

– Тушунган бўлсанг пулни киссасига солиб қўй!

Ҳамроқул кўрқа-писа пулни инспекторнинг чўнтагига солди.

Рустам қўл телефонидаги соатга қаради:

– Йигирма дақиқача вақтларинг бор. Милиция етиб келгунча ҳаммасини келишиб олинглар. Айтадиган гапларингни, кўрсатадиган далилларингни. Ҳаммасини. Мен эртага орқаларингдан югуриб юрмайин.

– Хўп, акажон, хўп.

Рустам йигитларга ўгирилди:

– Бизнинг ўн беш дақиқа вақтимиз бор. Ҳамма нарсани йиғиштиринглар. Дачага олиб кетамиз. Тез! Биронтаям из қолдирманглар.

Дарҳақиқат, орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас яқиндагина бу ерда базм бўлаётганлигини тасаввур этишнинг ўзи мушкул бўлиб қолди. Фақат камишзор ёнидаги ош дамланган қозон тагида чўғлар милтиллаб турарди.



* * *

Муқаддам ишга кетди, аммо эрининг хотиржамлигини ҳам ўзи билан кўшиб олиб кетган экан. Бирдан иштаҳаси бўғилган Дониёр турди, ўтирди, турди, ўтирди, алоҳа, кўнгил ғашлигига, турли шубҳа-гумонлар илонларининг юрагига оғули нишларини ботиришларига ҳеч чидай олмагач, бир банка қатиғу, салафан халтада олма кўтарганча меҳмонхонага йўл олди. Лекин не кўз билан кўрсинки, қабулхонада... кўз таниш бошқа аёл ўтирарди.

Дониёр Муқаддамни сўради.

– Ҳозиргина кетди-я.

– Қаёққа?

– Билмадим-а. Айтмади. “Бир соатларда келаман, ўрнимга ўтириб туринг”, деди.

Дониёр шошиб ташқарига чикди, эшик ёнида қаёққа боришни билмай ўйланиб турди. Ногоҳ дарвозадан кираётган фаррош холани кўриб қолиб, шу томонга юрди.

– Кечирасиз, Муқаддамни кўрмадингизми?

Фаррош катта кўчани кўрсатди:

– Тепага шошиб кетаётган экан. Ёнгинасидан ўтсамам мени пайқамади. Яна уришибсизлар-да, а, болам? Уят эмасми?

Жавоб беришга ҳам вақтини кизганган Дониёр чопиб дарвозадан чикди-ю, фаррош кўрсатган томонга илдам юриб кетди.

Шаҳар кичкина...

Беш дақиқа юрар-юрмас у кўчада шошиб кетаётган хотинини кўрди-ю, бирдан оёқлари қалтираб, қадамини секинлаштирди.

Муқаддам чапга, кўп қаватли уйлар томонга қайрилди. Дониёр измаиз келаверди. Беш қаватли уй ёнига борган хотини атрофга хавотирланиб аланглаётганини кўрган Дониёр ўзини юк машинаси ортига олди. Шундан сўнг жувон ғойиб бўлди-қолди, афтидан, ичкарига кирди.

“Ўлдираман!.. Сўяман!..” Дониёр маст одамдай чайқалиб шу тарафга чопди. Эр бинога отилиб кираркан, эшик тепасидаги “Маслаҳатхона” деган ёзувни кўрди, аммо буни англашга, мулоҳаза қилиб ўтиришга вақти бўлмагани боис шувуллаб ўтиб кетди.

Узун йўлак... Ана, Муқаддам учиб бораяпти. Унинг орқасидан басавлат бир эркак. Бўғриқиб, тишлари ғижирлаб кетган Дониёр эркакнинг изидан тушди.

Муқаддам чапдаги хонага қайрилди. Эркак бу хона ёнидан бемалол ўтиб кетди. Гарангсиб қолган Дониёр хона ёнида тўхтади, шундагина шифохонанага хос таниш ҳидни сезиб, гарангсиди. Наҳот... наҳот учрашув...

Дониёр шахт билан эшикни очди-да, ичкарига бостириб кирди.

Тўрда, стол ортида оқ халатли кекса шифокор аёл ўтирарди. Унинг қаршисида титраб-қалтираган Муқаддам. Шифокор Дониёрнинг кирганига ажабланмади, қайтанга:

– Келинг, ҳамкасб, – деди мулойимлик билан.

Муқаддам ортга ўгирилиб, Дониёрни кўрдию, ранги қордай оқариб кетди.

– Латипов? – дея олди у аранг. Сўнг шифокор аёлга қаради: – Бу киши эрим...

– Танийман, – кулимсиради врач. – Марҳамат, ўтиринглар.



Муқаддам беихтиёр ўтирди.

– Хўш, – врач столидаги қоғозни олиб, диққат билан қарай бошлади: – Муқаддам Латипова. 32 ёш. Натижа...

Сеҳрланган каби қоғозчадан кўз узмаётган Муқаддам инграб юборди.

– Натижа... ижобий, – деб қолди бир пайт шифокор. – Табриклайман.

Муқаддам нимадир демокқа уринди, аммо оғзини бир-икки қур очса-да, гапиролмади.

– Нима ижобий? – тажанг бўлиб сўради Дониёр. – Тушунмадим.

– Рафиқангиз ҳомиладорликни аниқлаш тестида ўзини текшириб кўрган экан. Табриклайман, рафиқангиз ҳомиладор. Мана, – врач тест таёқчасини кўрсатди. – Ўзингизам кўришингиз мумкин, ҳамкасб.

Шифокорнинг бу гапини эшитган Муқаддам “шилқ” этиб ёнига кулади...

IV боб

Туриб-туриб Ноилага алам қилди. Аввал қишлоқдан чиқишда, сўнг шаҳарга етиб келганидан сўнг атай кўнғироқ қилди, аммо Дилшод телефонини кўтармади. Бўлмаса гудоклар кетаяпти...

Шу сабабли ўйинлар ўйнаётган болаларнинг ғала-ғовурига тўлган интернет-кафеда интернет орқали қизлик фамилияси Мэлсова бўлган аллақандай Коммуна Оқябровнани излаётгани маҳал Дилшод телефон қилганида энсаси қотиброқ жавоб қилди:

– Алё. Эшитилмаяпти... Ҳа, билмасдан кўнғироқ қилиб қўйгандим. Узр... Менми? Интернет-кафедаман, Дилшод ака... Сиз бемалол юраверинг... таксичилик қилиб... Мениям вақтим йўқ, ишим кўп... Эшитилмаяпти...

Ваҳоланки, йигитнинг айбдорона овози балодек эшитилаётганди. Шундай бўлса-да. Ноила телефонни ўчириб, сумкачасига солиб қўйди.

Ниҳоят излаган одамни тополмай, тарвузи қўлтиғидан тушган ҳолда интернет-кафедан чиқиб келаётган Ноила шундоқ эшик ёнида Дилшодга тўқнаш келди. Йигит гапни кечирим сўрашдан бошлади:

– Узр, Ноила, минг бор узр, эрталаб телефонда гаплашолмадим.

Ҳали алами таркамаган қиз чимирилди:

– Бемалол, Дилшод ака, бемалол. Бунча ўзингизни оқлайсиз? Нима, мен бир нарсаяпманми?

Ноила жаҳл билан йўлакдан юриб кетди, Дилшод унга эргашди.

– Узр сўраяпман-ку.

– Узрингизни балиқчаларингизга обориб, майдалаб-майдалаб беринг. Зора коринлари тўйиб қолишса бечораларингизнинг.

Дилшод бирдан ғамгин тортиб қолди:

– Балиқчалар энди йўқ, Ноила.

– Нега энди йўқ бўларкан?

– Бугун кечаси... йўқ қилиб кетишибди.

Қиз ишонмади:

– Қанақасига йўқ қилиб кетишади? Кимга зарил экан ўша балиқчаларингиз?

– Менам шуни тушунолмапман.



Дилшод йўл чеккасидаги ёзги қаҳвахонага ишора қилди:

– Юринг, яхши музқаймоғи бор.

Аммо қиз хузурланиб ўч олишда давом этарди:

– Импорт балиқчалар дардида ёнган-куйган юрагингизни сал совутиб олмоқчимисиз? Бунинг учун бир челак музқаймоқ етадимиз?

– Ноила, илтимос, мазах қилманг. Ундан кейин, балиқчалардан бошқа гаплар ҳам бор.

– Майли, юринг. Ўшаларингизга бирга мотам тутамиз.

Қаҳвахонага кириб, чеккароқдан жой олишди. Дилшоднинг ишораси билан официант музқаймоқ, шарбат олиб келди.

Йигит шарбат тўла стаканни қиз томон сурди:

– Марҳамат.

– Раҳмат. Бу дунёда сизни балиқлардан бошқа нарсалар ҳам қизиқтиришини эшитиб, очиги, хайрон қолдим. Марҳамат, гапиравринг, нима демоқчи эдингиз?

– Мендан бекорга жаҳлингиз чиқяпти, – шу маҳал Дилшод шу томонга келаётган ўртоғини кўриб қолди. – Ие, Мансур!

Мансур улар ўтирган стол ёнига келди:

– Яхшимисизлар.

– Яхшимисиз, – деб қўйди қиз.

– Кел, ўртоқ, – Мансур ўтиргач, Дилшод уни Ноилага таништирди: – Бу менинг энг яқин дўстим. Мансур. Синфдошим. Бу эса Ноила. Тошкентдан келган меҳмон. Айтгандим-ку.

– Айтгандинг. Яхшимисиз, Ноилахон. Уйдагилар яхши эканми?

– Раҳмат... – Қиз яна Дилшодга мазахомуз қаради: – Мени бутун шаҳарга танитиб улгургансиз шекилли?

– Йўғ-э. Айтдим-ку, Мансур энг ишонган дўстим деб... У бозорда балиқ сотади.

– Ҳа, тирикчилик шундан, – жилмайди Мансур.

– Озгина ўтир, ўртоқ, – ялинди Дилшод. – Бозор қочиб кетмайди.

Мансур кўнди:

– Майли, озгина бўлса ўтираман.

Официант музқаймоқ билан шарбат олиб келди.

Мансур қиздан сўради:

– Шаҳримиз ёқдими сизга?

– Ёмон эмас. Лекин менга қишлоқ кўпроқ ёқади. Шундоққина дарё бўйи. Салқин.

– Буни қаранг-а, – ёйилиб илжайди Мансур. – Дидимиз бир экан...

– Ростдан-а? – Танишганларидан бери қиз биринчи марта Мансурга қизиқсиниб қаради: – Сизга овулнинг яна нимаси ёқади?

Шу билан қиз-йигит суҳбати бошланиб кетди. Ноила Мансурнинг ҳар бир гапини диққат билан эшитар, маъқуллаб бош ирғар, ундан кўзларини узмасди. Дилшод хайрон бўлиб Ноилага бир-икки қаради. Аммо қиз намойишкорона тарзда Дилшодга эътибор бермас, гўё дунёда шундай йигит борлигини унутгандай ўзини Мансурнинг гапларини берилиб тинглаётгандай тутарди...

Ўч олишнинг бунақанги қадимий усули қаҳвахонадан чиққан маҳаллари ҳам



давом этди. Ноила атайлабдан фақат Мансур билан гаплашиб келар, қовоғи тушиб кетган Дилшод томонга қараб ҳам қўймасди. Учовлон Дилшоднинг “Нексия”си ёнига келишди. Машина ёнида Мансурнинг “Москвич”и ҳам турарди.

– Энди қаёққа, Ноилахон? – сўради Мансур. – Балки бироз шаҳар айланармиз.

– Жон-жон деб айланардим-у, – афсусланиб бош чайқади Ноила. – Лекин овулга етиб боришим керак. Насиб қилса бугун ойим билан жўнаб кетамиз.

Тоқати тоқ бўлган Дилшод орага суқилди:

– Ўзим обориб қўяман.

Қиз Дилшоднинг гапини эшитмагандай Мансурга мурожаат қилди:

– Сизники анави “Москвич”ми?

– Ҳа, шу дулдул меники, – илжайди Мансур.

– Бунақа машиналарнинг салонини кенг дейишади. Шу ростми?

– Кенг ҳам гапми, сарой дейсиз, сарой! – ҳовлиқиб машинасини мақтай кетди Мансур.

– Ростдан-а? – Ноила машина ойнасидан ичкарига қаради, истехзо билан гапирди: – Айрим таксичиларнинг бевурдлиги роса жонга тегиб турганди ўзи. Овулгача неча пулга обориб қўясиз, Мансур ака?

– Тошкентгача десангиз ҳам текинга обориб қўяман, Ноилахон.

Қиз эшикни очди, ҳайдовчи ёнидаги жойга қаради, бирдан фикридан қайтди:

– Йўқ, кенг эмас экан. Мен яхшиси автобусда кетаман. Беминнатгина. Ҳам кенг-мўл...

– Ие, нега унақа дейсиз, Ноилахон? – хайрон бўлди Мансур. – Биз турганда тикилинч автобусда нима бор?

– Жойни мандан олдин банд қилиб қўйишибди-ку!

Қиз жаҳл билан кетиб қолди. Мансур ажабланиб ўриндикқа қаради. Дарҳақиқат, унда тескари ўгирилган бир сурат билан диск ётарди. Мансур қўлига олган суратда ўзининг дарёда, қамишзор орасида тиланчи аёлнинг майити солинган қопни чўктираётгани акс этганди.

Шу пайт велосипед кўнғироғи жиринглади. Уларнинг ёнига келиб тўхтаган болакай қўлидаги конвертни узатди:

– Саломалайкум. Буни сизларга бериб юборишди.

– Ким берди? – гарангсиб сўради Дилшод.

– Бир амаки.

Болакай қайтиб кетди. Дилшод конвертни очди, ичидаги қоғозни олди. Компьютерда, катта ҳарфларда терилган матн: “СОАТ УЧДА. 12-КОНТУРДАГИ ҚАМИШЗОРДА. 25 000 \$ БИЛАН. БИТТАНГ КЕЛ!”

Дилшоднинг тишлари ғижирлади:

– Бошланди...

Хатни ўқиган Мансур сўради:

– Энди нима қиламиз?

– Билмадим... Менимча бизга битта йўл қолди: милисага бориб, ҳаммасини тан олиш. Ахир, мен атай қилмадим, эҳтиётсизлик...

Мансур қатъий бош чайқади:

– Ишонишмайди! Энди иккаланг тил бириктириб қилгансан бу ишни



деб ҳар биримизга ўн беш йилдан беришади. Шу билан ҳаммаси тамом: эрганги кун ҳам, келажак ҳам...

– Унда нима қил дейсан?

– Очиғи... очиғи, сен учун 25 минг арзимаган пул деб ўйлардим.

– Қўйсанг-чи! Нима, мен миллиардернинг эркатойиманми?

– Одамлар шунақа дейишарди-да.

– Сен одамларга ишонасанми, менгами?

– Ўртоқ, хафа бўлмагин-у, менимча сен дадангга ишонаяпсан. Пахан зўр, барибир йўлини қилиб олиб чиқиб кетади деб ўйлаяпсан. Ҳаммасига битта Мансур айбдор бўлиб чиқаверади. Шунақами?

– Бу нима деганинг, ахир, биз қиёматли ўртоқмиз-ку.

Негадир Мансурнинг жаҳли чиқа бошлади:

– Қиёматли ўртоқмиз дейсан, лекин шу ўртоғингдан арзимаган пулингни аяйсан! Менга ўхшаб кунини аранг кўраётган йигит бўлганингдаям майлийди.

– Бу нима деганинг? Пул дейсан, мен сен учун жонимни ҳам аямайман.

– Тилда жонимни аямайман дейсан, лекин амалда... – ўпкаси тўлган Мансур гапиролмай қолди. Сўнг хатни Дилшоднинг қўлидан юлқиб олди. – Бу ёққа бер! Ўзим бораман. Тушунтираман, илтимос қиламан, керак бўлса тиз чўкиб ялинаман... Ишқилиб, емаган сомсамга пул тўлайман.

Дилшод ўртоғининг елкасидан маҳкам чангаллаб тўхтатди:

– Ўзингни бос, оғайни! Бундан бир нарса чиқишига ишонмаяпман, лекин жуда бориш керак бўлса ўзим бораман.

– Шундай... куруқ қўл билан бораверасанми? Ахир улар сени нимталаб ташлашади-ку!

– Одам ўлдириш осон бўптими? Қани, борайин, кўрайин-чи. Балки келишиб олармиз.

Дилшод машинасига чиқди, моторни ўт олдириб, тез юриб кетаркан, жойида қотиб қолган Мансурга қараб қўл силкиди, ҳатто жилмайиб ҳам қўйди...

Бу жойларни яхши биладиган Дилшод ярим соатларда айтилган манзилга етиб келди. Дарҳақиқат, бу ерлар ҳатто мол-пол кирса ҳам адашиб қоладиган даражада қалин ва анчагина катта ҳудудни эгаллаган қамишзор эди.

Машинасини тупроқ йўлда қолдирган йигит қамишзор томон юраркан, атрофга аланглади. Ҳеч ким кўринмади.

– Ҳой, ким бор? Мен келдим.

Жимлик. Фақат қамишларнинг сокин шовуллашию, сувнинг жилдираб оқиши эшитилади. Дилшод олдинга юраверди.

– Ким бор?

Ногоҳ қамишлар орасидан учиб чиққан қушлар тўдаси йигитни чўчитиб юборди. Худди шу маҳал Дилшод ортида нимадир шитирлаганини ҳам эшитгандай бўлди. Шошиб шу томонга ўгирилмоқчи бўлган йигитнинг бошига оғир ғўла билан кучли зарба берилди. Дилшод “туп” этиб қулади...

Кимдир беҳуш Дилшодни оёғидан тортиб судраб кетди.

Давоми бор

**Рустам МУСУРМОН**

1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Шоирнинг “Рухимнинг товуши”, “Хиргойи” каби шеърӣй китоблари нашр этилган.

**Васлингга интилдим****Қор завқи**

Чиройли ёғмоқда қор, майда-майда ёғар қор,
Осмондаги булутлар ерга сепгандек шакар.
Фалак чексиз бойликни бошидан айлаб нисор,
Кумуш сочаётгандек ҳузур қилмоқда шаҳар.

Ер юрагимдек иссиқ, ер нафасимдек қайноқ,
Қор учиб тушар қушдек қанотларини кериб.
Оқбадан қорни қучиб, терлаб кетади тупроқ,
Қор обжўшдаги шакар мисоли кетар эриб.

Қор ёғмоқда – оппоқ қор, гўё ун сепар осмон,
Барчанинг фикри ёди баракага чулғанган:
Бамисоли фалақдан ун сепеди тегирмон,
Одамлар усти боши оппоқ унга булғанган.





Меҳри дарё

Меҳри дарёсан-ку, менинг сулувим,
Нурга ташна бўлдим бамисли гиёҳ.
Сахрода кудукдек қуриди сувим,
Ҳажрингда майсадек куйиб кетдим, ох!

Меҳри дарёсан-ку, ахир, севгилим,
Ўзинг келиб, менинг аҳволимни кўр.
Қизғалдоқ мисоли сўлмоқда гулим,
Пешонам саҳронинг тупроғидек шўр.

Меҳри дарёсан-ку, жоним, жонгинам,
Сенга тенг на кўзёш, на ёмғир, на сел.
Дарёдек бўлолмас қор ҳам, ёмғир ҳам,
Ўзинг кучоғимга дарё бўлиб кел!

Меҳри дарёсан-ку, фариштагинам,
Жайхундек, Сайхундек икки қулочинг.
Қумларга ўтириб қолди ишқ кемам,
Тортиб олсин йўғон ўрилган сочинг.

Меҳри дарёсан-ку, менинг гўзалим,
Сарғайган юзларим бархандек сўлғин.
Кўзёш тўқдим икки кўзимдан лим-лим,
Оҳ-зоримдан унди янтоғу юлғин.

Меҳри дарёсан-ку, чиройли охум,
Юрагимда турди қуён, гармсел.
Ахир кўзларимга тўлиб қолди кум,
Ахир туз сочди-ку кўзларимга ел!

Пальто

Қадду бастингизга ярашган
Қора пальто, ёқаси қундуз.
Қадамизда нозу карашма,
Кўзингизда ёнади юлдуз.

Қора пальто ва қундузингиз
Ҳуснингизга қўшилган чирой.
Сочингиз – тун, оппоқ юзингиз –
Тун қўйнида шуъла сочган ой.



Ечиб кўйдим хонамда, эркам,
Эгнингиздан пальтойингизни.
Дийдорингиз билан, маликам,
Шод қилдингиз гадойингизни.

Лола унар дудоғингиздан –
Ишққа чорлаб дейди: “Кул! Ўйна!”
Ўпар оппоқ томоғингиздан
Бўйнингизга ўралган мўйна.

Пальто каби қанийди мен ҳам
Кўрсам эди роҳатингизни.
Узун пальто ўралиб маҳкам
Қучиб турар қоматингизни.

Хайрлашдик, кўйдим кийдириб
Эгнингизга пальтойингизни.
Зор қилдингиз, яна куйдириб
Ишқингизда адойингизни.

Кема

Юрак – кема,
Оролда қумларга ботиб қолган.
Анчадан буён келмас
Катта дарёлардан сув.
Жайхун билан Сайхунга
Чўлда термилиб толган,
Ташлаб кетган балиқлар,
Чағалай, ўрдак, оққу...

Юрак – кема,
Саҳрода қумларга лангар солган.
Денгизда яйраб сузмас,
Тўлқинларга урмас тўш.
Сочи шамолда ўйнаб
Узоқ қўл силтаб қолган
Соҳилдаги гўзални
Соғиниб кўради туш...





Ёлғиз кулба

Бугун сени кутдим кун бўйи,
Икки кўзим эшикдек очиқ.
Хувуллади вужудим уйи,
Юрак – ўчоқ, тутуди аччиқ.

Кутдим, ёғди паға-паға қор,
Икки эшик ёпилгани йўқ.
Изғиринда кутдим интизор,
Кириб кетди уйимга совуқ.

Юрак – ўчоқ, ёнди умидвор,
Ловуллади кун бўйи олов.
Гупиллатиб ёғаверди қор,
Исинмади ўчоқда биров.

Сен келмадинг, омад кулмади,
Умидларим гўё хўл ўтин.
Олисдаги ёлғиз кулбанинг
Мўрисидан ўрлади тутун.

* * *

Қор хуснингдек гўзал, қалбингдек оппоқ,
Бироқ ҳижронингдек совуқ, севгилим.
Қор орзунгдек тоза, хаёлингдек пок,
Эрир куёш борса ёвуқ, севгилим.

Куёш каби севсам, қордек йиғлайсан,
Қор – қизсан, шодликдан кўзёшларинг сел.
Севмасанг музлайсан, дилни тиғлайсан,
Фақат музламагин, эрий қолгин, кел!

* * *

Интизорман офтоб жамолингизга,
Ногоҳ хаёлимни олиб қочасиз.
Завол йўқ ҳусн ила камолингизга,
Чирой таратасиз, чирой очасиз?

Бошимда бир савдо – кўланка, соя,
Бодом қабоғингиз – сурмаранг булут.
Юрагим – оппоқ қор қопланган қоя,
Кўнглим меҳрингиздан бебахра, унут.



Кунгабоқар каби боқаман фақир,
Шамолдек чопаман хизматингизга.
Сиз меҳр бераман десангиз, ахир,
Чеку чегара йўқ химматингизга.

Мени қатл айлашга ҳамиша тайёр,
Саф тортиб туради киприкларингиз.
Қошларингиз ёйдек эгилган айёр,
Бунча омонат қилкўприкларингиз?

Юзингиз – чарақлаб нур сочган қуёш,
Қуёшдан қамашиб кетади кўзим:
Боқсам, кўзларимдан тўкилар кўзёш,
Боқмасам, соғиниб йиғлайман ўзим.

* * *

Нима бўлса бўлар эртага,
Бирданига ёндим-да куйдим.
Дангалига, шундоқ ўртага
Ёнаётган юракни қуйдим.

Олов ёниб турса, ҳар инсон
Олар гулхан атрофидан жой.
Кимдир унга қўяди қозон,
Кимдир унда қайнатади чой.

* * *

Раққосадек ўйнаб ёғаяпти қор,
Юрагимни қийнаб ёғаяпти қор.
Васлингга интилдим, йўлимни тўсди,
Бопладим, деб, ўйлаб ёғаяпти қор.

* * *

Офтобнинг юзига тўсилган парда,
Тоғларнинг бошига ўралган рўмол.
Турналардек баланд учиб кетолмас
Ёмғирда қаноти ҳўл бўлган шамол.

* * *

Хаёл сурати, бу – аёл сурати,
Аёл сурати, бу – хаёл сурати.





Гўзал БЕГИМ

1974 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини, Москвадаги Адабиёт институтининг Олий адабиёт курсини тамомлаган. “Сукунат жараңи”, “Учаётган япроқ сояси”, “Мажнунсоат” номли шеъррий тўпламлари нашр этилган.



Уммон ўртасида бир жуфт кабутар

Мен эмасман

Мен эмасман
уринган виждонинг оғриғини
юрагим оғриғига банду банд этган
хотирингда қоғоз кема суздириб
кўпбурчакли денгиз ясаган мен эмасман
Мен эмасман
исмингни энг ҳарир либосдай кийиб
ишқнинг қони теккан хур кийимларни
ва яна ечиб ирғитган мен эмасман
Мен эмасман
ёмғирнинг милёнта томчиларига
милён биринчи расмингни илган
ва тақдирга қараб қийшайган
йиртиқ сувратларнинг кўрғазмасига
йиртиқ шодлигини етаклаб борган
мен эмасман
Мен эмасман
жулдурвако кийган кўриқчи бўлиб
дилингни
юракхўр қушлардан кўриқлагувчи
руҳият саҳросидаги сассиз чанқоққа
нилуфар сувини куйган мен эмасман
Мен эмасман
бахтнинг ковушига
бахти шўр парилар расмини чизган



хонамдаги юҳо жимликнинг
қароғида ишва қилган ишқ
югурган
юрагинг бўйлаб югурган
бир лаган йиғини
хитой таоми деб танаввул қилган
мен эмасман
Мен эмасман
ғижимлаб очилтирган атиргулларни
тиканларга байрам келтирган
одимларинг изига оёғим сиғмай
туртиб қўйган йўқ қобирғангни
мен эмасман
Мен эмасман
сен ҳақингда қуёш ила гап сотган
йиғлашни эпполмаган
қулишни лабларига тикаолмаган
хўрсиниқ хирмонини
хатлаб ўтолмай
умидлари чала туғилган сулув
мен эмасман
Мен эмасман
тилла қўлларила
асрга терс бурилган Будда
уммонни сипқориб
қўнгил уммонида чўккан мен эмасман
Юрагингга осиглиқ зил замбил қулфга
гулдан калит солмоқчи бўлган
олмадан ясалган Хумо қушини
қўксинггамас тирноғингга қўндирган
мен эмасман
Мен эмасман
йиғлаётган
мен эмасман
қулаётган
мен эмасман
фақат
мен эмасман





Манекен

Ўтирган ўрнимдан қилт этмайман мен
кечагими
бугунгими
ёки эртанги
куннинг кўзига тик қараб ўтиргум
одамлар кўнглидан тўкилаётган
бир тола мўй учун
чордана куриб
дунёни тиззамга кўтариб олиб
ўтирибман мен
кафтимдан қуламас денгизли шаҳар
аждаргулнинг тожига қараб
ёки кулдондан чиқиб қочмаётган
тутқун кулнинг аҳдига монанд
қараб тургум бирхилликларга
уммон ўртасида бир жуфт кабутар
мангу бўса учун ҳайкал ўрнатар
мен эса
синган бўсаларнинг
сирпанган ҳовурларнинг
ёғоч истакларнинг
ҳамда
тишланган олманинг
манекениман
Мен манекенман
ўтлиғ нигоҳ билан қарар харидор
бармоғимда кўзи тушган узукка
бир кўзини қисиб қўяди қушча
кўнглим
эшик монанд
очилар
ёпилар
яна очилар
қаршимда қўл очиб илиқ қутича
ўйларимга тирмашиб қараб ўтирар
Мен манекенман
татиб кўрмай дунё таъмини
лабларимни артиб ташламай
чорлаб тургум юрагингизга
ўтган
ва ўтажак ҳар бир асрни
юрагингиз манекениман

* * *

Дарахтларни таниди баҳор
ва менинг қўлларимни
жасадимга оғирлик қилгувчи
юрагимни тимдалагувчи
ҳасратлар қилгувчи суякларимга
иягим ҳақида мактуб битгувчи
кун бўйи
бўм бўш ўтирган бўш кути ҳақда
хаёллар сургувчи
ва яна хаёлини тўкиб қўйгувчи
озодликни озодалик дея ўқиган
кўзларим қорасини оқлаб тургувчи
кўйлагининг жилмайган гулларини
ҳазин ранглар ила бўяб чиққувчи
бармоқларини қисирлатиб
дунё ила суҳбатлашгувчи
сенга узатилган
ва ҳеч қачон етиб бормаган
қўлларимнинг
боши берк чизикларини
қара таниди баҳор
қўлларимни таниди баҳор



ҲУКМАТ

Ҷин сўз мўътабар, яхши мухтасар.

Алишер НАВОИЙ



БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ



Манзар АБДУЛХАЙР

1964 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Республика матбуотида кўплаб илмий мақолалари чоп этилган.

ИШҚ АҲЛИНИНГ КЎЗГУСИ

Бугун моддиятга “масту мустағрак” инсоният шитоб билан ҳаракатланмоқдаки, уни бир фурсатга бўлса-да, хаёлий оламга олиб кириш анча мушкул. Негаки, бу тезкорлик XXI аср кишиси учун одат тусига айланган. Киши тахайюл оламига кириши учун эса вақти-вақти билан ўз кўнгил ботинига боқиб, бир фурсат бўлса-да, оёғи заминдан узилмай, чинакам воқеликка, шеърятга табиатга уйғун тарзда ҳаракатланиши лозим. Бу билан ўзининг “савдойи хом” хаёлларини пиширади ва тасаввур оламини янада бойита боради. Зеро, ҳазрат Румий айтганларидай, “Хаёл олами тасаввурлар оламига қараганда яна-да кенг. Чунки бутун тасаввурлар хаёлдан туғилади. Ўз навбатида, хаёл олами ҳам уни бор этган олам қаршисида йўқилдир”.

Айни шу маънода, бугун Ҳазрат Алишер Навоий шеърятига хос – “тахайюл мулки”га кучли эҳтиёж сезамиз. Улуғ шоирнинг ҳар бир ғазали замирида бундай хусусиятлар мужассам бўлиб ишоралар тилида баён этилади. Қуйида шундай бадиият мўъжизаси бўлмиш “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 428-ғазални кўриб чиқамиз:

*Бўлмасун кўнглунг қушига дурру гавҳар васли ком
Ким, қазо ул доналарга баҳр мавжсин қилди дом.*

*Ғар малак тасбиҳи дона, ҳур зулфи дом эрур
Ким, бу дому донага зийрак қуш эрсанг, бўлма ром.*



*Даҳр богининг ҳавосидур самуму суйи захр,
Анда бўлмас бу ҳавову су била қилмоқ мақом.*

*Богким, нилуфарий кўкурд ўтидур англаким,
Не муаттар бўлгай андин тарбият топқан машом.*

*Май ўти бирла димогингни қизитмаким, бу ўт
Эл димогида пиширмайдур бажуз савдойи хом.*

*То ўзунгни хасча кўргунгдур эмассен одамий,
Гар ҳавода сайр қил, гар су уза кўргуз хиром.*

*Кул қил ул хасни фано оташгаҳига ташлабон,
То кўнгул миръоти ул кулдин жило топқай тамом.*

*Истарам, кўзгуда кўрсам ёр аксин бир нафас,
Соқийё, майким! Эрур ишқ аҳлининг кўзгуси жом.*

Саккиз байтдан таркиб топган бу ғазал зоҳирий ва ботиний маъноларига кўра ҳам халқона, ҳам сўфиёна бир руҳда битилган. Ғазалнинг маънавий қиммати мажоз ва ҳақиқат ичра “одамийлик шеваси”га қаратилган тахайюлий тарз ва тафаккурий қиёсийликда кўринади. Унинг девондаги бошқа ғазаллардан энг асосий фарқли хусусияти тахаллуссиз ёзилганидир. Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

*Бўлмасун кўнглунг қушига дурру гавҳар васли ком
Ким, қазо ул доналарга баҳр мавжин қилди дом.*

Аввало, мазкур байтдаги энг характерли сўзга эътиборни қаратайлик. Бу арабча *баҳр* сўзидир. Зеро, унинг замирида шоир назарда тутган ажиб бир манзара яширин. Бу сўз Алишер Навоий асарларида: “Хазар” (Каспий), “Ахмар”; “катта азим дарё”; “бирор нарсанинг буюклиги, улуғлиги” сингари маъноларда қўлланилади. Умуман, мумтоз адабиётда бу сўзнинг “баҳрайн” шакли “икки денгиз”, “икки дарё” маъносида келади. “Садди Искандарий” достонининг XXVII бобида эса Форс қўлтиғидаги орол номини ҳам ифодалаган: “Қутайф аҳли, Баҳрайнун Бағдод ҳам / Сипахбад аларга келиб Густаҳам”¹. Агар шарҳланаётган байт мазмунига асос бўладиган манбаларга эътиборни қаратсак, у қуйидагича тус олади: *баҳрайн (баҳр)* қадим форс манбаларига кўра, Форс қўлтиғи ва унинг атрофидаги жазирама муҳитдир. Демак, қайсидир маънода у ердан куш учса қаноти куяди. Шунингдек, унда нефть кўп ва боз устига, унинг зумрасидаги *баҳри муҳит*да кўп марваридлар ҳосил бўлади. Улуғ шоир ушбу байтда гўзал ташбеҳ орқали айни шу ҳолатга рамз-ишора қилганлигининг эҳтимоли бордир. Бундан ташқари, бу байтда *дона* сўзи марварид маъносида ишлатилган. Айни шу маънода байтнинг қисқача мазмунини қуйидагича шарҳлаш мумкин: эй одам, кўнглингда асло дуру гавҳарларга мойиллик пайдо бўлмасин! Борди-ю, уларнинг аслига, яъни азалий келиб чиқишига назар ташлайдиган бўлсанг хатардан

¹ Садди Искандарий, 1993, 172-бет.



бошқа нарсани кўрмайсан... Ахир, азалдан тақдир, аниқроғи, илоҳий ҳукм ўша марваридларга кучли сиқиклик ичра денгизнинг жўш уришини тузоқ қилиб кўйди. Сен ҳам ўша муҳит тепаси ёки остидаги сингари тузоқларнинг қурбонига айланмагин.

*Гар малак тасбиҳи дона, ҳур зулфи дом эрур
Ким, бу дому донага зийрак қуш эрсанг, бўлма ром.*

Байтнинг қисқача мазмуни: агар фаришта тасбиҳи дона бўлса, ҳури ғилмон зулфи тузоқдир (Бу ўринда *зулф* кўпроқ фоний дунёга рамзий-ишорадир). Эй одам, агар ўзингни зийрак қуш деб билсанг, ҳеч вақт бу тузоқ ва донага бўлма мойил. Ғазалда “кўнгул қуши” ва “зийрак қуш” ибораси қўлланилади. Бунда шоир, асосан, маънавий-ботиний бедорликни назарда тутди.

*Даҳр боғининг ҳавосидур самуму суйи захр,
Анда бўлмас бу ҳавову су била қилмоқ мақом.*

Байт мазмунига кўра, фоний дунё, яъни бу олам боғининг ҳавоси, аслида, ҳамма нарсани қуритадиган иссиқ шамол, гармселга, суви эса, оғуға ўхшайди. Бас шундай экан, эй одам, унга кўп ошуфта бўлма, алҳол ўз тадо-ригингни кўр, зеро, бу ҳаво ва сув билан мақсад манзилига етиб бўлмайди.

*Богким, нилуфарий кўкурд ўтидур англаким,
Не муаттар бўлғай андин тарбият топқан машом.*

Аввало, байтдаги нотаниш сўз арабча *машом* сўзидир. Унинг луғавий маъноси “димоғ”, “бурун”. Шундан келиб чиқиб байтни қуйидагича шарҳлаш мумкин: кишининг димоғи бу дунё боғининг хушбўйликларига ошуфта бўлса, яъни унга ўрганиб қолса, бу мушкул бир ҳолатдир. Ахир, бир кун келиб, бу боғ сап-сарик тус олиб, ундан олтингугурт, ёки гугурт ўтига ўхшаш бадбўй ҳид чиқади. Бундан димоғ қандай тарбият топиши мумкин?! Шунинг учун ҳам, бунга, энг аввало, улуғ тайёргарлик (Ботин олами сирларини ўрганиш кўзда тутилган – **М.А.**) кўрмоқ керак. Бироқ матн ортида яна шундай бир рамзий ишора ҳам йўқ эмас: димоғ тарбияти фақат бу дунёга хос юмуш. Комиллик истагида бўлган одам кўпроқ кўнгил тарбиясига берилиши жоиз. Чунки кўнгилга нақшланган тарбия киши руҳи билан пайваста. Димоғчи... Зотан, бунда шоир хотирлари тубида бир қадим ривоят ўрлашади: қадим нақлларга кўра, доно шоҳ Искандар вафотидан сўнг, ундан қуйидаги сатрлар қолади: “Жумла жаҳонда тўйим/ Нақши нигорли уйим/ Чикқанда маргим хиди/ Исига арзимайдур...” Мазмуни: “Вақтики, мен оламдан ўтганимдан сўнг, башарият менинг шарафимга тўй беради, мақбараларимни тилло-зарҳаллар билан безайди. Борди-ю, вафотимдан қирқ кун ўтгандан сўнг қабримни очиб, хоки туробимни бир ҳидласалар, шу онда ундан димоғлари ачишиб, нафақат исми ёдимни, балки менинг бу дунёда қилган барча яхши амалларимни ҳам бирпасда унутган бўлур эдилар...”. У ўзининг барча рамзий мақбаралари пештоқида бу битик ёзилишини васият қилган эди.



*Май ўти бирла димогингни қизитмаким, бу ўт
Эл димоғида пиширмайдур бажуз савдойи хом.*

Улуғ шоир юқоридаги бадиий кайфиятни ушбу байтда ҳам бардавом этиради. Байтда *май* сўзи ўз луғавий, яъни “маст қилувчи ичимлик” маъносида кўлланилган. Шу маънода бу байт мазмуни куйидагича: май ўти билан димоғингни қизитиб тарбия қилишинг бефойда. Ахир, эл сенинг бу ишратий ҳолатингдан хабар топгандан кейин, ўзга хомхаёлларинг пишиши ўрнига янада унинг акси бўлади, холос.

*То ўзунгни хасча кўргунгдур эмассен одабий,
Гар ҳавода сайр қил, гар су уза кўргуз хиром.*

Бу мисраларда шундай бадиий кайфият илгари сурилади: “одамийлик шеваси”га ҳар ким ҳам етишавермайди. Бунда, одам ўзлигини унутиб, то хокисорлик мақомига етмагунча ҳеч бир ҳол юз бермайди. Илло, у хоҳ кўкка учсин, хоҳ сув юзасида юрсин. Агар бу манзарани бошқачароқ бир тарзда, яъни ботиний бир тилда ифодаласак, унда одам менликдан сенлик рутбасига ўтиши жоиздир.

*Кул қил ул хасни фано оташгаҳига ташлабон,
То кўнгул миръоти ул кулдин жило топқай тамом.*

Бу ўринда ҳам юқоридаги байтдаги сингари бадиий тафаккур илгари сурилади. У куйидагича тус ва тароват олади: бу “хас”ни сен фано оловига ташлаб куйдир ва шу “хас” кули билан кўнглингни ювиб ойнадек мусаффо қил. Токи кўнгил кўзгунг шу кулдан жило топиб, мурод ҳосил қилсин.

*Истарам, кўзгуда кўрсам ёр аксин бир нафас,
Соқий, майким! Эрур ишқ аҳлининг кўзгуси жом.*

Бу байт катида яширинган теран илдизли, образли ифодалар *ёр* – Оллоҳ; “*акс*” – илоҳий нурнинг тажаллиси; “*соқий*” – пири комил; “*май*” – ваҳдат (бирлик) майи; “*жом*” – ориф инсон қалби; “илоҳий тажаллий акс этган борлик” каби сўзлар замирида мужассам. Аммо бу образли ифодалар Навоий шеърятгида бундан ҳам кенг фалсафий, ботиний-илоҳий маъноларни англадиб келади. Шу маъноларга кўра, байт мазмуни куйидагича: илоҳий нур таралиб турган оламни кўрсатиб турувчи кўзгуда бир лаҳза бўлса-да, илоҳий нур тажаллисини кўрсам эди. Эй пири комил, ишқ аҳлининг сархушлигига азалдан илоҳий нур тажаллиси сабабдир. Модомики, шундай экан, оламни кўрсатувчи ойина, илоҳий тажаллий акс этган борлик ва ориф инсон қалбидир.

Умуман, ғазал ботинан тахайюлий ва мажозий маъноларга бойлиги, зоҳиран эса, одамийлик мақомига етишиш йўлида нақадар чўнг бир тафаккурни ўзида жо этган дастуруламал сифатида шоир ғазалиётгида муҳим ўрин тутди. Умуман, Навоий ғазалиёти ўзбек миллий поэтик тафаккурида ўзгача аҳамиятга эга. Хоссатан, бу гўзал ғазал китобхон кўнглига кўтаринки руҳ ва сокинлик бахш этади.



АДАБИЁТШУНОСЛИК



Абдурасул ЭШОНБОБОВ

1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Республика матбуотида ўттизга яқин мақолалари эълон қилинган.

НАВОИЙ ТАРЖИМАИ ҲОЛИГА ДОИР ЯНГИЛИК

Алишер Навоий таржимаи ҳолини илмий ўрганиш борасида академик Василий Влидимирович Бартольднинг “Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт” номи рисоласи алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бартольд ўз рисоласида Мирзо Бобурнинг “Билмон, не жарима била Султон Абу Саид Мирзо Ҳиротдин ихрож қилди” деган сўзларига асосланиб, Навоий Абу Саид томонидан Самарқандга сургун қилинган деб ёзган эди. Бошқа бир муаррих Мирхонд “Рафзатус-сафо”да: “Амир Алишер Абу Саид Мирзо Султоннинг замонасида Хуросон доруссалтанасига бориб, бир неча кунини ул иқбол уйи останасининг мулозаматида ўткарди, аммо ўзининг холига яраша риоят ва тарбият тополмади. Шулу ваҷх била Хуросондин беҳишт монанд Самарқандга борди” деб маълумот беради. Кўришиб турибдики, ҳар икки манбада ҳам воқеа содир бўлган йиллар аниқ кўрсатилмаган. Шунингдек, Мирхондда сургун ҳақида гап йўқ. Бартольд Абу Саид даврида Самарқандга ўқиш учун келмас эдилар ва минтақа маданий таназулга юз тутган деган мулоҳазадан келиб чиқиб сургун талқинига мойил бўлган. Бироқ Навоийнинг ўзи “Мажолис ун-нафоис” асарида “Фақир таҳсил учун Самарқандга борганда...”, “Фақир икки йил анинг қошида сабақ ўқуб эрдим” деб қайд этади. Яна олим Навоий Самарқандда Абулайс Самарқандий қўлида ўқиган деган иккинчи бир фикрни ҳам айтган эди. Шоирнинг Самарқанд сафарини



мантиқий асослаш мақсадида турли хил талқинлар билдирилган. Олим Шарофутдинов “Алишер Навоий” китобида ёзган эди: “Алишердан гумонсираган Абу Саид Мирзо 1467 йили уни Самарқандга сургун қилди”¹. Лекин шоирнинг Самарқандга келган йили аниқ эмас, Хиротга қайтган йили эса аниқ.

Ушбу масалани махсус ўрганган академик Воҳид Абдуллаев 1948 йили “Алишер Навоий” тўпламида чоп этилган “Алишер Самарқандда” номли рисоласида бир қатор эътиборга молик мулоҳазаларни баён этган: биринчиси, Бартольднинг Абу Саид даврида Самарқанд маданий таназзулда эди деган фикрига эътироз билдириб, Самарқанд Мирзо Улуғбек вафотидан кейин ҳам узоқ даврларга қадар ўз маданий мавқеини сақлаб қолганини (“Мажолис ун-нафоис”га таяниб) исботлайди; иккинчиси, шоирнинг Самарқандда яшаган даврини 1465-1469 йиллар деб янги фаразни илгари суради; учинчиси, Мирзо Бобур сўзларига асосланиб, Навоий Самарқандга сургун қилинган деган фикрга қўшилади ва унинг сабаблари хусусида ўз мулоҳазаларини баён этади.

Навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов “Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашерга шеърӣ мактуби” мақоласида асарни чуқур таҳлил этиб, ёзилиш сабабларига тўхталиб ўтади. Унинг фикрича, мактуб Самарқандда ёзилган бўлиб, шоирнинг Хиротдан кетиш сабабларини ойдинлаштиради. Бироқ бизни унинг мавзуга алоқадор жиҳатлари кўпроқ қизиқтиради ва у бу ҳақда шундай ёзади: “Аслида эса Навоий расмий равишда сургун қилинмаган, балки ўз бошига тушиши муқаррар бўлган кулфатларнинг олдини олиб, зийраклик билан ўзига ўзи подшоҳнинг кўзидан узоқда туришни маъкул кўрган”². Олимнинг фикрича, шоир Самарқандга 24-25 ёшларида борган. Демак, Абдуқодир Ҳайитметов мулоҳазасига кўра, Навоий Самарқандга ўз ихтиёри билан борган.

Академик Иззат Султон “Навоийнинг қалб дафтари” китобида шоир асарларидан келиб чиқиб, қолаверса, тарихий манбаларга таяниб ушбу масалага оид фикрларни илгари сурган; биринчидан, у сургун версиясини маъқуллайди; иккинчидан, шоирнинг ўз қайдларидан келиб чиқиб Навоий Самарқандга билимини ошириш мақсадида келган деб ёзади. Шунингдек, “Муншаот”даги мактубларидан бирини таҳлил этиб хат Самарқанддан Султон Бойқарога йўллангани хусусида шундай ёзган эди: “Навоийнинг бу даврда ҳар доимгидек Ҳусайн Бойқаронинг ҳаёти ва ишларидан хабардор турганини, унинг муҳим ишларида бевосита иштирок этганини, унга маслаҳатлар бериб турганини ва ҳатто тахт олишга фаол рағбатлантириб борганини, ўз дўстининг ғалабага эришувига астойдил ишонганини ушбу хатдан фаҳмлаш қийин эмас”³. Навоий, албатта, Ҳусайн Бойқаронинг ҳокимиятни эгаллашидан манфаатдор эди. Бироқ юқоридаги талқин мактуб матнига асосланган тарихий манбаларда бу хусусида маълумот мавжуд эмас. Бундан ташқари, мактуб 1496 йили Бадиуззамонга йўллангани навоийшунос Суйима Ғаниева томонидан исботлаб кўрсатилган.⁴ Олимнинг

¹ Шарофутдинов А. Алишер Навоий, Т., 1948 й., 37 б.

² Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Т., 1970. 62-б.

³ Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Т., 1969. 210-б.

⁴ Қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи. 2 т. Т., 1976. 407-б.



қуйидаги мулоҳазалари етарли даражада асосланмаган ва мунозаралидир: “Бу китобда бундан кейин келтирилган ҳужжатлардан Навоийнинг шу даврда Самарқандда бўлмасдан, келиб ва кетиб тургани аён бўлади”.⁵

Кейинги йилларда Алишер Навоий таржимаи ҳоли борасидаги тадқиқотлар ичида Шухрат Сирожиддиновнинг “Алишер Навоий” номли монографияси шоир биографиясини ўрганишда муҳим ўрин тутди. Олим Навоийнинг Самарқанд сафари ўз ихтиёри билан амалга ошган деган фикрга қўшилади ва манбаларга асосланиб бир қатор мулоҳазаларни илгари суради. Монографияда, айрим мунозарали ўринлар ҳам йўқ эмас.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб ягона бир махражга келтирадиган бўлсак қуйидагича манзара ҳосил бўлади: “Навоий Абу Саид томонидан Самарқандга сургун қилинган”, “ўз ихтиёри билан йўл олган”, “Самарқандга таҳсил учун борган”. Бундай талқинларнинг юзага келишига, биринчидан, тарихий манбаларда (шоирнинг ўз асарларида ҳам) бу хусусидаги маълумотларнинг камлиги ва боз устига зиддиятлар мавжудлиги бўлса, иккинчидан, масалага ёндашган ҳар бир тадқиқотчи имконияти доирасида мантиқий ечимга интилганидир. Биз буни муайян бир фан тарихидаги табиий ҳол деб биламиз.

Айни шу масалага Эргаш Рустамов 1963 йили рус тилида эълон қилинган “Страницы из биографии Алишера Навои” номли мақоласида тўхталган.⁶

Олим Навоийнинг ўз сўзларидан келиб чиқиб ҳамда Мирзо Бобурнинг Самарқандга кетиш сабабларини кўрсатмаганини эътиборга олиб сургун талқинини қатъий равишда рад этади ва янги мулоҳазаларни илгари суради. Унинг фикрича, Навоий Самарқандда икки марта бўлган. Дастлабки сафар 1458-1459 йилларда таҳсил мақсадида амалга оширилган. Бунда шарқшунос олим шоирнинг “Мажолис ун-нафоис” асаридаги иккинчи мажлисида келтирилган қуйидаги сўзларига асосланади: “Ул жамоати азизлар зикридаким, фақир алардин баъзининг мулозаматиға кичикликда етибмен ва баъзининг суҳбатиға йигитликда мушарраф бўлибмен”. Ушбу мажлисда шоир ёшлигида учрашган Шарофиддин Али Яздий, Абулайс Самарқандий, Шайх Садриддин Равосий, Камол Турбатий, Мавлоно Лutfий ва у Самарқандда танишган шоирлар зикр этилган. Бундан ташқари, Султон Ҳусайн Бойқаро 1458 йили Астрабодни эгаллаб, Абу Саид билан дўстона муносабатлар ўрнатган ва унинг номи билан тилла танга зарб қилган. Муаррих Абдураззоқ Самарқандий эса Абу Саид томонидан элчи бўлиб, Астрабодга Ҳусайн Бойқаро ҳузурига борган.⁷ Бу даврда шоир 18 ёшлар атрофида бўлиб Абу Саид учун ҳеч қандай хавф туғдирган эмас. Ушбу далиллардан келиб чиқиб, олим Навоий Самарқандга дастлаб 1458-1459 йиллари таҳсил учун борган деган янги мулоҳазани билдирган эди.

Биз юқоридаги фикрларга қўшимча равишда айрим далилларни келтирмоқчимиз. Бартольд юқоридаги рисоласида 1457-1469 йиллар

⁵ Ўша китоб. 157-б.

⁶ Рустамов Э. Страницы из биографии Алишера Навои//Краткие сообщения ИНА, выпуск 63, Москва, 1963, 80-86 с.

⁷ Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажма ул-бахрайн. Т., 2008 й.



воқеалари хусусида сўз юритиб, Алишернинг отаси Гиёсиддин кичкина тарихчи Мирхонднинг отаси ва бошқалар билан бирга 1458 йили temuрийзода Мирзо Иброҳим томонидан Балх шаҳрига Абу Саид хузурига элчи сифатида борган деб ёзган эди.⁸ Ҳолбуки, навоийшуносликда Гиёсиддин кичкинанинг 1452-1453 йиллари вафот этгани кўп бора таъкидланган. Масалан, “Ўзбек адабиёти тарихи”да ўқиймиз: “Гиёсиддин кичкина Навоий тахминан 12 ёшларда эканида ҳаётдан кўз юмади. Отасидан ёш етим қолган Алишер Абулқосим Бобур хизматига киради”.⁹ Бартольд Гиёсиддин кичкина билан боғлиқ маълумотни Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” тарихий асаридан олган. Ўша давр тарихчиси Абдураззоқ Самарқандий эса китобининг “Ислом машойихларининг сулҳ тузиш учун Балх томонга борганликлари зикри” қисмида воқеага батафсил тўхталади, бироқ нима учундир Алишернинг отаси исмини кўрсатмайди.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб айтиш керакки, Алишер отаси ҳаётлик чоғида ва унинг кўмаги билан Самарқандга таҳсил учун йўл олган. Эргаш Рустамов фикрларига иккинчи қўшимча сифатида шуни айтиш мумкинки, Гиёсиддин кичкина Абу Саиднинг мулозими бўлган. Бу ҳақда “Латойифнома” муаллифи Фаҳрий Ҳиротий шундай ёзади: “Мирнинг таржимаи ҳолидан хабардор мўйсафид тарихчилар ва тўғри сўзли дунё кўрганлар ўз асарларида шундай келтирадиларким, Мирга амирлик мансаби меросийдир. Унинг отаси Амир кичкина Султон Абу Саиднинг хизматида эди. Гарчи мухру мансаби бўлмаса ҳам катта ҳурматга эга эди. Она томонидан бобоси Амир Шайх Абу Саъид Чанг Мирзо Бойқаро хонадонида амир ул-умаро эди”.¹⁰ Айнан шундай маълумотни иккинчи бир манба, Сом Мирзонинг “Тухфаи Соми” асарида ҳам учратамиз.

Шарқшунос Эргаш Рустамов сўзларига кўра, Навоийнинг Самарқандга иккинчи сафари 1467-1468 йилларда амалга ошган. Бу даврда Султон Абу Саид Бадахшонни эгаллаб, ҳукмдор Лаълий ва унинг ўғлини ўлдиради. Навоийнинг улар билан муносабати яхши бўлиб, Абу Саидда шубҳа уйғотмаслик мақсадида ҳамда ёшлик йиллари меҳр-мурувват кўрган шаҳарга паноҳ излаб боради. Олимнинг мулоҳазаларига қўшимча сифатида айрим далилларни келтирамиз. Биринчидан, 1460 йилдан сўнг Абу Саид билан Ҳусайн Бойқаро муносабатлари ғоят кескинлашган, Алишернинг тоғаси Мир Саид Ҳусайн Бойқаронинг ишончли кишиларидан бири эди. 1461 йили Абу Саиднинг буйруғи билан Сарахс вилоятида ўлдирилади. Ҳар икки томон ўртасида афв этиш бўйича шартнома бўлишига қарамай фақат Мир Саидгина қатл этилади. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий шундай ёзади: “Онҳазратнинг кўзи Сайид оқоға тушгач ҳумоюн хотирда илгари ундан ранжиш бўлганлиги туфайли дарҳол уни қатл этишга фармон берди. Бошқаларга нисбатан шафқат кўрсатди”.¹¹ Кейинчалик Мир Саидни ўлдирган Абу Саъид унинг укаси Муҳаммад Алини ҳам ўлдиради.

⁸ Бартольд В.В. Юқоридаги китоб. 223 с.

⁹ Ўзбек адабиёти тарихи, 2 том, Т., 1978., 44-б.

¹⁰ Иқтибос Ш. Сирожиддиновнинг юқоридаги китобидан олинди. 33-б.

¹¹ Юқоридаги китоб 519-б.



Иккинчидан эса, Мирзо Бобур Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти хусусида: “Мир Алишер Навоий Ҳирийдин Самарқандга келган фурсатлар Аҳмад Ҳожибек била бўлур эди... Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси эрди”, деб ёзган. Аҳмад Ҳожибек 1464 йили Самарқанд ҳокими этиб тайинланади, бундан 10 йил муқаддам эса (1455-1464) у Ҳирот шаҳри ҳокими бўлган. Демак, шоир Аҳмад Ҳожибекни ҳомий билиб Самарқандга йўл олган. Бундан ташқари, Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган мактубидаги куйидаги байтларни ёдга олсак, шоирнинг бу даврда тушкун аҳволда бўлганлиги ойдинлашади:

*Ки бўлмоқ ватан ичра душвор эди,
Кўнгулга жало дафъи озор эди.
Сафар тушти олимга беихтиёр,
Қазо амрида элга не ихтиёр.*

Билдирилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Эргаш Рустамов илгари сурган фикрлар асослидир. Бироқ масалани узил-кесил ҳал қилиш учун эса изланишларни манбаларга таяниб давом эттириш лозим. Тарихий манбаларнинг бирортасида ҳам Навоий ҳақидаги маълумотлар тартиб билан изчил берилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий ҳаёти, умуман ижоди хусусида сўз юритганда, мантиқ ила бирламчи манбаларга қайтиб иш кўриш ҳар тарафлама самаралидир.

ҲУКМАТ

**Йзгарчи тилни асрамоқ, кўнгулга меҳнатдур.
аммо сўзни сайпамоқ, бошқа оратдур.**

Алишер НАВОИЙ

**Нодирабегим ИБРОҲИМОВА**

1989 йилда тугилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. Ҳикоя ва таржималари республика матбуотида чоп этилган. Ҳозирда “Бекажон” газетасида фаолият юритади.



ИККИ ҲИКОЯ

ЎМҒИР ОСТИДА

Дарсдан шошиб чиқдим. “Ана холос”, – деб юбордим ёмғир аёвсиз қуяётганини кўриб. Аксига олиб, бугун бир кўрғазма ташкилотчилари билан суҳбат уюштиришим керак эди.

Шундай ёмғирда бориш шартмикан-а? Бугун бормай кўяверсам-чи?

Йўқ, эртанги дарсга бирор “нарса” тайёр бўлиши керак! Мени фикримдан қайтармоқчи бўлгандай ёмғир ҳам савалаб қуярди. Соябонимни очдим-у, бекатга югурдим. Бироз кутдим... Кутиш асносида бекатнинг ор-

Ёнимизда кечган тақдирлар тасвири

Нодирабегим Иброҳимованинг ҳикоялари тўплам ҳолида хулоса чиқариши учун Кенгашига келиб тушганида даставвал папка устидаги ёзув диққатни тортди: “Ёнингдаги бахт”. Ҳолбуки, мазкур тўпламдаги ҳикояларда бахт деган сўзнинг ўзи учрамайди.

Дарҳақиқат, ҳикояларга қаҳрамон этиб танланган одамларнинг ўзига яраша тақдири ва кўзга кўринар-кўринмас бахти ёки бахтсизлиги бор. Энг қизиги, қаҳрамонларнинг бахтсизлик деб ўйлаган кечмишлари ортида ҳам бахт мўралаб турган бўлади. Шу жиҳатдан бу ҳикояларни ён-веримизда кечаётган тақдирларнинг мўъжазгина тасвири дейиш тўғрироқ бўлар.

Н.Иброҳимованинг қалами эндигини чархланиб келяпти. Унинг ёзмишларида баъзан тажрибасизлик, ёшларга хос “думбуллик” сезилиб қолади. Аммо сатрлари оралаб кўриниб турган самимийлик бу нуқсонни ювиб юборади.

Нодирабегимнинг ҳикояларини ўқувчиларга тавсия қилар эканмиз, синглимизга излашидан асло тўхтамасликни тилаймиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгаши



тида ёмғир ивитиб юборган бир йигитга кўзим тушди. Соябони ҳам йўқ экан, бекат ичкарасига кирса бўлмасмикин? Анчадан бери турибдиёв, қалин, коп-қора сочлари сувга яхшигина бўккан. Нигоҳи эса бир нуқтадан узилмайди – баланд оппоқ девор...

Деворда бирор нима борми, деб роса тикилдим – бегард. Нотаниш охири зерикдими ёки чарчадими, бекат ўриндиғига – ёнимга чўкди. Шу пайт кўргазма томон борувчи автобус ҳам келди. Чиқишим керак... Ўрнимдан турдим. Нотаниш хўрсинди... Тўхтадим. Автобус кетди. Мен жойимга қайтиб ўтирдим. Шу дамда менга кўргазмадан ҳам кўпроқ нотаниш қизик эди. Балки у ҳам бир дардқашга мухтождир...

– Бирор мушкул ишга рўпара келдингизми?

У “менга гапираяпсизми” дегандай қаради. Бироз ўтиб сўз қотди:

– Нима, сиз муаммога дуч келмайсизми?

– Бўлиб туради. Лекин... уни енгиш керак. Сиз эса ўзингизни...

– Ҳароб қилипманми?

– Ўзингиз ҳам биларкансиз-ку! Нега бундай бўлди, деб ўйланавермай муаммони ҳал этиш йўлларини излаш керакдир, балки...

– Йўқ, нега бундай бўлди, деб ўйлайман мен. Чунки шундай бўлиши керак эди. Уни ҳал этиш йўли ҳам йўқ. У энди ёнимга қайтмайди...

– Ҳа... демак, севги дарди денг?

– Севги! Эҳтимол, севги бу туйғум олдида ожиздир.

– Муҳаббатингиз шунчалик кучли экан, нега ундан айрилдингиз?

– Ким билади? Бу фақат Яратганга маълум. Ўзи шундай – гўзал хилқат бевафо бўлади.

– Демак, севганингизга вафо етишмабди-да?

– Ҳа... у мени жилмайибгина ташлаб кетди. Усиз яшолмаслигимни биларди... Севгимиздан кечиб кетди-я! Жавоҳирингни ташладинг-кетдинг!

Нотанишнинг кўзларидан ҳам томчилар ёға бошлади, худди бугунги ёмғирдай... Йигит киши йиғлаганини кўрмаганман. Нима деяримни, нима қиларимни билмай қолдим. “Бир қизга ҳам шунчаликми?” – деб ўйладим.

– Нега мана бу деворга тикилиб тургандингиз?

– Чунки... девор ортида унинг уйи бор.

– Чиқишини пойладингизми?

– Йўқ... У чиқмайди. Ёмғирни яхши кўрарди, шунинг учун ёнига келдим. Аммо девор ортига ўтиш...

– Ҳа, одамлар кўрса яхши бўлмайди. Бировнинг уйига берухсат кириш...

– Менга рухсат шарт эмас. Энди керакмас... Шу пайтгача иккимиз кимларнингдир рухсатию буйруқларига бўйсуниб яшадик. Охири нима бўлди?! Ҳатто бирор марта кўлидан ҳам тутолмадим...

– У хозир... турмушга чиққанми?

– Турмушга чиқсаям розийдим. Ахир бир кун қолганди тўйига. Лекин у истамади! Менга хиёнат қилолмади...

– Ундай бўлса... Нега мунча қийналасиз?



Нотаниш ўрнидан турди.

– Мен ундан хабар олиб келай...

– Майли... Унга салом айтинг.

Нотаниш кетди. Девор ёқалаб кетди... Эшиги қаердайкин, билмадим. Мен ҳам кетдим. Кўргазмага эмас, уйимга. Бирор “нима” ҳам ёздим: “Девор ортида”.

Менга хануз жумбоқ эди, не бор эди девор ортида? Нотанишни эса бу ерда бошқа учратмадим. Балки ёмғир яна ёққанида кўрарман уни? Жавобсиз саволларимга жавоб берар у?

Ёмғир шу бўйи бошқа ёғмади... Орадан бир ой ўтди. Ҳаво иссиқ, ўша бекатдаман. Девор оқланаяпти. Ҳашарчилардан сўрадим:

– Девор ортида ким яшайди?

– Ҳеч ким яшамайди. Бу ер безабонлар макони. Қабристон...

“Қабристон?!”

Мен бекатга қайтдим. Ўриндиққа оғиргина чўкдим. Ёнимда бир онахон. Деворга қараб оғир хўрсинади: “Эҳ, болам-а... нималар қилиб кўйдинг? Тўйингни кўролмаган онанг ўлса бўлмасмиди? Оҳ, Жавоҳирим...”

Муюлишда автобус кўринди...

ТИЛЛА БАЛДОҚ

– Ўғил кўрсам, тилла зирак олиб берасиз-а? – эрқаланиб сўради Зулайҳо эридан.

– Шунча зиракларинг бор-ку... Ҳа, майли, агар боламиз менга ўхшаса, олиб берганим бўлсин! – Тўйларига уч йил тўлиб, хотини ниҳоят биринчи фарзандига ҳомиладор бўлганини эшитган Акбар ҳам эриб кетди.

Бу гап Акбарнинг ёдидан ҳам кўтарилиб кетган эди. Аммо Зулайҳо эрининг ваъдасини унутмаганди. Туғруқхонада интизор кутилган фарзандини бағрига босганча, эрининг бир олам қувонч ҳамда тилла балдоқ билан кириб келишини тасаввур қилган аёлнинг шодлиги янада кўпайди. Зулайҳонинг ширин хаёлларини ҳар куни уларнинг палатасини тозалаб юрадиган фаррош аёл – Санобар опа бузиб юборди.

– Эсон-омон қутулганинг рост бўлсин, қизим. Бунинг жажжалигини қаранглар... Менгаям шунақа неваралар насиб этсин!

– Илойим, опажон. Ўзингиз тузукмисиз?

– Раҳмат. Мана бу лаш-лушларни олиб чиқиб кетаверайми? Кераклиси йўқмиди ичида?

– Йўқ, бемалол, – Зулайҳо икки-уч кундан бери ўзига яқин бўлиб қолган аёл билан бироз суҳбатлашгиси келди.

– Опа, тунов кунги совчилик яхши ўтдими? Рози бўлишдими ишқилиб?

Санобар опа Зулайҳога яккаю ягона ўғли суйиб қолган қизнинг эшигини тақиллатиб бормоқчилигини айтганди.

– Ҳа, бордик, кўрдик. Қиз чиройлиқкина экан. Фақат... шу... ота-онаси-



нинг орзу-хаваслари каттагина кўринади. Йўқ, дейишмади-ю лекин... анча баланддан келишди.

Санобар опа ҳам дардини кимга айтишни билмай турган эканми, палатада Зулайҳодан бошқа биров йўқлиги учун дарҳол стулга ўтириб гап бошлади.

– Йўғ-э? Шароитим шундай-шундай эди, деб айтмадингизми ўзингиз ҳам? Ахир “хўжайин”ингиз оламдан ўтган, ўғлингиз эндигина ишга кирган бўлса...

– Ўғлим иккимизнинг анча йилдан бери йиғиб қўйганимиз бор. Аммо улар айтган тўйни қилишга бу урвоқ ҳам бўлмаса керак. Қизнинг олдида ўғлимнинг боши ҳам бўлмасин деб индамадим. Нон синдирилди. Ўғилгинамнинг бу хушхабардан боши осмонда. Болам учун ҳамма бойлигимни сарфлашга тайёрман. Аммо қани ўша пул зорманда?

– Кўпам сиқилманг, опа, Худо етказди. Муҳими рози бўлишибди-ку? Қариндош-уруғлар ҳам қараб туришмас...

– Шундоғам улардан анча қарздор бўлиб қолганман. Уч йил аввал кизимни чиқарганимда... Хуллас, энди икки ойга қолмай тўйни ўтказишимиз керак. Онамдан қолган тилла балдоқларни сотсаммикин, деяпман. Аслида-ку, уни тўй куни келинимнинг қулоғига тақиб қўйишим керак эди. Аммо начора...

Зулайҳо унинг қулоқларидаги қадимийлиги, асл тиллалиги билиниб турган, кўзларни ял-ял оладиган балдоқларга ачиниш билан боқди.

– Онангиздан мерос экан-да, афсус...

Уларнинг суҳбатини эшикдан кириб келган ҳамшира бузди. Санобар опа “Ҳай, майли”, – деди-да, яна ишига шўнғиди. Ҳамшира Зулайҳога ташқаридан эри киритиб юборган халтани тутқазди. Аёл дарҳол халтага кўз югуртирди: егуликлар, кийим-кечак, дори-дармон ва мактуб. Шоша-пиша мактубга кўз югуртирган Зулайҳо балдоқ ҳақида лом-лим дейилмаганидан ранжиди. Шу захоти бўшаган идиш ва ортикча буюмларга қўшиб жавоб хати чиқазиб юборди. Гиналарга тўлган мактубда ўша берилган ваъда эслатилган ва ўғилчиси унга қуйиб қўйгандек ўхшаши айтилганди. Уни ўқиган Акбар рўзғор ишларида эсарлиги панд берадиган хотинининг бунақа нарсаларда хотираси кучлилигига тан бериб қулиб қўйди. Сўнг пахлавондек ўғил қувончи сабаб ваъдасини бажаришга киришди...

Зулайҳо туғруқхонадан чиқар қуни ҳамма билан бир-бир хайрлашди. Аммо Санобар опага кўзи тушмади. Дарвоза тагида уни эри, ота-оналари ва яқинлари кутиб турар, Зулайҳо истаганидек, хорижий машина, гуллар, видеокамера, ҳаммаси тахт эди. Қўлида гўдаги билан зинадан тушиб келаётган аёлни эри гулдаста билан қарши олди. Ўғлини бағрига оларкан, чўнтагидан мўъжаз қутичани чиқариб Зулайҳога тутқазди. Қувончи ичига сиғмаган аёл дарҳол қутичани очди.

– Вуй, мунча чиройли...

У шундай деди-ю балдоқларга бирмунча вақт тикилиб қолди. Аввалига кизарди, сўнг кўзлари пирпиради.



– Қаердан... олдингиз буни?

Акбар хотининг ўзгариб қолганини тушунмай, жавоб берди:

– Кеча тилла бозорда бир аёлдан сотиб олдим. Асл тилла деди... Сенга ёқмадимми?

Ҳа, худди ўзи. Санобар опанинг балдоқлари эди булар!

– Бу энди меники, а? Нима қилсам ихтиёримми? – сўради аёл.

Акбар хайрон бўлди.

– Ҳа... Тинчликми?

– Мени кечиринг...

Зулайҳо бу гапни кимга ва нега айтганини Акбар тушунмади.

– Юрақол энди, яқинларимиз кутиб қолишди, – у дарвоза томон имо қилди.

– Ҳозир бир дақиқа, опа билан хайрлашиб келай... – гулзор атрофини супураётган Санобар опага кўзи тушган Зулайҳо ўша ёққа шошди. Акбар болани олиб, машина томон кетди.

– Опа... – Зулайҳо тезгина аёлнинг қулоқларига назар ташлади. Санобар опанинг қулоқларида балдоқлар йўқ эди.

– Менда бир нарсангиз қолиб кетибди, – Зулайҳо Санобар опага кутичани тутказди. – Яхши кунларга ишлатинг!

Санобар опа бир нима дейишга улгурмай, Зулайҳо чопганча машина томон кетиб қолди. Уни ортидан хайрон қузатиб қолган опа кўлидаги кутичани очди-ю йиғлаб юборди...

ҲУКМАТ

**Тилингни ихтиёрингда асравил,
сўзунгни эҳтиёт билан дежил!**

Алишер НАВОИЙ



БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ



Элёр МУРОД

1987 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўқиган. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.

Юракда уйғонди муҳаббат

* * *

Олислардан энгашганда ой,
Тун ваҳмини қувади ёғду.
Юлдузми бу, қуёшмикан, хой,
Юрагимда туғилган туйғу?

Ёришади бутун вужудим,
Борлик аро йўқ бундай ёруғ.
Тоғдек ўсар энди умидим,
Руҳим бўлар зулматдан фориг.

Энтикишлар гўзал гуллардек
Учиб борар нигоҳлар мисол.
Томчи-томчи қайсар дўллардек
Ботинимга ёғилар висол.

Ҳаётимнинг кун-тунигача
Туйғуларим очилиб кетди.
Юрагимнинг туб-тубигача
Муҳаббатим сочилиб кетди.





* * *

Қор эдим. Кўклардан отилган,
Урилдим юзингга бехосдан.
Мен ўша сочингга осилган
Музлаган нафасман... нафасман.

Шарфинг ипига ўралдим,
Термилдим юзингга бетоқат.
Хайрият! Кўзингни кўролдим,
Юракда уйғонди муҳаббат.

Орзулар оғуши бир лаҳза,
Шарфинг силкитдинг, тўкилдим.
Этигинг пойида эзилдим,
Сув бўлдим...сув бўлдим...сув бўлдим!

Буғландим, булутга айландим,
Ёмғирман бу сафар, қор эмас.
Кўзингни кўришга шайландим,
Кўзингда муҳаббат бор эмас.

Фариштам сўнгни бор мен томон
Келсайдинг қувончга тўлардим.
Пойларингга ташлаб ўзимни
Севгидан музлаган бўлардим.

* * *

Тун кўксида ўйноқлар шамол,
Гуллар нурдан тўқийди қўшиқ.
Кенгликларда кезиниб хаёл
Юлдузларга бўлади ошиқ.

Гуллар қадим қўшиқчилардир,
Турфа рангда очилган нота.
Ер хиромда, раққосалардек
Майсаларнинг куйи бехато.

Уйлар ерга қилинган банди:
На куйлайди, на қони қайнар.
Оёқлари заминга ботган
Тушларида ўйнайди уйлар.





* * *

Севганига етолмаган ошиқ эдим,
 Қўлин силтаб кетолмаган ошиқ эдим.
 Кўнгли билан куйиб-куйиб адо бўлган,
 Ёр тўйига боролмаган ошиқ эдим.

Бугун кўкдан ёмғир эмас, ёш оқади,
 О, кўксимга муштдеккина тош ботади.
 Ёр-ёрларнинг садолари бунча ғамгин,
 Ёлғизликнинг ёронлари қош қоқади?

Тун бағрини тилиб-тилиб учади куй,
 Кимни бахтли, кимни бахтсиз қилади тўй.
 Юрагингни хотиралар тирнаб толмас,
 Мени эса бир лаҳза ҳам эслама қўй.

Севганига етолмаган ошиқ эдим,
 Қўлин силтаб кетолмаган ошиқ эдим.
 Кўнгли билан куйиб-куйиб адо бўлган,
 Ёр тўйига боролмаган ошиқ эдим.

* * *

*Момоларим сочларини қирқта ўриб ўтган ер,
 Боболарим неча авлод суяк суриб ўтган ер.*

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Ёмғир ювган қирларимда лолаларим ўсган ер,
 Баланд-пастлик адирларда далаларим ўсган ер.
 Момоларим урчуғидай чир айланар бу дунё,
 Боболарим дуо қилиб, балоларни тўсган ер.

Хайр ёғар, ойдин нурли кўчаларим ёдимда,
 Ўлан айтар қиз бўлгувчи чечаларим ёдимда.
 От чоптирган тоғаларим ор талашиб ўтмоқда,
 Акаларим кураш тушган кечаларим ёдимда.

Сувлар юрган адирларда кўзим оқди, оймомо,
 Икки дарё орасида сўзим оқди, оймомо.
 Онамнинг кўзларини толиқтирар изларим,
 Эҳ, кимларнинг кўчасига йўлим оқди, оймомо?

Ёмғир ювган қирларимда лолаларим ўсган ер,
 Баланд-пастлик адирларда далаларим ўсган ер.
 Момоларим урчуғидай гир айланар бу дунё,
 Боболарим дуо қилиб, балоларни тўсган ер.



* * *

Оғринаман, кўзим юмиб, жим,
Соғинчларга буркайди хаёл.
Мени кутиб йиғлайди юм-юм
Рўмоллари судралган аёл.

Овозларим қотар бўғзимда,
Совуқ тешиб ўтар танамни.
Қор, муз босган олис йўлимда
Учратмадим нечун онамни?

Қайтолмадим, мен ношуд ўғил,
Борлиқ ютди ноламни зор-зор.
Поездларга ялиндим мунгли,
Олиб келинг онамни бир бор.

Баҳор келар, тўзғиб кетар ғам,
Нурга тўлиб кетар мунгли юз.
Қишлоғимда кутади онам,
Кутиб турар вокзалда поезд.

* * *

Қаҳратон. Изиллар шамол,
Деразани чертади товуш.
Тор хонага банди ўй, хаёл
Юрагимга ўрнашган хомуш.

Отилгудек бўлар кўзларим,
Юрак истар ернинг ҳидини.
Топилмаган нодир сўзларим
Излаб юрар эркнинг изини.

Яқинлашар қоронғи, зулмат,
Шунда шифтда ёқилар куёш.
Қисмат учун йиғлайин десам
Музлаб қолган кўзимдаги ёш.


Йўқ... йўқ, энди, сукутга кетиб,
Деразага ураман ўзни.
Юрагимдан топиб оламан,
Аллакимдир йўқотган сўзни.

Рухимда эрк кезиниб юрар,
Томиримда тириклик куйи.
Кўзларимнинг суратин чизар,
Менсиз қолган қишлоқ кун бўйи.





Қозоқбой ЙЎЛДОШ
Муҳайё ЙЎЛДОШ



Қозоқбой Йўлдош 1949 йилда туғилган. Сирдарё давлат педагогика институтини тамомлаган. Педагогика фанлари доктори. Олимнинг “Ёниқ сўз”, “Алтомини талқинлари”, “Йўл одами” номли асарлари нашр этилган. Адабиёт бўйича бир қатор дарсликлар (ҳаммуаллифликда) чиқарган.

МИЛЛИЙ НАСРДАГИ ЎЗИГА ХОС ВОҚЕА

Кўп асрлик бадий тажриба деярли кўпчилик ўқирманларни (ўқувчиларни) адабиётга ердан узилганроқ, бир қадар хаёлий, бир мунча китобий, бироз сирли, ғайриоддий, кундалик ташвишлардан баландроқ ходиса сифатида қарашга одатлантирган. Бадий адабиётда тасвирланган образларнинг ёнимизда яшаётган ҳамма қатори одамлардан бошқачароқ, кучайтирилганроқ: ёвузи ёвуз, яхшиси ўта яхши кишилар, шунчаки одам эмас, балки айнан, адабий қаҳрамонлар тарзида қабул қилинишига кўникилган. Натижада, туганмас ташвишлар гирдобида умр кечирётган оддий инсоннинг ўз ҳолича бадий тасвирга объект бўлиши мумкинлиги, балки шундай бўлиши кераклиги ёддан чиққандай. Тажрибали ёзувчи Муҳаммад Саломнинг “Қатта хонадон: изтироб ва севинчлар” роман-дилогияси миллий адабиётимизда одамнинг ердан узилмаган оддий ҳаётини тасвирлаб, ўқирманларнинг туйғуларини забт этиш, тўлқинлантириш, ва бадий юксакка кўтарилиш мумкинлигининг илк жонли мисоли бўлди. Зеро, Лев Толстой: “*Санъаткор учун қаҳрамонлар эмас, одамлар керак*”, – деб бежиз ёзмаганди. Тўғри, бадий асарда оддий одамлар ҳаётини тасвирлаш тамомила янгилик эмас. Тилга олинган романдаги асосий янгилик, оддий одамларнинг жўнгина тирикчилик тарзини ҳеч қандай умумлаштиришу типиклаштиришларсиз, борича тасвирлаш орқали уларнинг руҳий оламига чуқур қира билишда кўзга ташланади.

“Қатта хонадон...” романида кекса ота-она, ўн тўртта фарзанд, ўн битгаси вояга етган, шунга яраша келинлару куёвлар ҳамда бир дунё неваралардан иборат қат-



та ўзбек хонадонининг адоқсиз ташвишлари акс этган. Асарда ижтимоий тўнтаришлар, ҳаётинг принципларнинг ошқора тўқнашувлари тасвири йўқ ҳисоби. Унда кўпчилик ўзбек ўтбошисига (оиласига) хос сиртдан бир маромдаги, аммо ичига кирган сари долғали экани билинадиган зерикарли ва серташвиш турмуши майда тафсилотларигача тасвирланган. Бу ҳол ўқирманга хонадон ичкарасидаги асл манзарани яқиндан кўриш ва четдан қараганда ҳосил бўладиган юзаки таассурот билан солиштириш имконини беради. Шу аснода ўтбоши аъзоларининг ҳар бирига хос бетакрор инсоний қирралар яққол намоён этилади. Айни шу жиҳатни асарнинг бош ютуғи дейиш мумкин. Зотан, ҳар бир ўзбек оиласида сирти билан асл ҳолати орасида кескин фарқ бўлади ва ушбу фарқ ўтбошининг маънавий, ахлоқий тамкинига хизмат қилади.

Ўзбек оиласида ўзгалар кўзига тўқис ва нуқсонсиз кўриниш, бошқаларга ноқулайлик туғдирмасликка интилиб яшалади. Шу сабаб айтар сўзи, кияр кийимдан тортиб, оила қуришдай муҳим ҳаётинг масалаларда ҳам атрофдагилар билан ҳисоблашишга уринади. “Одамлар нима деркин?” – деган саволга жавоб бериш масъулияти миллатни маънавий айниб, ўз этник қиёфасини йўқотиб қўйишдан сақлаб келаётганлиги роман персонажлари тақдири мисолида жуда ишонарли кўрсатиб берилган.

Битикдаги барча тимсоллар бирор фавқулудда фазилатга эга бўлмаган оддий одамлардир. Бу одамларга хос жиҳатларнинг фақат маиший планда акс эттирилгани асар савиясини туширмаган. Айтилганидек, бадиий адабиётнинг ҳамиша алоҳида ҳодисалар ва юксак туйғулар тасвирланадиган, ҳаётни бир қадар идеаллаштириб, бўрттириброк кўрсатадиган санъат эканига кўникилган. Бу роман-диалогияда эса шакланган тасаввурларнинг тескараси кўзга ташланади. Унда акс этган воқеалар ниҳоятда оддий, майда икир-чикирлардан иборатдай туюлади. Айни шу майда икир-чикирларнинг маҳорат билан амалга оширилган тасвири ва ундан келтириб чиқарилган йирик бадиий маъно асарнинг ютуғини таъминлаган. Негаки, ҳар қандай шахсга хос жиҳатлар унинг ўзга одамлар билан одатий кундалик муносабатларида ёрқин намоён бўлади. Одам табиатига хос асл қирралар қутилмаган экстремал ҳолатлардан кўра оддий ва одатий вазият-



Муҳайё Йўлдош 1978 йилда туғилган. Тошкент давлат университети-нинг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини татмомлаган. “Кийиксўқмоқдаги йўловчи”, “Бадиий асар таҳлилининг айрим масалалари”, “Янгиланишлар мангулиги”, “Ўзбек педагогик атамалар лугати” каби китоблари чоп этилган.



ларда яққолроқ кўринади. Фавкулодда ҳолатлар одамдан кутилмаган реакцияни такозо этади. Баъзан бу реакция шу одамнинг асл табиатига бутунлай ёт бўлиши ҳам мумкин. Одатий кундалик юмушлар фонида ҳар бир кишининг асл табиатига хос қирралар юз кўрсатади. “Қатта хонадон...” асари айна шу жиҳат намоён бўлганлиги билан қимматлидир. Одам фавкулодда вазиятдагина қаҳрамонлик қилади. Бундай вазиятда қаҳрамон бўлиш нисбатан осон ҳам. Аслида, фавкулодда вазиятга тушмагани ҳолда, ҳар кунги зерикарли ва серташвиш умрни муносиб кечира билиш ҳам чинакам қаҳрамонлик. Ҳар кунги оддий, зерикарли ҳаётда яшаш қийинлиги учун ҳам иродасиз, қўрқок кимсалар ундан ўзига жой тополмайди.

Романдаги Ҳилола кўпчилик қатори оддий одам. Ўзгаларга йўл кўрсатиш у ёқда турсин, ўз йўлини минг машаққат билан топиб юради. Муҳаббати йўлида ҳам курашолмайди. Шунга қарамай, бутун роман йўналишини белгилайдиган образдир. Одатда, бадиий асарга қаҳрамон бўлган шахслар ўқиш, иш, турмуш ва ижтимоий ҳаётда фаол кишилар тарзида тасвирланган. Бу романдаги Ҳилола худди шу хусусиятларга эга эмаслиги билан қаҳрамондир. Яъни, у асарда бадиий асар қаҳрамони эмас, балки тирик одам сифатида гавдаланади.

Жуда ақлли, истеъдодли, покиза ва ҳалол, биров эрка, ўзига яраша қайсар, яқинларига гапини ўтказа оладиган кенжа қиз Ҳилоланинг турмушга чиқишдай муҳим ҳаётий масалага лоқайд ва тушунарсиз ёндашгани, англовсиз ўжарлик ва аччиқ-зарда билан ўз тақдирини залолат томон буриб юборгани романда табиий кўрсатилади. Ундан ҳеч нарсани аямайдиган, оғзидан чиққанини қилишга уринадиган, бахти учун ҳамма нарсага тайёр ота ва акаларидан ийманиши, мана бу йигитни севаман, шунга турмушга чиқмоқчиман дейишдан, ҳатто ўз майлини билдиришдан ҳам уялиб, бахтини бой бериши асосли тасвирланган. Романда ўзбек қизи минглаб йиллар мобайнида момоларидан ўтиб келаётган тортинчоқлик ҳиссини йигирма биринчи юзйилликда ҳам йўқотмагани таъсирли кўрсатилган. Содда ва ишонувчан бўлса-да, Ҳилола – ер қизи. У ҳавойи осмоний туйғулардан йироқ. Чунки ўн бир боланинг биттаси сифатида қаттиқчилик ичида улғайган. Ўтбошидаги бундай муҳит уни ҳамиша меъёрга, ҳаддини билишга одатлантирган. Қиз, ҳатто, севгидай ҳад билмас туйғуда ҳам чегарадан чиқмасликни истайди: *“Йў-ўқ, бировга сизинадиган, эркимни бой берадиган, ўтида куйдирадиган лайлиёна севги менга керак эмас. Отажонимни ташлаб кетиш даражасига етадиган туйғулар менадан нарироқ ўтаверсин. Унақасидан қўрқаман, жуда қўрқаман”*, – дейди қиз. Кўринадики, қиз чегарасиз меҳрнинг ҳосиласи бўлмиш севгини отага муҳаббатдан устун қўйишни истамайди. Ҳолбуки, қиз бола барибир бир куни отани ташлаб кетишга маҳкум эканини жуда яхши билади.

Одатда мантқидан келиб чиқиб эмас, кўнгил ройишига кўра иш тутадиган Ҳилоланинг шу ўриндаги тўхтама ва бу аснодаги руҳияти тасвирида муаллиф ўз имконияти даражасидан ўза билган дейиш мумкин. Ўқирман Ҳилоланинг йўли ойдин, ҳаёти чиройли, тақдири бекам бўлишига ишона-

ди ва тасвирнинг шу йўналишдан боришини кутади. Зотан, унга кўнгилик қўйган йигит – Ҳилолани севибгина қолмай, уни тушунадиган, аяйдиган, қадрига етадиган одам. Қиз ҳам ақлли, сулув, истеъдодли, тиниб-тинчимас, саранжом-саришта, бир сўз билан айтганда, эпели келинчақда бўладиган барча фазилатларга эга. Шундай бўлгач, ўқирманларнинг Ҳилола ҳаётининг бахтли якунига ишонишлари табиий. Аммо тақдирнинг ўз тадбирлари борки, унинг олдида инсон ғоят ожиз ва ихтиёрсиз. Айни вақтда шу ожиз ва ихтиёрсизлик инсонни тоблаб, унга қудрат ва ихтиёр бахш этадиган воқеа ҳам. Муаллиф Ҳилола ҳаётидаги чигалликларнинг сабабини иштибоҳ қолмайдиган йўсинда шу қадар маҳорат билан тасвирлайдики, натижада персонаж туган йўлнинг тўғрилигига ишонасиз.

Ёзувчининг маҳорати Ҳилоланинг икир-чикир турмуш ташвишларини бартараф этолмай, шахсий турмушида ёруғ кунлар келишига ишонмай, ўз жонига қасд қилишга уринишида яққол намоён бўлади. Ёзувчи ўзини сувга чўктирмоққа қасд этган Ҳилола ҳолатини куйидагича тасвирлайди: *“Ҳилола шошганча, қулай йўл изламай чопа кетди. Бир неча бор мункиб йиқилиб, яна ҳовлиқиб турганча илгарилаб, канал яқинига асфальти кўпчиган, ўйдим-чуқур энсиз йўл қаршисига чиқди. Оёқ панжалари, тизза ҳамда сонлари ачишиб, унга азоб берарди. Шу қисқа масофани ҳаёлида бирор соат орасида босиб ўтгандай бўлди. Тепага қаради. Ажаб, ой ўрнидан силжимабди – Фарб томонга оinganча, унга масхараомуз иршайиб турибди. Худди қизнинг ўлимини томоша қилиши учун атайлаб, аммо омонатдай тек қотган”*. Бу тасвир ҳаётининг эканидан ташқари, экстремал ҳолатга тушган одам руҳиятига хос жиҳатларни ғоят ингичка кўрсата билиши жиҳатидан ҳам диққатга лойиқдир.

Ёзувчи асардаги ҳар бир образга холис муносабатда бўлади персонажларни ўзининг бадиий ниятига мослаб тарашлаб кўрсатмайди. Шу боис романдаги образлар тасвири жонли, суюмли ва ишонарли чиққан. Айни шу хусусиятлар сабаб ўқирман меҳнаткаш, тадбирли, аммо манфаатпараст Заҳриддиннинг тутумларидан унчалик ғашланмайди, ўзи сингари қаттиқ аёли Парвардадан нафратланмайди. Бу эру хотиннинг айрим хатти-ҳаракатларини қоралагани ҳолда уларни ёмон кўриб қолаолмайди. Чунки тасвир жуда ҳаётининг ва ишонарли чиққанидан ҳар бир ўқирман бу персонажлар тушган вазиятда ўзим ҳам шундай йўл тутишим мумкин эди, деган ўйга келади. Заҳриддиннинг ҳовлидаги қовунларни отасига илинмаслиги, пули, ўтини бўла туриб, ука-сингилларига бермаслиги, айни чоғда жигарларини айрича меҳр билан ва астойдил яхши кўриши табиий тасвирланган. Бу манзаралар ўқирманни тимсолнинг ўта мураккаб ва чигал ички оламига олиб кириб, руҳий дунёсига яқинлаштириб, одам табиати тўғрисидаги тасавурларини теранлаштиради.

Муаллиф романда одамларнинг ижтимоий ҳаётга муносабатини реал тасвирлаган. Унда ўзбеклар улкан ижтимоий ҳадафларга интилишдан кўра, ўз маиший муаммоларини ҳал этишга мойил этнос экани ишонарли кўрсатилган. Маиший турмуш доирасида фикрлагани учун ҳам ўзбек жами-



ятдан марҳамат кутиб ўтирмай, яшашга йўл топишга интиладиган урунчок миллатлиги образлар мисолида жонли акс эттирилган. Айни вақтда романда ҳеч бир одам ўзи яшаётган жамиятдан четда туролмаслиги ҳам маҳорат билан чизилган. Нуриддиннинг ҳаётидаги қийинчиликлар ифодасидан жамиятдаги зиёли қатламга муносабат, уларнинг моддий ҳаёти ва маънавий рутбаси ўзгаргани аён бўлади. Ҳилоланинг репетиторлик қилиши, талабгорларни пора билан ўқишга киритишдай ноқонуний ишларга аралашishi эса жамият ҳаётидаги тойилишлар ва ҳаёт кечиришнинг оғирлашганини англатади. Заҳриддиннинг тадбиркорлик ҳаракатлари фаоллашуви, бойиши ва мартабаси ошгани манзараларидан ижтимоий ҳаётда ўзгариш бўлгани, тадбиркорлик шабадалари эса бошлагани билинади.

Романда Ҳилоладай принципиал, тўғрисиўз, ҳалолликни ҳар нарсадан устун қўйгувчи қизнинг маънавий қарашларидаги ўзгаришлар, ақидасидан оғишган ҳолатлар ташқи драматизмсиз, шиддатли тўқнашувларсиз очилади. Деярли барча асарларда бундай ҳолат кескин олишувлар, руҳий изтироблар, мажбурлашу зўрловлар асносида тасвирлаб келинган. Бу ҳол китобхонда ҳам инсон ақидаси фақат шу йўсинда ўзгариши мумкин, деган қарашни шакллантирган. Аммо бу романда Ҳилоланинг ўқишга киритиш борасидаги фирибга аралашгани, уни шу ишга ундаган сабаблар билан танишиш кўпчиликни бу тимсолда ўзини таниб, қачондир, қаердадир қилган шу сингари гуноҳларини ёдга туширишга мажбур қилади. Чиндан ҳам ҳар бир одам деярли ҳар куни тинимсиз маънавий эврилишлар оғушида яшайди. Одам тўхтовсиз равишда маънавий тўхтамларини ўзгартириб боради, айримларидан воз кечади. Фақат бу ҳол фавқулодда оқибатларга олиб келмагани боис унга жиддий эътибор берилмайди. “Қатта хонадон...” да акс этган тақдирлар инсон туғилганидан то ўлимига қадар тинимсиз маънавий-эътиқодий ўзгаришлар қуршовида яшашга маҳкум эканини кўрсатиши жиҳатидан диққатга лойиқ.

Романдаги образларнинг барчаси юксак ижтимоий идеаллардан узоқ жўн ва майда рўзгорий ташвишлар қуршовидаги кишилар сифатида тасвирланган. Айни вақтда шу тимсолларнинг ҳар бири оила ҳаётидан ташқарида буткул бошқача қиёфада намоён бўлиб, атрофидагиларда ўзгача тасаввур уйғотиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган. Ёзувчи бу ҳолатни образларнинг икки қиёфалилиги билан эмас, балки одамнинг табиати, руҳий дунёси мардлик, эҳтирос, қўрқув, манфаат, юксаклик, тубанлик, севги, нафрат, ҳурмат, оқибат, қасос, олижаноблик каби саноксиз руҳий қисмлардан иборат яхлит маънавий қурилма экани билан изоҳлайди. Асардаги бирор тимсол бошдан-оёқ оқ ёхуд қора рангда эмас. Ҳатто, романда ишнинг кўзини биладиган, мулоҳазали, диёнатли, бировга ёмонлик қилмайдиган, катта ҳаётий тажриба ва улкан инсоний меҳрга эга топқир Нуриддин ҳам инсоний қусурлари бор шахс тарзида келган. Чунончи, онаси ўлгандаги ҳолати тасвирида унинг шахсиятидаги ожизликлар жуда ишонарли чиққан: *“Нуриддин уларни йиғламасликка ундарди-ю ўзи ҳам бетиним, сассиз кўзёш оқизарди. Охири у чидолмай, ташқарига йўналди. У ўзини батамом*

йўқотиб, гангиб қолган эдики, бу ёзига нима қилишни, кимга нима дейишни билмас, сунада у ёқдан бу ёққа сарсари тентирарди. Дод солиб йиғлашни бутун вужуди талаб қилаётганга ўхшарди". Бу тасвирда каттагина ёшдаги ўқимишли, илоҳий илмдан ҳам хабардор ўғилнинг онасидан айрилгандаги ҳолати ҳаққоний акс эттирилган.

Эзгу объектда ёмонлик, ёмон объектда эзгулик унсурлари бўлишини яхши билган ва бу ҳолатни ишонарли акс эттира оладиган ёзувчи тимсолларни ўзаро диаметрал қарама-қарши кутбларда тасвирламайди. Одам қиёфасини эзгулигу ёмонлик уйғунлигида чизишга уринади. Шунинг учун ҳам асарда ўтбошидагиларнинг ёппа меҳрини қозонган Нуриддин билан фақат ўзига тортгани боис яқинлар унчалик хушламайдиган Заҳриддиннинг табиати бир-бирига қарама-қарши қўйилмайди, балки қайси ўринда табиатидаги қайси жиҳат етакчилик қилганига кўра ўзаро фарқланиши акс этади. Бу ҳолат Ҳилола Қозоғистонда номусидан айрилиб қолиши мумкин бўлганини Заҳриддинга айтиб, агар шундай иш юз берса нима қилардингиз деб берган саволига ака берган жавобда, айниқса, яққол намоён кўринади:

– *Унда ўлардинг, Ҳилола! – деди. – Ўзим ўлдирардим.*

– *Йўғ-е, нима мен ўзим мустақил одам эмасманми?*

– *Ҳам мустақилсан, ҳам мустақил эмассан. Томирларинг бизни томирлар билан туташ: хоҳ яхши, хоҳ ёмон, биронтасини ажратиб олиб ташлаб бўлмайди. Битта томир заҳарланса, бутун танага заҳар ёйилади – ҳаммамизни хароб қилади. Буни забтим кўтармайди. Шуни ҳеч унутма!* Айни шу тасвирда ўзбек йигитининг табиати ёрқин кўринади. Оға учун опа ёки сингилнинг номуси унинг жонидан азизроқ саналади. Шундай туйғуларга эга шахсиятни, камчиликларига қараб, бир ёқлама баҳолаш инсофдан эмас.

“Катта хонадон” романида ўтбошидаги кўплаб келишмовчиликлар сабабчиси уқувсиз, бесаришта, беўхшов, фариштасиз, хуллас, бирор мақтагулик ери йўқ Карамгул образига бошқаларга нисбатан кўпроқ ўрин ажратилган. Зеро, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати шундаки, баъзан арзимасдай кўринган одам кўпларнинг тақдирини остин-устун қилиб юбориши мумкин. Карамгул образида айни шу ҳолат акс этган. Айнан шу ҳардамхаёл Карамгулнинг бир оғиз сўзи Ҳилоланинг тақдирини фожиага айлантиради. Агар Карамгул аралашмаганда Ҳилола гиёҳванд Боситга эмас, севган йигити Дониёрга турмушга чиққан, демакки, ҳаёти тамомила бошқа издан бориб, бир текис ва фожиасиз кечган бўлиши мумкин эди. Шунингдек, асарда оила бошлиғи Одил бобонинг бесаришта ва уқувсиз шу келинни ҳамиша ёқлаб, кампири ва деярли барча болаларига қарши боришининг мантикий асосига ҳам ишора қилинган. Юзаки қараганда, уқувсиз ва ношуд Карамгулнинг нозиктаъб, тўғрисиўз, кескир, унча-мунча одамни тан олмайдиган Одил бобога суюмли экани мутлақо тушунарсиз. Аммо ўзбек ўтбошида қайнота ҳамиша келинга паноҳ экани ҳамда, агар номус аралашмаса, оила бутунлиги ва невараларнинг етим бўлмаслиги оталар учун ҳамма нарсдан устун саналиши ҳисобга олинса, бобонинг бундай тутуми сабаби ойдинлашади. Шунингдек, Одил бобо келинининг қачондир инсофга келиб,



ўзгаришига ишонади ва роман адоғида оқсоқолнинг ҳақ экани аён бўлади.

Асарда Карамгул табиатининг ўзгарганлиги, ундаги эврилишларга катталардан кўра ўз қизи Шамсия кўпроқ таъсир кўрсатгани ўқирманни ишонтирадиган йўсинда тасвирланган. Қизалоқ Шамсия тимсоли романдаги энг тотли ва беғубор образдир. Унинг дунёга келиши ва гўдаклиги билан боғлиқ воқеалар тасвирида бу қизнинг аслан бошқача тақдир эгаси бўлишига ишора бор. Демак, буви Шамсия неvara Шамсияга фақат исмини эмас, балки ўзидаги бирлаштирувчилик ва бошқарувчилик қобилятини ҳам мерос қолдиради. Она Шамсиядан кейин Ҳилола, ундан сўнг неvara Шамсиядаги уринчоклик, удалилик, топқирлик, бирлаштириш укуви сингари сифатлар ўзбек маънавияти тимсоли бўлмиш катта хонадоннинг келажакда ҳам тарқалиб кетмаслигига бўлган ишончнинг бадиий моделидир. Қизалоқ илк тарбияни онаси Карамгулдан эмас, айнан бувисидан олгани боис ўтбошидагилар кўришни истаган барча эзгу фазилатларга эга бўлиб ўсади. Айни ёндашув Карамгулдай онадан шундай етук қизнинг дунёга келиши сабабини ҳам изоҳлайди. Шамсиядаги гўзал фазилатлар Одил бобонинг келинида кўзга ташланмайдиган бошқа ички қирралар ҳам борлигини кўрсатади.

Маълумки, ҳар қандай ижодкор асарига хомашёни ҳаётдан олиб, бадиий тўқима ёрдамида санъат асарига айлантиради. Лекин “Катта хонадон...” асарида тўқима бўртиб турмайди, хатто, ўқирман роман билан танишиш кечимида унинг бадиий яратик эканини унутиб, гўё ўзи ёхуд жигарларининг ҳаёти китоби билан танишаётгандай бўлади. Чунки асарда ҳар бир тимсолнинг у ёки бу ишига сабаб бўлган омилларнинг илдизлари ҳамда булар таъсирида образларда юзага келган туйғуларнинг пайдо бўлиш жараёни ғоят ҳаётий кўрсатилган.

Ушбу роман-дилогиянинг ҳар бир қахрамони деворга ишланган фреска ёки мозаика янглиғ алоҳида парчалардан таркиб топгани билан эътибор тортади. Фреска ва мозаика узоқдан ярқираб, яхлит кўзга ташланиб, киши ҳавасини келтиради ва ўзига тортади. Аммо уларга яқинлашилган сари ярқироқ нарсаларнинг шунчаки шиша синиқлари, қабарикларнинг оддий тош парчалари, ёлқинланиб турган рангларнинг турфа ранглар қоришиғи экани аён бўлади. Аслида ҳаёт ҳам мозаикага ўхшайди: у узоқдангина силлиқ ва яхлит. Ҳар битта одам сингари ҳар бир ўтбоши ҳам фақат ўзига хос ҳаёт қозонида қайнайди. Жамиятнинг ҳаёти ундаги ҳар битта одамнинг кундалиқ ташвишлари йиғиндисидан иборат. Айни ташвишларнинг кўзга ташланмайдиган қирралари фреска ва мозаикани ярақлатадиган рангларни ташкил этади.

Муаллиф асардаги тимсоллар тасвирида алоҳида лавҳа ва тафсиллардан моҳирона фойдаланган. Романдаги бундай бадиий-руҳий фреска шаклидаги кичик лавҳа ва тафсиллар ҳар бир инсоннинг нимадан таркиб топганини кўрсатиши жиҳатидан қимматлидир. Ёзувчи асарнинг бирор ўрнида тахмин ё таваккалга йўл қўймайди, ҳар бир персонаж фақат ўз табиатидан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилади. Катта хонадонга Карамгулнинг келин бўлиб тушиши ва Ҳилоланинг гиёҳвандга турмушга чиқиши каби мутлақо кутилмаган тасвирларда ҳам атайинлик, ясамалик йўқ. Асарда ҳар

бир тимсол жорий вазиятнинг ўз табиатидаги аксига, жилвасига қараб иш тутиши ишонарли акс этган. Шу боис ҳар бир персонажнинг ўхшаш вазиятларда ноўхшаш йўллардан юриши кўрсатилади.

Муҳаммад Салом романнинг кўп ўринларида инсоннинг тинимсиз ўзгариб турадиган табиатини жуда ишонарли очиб бера олган. Ёзувчи одамнинг то бевосита ўз ҳаётига тегиб кетмагунча жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга унча қизиқмаслигини ҳаққоний акс эттиради. Чиндан ҳам одам ўзига дахлдор бўлмагунча фаоллашмайди. Айнан фаоллашмаган одам ўзига муносиб ижтимоий вазиятни яратиб олмагани учун деярли ҳамиша унинг қурбони бўлади. “Катта хонадон...” романи ва ундаги тимсоллар ўқирманда инсон нафақат атрофидагилар, балки ўзигада турли ракурслардан қарай билиши керак деган фикрни уйғотади. Бу ҳол одам деб аталмиш яратикнинг рухий-ҳиссий олами нақадар серқирра ва омонатлигини, уни қатъий сабаб-оқибат тизими нуқтаи назаридан изоҳлаш ўта мушкул эканини англатиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Одий одамларнинг жўнгина турмуш йўсини тўғрисидаги соддавор асарнинг кўп ўринларида ёзувчининг тасвир маҳорати бўй кўрсатган. Чунончи, романда табиатнинг гўзал манзаралари санъаткорлик билан чизилади: “Ана, осмон наъра тортди, замину само ларзага келди. Ўтакаси ёрилган булутлар дув-дув ёш тўқдилар, зир титраган ернинг ҳам лабларига учуқлар тошди...”. Муҳими шундаки, ўз ҳолича ҳам жуда дилбар бу тасвир шунчаки табиатдаги ўзгаришлар манзараси эмас, балки қаҳрамон руҳиятидаги товланишларнинг воситали ифодасидир. Муаллиф ҳамиша табиат ва нарса-ҳодисалар тасвирига қўшимча маъно юклаб, уларни персонажлар руҳиятидаги жилваларни бўрттириб кўрсатиш куралига айлантиришга уринади. Жумладан, “Автобус ҳамон шошиб олган интилар, гўё ичидаги одамларнинг ташивишу ўйларини ҳам ортмоқлаб олгандай зўриқиб, зирилларди” тасвири автобуснинг ҳолатидан кўра кўпроқ узоқ Бухоронинг бир қишлоғида қаттиқ оғриб қолган онаси дийдорига шошилаётган фарзанд руҳиятини билдиради.

Айтиш керакки, муаллиф романда шева унсурларидан мўл-кўл фойдаланган бўлса-да, асардаги образлар тили етарлича индивидуаллаштирилган деб бўлмайди. Аммо бу асар бадииятига унчалик зарар етказмаган. Негаки, тасвирда ҳар бир тимсолнинг рухий ҳолати ва фақат унгагина хос қандайдир ички оҳанг ҳамиша билиниб туришига эришилган. Образларнинг ўз оҳанги, демакки, алоҳида аудиал қиёфага эгаллиги асарнинг ўқишлилигини таъминлаган.

Муаллиф асарда персонажларнинг ҳар бир ҳолат, ҳаракат ёки юз ифодасини бутун тафсилоти, энг майда икир-чикиригача тасвирлайди. Маълумки, бир вақтнинг ўзида битта нарса ҳақида бир неча хил хаёлга бориш – деярли барча одамга хос универсал хусусият. Лекин бу ҳолатни адабиётга олиб кириб, ундан бадиий маъно чиқара билиш ҳаммининг ҳам кўлидан келадиган иш эмас. Бу усулдан ўринли фойдалангани учун ҳам Муҳаммад Салом асарида ҳар бир образни ўз табиий ҳолатида кўрсатишга эришган.

Романнинг сюжет чизиғи қаҳрамонлар тутуми, табиатига уйғун ҳолда курилган. Асардаги тимсоллар қандайдир воқеалар асносида ўзини танитмайди, балки ўқирман бирор воқеага улар билан бирга гувоҳ бўлади, худди ҳаётнинг ўзидаги каби унинг гирдобига тушади. Муаллиф воқеалар жараёни тасвирида ҳеч нарсани кўздан қочирмайди: ҳар бир қаҳрамоннинг гапириш оҳанги, хатти-ҳаракати, ҳатто, бошини қашиш, сочини силлашу пиёла-ни қўлида айлантириши, кўнглидан ўтказган ўйлари каби майда-чуйдалар-гача батафсил ва бетакрор чизади. Бу ҳол ўқирманга образларни теранрок туйиш, уларнинг руҳий ҳолатини тўла илғаш имконини беради.

Ёзувчи асарда ўқирманни ипсиз боғлаб турадиган жўшқин воқеалар шиддатидан кўра тимсолларнинг туйғулари товланишлари хилма-хиллигини кўрсатишга кўпроқ эътибор қаратади. Романда воқеалар тасвири эмас, балки одам руҳияти тасвири, унинг дардлари, изтиробу умидлари ифодаси устуворлик қилади. Зеро, “индивиднинг эпоси” (В. Белинский) саналмиш роман жанри учун шахс руҳияти пучмоқларидаги турфа ҳолатларни бадиий тадқиқ этиш муҳим саналади. Шунинг учун ҳам асосини қизиқарли воқеалар эмас, уларнинг таъсирида персонажлар руҳиятида пайдо бўладиган оний туйғу, лаҳзалик ҳолат, муваққат кечинмалар ташкил этган “Қатта хонадон: изтироб ва севинчлар” асарини бугунги ўзбек романчилигида ўз ўрнига эга асар дейиш мумкин.

Ҳар тўқисда бир айб деганларидек, қатта ҳажмли бу асарда бир қатор таҳрирталаб ўринлар ҳам мавжуд. Чунончи, Ҳилола билан Карамгул ўртасидаги зиддият тасвири баъзан ғашга тегар даражада чўзилиб кетади. Шунингдек, Ҳилоланинг мустақилликка интилиши, акаларидан ҳам қарздор бўлишни истамаслиги турли жойларда ўқирманга малол келадиган йўсинда қайта-қайта айтилаверади. Асардаги ҳал қилувчи образлардан бири Карамгул тасвирида тўла далиланмаган ўринлар бор. Чунончи, Карамгулнинг иккинчи фарзандига юкли бўлганидан то уни дунёга келтиргунига қадар орадан салкам уч йил вақт кечади. Булардан ташқари, асардаги баъзи ғализ жумлалар, кўшимчаларнинг нотўғри қўлланилиши, шевага хос сўзларнинг изоҳсиз ишлатилиши каби ҳолатлар ҳам роман савиясига бир қадар салбий таъсир кўрсатади. Шунга қарамай, асардаги ютуқлар ўзига хос йўсинда битилган романни ҳозирги ўзбек насридаги ўзига хос воқеа бўлди дейишга асос беради.

**Дилмурод ХОЛДОРОВ**

1962 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Адабиётшуноснинг қирққа яқин адабий-танқидий мақолалари хорижий ва республика нашрларида чоп этилган.



ҚОДИРИЙШУНОСЛИК ҚИРРАЛАРИ

Адабиёт деб аталмиш буюк тафаккур уммонига қўшилган ҳар томчининг қадри ўз вақтида англомаслиги табиий. Фақат унинг нечоғлиқ қимматга эга эканлигини кузатиб турганлар ёки ҳис қилганлар билишлари мумкин. Абдулла Қодирий ижоди ҳам адабиёт уммонига ўз вақтида томган ва уммонда ўзига хос тўлқинлар ҳосил қилишга сабабчи бўлган ҳодиса эди. Салкам бир аср оралиғида ҳаваскор адабиётшунослардан тортиб, калами тобланган мунаққидларгача барчаси томчидан пайдо бўлган тўлқинчалар залворини англашга интилдилар. Ва ҳар ким олган таассуротларини ўз ҳиссий олами кўлампидан келиб чиқиб шарҳлади. Зеро, англанишга мансуб бўлган қадриятгина йиллар қаъридан эскирмай ўзининг мавжудлигини намоён қилаверади. Абдулла Қодирий ижоди мафкуравий тазйиқлар гирдобиди турлича талқин қилинган бўлса-да, унинг асл бадиий қимматидан ҳеч ким кўз юмолмади. Совет даври адабиётшунослари ёзувчи ижодига сиёсий тус берган бўлсалар, мустақилликдан кейин адиб ижодининг соф бадиий эстетик томонлари талқин қилина бошланди.

Адабиётшунос Баҳодир Карим “Қодирий қадри”, “Қодирий соғинчи”, “Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин” каби китоблари ва бир қатор залворли мақолалари билан қодирийшуносликда янгича талқин усулларини намоён этган.

Яқинда олимнинг узоқ изланишлари ҳосиласи бўлмиш “Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур” китоби нашрдан чиқдики, бу ҳам қодирийшуносликда изланишлар изчил давом этаётганидан дарак беради.

Мунаққид Абдулла Қодирий ижодининг талқини мисолида бугунги бадииятга ёндашиш концепциясига тўхталади. Абдулла Қодирий ижодига дунё адабиётшунослари томонидан эътироф этилган бадиият тамойилларидан келиб чиқиб муносабат билдиради. Шўро танқидчиларининг Абдулла Қодирий ва унинг салафлари ижодига бирёклама баҳо берганлигига ўзининг салбий муносабатини билдиради. Бир “онг” томонидан яратилган матн бир “субъект” орқали илмий тилга кўчирилишини шарҳлар экан,



“Бадиий асар матнини тўғри, ўз ҳолича, ҳеч қандай мафкуравий-сиёсий таъсирларга берилмасдан тушуниб олиш натижасида, унда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, ҳис-туйғулар”ни англаш, мунаққиднинг асосий вазифаси эканлигини таъкидлайди. Бадиий адабиётга синфийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, ёзувчининг мақсади ва ниятини тушунмаслик, адабиётнинг мафкуравий қуролга айлантирилиши оқибатида пайдо бўлган салбий иллатлар 30-йиллар адабиётида, хусусан, Абдулла Қодирий ижодига нечоғлиқ таъсир этганлигини далиллар билан исботлайди. Олим тўғри таъкидлаганидек: “Асарни жиддий таҳрир этишга чанқоқлик, ёзувчининг дунёқараши билан ҳисоблашмаслик, сўз санъатининг нозик ва нафис спецификасини назар-писанд қилмаслик, ҳар қандай адабий воқеликка фирқанинг сиёсий-мафкуравий позициясидан синфий ёндашиш, ўзгани хатоқор, ўзни мутлоқ ҳақгўй дея тасаввур этиб, бошқага йўл кўрсатиш ва ақл ўргатишга иштиёқмандлик – буларнинг барча-барчаси вульгар социологизм илллати негизидаги бирёқлама сиёсий талқинларнинг асосий хусусиятлари эди”. Етакчи мафкура билан қуролланган тадқиқодчилар Фитрат, Чўлпон ижодига қандай ёндашган бўлсалар, Абдулла Қодирий ижодига ҳам шундай муносабатда бўлганлари бугун барчага аён.

Баҳодир Карим Абдулла Қодирий ижодига, хусусан, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романларига муносабат билдирган Михаил Шевердин, Сотти Хусайн, Ойбек, Миён Бузрук Солиҳов, Иззат Султон каби адиб ва олимларнинг тадқиқодларига тўхталар экан, уларнинг қарашларидаги ижобий ва чегараланган фикрларни ҳолислик билан таҳлил қилади. Адабиётга мафқуранинг кириб келиш босқичлари, шўро сиёсати ва аста-секинлик билан бадииятнинг сиёсийлашуви далиллар билан очиб берилди. “Ёзувчининг эстетик идеалини ҳам, асар моҳиятидаги нафосатни ҳам аниқ-тиниқ тушунган ҳолда, сиёсатнинг монеликлари туфайли уларни тушунтиришнинг имкони бўлмаса, албатта, ғайритабиий талқинлар” айтилишини юқорида номлари тилга олинган мунаққидлар фикрлари асосида далиллайди.

Абдулла Қодирий ижодини ҳар давр мунаққидлари сиёсий-мафкуравий посонгидан туриб талқин қилганлиги, ундан сиёсатга оид маънолар чиқаришга уринганлари ва нималарнидир кашф этганликлари ҳолда, асарнинг соф эстетик моҳиятини инкор этолмаганлари тарихий ҳақиқат. 30-йиллар танқидчилари Абдулла Қодирий ижодидан синфийлик аломатларини қидирган бўлсалар, 60-80-йилларда адиб социализм тарафдорига айлантирилди.

Мунаққидлар Абдулла Қодирий ижоди ҳақида гап кетганда, аксарият ҳолларда, ёзувчининг романларини эсга оладилар ҳалос. Унинг жаҳон ҳажвиёти билан бўйлаша оладиган ҳажвий асарлари четда қолиб кетаверади. Баҳодир Карим Абдулла Қодирийнинг сатирик асарларига ҳам кенг тўхталади. Китобнинг “Сатирик талқин кирралари” деб номланган бўлимида адиб қўллаган таҳаллуслар, ижодкор табиатидаги воқеликка танқидий муносабат таҳлил қилинади. Унда “махфий таҳаллусларни қўллаш” натижа-

сида пайдо бўлган айрим чалкашликларга аниқлик киритилади. Жумладан, “20-йилар адабий жараёнида, илмий ҳаётида фаол бўлган Чўлпон, Ғози Юнус, Ашурали Зоҳирий, Вадуд Маҳмуд каби ижодкорлар”нинг шартли имзолари натижасида “асарнинг қайси ижодкорга тегишли эканлиги”, “бировнинг асари бошқага нисбат берилиш” ҳолатлари аниқланади. “Вов” тахаллуси билан “Туркия матбуоти” мақоласини ёзган Абдулла Қодирий эмас, балки Вадуд Маҳмуд эканлиги фактлар асосида илмий изоҳланади. Олимнинг таъкидлашича: “Шу пайтгача Абдулла Қодирийга нисбат бериб келинган ва адибнинг “Тўла асарлар тўплами”ни нашрга тайёрлаш муносабати билан шубҳа остига олинган яна бир имзо бор: Шапақ махзум. Мазкур биринчи жилддаги “Изоҳлар”га кўра “Кичик асарлар”га киритилган “Лаҳми қадид”, “Ғирвонлик Маллавой”да эълон этилган “Лаҳми қадид”, “Иҳий, базмимиз тарала гижданг!”, “Жойинг жаннатда бўлсин”, “Бечора Розикбой ака”, “Маймунларимиз” деган беш ҳажвия Абдулла Қодирий қаламига мансуб эмас. Шапақ махзум имзоси билан битилган бу беш ҳажвиянинг китоблардан ўрин олиши хато” эканлиги таъкидланади.

Баҳодир Карим адибнинг ҳажвий асарлари талқинидаги матносни маъноларига эътибор бермаслик натижасида пайдо бўлган юзаки қарашлар, “ҳажвий қаҳрамонларнинг салбий эканликларини таъкидлаганлари ҳолда, Абдулла Қодирийни ҳам фақатгина янги жамият йўлидаги курашчи, социалистик жамият тарғиботчиси, эски жамият, дин-диёнатнинг ашаддий душмани” сифатидаги қарашларга янгича мезонлар асосида фикр билдиради.

Маълумки, Абдулла Қодирий асарлари методини аниқлаш 30-йиллардаёқ адабиётшуносларда қизиқиш уйғотган. 60-80-йилларда бу жараён анча фаоллашган. Олим баҳс-мунозаралар тафсилотини шарҳлар экан, давр адабиётшунослари устидан ҳукм суриб турган мафкуравий сиёсатнинг таъсирини унутмайди. У асосий диққатини баҳслар баҳона “Абдулла Қодирийнинг дунёқараши, ижтимоий фикри, қаҳрамонларининг ҳолати, тасвирлаш санъатидаги етакчи хусусиятлар борасидаги фикр-мулоҳазалар”га қаратади. Бадиий асар талқинидан кўзланган асосий мақсад ҳам шунда-да. Ижод намунасини маълум бир методга менгзаш, маълум бир назариялар қолипига тикиштиришлар ўзини оқламаганлиги дунё адабиётшунослигидан ҳам маълум-ку!

80-йилларнинг охири, 90-йиллар бошларидаги янгиланиш шабадалари адабий танқидда ҳам бўй кўрсата бошлади. Энди санъат асарлари талқинига мафкуравий тазйиқлар остидан эмас, бевосита матн орқали ёндашиш, янгича тамойиллар асосида қараш кучайди. Мазкур китобнинг “Бадиий-эстетик тафаккурнинг янгиланиши ва қодирийшунослик” бўлимида ана шу ўзгаришларга муносабат билдирилган. Унда Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов, Абдуғафир Расулов, Муртазо Қаршибой, Хайриддин Султоновларнинг талқинлари, фикрлар хилма-хиллиги, баҳсталаб таҳлилларга муносабат билдирилган. Мунаққиднинг: “Абдулла Қодирий ижоди юзасидан янгидан-янги талқинларнинг майдонга келишини, уларнинг тасдиқланиши ёки инкор этилишини, улар устида баҳс-мунозараларнинг авж олишини

илм оламидаги табиий ҳодиса сифатида қабул этмоқ жоиз”, – деган фикрларидан англашиладики, олим, баҳс-мунозараларга билдирган фикрларини мутлоқ ҳақ дейишдан йироқ. Адабиётшуноснинг ҳам, талқинчининг ҳам этик савияси бунга изн бермайди. Бадиият кўнгил мулки экан, у турфаликни ёқтиради. Баҳодир Каримнинг Абдулла Қодирий асарлари талқинида санъат асарларига янгича ёндашиш тамойилларини кузатиш мумкин. Ижодкорнинг муҳаббат тасвири талқини, вақт бирлиги, асардаги замон ва макон тушунчаси, замин ва давр манзараси, шарқона одоб маданияти акс этган тасвирлар таҳлили ўта назокат билан талқин қилинган.

Баҳодир Карим китобнинг кириш қисмида герменевтика истилоҳи ҳақида сўз юритади. Герменевтика “тушуниш”, “тушунтириш” маъноларини бажарар экан, бу ҳолат бевосита матн билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Матнга чуқур кираолмаслик ёки матндан чиқиб кетиш тушунтирувчини янглиштиради. Матн ижодкорнинг хусусий мулки экан, талқинчи унга кириш учун, албатта, унинг ҳасбу ҳолига разм солишга мажбур. Дунё адабиётшунослигида биографик методга қайта-қайта мурожаат қилинаётганлиги ҳам беъжиз эмас. Олим тўғри ёзганидек: “Абдулла Қодирий қаҳрамонларининг маънавий-ахлоқий дунёсини адибнинг эстетик оламидан айрилган ҳолда тасаввур этиш қийин”. Китобда адибнинг яқинлари, ўғли Хондамир Қодирийнинг “Отам ҳақида” китоби, матбуот материалларидаги кичик деталлар ҳам инобатга олинган ва ишга жалб қилинган. Айниқса, Абдулла Қодирий ижодини хорижда ўрганилишига доир маълумотлар қодирийшуносликда янгича қарашлар бошланаётганлигидан дарак беради. Эден Наби (АҚШ, Колумбия), Христафор Майкел Мурфи (АҚШ, Вашингтон), Ингеборг Балдауф, Зигрид Клайнмихел (Германия, Гумбольд) каби олимларнинг ўзбек адабиёти, хусусан, Абдулла Қодирий ижоди ҳақидаги тадқиқотларига батафсил тўхталган. “Хориждаги олимларнинг бу хизматлари ўзбек адабиётини, Абдулла Қодирий ижодини дунё адабий жамоатчилигига таништиришда катта аҳамият касб” этганлигига эътибор қаратилган.

Баҳодир Каримнинг “Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур” китоби халқимизнинг маънавий мулкига айланган санъат дурдоналарининг турли даврлардаги талқинлари, уларга бугунги кун нуктаи назаридан ёндашганлиги ва келгусидаги қодирийшунослик олдида турган долзарб муаммоларни илм аҳлига ҳавола қилганлиги билан аҳамиятлидир.



БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Абулқосим ЎТЕПБЕРГЕНОВ

1951 йилда туғилган. Нукус давлат педагогика институтининг табиий фанлар факультетини битирган. Ижодкорнинг “Томчилар”, “Булоқлар”, “Дунё бир азиз жойдир”, “Агар кўнглимни хуш этса”, “Кунчиқши мақомлари”, “Кимга кенгдир, кимга тордир бу дунё”, “Халқдан дономан деб ўйлама” каби китоблари чоп этилган.



Жавоблар қалбда уради туғён

* * *

Кўнглинг ёмонликка бурмагин асло,
Бурилган вужудда қийналади жон.
Кўнгил тиламайди ҳеч жабру жафо,
Мусаффо яралган гўёки осмон.

Кўнгил кўнгилларга бойланган, англа,
Ўзганинг кўнглини авайла, сақла.
Гуноҳсиз кўнгилга зиён етказсанг,
Тош отган бўлсанг ул қодир Ҳаққа!





Ўтдан кучли

Мўйсафиднинг савол тушиб кўнглига,
Ҳузурига чорлаб, деди ўғлига:

– Ўтдан кучли нима, айтчи, дунёда,
Умринг бўлсин мендан кўра зиёда?

Чақмоқ тошдай экан ул зурёт,
Ялтираган олмос учқур қаназат.¹

Сўзларидан асал томиб турибди,
Қадам босса пўлат синиб турибди.

Алпомишдай кўркам, қоматли ўғлон,
Жавоблар қалбда уради туғён.

Отасидай халққа у камарбаста,
Халқига жонини тутар бирпасда:

– Жавобим шу ота – бошин эгади. –
Ўтдан кучли, албат, меҳр бўлади.

– Жавобинг тўғридир, ўғлоним менинг,
Бу дунёда йўқдир армоним менинг.

Инсонга Ватан ҳам онадир ёлғиз,
Иккиси билсанг гар, ҳар недан азиз.

Бу туйғу асраган уруш пайтида,
Ватанга муҳаббат кўнгил байтида.

Сен айтган ўша меҳр ўтда ёнмади,
Душманга сотилиб ҳеч ким тонмади.

Сувда ҳам чўкмади тобланган меҳр,
Қасосга чорлади ғанимга қаҳр.

Оч-юпун қолардик, сезмасдик баъзан,
Жондан ортиқ эди – муқаддас Ватан!

Ватанга меҳр керак – эътиқодинг шу,
Юртингга, халқингга – илтифотинг шу.

Меҳр кутқаргандир, офатдан, ўтдан,
Меҳрдир, меҳрдир, Ватандир, Ватан!

¹ Қаназат – хоназот.

Отам насихати

“Ҳамиша адолат, ҳақликдан сўзла,
Кўзласанг ҳалоллик, покликни кўзла.
Ҳеч замон нафсингга эрк бермагил,
Бойликни тиласанг, инсофдан изла!”

Отам доим дерди: Эртами-кечми,
Бўлгин ўғилгинам ақлли, эсли.
Сўзларим дилингдан ўчмасин ҳаргиз,
Қаноат – қанотинг бўлсинда кучли.

Нафс деган бало ичингда ётур,
Уни енгса ақлинг, фаросат ютур.
Ушбу насихатим ёдингда сақла,
Қаноат бардошдан доим куч олур.

Ўзгани ўзингдай, албат, билгайсан,
Ўзганинг ҳақидан ҳазар қилгайсан.
Манманликдан обрў топмаган ҳеч ким,
Эл-юрт ҳурмат қилар, камтар бўлгайсан.

Мартаба, амал ҳам ўтади бир кун,
Ҳалолу ҳаромнинг ажратгин фарқин.
Ҳамиша халқингнинг хизматида бўл,
Энг катта давлатинг меҳнаткаш халқинг.

Сенда инсоф бўлсин, менда қаноат!

Кел, биродар қўлни-қўлга берайлик,
Сенда инсоф бўлсин, менда қаноат!
Неки бўлса, бахтимиздан кўрайлик,
Сенда инсоф бўлсин, менда қаноат!

Бу денгиз зўр дейсан, асло, чўқтирмас,
Сувлари минг дардга даво бўлолмас,
Ер остида ётар, гавҳар, тош-олмос,
Сенда инсоф бўлсин, менда қаноат!

Ҳазина ҳам турган сайин кўпаюр,
Ишлов билан ҳосилни мўл берар ер,
Ақлингни ишлатиб, қилгил тафаккур,
Сенда инсоф бўлсин, менда қаноат!



Қалбинг ёғду сочиб, яшнаб туради,
Кўзинг равшан тортиб, ўйнаб туради,
Нафсингни жиловлаб бойлаб туради,
Сенда инсоф бўлсин, менда қаноат!

У ҳукмрон бўлган ер, хур, фаровонлик,
Қуйига йўналса тургай омонлик,
Қозон қайнар мойда, бори тўкинлик,
Сенда инсоф бўлсин, менда қаноат!

У бир кўрғон, кўрсанг жаннат боғидай,
Тунни равшан этган тонгнинг нуридай,
Улуғ Пайғамбарга уммат гулидай,
Сенда инсоф бўлсин, менда қаноат!

У бир шаҳаншоҳдир, олмай беради,
У бир ғариб гадо, топтаб теради,
У бор жойда, албат, нафслар ўлади,
Сенда инсоф бўлсин, менда қаноат!

Таъма муддаосин битказмай, десанг,
Шайтонни қалбингга ўтказмай, десанг,
Инсонликка завол етказмай, десанг,
Сенда инсоф бўлсин, менда қаноат!

* * *

Кўзингда нуринг бор, тизда мадоринг,
Дунёда улушинг ҳар дам олиб қол.
Ёмонлик жарини айланиб ўтиб,
Яхшиликдан пок бир сарой солиб қол.

Саройинг улкан ҳам туташсин кўкка,
Кўнгилларда, албат, ҳавас уйғотсин.
Ҳамиша асрагин, гардни юқтирма,
Минг йиллар саройинг сени эслатсин.

Туюқ

Махтумқули айтган дўстлар, ёронлар:
“Қуюнма барчадан қолар бу дунё.
Чора тополмагай ўтган улуғлар,
Ҳамманинг бошига етар бу дунё”.
Улуғлар топмаган чорани сен топ,
Хулласи, ўзингдан қолдир яхши от.

Тўртликлар

* * *

Меҳнатга тенг келар фазилат қани,
У кўхна дунёнинг ҳам кўрар кўзи.
Одамни бир тугал олам деб, билсанг,
Унинг мангу сўнмас қуёши – юзи.

* * *

Бахт сандикдир, калити кўкда,
Деган нақл бор, кўхна афсона.
Кўрмоқдамиз ҳаётда кўпда,
Калит – меҳнат, қўлдир – мардона.

* * *


Кимнинг халқи сийлаб, ҳурмат айласа,
Буюк бўлар унинг иқболи – бахти.
Бундан улуғ ҳикмат топмадим ҳаргиз,
Улуғ халқдан буюк юлдузлар чиқди.

Қорақалпоқ тилидан Жамолиддин МУСЛИМ таржимаси



Жамолиддин МУСЛИМ

1965 йилда туғилган. Наманган саноат технологияси институтида ўқиган. Унинг "Кўкка ўрлаётган изтироб", "Қалб истеҳкоми", "Муҳаббатли манзиллар", "Биллур навқиронлик", "Қамолот фасли", "Шаффоф булоқлар" номли шеърӣй ва насрий китоблари наиш этилган.



Баҳодир ЭРМАТОВ
Адҳамбек АЛИМБЕКОВ



Баҳодир Эрматов 1955 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) роман-герман филологияси факультетини тамомлаган. И.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарини француз тилига, Люсьен Кереннинг “Амир Темуր салтанати” тарихий романини, “Амир Темуր” трагедиясини ўзбек тилига таржима қилган.


МАРСЕЛЬ БРИОН: ҲАҚИҚАТ ВА УЙДИРМА

Марсель Брион 1895 йил 21 ноябрда Франциянинг жанубидаги Марсель шаҳрида адвокат оиласида туғилган.

1908 йилдан 1912 йилгача Марсель Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Шанпитте коллежида таълим олди. Сўнг ўқишни Марселдаги Тиер лицейида фалсафа йўналишида давом эттиради. Кейин Экс-ан-Прованс университетининг ҳуқуқшунослик факультетига киради. Бироқ, университетни битира олмайди. Биринчи жаҳон уруши бошланиб, Марсель кўнгиллилар қатори фронтга жўнайди. Дарданелла бўғозида хизмат қилади. Соғлиги ёмонлашганлиги сабабли армиядан қайтади. Тугалланмай қолган ўқишини тамомлайди.

Брион 1920 йилда Марсель шаҳар судида адвокат бўлиб иш бошлайди. Сўнг бу хизматдан воз кечиб, ўзини адабиёт ва санъатга бағишлайди. 1924 йилдан бошлаб журналларда илк машқлари босилиб туради. У маслакдошлари билан “Les Cahiers du Sud” (Жанубий ёзмалар) журнаliga асос солди. Бу журнал нафақат Францияда, балки жаҳон миқёсида ҳам обрўли нашрлардан ҳисобланади. Журнал таҳририяти Франция жанубидаги қадимий Арл шаҳрида жойлашган. Марсель Брион мазкур журнал билан ўттиз йил ҳамкорлик қилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Брион Марсель шаҳри радиосида ватанпарварлик руҳидаги махсус рукн очган ва уни бошқарган. Француз кўғирчок ҳукумати билан ҳамкорлик қилишдан бош тортгани учун асарларини чоп этиш таъқиқланган.



Брион йигирма йил давомида “Икки дунё” ва “Адабиёт янгиликлари” журналлари билан ҳамкорлик қилди, яна йигирма йил “Le Monde” газетасида “Чет эл адабиёти” рукнини бошқарди. 1964 йил Франция фанлар академияси хақиқий аъзолигига сайланди.

Марсель Брион 1984 йил 23 октябрда, Парижда, саксон тўққиз ёшида оламдан ўтди.

Ватани олдидаги хизматлари инobatга олиниб, Марсель Брион “Фахрий Легион”, “1914-1918 йиллар урушидаги жасорати учун”, “Адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган хиссаси учун” ва “Буюк хизматлари учун” орденлари билан тақдирланган.

Кўп қиррали иқтидор эгаси Брион 1920 йилдан бошлаб ҳар йили биттадан китоб ёзган. Олим қатор романлар, пьесалар, адабий-танқидий асарлар ҳам битган. Унинг ижодини уч йўналишга бўлиш мумкин: бадий асарлар; адабий-танқидий асарлар; тарихий асарлар. Олим яна Тициан, Микеланжело, Рембрандт, Макиавелли, Леонардо да Винчи, Моцарт каби таниқли шахслар ҳақида тарихий биографик асарлар битган.

Брион асарлари дунёнинг кўп тилларига, таржима қилинган.

Марсель Брионнинг “Амир Темур” (Tamerlan) номли китоби 1942 йилда эълон қилинган. Бу асар 1963 йили тўлдирилган ҳолда “Асарлар солнома-си” туркумида “XIV аср. Тарихни яратган кишилар” рукнида нашр этилган. Китобнинг “Кириш” қисмини академик Жерар Вальтер ёзган. Рукндан, асосан, Брионнинг “Амир Темур портрети” (84x 108 1/32 форматдаги 78 саҳифа) номли асари жой олган бўлиб, унга “Амир Темур ғаним кўзи билан: Ибн Арабшоҳнинг “Темур тарихида тақдир ажойиботлари” асари (211-236-бетлар), ҳамда “Амир Темур тузуклари” (237-274-бетлар), “Амир Темур Маршал Бусико нигоҳи билан” (275-278-бетлар), “Амир Темур ва унинг саройи Султония архиепископи назарида” (279-302-бетлар), “Амир Темур ва унинг саройи



Адҳамбек Алимбеков 1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Юлдузнинг беш қирраси”, “Латиф шеърят” монографиялари, “Турк адабиёти хрестоматияси”, “Турк адабиёти тарихи” (XIII-XVIII асрлар) ўқув қўлланмалари, “Ишқ асири бўлган жон” рисоласи нашр этилган.



испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо тасвирида” (303-356-бетлар) каби бўлимлари илова сифатида киритилган. Иловалар аслиятдан француз тилига таржима қилинган.

2011 йил “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан Марсель Брионнинг “Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир Темур” номли асари ўзбек тилида чоп этилди. Бу “янги” асарни Фарҳод Рўзиев ва Фозил Тиловатов ўзбекчалаштирган.

Ўтган давр ичида тўрт мартаба нашр этилган бу асарнинг қайси тилдан таржима қилинганлиги кўрсатилмаган. Маълум бўлишича, у рус тилидан ўгирилган экан. Русча варианты Эрондаги “Мастоуфи” нашриёти томонидан чоп этилган бўлиб, нашр этиш ҳуқуқини гўёки “Марсель Брион меросхўрларидан сотиб олган”.

Мазкур китоб тузилиши жиҳатидан шарқона “номаларни” ёдга солади. Гўё уни етмиш ёшга тўлган Соҳибқирон Амир Темур ўз қўли билан битган эмиш. Асар Амир Темурнинг болалик йилларидан бошланиб, Хитойга юриши арафасида яқунланади.

Асарнинг ўзбекча нашрига ёзилган сўзбоши ва таржимада қатор англашилмовчиликлар бор. Жумладан, “Улуғлашга лойиқ инсон, саркарда ва давлат арбоби ҳақида асар” номли сўзбошида (тарих фанлари доктори, профессор Шодмон Воҳидов, иқтисод фанлари номзоди Фарҳод Рўзиев) “Тамерлан” асарининг биринчи таҳририни Марсель Брион 1942 йили, тўлдирилган ва қайта ишланган ушбу романини 1963 йили Париждаги Албин Мишелга қарашли “Wraitten in French” босмахонасида чоп эттирган” деб ўтилади.

Биринчидан, Марсель Брион “Тамерлан”и роман эмас, балки очерк ва солномалардан олинган парчалардан иборат тўпламдир.

Иккинчидан, ўзбекча таржима сўзбоши муаллифлари таъкидлаганларидек, асарнинг 1963 йилдаги нашри Париждаги Албин Мишелга қарашли “Wraitten in French” босмахонасида эмас, балки “Albin Michel” номли нашриётда чоп этилган. “Wraitten in French” эса босмахона номи эмас – балки китоблар охирига қўйиладиган эслатма бўлиб, “Француз тилида ёзилган” деган маънони билдиради.

Асарнинг “Болалик йилларим ва шайх Шамсиддиндан сабоқ олган даврларим” деб номланган биринчи бобининг охири қуйидагича яқунланади:

“Отамдан илтимос қилиб, шу масалани бир-икки йил тўхтатиб туришларини сўрадим. Чунки уйланиш йигитнинг кучини кесиб, уни заиф қилиб кўяди, деб ҳисоблар эдим. Бироқ кейинчалик Султония шахрининг насроний епископи билан қилган суҳбатим асносида билдимки, ўз вақтида уйланиш йигитнинг жисмоний қувватини камайтирмас экан”.¹

Юлдузча белгиси остида таржимонлар қуйидагича изоҳ беради: “Султония шахрининг насроний епископи Амир Темур Кўрагон билан қилган кизгин суҳбатлари таъсирида жуда қимматли эсдалик ёздириб қолдирган. Биз айти шу жойда мазкур мемуарни эътиборингизга ҳавола этамиз ва у

¹ Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир Темур, 18-бет.

Марсель Брион томонидан Франция Миллий кутубхонасидан топилганини ва ўзбек тилида илк бор ўқувчилар этиборига (?) хавола этилаётганини эслатиб ўтмоқчимиз”.

Аслида эса Султония шахрининг архиепископи Иоанн Амир Темур томонидан Франция қироли Карл VI хузурига элчи сифатида юборилган ва унга Соҳибқироннинг мактубини етказган. Рухоний Иоанн 1403 йил май ойининг бошида Парижда пайдо бўлади. У Амир Темурнинг тамғаси босилиб, зарҳал харфлар билан битилган ишонч ёрлиғини Франция қироли Карл VIга топширади. Архиепископ қирол саройида Карл VI, Берри, Бургундия, Орлеан, Бурбон, Британия герцоглари, яна кўплаб бошқа юқори мансабли шахслар хузурида нутқ сўзлаб, ташрифининг икки сабабини баён қилади: биринчиси, Амир Темурнинг Боязид устидан қозонган ғалабасини маълум қилиш, иккинчиси, Франция қиролини ўз кўзи билан кўриш ва у ҳақида Амир Темурга сўзлаб бериш. Архиепископ, Карл VIнинг топшириғига биноан “Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар” китобини ёзган.

“Хотиралар” Франция Миллий кутубхонасининг француз фондида 5624 (fol.63 V^e) ва 12201 (fol.84 I^e) рақамлари остида сақланади. Иккита қўлёзмасини 1894 йил француз шарқшуноси Хенри де Моранвиле топган ва бу ҳақида Франция академиясида маъруза қилган.² Хенри де Моранвиленинг гувоҳлик беришича, архиепископ ўзининг “Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар”ини француз тилида битиб, соф француз тилида маъруза қилган.

Кўришиб турибдики, ўзбек таржимонлари бу далилларни нотўғри шарҳлаб, китобхонни чалғитишади. Қолаверса, китоб мутаржимларининг Султония архиепископи Иоанн “Хотиралари” анча илгари ўзбек тилига эски француз тилидан бевосита таржима қилиниб, республикамызда уч бора эълон қилинганлигидан хабарлари йўққа ўхшайди. Зеро “Хотиралар” илк бора “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида (Амир Темур ва унинг саройи. 13 май, 2005), сўнг “Жаҳон адабиёти” журналида (Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар // Жаҳон адабиёти, 2007 й. №4, 125-140 б.) ва тўлдирилган варианты Ғафур Ғулом номидаги НМИУ (Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар// “Амир Темур Европа элчилари нигоҳида” китобида, 2007 й. 169-195 б.) томонидан нашр этилган.

Бундан ташқари, асарнинг биринчи боби сўнггида “Султония епископининг эсдалиги” келтирилиб, унда шундай дейилади: “Самарқандда Испания элчиси Клавихони хурмат эҳтиром билан қабул қилиб, ундан: “Бизнинг севимли ўғлимиз Кастилия қиролининг ахволи қандай?” – деб сўраганини ўзим эшитдим”.³ Биринчидан, “Султония архиепископи Иоаннинг Амир Темур ҳақидаги эсдаликлари” асарининг русча вариантыда Амир Темур сўзи сўнггидаги “...деб сўраганини ўзим эшитдим” жумласи йўқ. Иккин-

² (H.Moranville. Memoire sur Tamerlan et sac our par un Dominicain en 1403, Bibliotheque de l'Ecole des Chartes. – Paris, 1894).

³ Ўша китоб, 22-бет.



чидан, Иоанн ҳеч қачон Самарқандда бўлмаган ва шу сабабли Соҳибқирон билан Клавихо ўртасидаги суҳбатни “ўзи эшитиши” мумкин эмас. Учинчидан, эсдаликнинг на русчаси ва на ўзбекчаси аслиятига мос эмас. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Хенри де Моранвиленинг юқорида келтирилган асарига ҳамда архиепископ хотираларининг ўзбек тилида эълон қилинган нашрларига мурожаат қилиш кифоя.

Энг асосийси, Марсель Брион “Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир Темур” номли китобни ёзган ҳам, “тузган” ҳам эмас. Агар тузганда ҳам унга русча матннинг сўнггида келтирилган бўҳтон гапларни киритмаган бўларди. Зеро, юқорида эслатиб ўтганимиздек, Брионнинг 1963 йилда эълон қилган китобида, бошқа асарлар парчалари каби, архиепископ хотиралари ҳам келтирилган. Брион Амир Темурни чуқур ҳурмат қилган (буни унинг “Амир Темур” китобини ўқиган одам билади). Бундан ташқари, епископ Амир Темурнинг Европадаги элчиси бўлган. Қайси бир элчи ўз давлати раҳбари ҳақида бўҳтон гапларни айтиши ёки уларга чидаб туриши мумкин?!

“Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир Темур” ношири Забиҳулла Мансурий француз адиби Марсель Брион номидан усталик билан фойдаланган. Асарнинг русча матнига сўзбоши битган Абд ул-Жалил Абд ул-Рашид ва номаълум таржимон эса унга “Марсель Брион билмаган айрим фактларни киритиб, тўлдирганлар”.

Бизнинг шу мавзудаги мақоламиз “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида босилганидан сўнг буюк аждодимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги гапларга бефарқ бўлмаган профессорлар, иқтисодчилар, темуршунослар, ҳатто талабалардан келган акс-садолар республикамиз газета-журналларида чоп этилди. Улар ҳам “китобни тайёрлашда форс таржимонлари Амир Темур ҳаётига доир ҳар хил олди-қочди, “қўлига илинган манбалардан фойдаланишган”ини тўғри қайд этганлар.⁴ Ҳақиқатан ҳам китобнинг қатор боблари “Темур тузуклари”ни ёдга солади. Мазкур бобларда, ҳатто “Тузуқлар”нинг услуби ҳам сақланган. Масалан, олтинчи боб: “Азиз фарзандларим! Сўзларимни яхшилаб қулоғингизга қуйиб олинг, мендан сўнг мамлакатни бошқариш сизнинг зиммангизга тушади, шунинг учун мен ўрнатган тартиб-қоидаларга амал қилинг, унинг (?) (уларнинг) бошқалар томонидан ҳам бажарилиши (?) (бажарилишини) қатъий назорат қилиб боринг...”⁵

Китобда тарихий ҳақиқатга зид қатор воқеалар, жумлалар келтирилган. Жумладан, Самарқандга, Амир Темур ҳузурига Шомдан икки “машҳур сайёҳлар, таниқли олимлар” ташриф буюришади. Китобда ёзилишича “Кейинроқ маълум бўлдики, меҳмонларнинг бири – ҳалаб фуқароси, иккинчиси эса дамашқлик экан. Инсон тақдирида кўп ажиб сир-синоатлар борким, уларни англашдан ожизмиз. Хусусан, ўша куни Самарқандда кўришганим икки сайёҳнинг авлодидан иккита олим чиқиб, иккиси ҳам мен ҳақимда китоб ёзиши хаёлимга ҳам келган эмас... Сайёҳлардан бири

⁴ Неймат Акбаров. Бефарқ қараб бўлмайди// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 20 ноябрь 2015 йил.

⁵ Ўша китоб, 71-бет.

шомлик Камолиддин хонадонида улғайган Низомиддин Шомий мен ҳақимда “Зафарнома” китобини ёзди. Дамашқлик Арабшоҳ хонадонида дунёга келган фарзанд, ҳозирда Ибн Арабшоҳ номи билан машҳур олим эса мен ҳақимда китоб бошлаб, ҳали ёзиб тугатгани йўқ. Мен бу китобни кўрганим йўқ, аммо унинг ўзи бу китобни “Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Таймур” (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”) деб номламоқчи эканини айтди”.⁶

Амир Темур номидан айтилган бу “тўқима” гаплардан ташқари китобда қатор тарихий шахслар ва жой номлари ҳам бузиб талқин қилинади. Масалан, Каспий денгизининг номи гоҳ Хазар, гоҳ Абескун денгизи деб берилади.

Энг ачинарли жиҳати, Соҳибқироннинг фарзанди Умаршайх исмининг бузилишидир. У китобда ҳар доим “Шайх Умар” деб кўрсатилади. Темуршуносларнинг барчаси исмини Умаршайх деб атаганлари ҳолда таржимонлар бу исмга қуйидагича изоҳ беради: “Айрим тарихчилар ўз асарларида Амир Темур ўғли Шайх Умарни Умар Шайх деб атайдилар”. Бу билан Умаршайхни дин арбоби Шайх Умарга айлантириб қўядилар.

Китобда ёзилишича, Амир Темур – шафқатсиз ҳукмдор, бераҳм ота. У ҳатто ўз фарзандларига ҳам шафқат қилмайди. Жанггоҳларда амирзодалар Умаршайх, Жаҳонгир ва Мироншоҳларни ҳеч иккиланмай аниқ ўлимга йўллайди. Нишопур учун жангда Жаҳонгирга шундай дейди: “Ҳар қанча довиорақ, эпчил бўлмагин, қамал қилинган қалъани ишғол қилиш чоғи ўзинг олдинги сафда борма! Бемъани ўлим топасан...” Бироқ, шу ернинг ўзидаёқ: “...ҳарбий бўлинма бошлиқларим, жангчиларим жангда мен ҳатто ўғлимни ҳам қурбон қилишга тайёр эканимни кўришлари, оддий жангчи билан менинг ўғлим ўртасида фарқ йўқлигини англашларини истаيمان”⁷ дейди. Форсда Шоҳ Мансур билан жангга отланган Мироншоҳга Соҳибқирон қуйидагича ўғит қилади: “Ўғлим бўлишингга қарамай, сенинг жанг майдонида ўлишинг мен учун бир жангчимнинг ўлими билан тенг”. Шу заҳотиёқ унинг ўлими ҳақида Самарқандга хабар беришга шайланади: “Мен ўша ондан эътиборан, унинг онасига ўғлининг ўлими ҳақида мактуб жўнатишга тайёрлана бошладим”.⁸

Китобда Амир Темурнинг Саъад Ваққос исмли ўғли бўлганлиги ҳақида сўз юритилади. “Кеч тушган пайт ўғлим Саъад Ваққосни ҳузуримга чорладим. У менинг ўғилларим орасида энг кичиги – энди 18 ёшга тўлди”⁹ “Саъад Ваққос жавоб қилди: “Эй, Амирим! Хотиржам бўлинг, мен ҳамма ишни Темурнинг ўғли деган унвонга муносиб тарзда амалга ошираман!”¹⁰ Бу сохта ўғилнинг яна шундай аянчли қисмати ҳам тўқиб чиқарилганки, бундан мақсад Амир Темур сиймосини хиралаштириш эканлиги сезилиб туради.

Китобдаги чалкашликларни яна давом эттириш мумкин. 1376 йилда хасталик туфайли оламдан ўтган Жаҳонгир орадан ўн бир йил ўтиб, 1387

⁶ Ўша китоб, 64-бет.

⁷ Ўша китоб, 90-91-бетлар.

⁸ Ўша китоб, 279-бет.

⁹ Ўша китоб, 424-бет.

¹⁰ Ўша китоб, 424-бет.



йилда Исфаҳонда жанг қилиб юради. Турклар Соҳибқиронга туркча му-рожаат этса, у форсча жавоб беради. Энг қизиғи, Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий” китобидан нафратланади. Араб тилини билмаган мусулмонларни беш вақт намозни канда қилмасалар-да, ғайридинликда айблайди.¹¹

Китобда Амир Темур қонхўр инсон, умрини фақат жангу жадалда ўтказишни хоҳловчи саркарда сифатида тасвирланган. Бунга асардан жой олган йигирма олти бобнинг йигирма бештаси мисол бўла олади. Улар мос равишда “Бухоро шахрининг забт этилиши”, “Чоч учун жанг”, “Фирдавсий юртига сафар ва Нишопур учун жанг”, “Жанубий Хуросонга юриш”, “Исфаҳон учун жанг”, “Мўғул ҳукмдори билан жанг”, “Қипчоқлар мамлакатадаги жанг” ва ҳоказолар. Хуллас, Соҳибқирон жанглрсиз яшолмайди.

Чоч учун жангдан сўнг Соҳибқирон етти йил давомида Мовароуннаҳрда ободончилик ва қурилиш ишлари билан машғул бўлади. “Аммо у ёши етмишни қоралаган пайт, ўша етти йиллик умри беҳуда кетганига ачинади. Зеро, бу муддат менинг энг гуллаб яшнаган, вужудим роса кучга тўлган давримда ўттиз уч ва қирқ бир ёш оралиғида кечганидан таассуфдаман”. Сўнг таржимонлар асарнинг русча вариантыда бўлмаган қуйидаги жумлани қўшимча қиладилар: “Ахир ўзингиз ўйланг, мана шу даврни жангу жадаллар билан кечирсам салтанатим сарҳадларини яна қанчалар кенгайтиришим мумкин эди”.¹²

Анқара жангида Боязиднинг мовароуннаҳрликларга қарши муҳоробада жанг арваларидан фойдаланганлиги эса ҳақиқатдан мутлақо йироқ. “Олд қисмида ўрнатилган ўроксимон катта металлнинг ўткир тиғлари йўлида йўликқан ҳамма нарсани ўриб, яксон қилишга қодир”.¹³ Бундай жанг арвалар қадимги тарихда македониялик Александр томонидан қўлланилган бўлиб, Анқара жанги ҳақидаги манбаларда эса бу тўғрида ҳеч бир эслатма йўқ.

Бу сохта асарни русчадан ўзбекчага ўгиришда ҳам қатор камчиликларни учратиш мумкин.

Хусусан, “Хуросонга иккинчи сафарим ва Сабзаворга юришим” номли саккизинчи бобда Умаршайх қирқ минг суворийдан иборат лашкар билан Сабзавор яқинида жойлашган Мазинанга кириши лозим эди. Бироқ ундан дарак бўлмагач Соҳибқирон Умаршайхдан хабар олиш учун Жаҳонгирни қирқ минг кишилиқ суворий билан Мазинанга жўнатади. Асарнинг ўзбекча таржимасида Жаҳонгирнинг қирқ минг кишилиқ лашкари тўрт мингга айланиб қолган.¹⁴

Айнан шу бобдан олинган қуйидаги бошқа бир мисол ҳам таржимонларнинг математикадан олган билимлари у даражада юқори эмаслигидан дарак беради. Русча матн:

“Я сказал глашатаю: “То, что я скажу сейчас Мухаммаду, повтори громко для сведения эмира Сабзевара.”, затем я изложил следующее повество-

¹¹ Ўша китоб, 96-97-бетлар.

¹² Ўша китоб 73-бет.

¹³ Ўша китоб, 525-бет.

¹⁴ Я – Тимур властитель вселенной с.86. Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур, 112-бет

вание: “Мой предок Альп-Арслан триста пятьдесят лет тому назад воевал с правителем Византии Диогеном IV и победил и пленил его”.¹⁵

Ўзбекча матн: “Жарчига сўзларимни такрорлаб туришни тайинлаб, бир воқеани сўзладим. Жангчи уни баланд овозда такрорлаб турди: “Муҳаммад! (Сабзавор амирининг акаси – изоҳ бизники) Менинг аждодим Алп Арслон бундан эллик йил муқаддам Византия қироли Диоген IV билан жанг қилиб, уни енган (?) (енган) ва асир олган экан”.¹⁶

Бизнингча бу ерда изоҳга ҳожат йўқ.

Таржимонлар баъзи сўз ва ибораларни рус тилида бериб юборганлар.

Русча матн: “Буря длилась целый день и целую ночь...”¹⁷

Ўзбекча матн: “Бўрон бир сутка кўзни очиргани кўймади, – деди у”.¹⁸

“Яъжуж ва Маъжуж деворини бориб кўрдим: унинг баландлиги ўн заръ ва эни уч заръ бўлиб катта харсангтошлардан кўтарилган экан. Тошлар бир-бирига эритилган свинец қоришмаси билан бириктирилган. Мен бориб кўрган пайт деворнинг айрим қисмлари бузилган, аммо уни ҳали ҳам ошиб ўтиш мушкул, прозли заряд билан портлатибгина бу мақсадга эришиш мумкин эди”.¹⁹

Ўзбекча таржимадаги имло хатолари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Яқинда “Ёшлар” телеканалдаги “Ёшлик наволари” дастурида ёш хонанда Баҳриддин Зухриддиновнинг бир кўшиғи берилди. Савияси ҳаминқадар бу кўшиққа ишланган клипда қизнинг изидан қолмай юрган йигит, етиб олгач қизнинг қўлидаги китобни сўрайди. Қизнинг қўлида эса “Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир Темур” китоби турибди. Бу қандай реклама бўлди? Кейинги пайтда, мазкур сохта китобнинг тарғиботи шу даражадаки, ҳатто “Марсель Брион” деган кўшиқлар ҳам пайдо бўлди. Ёш тадқиқотчи Т.Мўминов эса “Адолат салтанати” мақоласида шундай ёзади: “Франциялик темуршунослар ёзган асарлар ичида профессор Марсель Брион китоблари алоҳида ўрин тутади. Унинг асарларида Соҳибқирон Амир Темур бобомиз шахси, ҳаётининг фаолияти, сиёсий ва ҳарбий соҳаларда тутган йўлига оид маълумотлар ўрин олган. Бундай муфассал маълумотлар бошқа насрий манбаларда кам учрайди. Воқеалар Амир Темур номидан ҳикоя қилиниб, оммабоп услубда ёзилган”.²⁰ Марсель Брионнинг қайси китоблари, асарлари назарда тутилаётир? “Муфассал маълумотлар...” дея урғулашнинг ўзи мунозарали. Умуман, мақолада Марсель Брион китобига илмий манбадек қаралган, ваҳоланки, бундай ёндашиш хатолиги китобнинг кириш қисмида айтилган.

Ушбу китобнинг қанчалик ҳаётининг эканлиги илгари ҳам таниқли адиб ва олимларимиз томонидан шубҳа остига олинган. Асар “Менким, фотиҳ Темур” номи билан қискартирилган ҳолда 1995 йил “Шарқ юлдузи” журналининг 1-2-сонларида босилган. Унга ўз фикрини билдирган адиб Муҳаммад

¹⁵ Я – Тимур властитель вселенной, С.87.

¹⁶ Ўша китоб, 113-бет.

¹⁷ Я – Тимур властитель вселенной, С. 109.

¹⁸ Ўша китоб, 113-бет.

¹⁹ Ўша китоб, 224-бет.

²⁰ “Ёшлик” журнали 2015 йил. 4-сон. 34-бет.

Али шундай ёзади: “Темурнинг Ибн Арабшоҳ китоб ёзгани ҳақида гапириш ноўрин, чунки 1436 йилда ёзилган китоб ҳақида Амир Темурнинг маълумот бериши анахронизмдан бошқа нарса эмас. Хулоса шулки, ушбу асар Амир Темур томонидан эмас, балки аноним автор томонидан ёзилган деган фикрга боради киши. Бунга асарнинг келиш йўли – туркийси топилмагач, инглизчадан французчага, ундан форсчага, ундан ўзбекчага таржима қилиниши – далолатдай туюлади”.²¹

Ҳаким Саторийнинг фикрича ҳам ушбу китоб “...Соҳибқироннинг ҳақиқий ҳаётидан чала хабардор киши томонидан ёзилганга ўхшайди”.²²

Пиримқул Қодиров “Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир Темур”нинг 1971 йил Техронда нашр этилган форсча – “Манам Темури Жаҳонкушо” матни ни ўқиган. У кишининг таъкидлашича “...М.Брионнинг мазкур китобида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳаёлий уйдирмалар кўп учрайди”.²³

Энг сўнггиси, Марсель Брионнинг ҳеч қачон “Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир Темур” номли китобни тузмаганлигини “Марсель Брион кутубхонаси” номли Жамғарма ҳам тасдиқлайди. “Марсель Брион асарлари рўйхати”да “Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир Темур” номли китоб йўқ. Буни Жамғарма мутасаддилари билан боғланиб, аниқлаш қийин эмас.

“Марсель Брион кутубхонаси” Жамғармасининг раиси жаноб Андре Вайс котиби Дорис Якубек. Жамғарма телефон рақами: 021 721 05 53.

Амур Темур шахсиятига юксак баҳо берган Марсель Брион “Менким, Соҳибқирон – жаҳонгир Темур” асарида тасвирлангандек мантиққа тўғри келмайдиган жиҳатларни ёзмаганлиги аниқ.

Бу фикрларни инобатга олиб, ушбу асар мутаржимлари китоб таржимасига киришдан олдин темуршунос олимлару адиблар ва шу соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиб иш қўришганида, фойдадан холи бўлмас эди.

* * *

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб Марсель Брион ўз қўли билан ёзган Амир Темур ҳақидаги очеркни журналхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

²¹ Амир Темур чамани, 2006. 128-бет.

²² Олтин силсиласи, 2006. 37-бет.

²³ Амир Темур сиймоси, 2007. 11-бет.

*Марсель БРИОН*

XIV АСР. ТАРИХНИ ЯРАТГАН КИШИЛАР

АМИР ТЕМУР¹

Кириш: Аср тақдирини ҳал қилган инсон²

XIV аср тақдири Шарқда ҳал бўларди. Ғарбда инсонлар охири кўринмас сулолавий жанглarning қонли ботқоғига ботиб юрган бир пайтда, шарқликлар эски салтанатларни қилич ва олов билан бузиб, янгиларини тикламоқда эдилар. Ана шу пайтда Осиёнинг марказидан отилиб чиққан Амир Темур ўзининг тарихий вазифасини мувафаккиятли ўтади.

Амир Темур билан Боязид ўртасидаги келишмовчиликлар тарихи узоқдан бошланади. Тарихдан яхши маълумки, XIV аср охирида Усмонли турк султонлари Европага кўз тикди. 1396 йили ҳозирги Болгария ҳудудида жойлашган Никополь шаҳри яқинида Европа қиролларининг бирлашган кўшинлари билан турк лашкарлари ўртасида шафқатсиз жанг бўлиб ўтди. Бу муҳорабада турк кўшинлари зафар кучди. Шундан сўнг улар Шарқий Рим империясининг пойтахти Константинополь (ҳозирги Истамбул) шаҳрини қўлга кириштиш учун юриш бошлади. Шаҳар қамал қилинди.

Константинополь қамал қилинганча, византия императори Мануэль Палеолог ёрдам сўраб, Европа пойтахтлари томон йўл олди. У дастлаб Венецияга, сўнг Парижга келади. Бу пайтда Франция қироли Карл VI узоқ муддат бетоб бўлиб қолади. Мануэль қирол билан учраша олмайди. Узоқ кутиш наф бермайди.

Парижда вақтини бекорга ўтказаетганини англаган Мануэль Англия қиролига мурожаат этишга қарор қилади. Генри IV уни қабул қилишга розилик беради.

Инглиз қироли ваъдаларни катта қилди. Аскарлар, кемалар ва маблағ беражагини билдирди. Бироқ, Генри IV ўз ваъдаларини бажаришга шошилмади. Тўғри, қироллик хазинасидан Мануэлга катта миқдорда пул ажратилди. Аскарларга келганда, Мануэлга қирол ваъда қилган ҳарбий ёрдам қачон юборилиши ҳозирча номаълум эканлигини, бу ҳақида унга керакли вақтда хабар берилажагини маълум қилишди.

Мануэль тушкунликка тушгани йўқ. У қиролнинг ваъдасига ишонар ва бунинг учун фақат кутиш керак, деб биларди. Кутиш учун эса Париждан яхши жой йўқ эди.

¹ Журнал варианты.

² Walter Gerard. Introduction.// Le Memorial des Siecles. XIV siecle. Les Hommes. Tamerlan. Par Marcel Brion. – Paris: Editions Albin Michel, 1963. - P.39-54. Кириш қисми Жерар Вальтерга тегишли.



Узоқ давом этган хасталикдан кутулган Карл VI бу хабарни эшитиб хурсанд бўлди ва Константинополга жўнатилажак инглиз кўшинига раҳбарлик қилишни Маршал Бусикога топширишга қарор қилди. Шу муносабат билан Мануэль Византияда қолган дўсти ва сирдоши Крисолорасга Париждан куйидаги мазмунда мактуб йўллади: “Ҳамма ишлар жойида. Ушбу нома қўлингга теккач, кўп ўтмай биз ҳам етиб борамиз”.

Бироқ вақт ўтар, ваъда қилинган инглиз ёрдамидан эса дарак йўқ эди. Шу орада Мануэль Лондондан хат олди: “Қирол ҳазрати олийларининг ўзлари ҳам кўп сонли рақибларга қарши курашишга мажбур бўлганликлари сабабли сизга ваъда қилинган ҳарбий ёрдамни бера олмасликлари учун узр сўрайдилар”.

Умидлар пучга чиққан эди.

Мануэль яна Венецияга мурожаат қилди. Унинг қайғусига ҳамдард бўлсалар ажаб эмас! Республика Сенати унга чуқур ҳамдардлик билдириб, Венеция ҳарбий кемалари (атиғи икки дона...) Константинополь ҳимоясида иштирок этаётганини эслатди, холос. Мануэль мурожаат этган Флоренция коммунаси ҳам таъсирли ҳамдардлик билдирди: “Уят! Қандай замонларга қолдик! Исо Масихнинг номи булганмоқда, форслар ва трояликларни енгган қудратли ва шавкатли Эллада жон бериш арафасида турибди! Флоренция халқи бутун вужуди ила сиз билан бирга. Иложи бўлганда эди у сизга бор имконияти доирасида ёрдам берарди. Бироқ унинг ўзига ҳам бутун Италияни ўз зулми остига бирлаштирмоқчи бўлган бошқа бир “Боязид” таҳдид солмоқда”.³

Мануэлнинг ягона умиди эса Франциядан эди. Бироқ кузнинг бошида Карл VIнинг яна телбалик касали кўзғаб қолди, Константинополни халос этиш ҳақида энди гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Қиш ҳам кирди. Барча уринишлари бесамар кетган Мануэль Парижда қолиб кетди.

Бу орада Константинополь қамали давом этар, Боязид шаҳарни очарчиликка маҳкум этган эди. Маршал Бусико қолдирган “лашкарлари” атиғи икки юз кишидан иборат бўлиб, ҳақиқий аскарларнинг сони юзтадан ортмасди. “Бу лашкарнинг бошлиғи Шатоморан исмли шахс катта имкониятларга эга бўлиб, (ёрдам қидириб кетаётган Мануэль Палеолог маршал Бусиконинг тавсиясига биноан унга генуяликларнинг Перадаги банкларидан катта миқдорда кредит олиш ҳуқуқини берган эди), ундан фақат ўз шахсий бойлигини орттириш йўлида фойдаланди ҳамда амакисининг ўрнига вақтинчалик император бўлиб қолган Жан (Иоан) Палеологни ўз ҳолига ташлаб, жуфтакни ростлаб қолди. Иложсиз қолган Жан шаҳар дарвозаларини туркларга очиб бериш арафасида эди. Сўнгги дақиқаларда у ўз фикридан қайтди.

Дунё буюк аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеа, икки гигант – Амир Темур ва Боязид тўқнашуви арафасида турарди.

Марсель Брионнинг қўлингиздаги асарида бу ҳақида ҳикоя қилинади.

³ Бу ерда Милан герцоги Жангалаччо Висконти назарда тутилмоқда (таржимон изоҳи).



Куйида биз шу воқеа таҳлиliga оид айрим мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Кудратли фотиҳ (Амир Темур – Б.Э. изоҳи) ҳал қилувчи жангга ҳар тарафлама ва эҳтиёткорлик билан тайёргарлик кўриш лозимлигини жуда яхши биларди. Қанчадан-қанча зафарларни қўлга киритиб, қатор халқлар ва давлатларни забт этган жаҳонгир бу жангга енгил-елпи кира олмасди. У усмонли турклар давлатининг ҳар бир қадамини диққат билан кузатиб борарди. Боязиднинг муваффақиятларидан, айниқса унинг Никополда қучган зафаридан у “Муроднинг ўғли” (Темур рақибини шундай аташни одат қилган эди) ўзи шу пайтгача забт этган Осиё давлатларига қараганда жанговар, жасур, яхши қуролланган ва тажрибали кўшинга эга эканлигини биларди.

“Анқара инқирози”нинг бошида Амир Темур Боязидга қарши курашишни шахсан хоҳламаган кўринади, зеро унинг фикри-ёдини кўпдан бери Хитойга юриш банд этган эди.

Шарафиддин Али Яздий туфайли Амир Темурнинг замонавий машҳур солномачилари у билан Боязид ўртасидаги тўқнашувнинг асосий сабаби султоннинг Соҳибқирон ҳимоясида бўлган салжуқий хонларга нисбатан ёмон муносабатида, деб кўрсатишади.

Амир Темурнинг Жан (Иоан) Палеологга йўллаган ва замонавий муаррихлар эътиборидан четда қолган мактуби бу тўқнашувга ўзгача нигоҳ ташлашга имкон яратади.⁴ Аввало инқирознинг юзага келишида Византияда жойлашган генуяликлар колониялари раҳбарлари ўйнаган ролга эътибор бермоқ керак. Михаил Палеолог Константинополни қўлга киритгач, Рим империяси парчаланиб кетди, венецияликларнинг Византия бозорларидаги якка ҳокимлигига барҳам берилиб, генуяликлар ўзларининг эски рақибларига нисбатан катта қулайлик ва енгилликлардан фойдалана бошладилар. Константинополнинг турклар қўлига ўтиши эса генуяликларнинг тижоравий фаолиятига бутунлай чек қўяр ва венецияликларнинг бу ерларга қайтишига қулай имконият яратарди.

Шунинг учун ҳам Жан (Иоан) Палеолог Константинополни усмонли турклар қўлига топширишга аҳд қилганидан хабар топган генуяликлар уни бу йўлдан қайтардилар ва Амир Темур билан алоқа ўрнатишга ундадилар. Византия шу пайтгача Боязидга тўлаб келаётган хирожни Амир Темурга тўлаб, унинг ҳимоясига ўтса нима қилибди? Византияга ҳеч қачон кўз олайтирмаган Амир Темур уни ўз ҳолига қўяр, Боязид эса, аксинча, шаҳарга кирар-кирмас Иоандан уни тарк этишни талаб қилган бўларди. Иоан Палеологга бу таклиф маъқул тушди ва у саройда эгаллаган мавқеи бизга номаълум Франческо исмли руҳонийни Амир Темур хузурига йўллади. Биродар Франческога Соҳибқирон билан шартнома тузиш учун “шароитни ўрганиб чиқиш” топширилди.

Денгиз орқали Трабзонга етиб келган руҳоний сафарини давом этти-

⁴ Бу мактуб ҳақида Хейднинг “Histoire du commerce du Levant au Moyen Age” (t. p. 265) – “Ўрта асрлар Шарқ тижорати тарихи” асарида эслатиб ўтиладию бироқ таҳлил қилинмайди. (Б.Э)



ришда қатор қийинчиликларга учраган. У бу ҳақида Амир Темурга сўзлаб берган. Соҳибқирон Франческони илиқ кутиб олган. Рухоний Константинополга қайтиб келган ва орадан кўп ўтмай Жан (Иоан) Палеологнинг расмий мактуби билан Амир Темур ҳузурига қайтиб борган. Мактубда император Византия ва Перадаги генуяликлар шу пайтгача Боязидга тўлаб келган хирожни бундан буён Амир Темурга тўлашга сўз берган эди.

Амир Темур “император Мануэлнинг лейтенанти”га унинг таклифига умуман рози эканлигини, бироқ ҳали ҳам Боязид билан тил топишишга уриниб кўриш лозимлигини билдиради. “Агар, – деб ёзган эди Соҳибқирон ўз мактубида, – султон Константинополь қамалини кўтариб, лашкарлари эгаллаган шаҳар ва қалъаларни қайтариб, Византияга етказилган зарарларни қопласа, гап тамом, менинг у билан ишим бўлмайди”.

Шу маънода Боязидга элчилар ҳам йўлланди. Бироқ султон бу таклифга катъий рад жавоб қилди. Энди уруш очишдан бошқа чора қолмаганди.

Боязидга қарши уруш очишга тайёргарлик кўраётган Амир Темур денгизда ҳам кураш олиб боришга тўғри келишини яхши биларди. Бунинг учун кучли ҳарбий кемаларга муҳтож эди.

Шу маънода у Перадаги генуяликларга чопар йўллаб, улардан тўлик қуролланган йигирмата кема беришни талаб қилган. Шундай талабнома Трабзон императорига ҳам жўнатилган.

Амир Темур ўзига шу пайтгача мутлақо етишмай турган бу ҳарбий денгиз кемаларини турк қўшинларига қарши Оврупадан Осиёга ўтиш йўлини тўсиш учун қўлламоқчи бўлган, у айнан шу ердан зарба беришни мўлжаллаган эди.

Кўриниб турибдики, Амир Темур Боязид қўшинларига Босфор бўғозидан – Европадан Осиёга ўтиш йўлида ҳужум қилмоқчи бўлган. Шу сабабли Амир Темур Византиянинг муваққат императори Жан (Иоан) Палеологга мактуб йўллаган. Мактубда шундай дейилган:

“Император Мануэлнинг лейтенантига.

Сен йўллаган рухоний Франческо ҳузуримизга келди ва сенинг мактубларингни бизга етказди. Биз аларни ўқиб чиқдик ва ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилдик. Ушбу орқали сенга шуни маълум қилурмизки, мактубингни ўқиб чиққач, бизнинг умуминсоний манфаатлар хусусидаги қизиқишимиз бисёр ортди. Биздаги бу қизиқиш рухоний Франческони илк ташрифидан сўнг анча кучайган эди. Трабзон императори унга кўп тўсиқлар қўйибди, биз бундан қаттиқ ранжидик. Биз унга чопар йўллаб, яхши қуролланган йигирмата кема беришни амр қилдик. Амримиз ижобат этилиб, элчиларимиз Трабзондан қайтиб келдилар ва энди Йилдирим устига юриш қилишга тайёرمىз. Вакилларинг ҳузуримизга ташриф буюргач, келгуси амалларни алар билан келишиб олурмиз. Ушбу мактубни сенга рухоний Франческо эмас, ўзга бир киши етказишидан ажабланма. Мен уни (Франческони – Б.Э.) элчиларим билан бирга Йилдирим Боязиднинг ҳузурига жўнатдим. У тез орада элчилар билан қайтади, аниқ маълумотлар олиб келади. Рухоний ул элчиларга сенинг номингдан шундай дебди: “Константинополь ва Пера



томонидан Боязидга тўлаб келинган хирож бундан буён буюк ҳукмдор Темурга тўланади”.

Биз бунга ўз розилигимизни билдирдик, зеро Боязиднинг мушкули осон бўлғай. Боязид сенга кун бермаётган экан, мен унга қарши уруш очмоқчиман. Бироқ у сенга барча шаҳарлар ва истехкомларни қайтариб берса, сенга етказган барча талофатларини қопласа, менинг у билан ишим бўлмайди. У сенинг мол-мулкингни қайтаргани ҳақида менга хабар бер. Очиғини ёз. Зеро менинг одамларимга Трабзонда кўрсатилган қаршиликдан сўнг, бу шаҳар бошлиғини ўзимга итоат қилдирдим, токи сен кемаларни бизга жўнатишда заррача ҳам азият чекмагин. Менга ёзадиган мактубинг аниқ-равшан бўлсин, зеро Трабзон императори ҳам ўз лашкарлари билан биз тарафга ўтади. Шундай экан, ўзаро келишувимиз кучга кириши мумкин. Ушбу мактубни етказувчи Исоқ (Исаак) сенга айтур ва мактубда битилганидек, сен ҳам бизга йигирмата кема беришинг ва ул кемалар билан Трабзонга келишинг лозим. Биз эса тўла ишонч ва қатъият ила ойдин йўлга қадам қўямиз. Мухримиз босилди ва жўнатилди (1401 йил 15 май)”.⁵

Бу мактуб илк бора Марино Санудонинг *Vite dei dogi (Rerum italicarum scriptores, t. XXII)*да келтирилган.

Пера шаҳридаги генуяликлар бу таклифга рози бўлганлар ва шаҳарча деворлари узра Амир Темурнинг туғини кўтарганлар. Трабзонликлар ҳам рози бўлдилар, зеро ўзини мустақил деб ҳисоблаган Трабзон императори юзага келаётган қарама-қаршиликда бетараф қолишни истар, Византия билан Амир Темур ўртасидаги музокараларга воситачилик қилиб, Боязиднинг қаҳрига учрашдан чўчирди.⁶

Али Яздий берган маълумотларга кўра Амир Темур лашкарининг умумий сони 800.000 кишига тенг бўлган. “Соҳанинг ажойиб билимдони” француз туркшуноси Люсьен Бува бу рақамни тўғри деб кўрсатади. Олмон муаррихи Ролофф, аксинча, бу рақамни “ҳақиқатдан мутлақо йироқ ва телбаларча муболағалаштирилган”, деб ҳисоблайди. Ролоффнинг таҳминига кўра Амир Темурнинг лашкари атиги 15.000-20.000 аскардан иборат бўлган.⁷ Зотан, унинг фикрича, моддий жиҳатдан 800.000 кишилик қўшинни Дажла дарёси ёқаларидан Анқарагача бўлган минг километрлик масофага икки ой ичида олиб ўтишнинг асло иложи йўқ. Олмон олимига қуйидагича жавоб бериш мумкин:

“– Цезарь, Александр ва Амир Темур каби шахслар ҳақида гап кетганда “иложи йўқ” деган тушунча ўта нисбий маъно касб этади”.

Осиёлик буюк фотиҳлар ҳаракатга келтирган кўплаб одамлар оқими бу-

⁵ Мордин қалъаси ва Бағдод оралигида ёзилган мактуб, зеро Амир Темур Мординни 1401 йил 4 майгача қамал қилган. – Б.Э.

⁶ 1204 йил Салиб юришлари натижасида Константинополь қўлга киритилгач, Комненлар сулоласидан бўлган сўнгги император, Андроник Комненнинг набираси ўз холаси, Гуржистон маликаси Тамар хузурида бошпана топади ва унинг кўмаги билан Қора денгизнинг Осиё қирғоғида жойлашган бой денгиз шаҳри Трабзонни қўлга киритади. У ўзини Рим императори деб эълон қилади ва “Буюк Комнен” деган ном олади. Михаил Палеолог Константинополни қайта қўлга киритганидан сўнг (1261), Буюк Комненнинг авлодлари мустақил Трабзон империясида 1461 йилгача, яъни византия империяси турклар томонидан тор-мор этилганидан саккиз йил кейингача ҳам ҳукмронлик қилишган - Б.Э.

⁷ Roloff. Die Schlacht bei Angora // Historische Zeitschrift, t. CXVI.



тунлай жангчилардан иборат бўлган эмас: аскарлар уларнинг бир қисмини ташкил этган. Амир Темурнинг замондошлари унинг лашкари бир неча юз минг аскардан ташкил топган, деган хулосага келган бўлишса ажабмас. Арманистонлик рухоний Томас де Мездопнинг фикрича, Амир Темур Дамашқни ишғол қилган пайтда унинг қўшини 750.000 аскардан иборат бўлган.

Бизнингча, Боязид лашкарларининг сони 110.000 кишидан иборат бўлган, зеро у Никополь жангида ҳам шу миқдордаги қўшин билан қатнашган эди. Бироқ шуни назарда тутиш керакки, Босфор ва Профонтид бўғозида турган Византия ва Трабзон ҳарбий кемалари сабаб турклар Оврупа қитъасидаги лашкарларини тутиб туришга мажбур эди. Шу сабабли ҳам Боязид қўшини ўз рақибига нисбатан кам сонли бўлиб қолган.

Юнон муаррихи Калкондилоснинг гувоҳлик беришича, ҳал қилувчи жанг арафасида Боязид аскарлари орасида султонга нисбатан норозилик ҳукм сурган, бунинг асосий сабаби қўшинда ўрнатилган қаттиқ тартиб ва аскарларнинг маошларини ўз вақтида тўланмаслиги бўлган. Юнон муаррихининг фикрича, Боязиднинг вазирларидан бири Али Пошшо агар султон Амир Темурга қарши жангда ғолиб чиқишни истаса, аскарларидан ўз қарзини узиши кераклигини маслаҳат берган, бироқ бунинг фойдаси бўлмаган, яъни Боязид қарзини узмаган.

Шу муаррихнинг гувоҳлик беришича, Боязид саркардаларидан бири, султоннинг тангалари Амир Темур қўл остидаги ўлкаларда зарб этилмоқда, шунинг учун ҳам султон уларни ўз аскарларига кўрсатишга журъат эта олмапти, деб ҳазил ҳам қилган.

Боязиднинг банди этилиши хусусида эса турли ривоятлар мавжуд. Бу ривоятларга қўшимча қилиб византиялик Дукасининг кўпчиликка маълум бўлмаган ҳикоясини келтириш мумкин:

“Мовароуннаҳрлик жангчилар кичкириша бошлашди: “Султон Боязид, отингдан туш-да, сени кутаётган Амир Темур ҳузурига бор”. Шунда султон ўзининг қимматбаҳо араби отидан тушиб, мовароуннаҳрликлар уни ўз ҳукмдорлари ҳузурига олиб бориш учун тайёрлаб қўйган паст бўйли отга ўтирди.

Боязид қўлга олинганидан хабар топган Амир Темур сарпардасини тикишни буюрди ва ўғли билан форсийлар шатранж, римликлар шахмат деб атовчи ўйинга киришди. Бу билан у Боязидни банди қилиш уни қизиқтирмаслигини ва ўзининг кўп сонли лашкарлари султонни худди қафасга солинган кушдек қўлга туширишларини намойиш этмоқчи эди...

Улуғ амирнинг одамлари Боязидни Соҳибқирон чодирини олдиға олиб келдилар ва уни олқишлаб мурожаат қилдилар:

“Таслим бўлган ва қўл-оёғига кишан урилган турк Султони амрингга мунтазир!”. Амир Темур ўзини ўйинга қаттиқ берилган қилиб кўрсатар, аскарлар эса Боязидни олиб келганликлари ҳақида қаттиқроқ кичкирар эдилар. Шунда Амир Темур ўрнидан турди ва ўғлига қараб деди: “Шоҳ ва мот!”



Амир Темур портрети (руҳияти)⁸

Буюк фотиҳ руҳияти хануз баҳсталаб муаммолардан бири бўлиб, бу бо-рада аниқ бир гап айтиш қийин.

Европалик ёхуд осиелик муаррихларнинг солномаларини ўрганар экан-миз, кўз ўнгимизда Темурнинг бошқа фотиҳлар ва салтанат асосчиларидан анча мураккаб, зиддиятларга тўла қиёфаси намоён бўлади. У ўз юришларининг айрим лаҳзаларида куч ҳам ишлатади, раҳм-шафқат ҳам кўрсатади. У Александр Македонский каби ўзи забт этган ўлкалар фани, маданияти ва санъати шайдоси эди.

Унинг жанггоҳларда кўрсатган саркардалик маҳорати бор бутунича ва турфалигича ўрганилса катта китоб бўлади.

Амир Темур ўта моҳирона юритган ташқи сиёсат қатъий талаблар ва макр-ҳийлаларга шунчалар бойки, бу сиёсатнинг бош йўналиши ва асосий омилларини ажратиб олиш жуда мушкул. Яшиндек зарба беришга қодир бу қизиққон инсон сабр-бардошли ҳам бўлиб, бирор нодон рақибни чалғитиш учун, кези келганда, ўзини кўр ва қар ҳам қилиб кўрсата оларди.

Амир Темур энг оғир ҳолатлардан чиқишнинг оқилона йўлларини топа билган. У ўз фаолиятининг бошида Осиёни забт этишга шайланганида – Европа кейинги юришлар учун мўлжалланган эди – унинг ёнида атиги бир сиқим, том маънода бир ҳовуч, унинг учун жонини ҳам беришга тай-ёр ҳамроҳлари бор эди, холос. Кейинчалик Осиёнинг барча халқлари вакиллари билан ташкил топган беҳисоб лашкарлари ҳам уни севиб-ардоқлаб, ортидан эргашиб юришди. Бу лашкарларни ягона ватанпарварлик руҳи бирлаштира олмас, Амир Темур уларни ўз шахсий авторитети билан бирлаштириб ва ушлаб турарди. Ҳарбий тартибнинг метиндек мустаҳкамлиги, Марказий Осиё чўлларида, Кавказнинг муз қоплаган тоғларида, Ҳимолай чўққиларида Соҳибқирон ўз аскарлари билан барча қийинчиликларни бир-га баҳам кўриши бутун кўшинни бир жону бир тан қилиб жипслаштирган эди. Бу омилларга Амир Темур тахтга ўтирган биринчи кунидан то умрининг охиригача, яъни Хитойга юриш чоғида оламдан ўтгунича Соҳибқирон ва аскарлар ўртасида ҳукм сурган яқдилликни кўшиш лозим.

Амир Темурнинг лашкарлари ўта ҳаракатчан эдилар, суворийлар жуда қисқа муддатгагина – у ҳам бўлса дам олиш пайтларида – тулпорларининг эгарларини ечишар, йил бўйи – ёзни ёз, қишни қиш демай, жазирама иссиғу қаҳратон совуқда, кечасию кундуз, ҳар он, ҳар сонияда жанговар дўмбираларнинг биринчи зарбиданок жангга киришга шай турардилар. Зеро Амир Темурнинг душманлари кўп эди ва бахтга қарши улар Форс кўрфазидан Сибирь даштларигача, Қора денгиздан Тинч океанигача ёйилиб кетганди.

Амир Темур қурган салтанатнинг ҳуқуқий асослари самарадорлигини Наполеон жорий қилган Кодекс тамойиллари келтирган нафга таққослаш мумкин.

⁸ Brion Marcel // Le Memorial des Siecles. XIV siècle. Les Hommes. Tamerlan. Par Marcel Brion. – Paris Editions Albin Michel, 1963. – P.55 -131.



Амир Темур омадли аскар, том маънодаги таваккалчи эди.

“Темур” – “темир одам” дегани.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, Атилладан (хунлар тилида Этзел – Etzel – темир дегани) Сталингача буюк фотиҳлар ва халқлар дохийларининг исмлари ва тахаллусларида металллар муҳим аҳамият касб этган.

Амир Темур 1388 йилда, эллик уч ёшга кириб улкан салтанатнинг ҳукмдори бўлганида, худди Лоренцо де Медичини “Музаффар” деб атаганларидек, “Кўрагон”, яъни “Мунаввар” деган оддийгина унвонга эга эди.

Салтанатда диний ҳуқуқ ҳукмрон эди. Амир Темур шу қадар доно иш юритар эдики, ўзини исломга содиқлигини кўрсатар ва шу билан бирга ғайридинларга яхши муносабатда бўларди. Давлат дини, табиийки, Муҳаммад алайҳиссалом дини, уни тарбиялаган, фаол қўллаб-қувватлаб турган уламолар дини эди. Чингизхон атрофидаги шаманлар қандай обрў-эътиборга эга бўлса, унинг саройида мусулмон шайхлар ҳам худди шундай катта таъсирга эга эди. Гарчи баъзи муаллифлар барча йирик муҳорабаларда Амир Темурнинг мусулмонча раҳм-шафқатни унутиб қўйишини таъкидласалар-да, унинг диний эътиқодини шубҳа остига олишга ҳеч қандай асос йўқ. У шундай зукко инсон эдики, дин билан давлатнинг елкама-елка ҳамкорлик қилиши зарурлигини жуда яхши англари ҳамда ўзига нисбатан қаттиққўл, бошқаларга бағрикенг бўлиб, эл-юрт орасидаги хурматини дадил мустаҳкамлаб борарди.

Айнан уламолар Амир Темур билан ислом дини ўртасидаги муносабатларни белгилаб туришди, у эса ўзининг Форсга юриши учун суннийлар ва шиалари ўртасидаги нифоқни баҳона қилди – барча фотиҳлар ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш учун баҳоналарга муҳтож бўлишган... Мовароуннахр ҳукмдорини Исфахон, Бағдод ва Деҳли ўзига мафтун этар, Пекин ва Константинополь диққатини тортарди, ва, агар Оллоҳ унинг умрини узок қилганида, эҳтимол, Римга ҳам етиб келарди.

Амир Темур забт этган мусулмон давлатлардаги айрим фитначи уламолар уни иккиюзламачиликда айблашар ва маъжусий Чингизхон ясоқи ўрнига шариат қоидаларини ўрнатмаганлигини бунга далил қилиб кўрсатишарди. Аслини олганда эса ясоқ қўшинда кўчманчи халқлар вакилларидан йиғилган аскарлар орасида тартиб сақлаш учун зарур эди. Уламолар уни ҳақиқий диндорлар орасида бирдамликни бузишда ва мусулмон халқларга қарши жанг қилишда айблашарди. Бу таъналарга Амир Темур уйғур ва Или бўйилик чиғатойликларга ёхуд Деҳли султонларига ҳужум қилар экан, буни сунний мазҳабига чуқур хурмати туфайли қилишини, шиалар эса маъжусийлардан кўра кўпроқ гуноҳга ботганлигини сабаб қилиб кўрсатарди.

Бироқ уламолар юксак маданиятли бу саркардани чуқур хурмат қилардилар. У мусулмон эди, мусулмон бўлганда ҳам чин мусулмон эди.

Амир Темур юксак иродали инсон эди. Унинг сиймосида рухий қудрат ва жисмоний куч уйғунлашиб, зафарларига замин яратарди.



Ўз фуқаролари ва душманлари кўз ўнгида ҳар бир ҳаракати учун ишончли далиллар топа билиши, Чингизхон каби фақат жисмоний кучга ишонмаслигини, аксинча, рақиблари унга онгли равишда бўйсуниларини хоҳлашини кўрсатади. Унга “Сиз Оллоҳнинг ердаги соясисиз” деган илтифот хуш ёқарди. “Зафарнома”да қуйидаги жумлани ўқиш мумкин: “Оллоҳ Амир Темурга ва унинг авлодларига Осиё ҳукмдорлигини топширди, зеро унинг тинч-осуда ҳукмронлиги остида халқлар роҳат-фароғатда ҳаёт кечиришлари лозим эди”.⁹

XIV аср сўнгида ва XV аср бошида қудратли салтанат тузган Амир Темур *тинч-осуда* ҳукмронлик қила олмасди. У забот этган ўлкаларни ўта ҳушёрлик, исёнкорларни қаттиқ жазолаш эвазигагина итоатда ушлаб туриш мумкин эди. Забот этилган ўлкаларда кўркув, ваҳима уруғини сепибгина исёнларнинг ва эзилган халқларда миллий туйғу уйғонишининг олдини олиш мумкин бўларди. Испан элчиси Клавихони ва араб муаррихларини ҳайратга солган алоқа ҳамда айғоқчилик хизматлари салтанатда йўлга қўйилган эди. Бироқ Осиёнинг бир бурчагидан иккинчисига тинмай от қўйиб юрган ҳукмдор куч-қудрати агар барча фуқаролари ўзларини доимий назорат остида сезсалар ва бирор норозилик белгисини намоиш этишлари билан у яшиндай қайтиб келишини ҳис қилиб турсаларгина самарали бўларди.

Амир Темурдан олдин ўтган бирорта ҳам мўғул ёки турк фотиҳи у каби доно ва маданиятли бўлган эмас. Атилла ва Александр Македонскийда алоҳида-алоҳида мавжуд бўлган қарама-қарши хислатлар Амир Темур шахсида ғалати бир уйғунлик ҳосил қилгани кишини ҳайратга солади. Чингизхон каби муҳорабани яхши кўриб, жанггоҳларда лашкарлари билан ёнма-ён туриб курашса-да, бунёдкорликда Людовик XIVдан юқори эди. Агар биз тарозининг бир палласига у вайрон этган шаҳарларни, иккинчисига қурган Самарқанд мўъжизаларини қўйсак, бу ёдгорликлар санъат ва маданиятга етказган зарарлари ўрнини ошиғи билан коплайди. Йўкса, унинг адабиёт, меъморчилик ва мусиқага муҳаббатини, форс шоирларига, Месопотамия санъаткорларига кўрсатган ҳурмат-эҳтиромини қандай изоҳлаш мумкин?

Амир Темур ўзи айтиб ёздирган воқеалардан, солномачиларининг ҳикояларидан унинг руҳияти тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ деб бўлмайди. Замондошларида ва келгуси авлодларда даҳшатли таассурот қолдиришни истаган Атилла ва Чингизхондан фарқли ўлароқ, Амир Темур одамлар уни оқил, совуққон, очикқўнгил, адолатли, саховатли бўлгани учун ҳурмат қилишларини истарди.

Мохир дипломат ва адолатли ҳукмдор Амир Темур ўз нутқларида, араб муаррихларию ажнабий элчилар билан қурган суҳбатларида ҳамда Европа ҳукмдорлари билан ёзишмаларида ўзига хос донолигу фикр ва туйғуларининг саралигини намоиш этарди. У ўн олти ёшидаёқ “дунё илон ва чаёнлар тўла олтин сандикдан иборат”лигини яхши биларди.

⁹ Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”си назарда тутилмоқда – Б.Э.



Жанглар, сиёсат ва дипломатия унга куйидаги оддий ҳақиқатни ўргатган эди: “Нодон дўстдан доно душман афзал”, “Ўн минг киши билан узоқда юргандан кўра, ўн киши билан зарур жойда бўлган маъқул”. Ўз муҳрига “Куч – адолатда” деб ёздирганида у ҳақ эди. Таваккал қилиб ва фақат бугунни ўйлаб иш кўрган барча таваккалчилар каби парагматик фотиҳ баъзан яшиндек тез бир қарорга келар, баъзан узоқ ўйланарди. У ўз фарзандларига давлатни бошқариш ҳақида куйидаги ўғитларни берган эди: “Салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш ила ўлур”.

Амир Темур ўғли Мироншоҳга Халокухон улусларини топширар экан шундай насиҳат қилган: “Сен ўз номингни абадийлаштириш заруриятини кўрмоғинг ва бу фоний дунё воқеа-ҳодисаларидан йироқ турмоқ чорасини топмоғинг лозим”.

Амир Темурнинг табиати ва амалга оширган ишлари ҳақида шарқлик муаррихлар ёзиб қолдирган барча маълумотларни ҳам жиддий деб ҳисоблаб бўлмайдилар, уларнинг кўпчилиги буюк фотиҳни қоралаб тасвирлашган, жумладан Ибн Арабшоҳ шундай йўл тутган.

Ҳасадгўй муаррихлар Амир Темур қурбонлари сонини бўрттириб кўрсатган, деб ишонгинг келади, бироқ рақамлар ушбу вазифа учун махсус тайинланган амалдорлар томонидан белгиланиб, аниқлаштирилганидек таассурот туғдиради.

Амир Темур рақиби Тўхтамишхон билан иттифоқ тузган Москва князи Василий I Дмитриевични жазоламоқчи бўлган ва шу мақсадда Волга бўйида жойлашган, Сарой ва Аштархон шаҳарларига кучли зарба берган.

Айримлар Соҳибқироннинг нафақат Россияга, балки бошқа ўлкаларга қилган юришлари чоғида ҳам кўплаб қурбонлар бўлган деган фикрларни билдирадилар.

Амир Темурнинг бепарволиги туфайли амалга оширилган талончиликлар натижасида асосан ўша даврдаги Осиёнинг энг маданиятли ва энг ривожланган учта шаҳри қаттиқ азият чеккан. Булар – Исфажон, Дамашк ва Бағдод. Бу шаҳарларда Амир Темур олимлар, уламолар, шоирлар ва санъаткорларни ўз ҳимоясига олади, уларга ғамхўрлик қилди. Унинг бу ҳаракати маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, унга илм ва санъат аҳли посбони, юксак даражада маданиятли ҳукмдор деган шухрат келтирди.

Болалигида шайхлар тарбиясини олган ва улғайгач ҳарбий юришлари чоғида турфа мамлакатларнинг энг билимдон инсонлари билан мулоқотда бўлган бу киши, шубҳасиз, маданиятни чексиз ҳурмат қилган, илм-фан муаммоларига чуқур ёндашган. У дунёга келган барлос уруғи камбағаллашиб қолганига қарамай, чуқур фикр юритувчи ва ҳалол кун кўрувчи инсонлардан ташкил топган эди.

Амир Темурнинг пойтахти ва саройларининг ҳашамати ажнабий ҳукмдорлар ва элчиларни мафтун этган. Соҳибқирон уларни кийим-боши, курул-яроғи, сермаёно нутқи билан лол қолдирарди. У оқсувсар мўйнасидан тикилган, жавоҳирлар билан безатилган телпак кийиб юрар, салла ўрамаган эди.



Амир Темурни Чингизхонга қиёслаш жиддий хато, чунки у мўғул эмас турк бўлиб, у туғилган жамият қишлоқ хўжалиги билан шуғулланар, она заминга қаттиқ боғланиб қолган эди.

Инсон руҳиятининг бу зукко билимдони на бирор рақибини афв этишда ва на бирор дўстидан шубҳа қилишда ҳеч қачон адашмаган. Вақт унинг учун хизмат қилган, яъни у кута билган, ҳал қилувчи зарба бериш учун қулай муддатни ҳатто йиллаб кутган ва, аксинча, пайти келганда тўсатдан ҳаракат қилган. Фақатгина макон унинг режалари тўлиқ амалга ошишига тўскинлик қилган, ҳаракатини чеклаган. Салтанати кенгайгани сари, қудрати сусайган, яъни чегаралар кенгайгани сари бошқарув қийинлашган. Бироқ, қулай пайтда биринчи бўлиб ҳужум қилишга мажбур бўлган, йўқса ўзгалар унинг ўзига ноқулай пайтда ҳужум қилишлари мумкин эди.

Александр Македонскийдан бошлаб барча фотиҳлар ҳар доим ўз зафарларига ишонган ҳолда жангга кирган десак, хато қилган бўламыз. Атилла ва Наполеон каби буюк саркардалар ҳаётида шундай дақиқалар келганки, улар бўлажак муҳорабада ҳалокатга учрашларини тўлиқ англаган ҳолда жангга киришга мажбур бўлганлар, зеро уларнинг бошқача йўл тутишга иложлари қолмаган. Бироқ, улардан фарқли ўлароқ, Амир Темур қаерда ва ким билан жанг қилмасин энг қудратли салтанатларда – мамлукларга қарши, усмонли туркларга қарши, эронийларга қарши – ҳар сафар омад унга ёр бўлган. Аминмизки, унинг Хитойга қарши бошлаган юриши, агар у бевақт оламдан ўтмаганида, албатта, зафар билан тугарди. Зеро, у агар ўзи биринчи бўлиб рақибига зарба бермаса, таваккал қилмаса, бир кунмас бир кун рақибини унга ҳужум қилиши мумкинлигини ҳам, ана шунда жанг вақти ва масканини ўзи танлай олмаслигини ҳам жуда яхши биларди. Унинг Олтин Ўрда ва Тўхтамишни маҳв этишни пайсалга солиб юришига асосий сабаб ҳам оқибати нима билан тугаши номаълум муҳорабадан воз кечиш ва ихтилофни тинч йўл билан ҳал қилиш истагидир.

Амир Темур учун уруш энг сўнгги чора бўлган. Ёшлигида, дарбадар юрганларида бирорта ҳам муваффақиятсизлик уни тушкунликка тушира олмаган, бироқ у омад ҳар доим ҳам ўзига ёр бўлишига ишонган эмас. Аммо тахтга ўтиргач, салтанатини донолик ва эҳтиёткорлик билан бошқарган. Буюк саркарданинг сиёсатга бўйсунмай иложи йўқ эди. У нақадар жасур жангчи, моҳир лашкарбоши бўлишига қарамай уруш унинг учун энг сўнгги чора эди ва урушни раҳм-шафқат уруши, муқаддас уруш деб биларди.

Унинг Қипчоқ хони Тўхтамишга нисбатан бепарволиги хавфли кўшнига нисбатан ожизлик аломатидек кўринади, бироқ бу бефарқлик аслида нозик сиёсат белгиси эди. Амир Темур бу нонкўрни жазолашга аҳд қилганидан кейин бу ишга ўн бир йил (1387-1398) сарфлагани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

Амир Темурнинг бошқа рақибларидан фарқли ўлароқ, Тўхтамиш унинг саховатига муяссар бўлди, ундан усталик билан фойдаланди ва охири хиёнат қилди. Амир Темур тахтга ўтиргач, уни ўз ҳимоясига олган, Оқ Ўрда хони Урусга қарши курашида қўллаб-қувватлаган, зеро улуғ амирнинг пи-



ровард мақсади Мовароуннахр билан Қипчоқ хонлиги ўртасида Тўхтамиш бошчилигидаги буфер давлат тузиш эди.

Амир Темур Тўхтамишни жуда кўп кечирган. Фикримизнинг далили сифатида бунга қуйидаги бир мисолни келтирамиз:

1386 йил Озарбайжонда эски дўстларнинг лашкарлари илк бора тўқнашади. Амир Темур қўшини Тўхтамиш аскарларини асир олганда ғаройиб томоша рўй беради. Голиб асирларни ғайритабиий меҳрибонлик билан қаршилади, уларни озод этиб, ўз ҳукмдорлари ҳузурига қайтариб юборди. Улар орқали ношукр мўғулга, гўё ўғли йўл қўйган хатога кўз юмишга тайёр отадек гина-кудуратли мактуб йўллади. Тўхтамиш бу муруватга Мовароуннахрга тўсатдан ҳужум қилиш билан жавоб берди. Амир Темур ёнбошида Тўхтамишдек уришқоқ рақиби бўла туриб, Эронга қарши юришни давом эттириши хавфли эди. Шунинг учун, Тўхтамишни бир ёқли қилиш керак эди. Бироқ Улуғ амир Ўрданинг ҳужумларини истар-истамас қайтаравериб чарчади, бунинг устига Тўхтамиш буюк аждоди қўллаган усулни ишга солиб, ҳал қилувчи тўқнашувларга озгина қолганида даштарларга қочиб кетарди. Оғир иқлим, ҳосилсиз тупроқ, совуқ, очлик рақибига аниқ отилган камон ўқидек натижа берарди.

1387-1398 йилларда Амир Темур қўлга киритган зафарлардан ажабланмай иложимиз йўқ, зеро айнан шу йилларда қўшинининг катта қисми шимолда Ўрдага қарши жанг қилиш билан овора бўлиб, гоҳо мўғуллар ортидан бесамар қувиб юрар, гоҳо Тўхтамиш билан юзма-юз жангга кирарди. Бироқ Амир Темур Тўхтамишни енгиш учун эмас, унинг ҳамлаларини қайтариш учун ўн бир йил сарфлаган. Бу бир томондан, Оқ Ўрда ва Олтин Ўрданинг қудрати баландлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ўша замон ҳукмдорларининг Чингизхон авлодларига, айниқса, бошқа беғам хонлардан фарқли ўлароқ, буюк бобосига ўхшаш хислатларни намойиш этган Тўхтамишга бўлган деярли илоҳий ҳурмати билан боғлиқдир. Эски дўстлик ҳурмати учун эмас, айнан шу сабабли, Амир Темур ўч олишни орқага суриб юрарди. Ҳар сафар Чингизхон авлодидан чиққан бу шахзодани асир олишга ёки муқаддас кони тўкилишига йўл қўйиш мумкин бўлган қулай пайтда унга чекиниш ва соғ-омон қутилиш учун имкон яратарди.

Ҳар қандай ишга мардона кирувчи, узокни кўра билиб, ўз олдига қўйган мақсадини икир-чикиригача, албатта, амалга оширувчи ва ҳар қандай хатарли таваккалчиликлари ҳам зафарга элтувчи бу инсон чиндан ҳам Худонинг танлаган бандаси эди. Дин аҳли буни жуда тез англаган ва дилбар доруссалтанат – Самарқанд остоналарига душман яқин келиб қолганида, кўлига қурол олиб, уни ҳимоя қилганди.

Қачонлардир Чингизхон урушлари келтирган кулфатларни унутмаган Европа қироллари осиелик янги фотиҳнинг юришларини ташвиш ила кузатиб боришар, у ҳам бир куни келиб, бутун ер юзига ҳокимликни даъво қилишидан чўчишарди. Бироқ, ғарб қироллари бир нарсага умид қилишарди, ер юзида ҳокими мутлақликка даъвогар бу икки куч тўқнашса, бундан насронийлар фақат наф кўришарди. Шундай бўлмай иложи йўқ



эди, зеро Осиё бу икки кудратли фотиҳга торлик қилиб қолган эди. Турк султони Боязид 1396 йил Никополис шаҳри яқинида европаликларнинг бирлашган қўшинини маҳв этгач, унинг салтанати Европада Тракия,¹⁰ Македония, Болгария, Сербияни ўз ичига олган, Осиёда эса Амир Тему́р салтанати сарҳадларигача бориб қолганди. Икки йирик салтанат ўртасидаги чегарадош давлатлар – Арзум ва Арзинжон амирликлари, охир-оқибат Йилдирим ва Кўрагон ўртасида нифоқ чиқишига сабаб бўлди.

Амир Тему́рнинг Боязид билан жангга кириш учун тайёргарлиги юқори таҳсинга лойиқ. Жумладан, турк султониға қарши курашдан олдин Сурияни олиши тўғри танланган ҳарбий усул эди.

Амир Тему́р шундай буюк заковатға эга эдики, бир пайтнинг ўзида бир неча ғаним билан курашиш лозим бўлса, бирин-кетин энг кучсизларини маҳв этиб, сўнг кучли рақибға қарши курашарди.

Боязиднинг қўшини сафида насроний вассаллардан тузилган ёрдамчи қисмларда серблар, болгарлар ва юнонлар хизмат қилишарди. Султон лашкарлари ҳаммаси бўлиб, ярим миллионға яқин жангчидан иборат эди. Амир Тему́р эса саккиз юз минг кишини саф торттира оларди. Шарафиддин Али Яздий келтирган ушбу рақамни жаноб Люсьен Бува ҳам тасдиқлайди. Бунинг устиға Амир Тему́р қўшини таркиби деярли бир хил бўлиб, асосан турк ва мўғуллардан ташкил топган эди. Боязид бирлаштирган насроний қисмлар энг оғир синовларда пишган саҳройи суворийлардек жангда шижотат, жасорат ва матонат кўрсата олишлари эҳтимолдан йироқ эди. Амир Тему́р Ҳиндистондан келтирилган жанговар филларға ҳам катта умид боғларди, зеро бу жониворлар Боязид аскарларига даҳшат солишға қодир эди.

Рақиб қўшинлар 1402 йил 20 июлда эрта тонгда Анқара ёнидаги Чибукободда тўқнашди. Ушбу сана Али Яздий томонидан келтирилган, византиялик муаррих Жорж Сфрантес эса жанг июль ойининг 28-сида содир бўлган дейди. Марино Санидо ҳам ўзининг *Vite dei duchy de Venezia* асарида ушбу санани келтиради. Замонавий муаррихлар ҳам асосан сўнгги санани маъқуллайди.¹¹

Банди қилинган Боязидни Амир Тему́р ҳузуриға келтирганларида у шахмат ўйнаётган эди. Улуғ амир пинагини бузмай қуйидаги жумлани айтади:

“– Вожаб, нахотки Оллоҳ бу дунёда барча кучни бир чўлоғу бир кўрға берган бўлса”.

Бу билан у ўзининг ногиронлигига ва Боязиднинг ўзи билан тўқнашишға олиб келган сиёсий ожизлигига ишора қилган эди. Мағлуб бўлган султоннинг ҳурматини жойига қўйиш баҳонасида, аслида эса мағлубият алами ва уятни янада чуқурроқ ҳис қилдириш учун Амир Тему́р уни ўз ғалабаси шарафига уюштирилган барча тантаналарда қатнашишға мажбур этди. Бу маросимларда султон нишонларини тақиб, тожини кийиб юриши лозим эди. Яна қочиб кетмаслиги учун панжараланган тахтиравонға ўтқазиб

¹⁰ Тракия – Европанинг жануби-шаркидаги қадимий ўлка. Юнонлар Болкон ярим оролининг шарқий қисминини эгаллаб Дунайдан Эгей денгизигача борган бутун қисминини Тракия деб аташган. (Б.Э.)

¹¹ Бу ўринда хижрий ва мелодий йил ҳисоблари ўртасидаги фарқни унутмаслик лозим. Али Яздий табиий хижрий ҳисобдаги санани айтган. Бу ўринда ғарб тарихчиларини билимдон қилиб кўрсатиш тўғри эмас.



кўйдилар, бу эса уни ваҳший ҳайвондек қафасга солиб кўйдилар деган афсонанинг туғилишига сабаб бўлди.

Бу афсонанинг туғилишига усмонли тарихчи Уриж ибн Одилнинг асарини австриялик муаррих Франц Бабингер нашр эттиргани сабаб бўлган. Асардан келтирилган парчада айтилишича бу “афсона” реал фактларга асосланган эмиш. Бу ҳақидаги маълумотлар Н.Мартиновичнинг “*Journal asiatique*”да эълон қилинган мақоласида келтирилган.¹²

Боязид тор-мор этилди ва Амир Темур ўз навбатида насронийларнинг ваҳимасига айланди. Анқара ғалабасидан сўнг европалик кироллар унга йўллаган табрикларидан Константинополь таслим бўлиши арафасида усмонли турклар таҳдидидан қутулганликларидан шодликларини изҳор этган эдилар. Бироқ Амир Темур бундай олқишу мақтовларга берилган одам эмасди.

Амир Темур берган қақшатқич зарбадан кейин усмонлилар империяси йўқ бўлиб кетиши лозим эди. Лекин бунинг акси бўлиб чиқди. Орадан ўн йил ўтар-ўтмас турк ҳукмдорларининг янги авлоди етишиб чиқди ва қирқ йилдан сўнг византия империясига якун ясади.

Амир Темур барпо этган салтанатни *patchwork*га – турли-туман ва ранг-баранг матолар қийқимларидан тикилган дастурхонга таққослаш мумкин.

Улар (забт этилган салтанат таркибига кирган ўлкалар – Б.Э.) турли сифатли ва турфа рангли матолардан тикилган кўрпага ўхшарди, унинг ўзи бу лахтақларни бир-бирига сабр-тоқат ва матонат билан тикиб чиққан бўлиб, кўрпанинг нақадар нозиклигини жуда яхши биларди.

У ҳиндлар, усмонли турклар ва мамлукларнинг давлати каби ривожланган мамлакатларга маданият олиб киришга даъво қилмасди. Забт этилган ўлкаларнинг давлат қурилишига беҳад қизиқиши, ғарб санъатидан ташқари маҳаллий халқларнинг меъморчилиги, ҳунармандчилиги ва шеъриятига ихлос қўйганди.

Бироқ шу билан бирга Амир Темурда Отилахонга (Аттилага) хос худбинлик, ўтроқ инсонни ёмон кўрувчи ва ҳатто унга хасад қилувчи кўчманчига хос ашаддий ваҳшийлик йўқ эди.

Ўтроқ инсонни ёмон кўрувчи ва ҳатто, хасад қилувчи кўчманчи деганимизда биз Чингизхонни назарда тутмоқдамиз.

Шундай қилиб, Амир Темур ким билан мулоқотда бўлаётганига қараб, турлича муомала қилган.

Кўҳна маданиятли мамлакатлар орасида Осиё пойтахтлари ичида энг гўзал ва энг бой шаҳар Самарқанд султони, адабиёт ва санъатнинг шайдоси, муаррих ва шоирлардан ўз марҳаматини аямайдиган, саройидан меъмор ва рассомларга жой берган ҳукмдор сифатида намоён бўлади. Томирларидан кўчманчиларнинг қони оқиб турган мўғуллар ва турклар наздида у Чодирлар ҳукмдори, Урал тоғларидан Форс бўғозигача, Чин сарҳадларидан Дамашқ ва Трабзонгача бетиним кезиб юрган толмас жаҳонгир эди.

Кўҳна турк-мўғул қўшинини ўтроқ салтанатларга бошлаб бориш ва ис-

¹² *Journal asiatique*, Paris, t. 211. – P. 135-137.



тило этилган ўлкалар халқларидан мовароуннаҳрликларнинг юқорилигини тан олдириш, уларни бўйсунушга мажбур миллатлар деб ҳисоблаш, бу – аждодларнинг одатларини эъозлаш эди. Йўқса, Чингизхон ўлимидан сўнг тўлақонли кўчманчи идеали ўз моҳиятини анча йўқотганлиги сабабли унинг турк ва мўғуллар нима учун ўз султонлари аждодларидан ўзгача йўл тутаётганини тушунолмасдилар. Ҳарбий юриш чиндан ҳам суворийни икки томонлама кониктирарди: ҳаракатсизлик келтириб чиқарувчи фалокатдан, руҳий ва жисмоний инкироздан қочиб, ўз масканини бетўхтов ўзгартириб туриб, бойлик орттириш истакларини амалга ошириш. Бу томондан ҳам Амир Тему́р фуқароларининг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқара олди.

Гарчи Самарқанд мўъжизалари уларни мафтун этса-да, ўтроқ ҳаёт қулайликлари, бойлиги, ҳашамати кўпчиликни кониктирмас, фикр-ёдларини бир зумлик маскан – тез ўрнатилиб, тез бузиладиган, вақтинчалик ҳолатини сақлаб қоладиган чодир ёки ўтов банд этарди.

Амир Тему́р кўчманчи эмасди, бироқ сиёсат мажбур қилганида ёхуд аждодларининг инстинктлари ундаги тарбия ва маданиятдан устун келганида, у яна отига минарди. Ҳаётининг катта қисми чодир остида ўтган бўлса-да, у “Яшил шаҳар” соясида дунёга келиб, шаҳарликка айланган, вужудида ўтроқ ва кўчманчи инсон хислатлари ўзаро кураш бошлаган эди.

Амир Тему́рнинг барча фаолияти вужудида кечиб турган ана шу “кураш” билан боғлиқ. Тему́р юришларининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шу “кураш”да.

Бири, молларини боқиш учун, иккинчиси, экин ўстириш учун ер талашаётган чўпон ҳамда деҳқон ўртасидаги қарама-қаршилик қанчалик эскирган бўлишига қарамай, XV аср бўсағасида ҳам худди Чингизхон ва Отилахон замонасидек Осиё сиёсатини белгилаб турарди. Бу курашда икки иқтисод, икки сиёсат, икки мафкура ва икки макон тўқнашади. Ҳаракатсизлик ва ҳаракат ўртасидаги қарама-қаршилик маконни икки хил қабул қилишга асосланади.

Амир Тему́р сўнги, Хитойга бошлаган юришининг негизида ҳам мана шу қарама-қаршилик, мана шу кураш ётади.

Чингизийлардан халос бўлган Минг сулоласи Чиғатой халқига нисбатан нозик бир ҳолатда турар, иккала томон ҳам бевақт муҳораба бошланиб кетишидан чўчиб, бу ҳолатга равшанлик киритишни истамасди. Бироқ, Амир Тему́р шахсиятига тегувчи бу ҳолат узок давом этиб туролмасди, зеро Тўхтамиш ва Боязидни енгиб, Ҳиндистон, Кичик Осиё ва Эронни забт этганидан сўнг ўтроқ бир халқнинг ҳукмдори унга ўз вассалидек қарашига чидай олмасди.

Амир Тему́р табиатидаги бу хислат унинг бунёдкорлик фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Тему́рнинг бу фаолияти, айниқса, Самарқандда амалга оширган ишлари юксак эътиборга лойиқ. Самарқанддаги барча иморатлар, шаҳардаги ва шаҳар атрофидаги жаннатмонанд боғлар жуғрофий жиҳатдан қулай ҳолда барпо этилган. Янги Самарқанд қиёфасини яратишда Амир Тему́р ўзга мамлакатларнинг пойтахтларига кўр-кўрона тақлид



қилишни истамаган, аксинча, уларнинг энг характерли, энг нафис томонларини олишга ҳаракат қилган.

Шу билан бирга пойтахт меъморчилигида Амир Темур табиати акс этган. Бу барча буюк бунёдкорларга хос нарса, у шахарни ҳам ҳашаматли, ҳам оддий, ҳам дабдабали, ҳам содда, ҳам ақлларни лолу туйғуларни ром этадиган, ўз табиатига мос кўринишда бунёд қилдирди. Бу билан ўзининг меъморчилик соҳасида ҳам чуқур билимга эга эканлигини кўрсатди.

Худди Людовик XIV Версаль курилишини маромига етказишга интилганидек, у ҳам пойтахт курилишининг барча икир-чикирларигача қизиқарди. Юришлар орасида шахарда дам олар экан, курилиш майдонларига борар, одамларга далда берар, меъморларнинг хатоларини тўғриларди.

Темур бунёд эттирган биоларнинг ўлчамлари ақлни лол қолдиради, бунда ҳам биз юқорида тилга олиб ўтган Соҳибқирон табиатининг икки қирраси намоён бўлади.

Жоме масжидининг мрамар шифтини тўрт юз саксонга тош устун кўтариб туради. Суза ва Персеполисдаги аҳамонийларнинг беҳисоб устунли саройларини ёдга солувчи бу улкан заллар “кенглик шайдоси”га худди олов каби чексизлик, мангуликни ҳис қилиш имконини берарди. Амир Темур кенглик шайдоси сифатида, хаётига қўйиладиган ҳар қандай тўсикка, чегарага чидай олмайдиган бунёдкорлигича қолган эди.

Маълумки, Амир Темур баъзан меъморлар бунёд этган, бироқ унинг кўнглига ёқмаган биоларни буздириб, қайта қурдирган. Бунинг сабабини ҳам унинг табиати билан, “кенгликларни кўмсаши” билан изоҳлаш мумкин.

Шундай қилиб, у қуриб битказилган саройларни буздириб, қайта қурдиришгача ҳам борарди, чунки унга бу биоларнинг ўлчамлари ўртамеъна ёхуд номутаносиб кўринарди. Биоларни янада яхшироқ қилиш баҳонаси остига яширинган бу қоникмаслик ҳисси, эҳтимол, ундаги боболаридан қолган мероснинг асоратидир, эҳтимол ҳамон бунёд этилаётган пойтахтга муҳаббатида пайдо бўлган хурофий бир истакнинг ифодасидир.

Амир Темур ўз аждодлари каби от устида яшади ва оламдан ўтди. Доимо отда юриш, эркин ва озод ҳаётни кўмсаш, унга интилиш туйғуси нафақат Амир Темур фуқароларининг, балки унинг ўзининг ҳам фикри ёдини тарқатмаган.

Амир Темур табиати ўлимидан олдин айтган сўнгги сўзларида аниқравшан намоён бўлган:

“Мен оламдан ўтгач кўзёш тўкиб, фиғону фарёд қилмангиз, зеро аларнинг нафи бўлмағай. Шу пайтгача ўлим на кўзёши ва на фарёдлардан чекинган. Кийим-бошингизни йиртиб, ақлдан озгандан, турли тарафларга югургандан кўра менга Оллоҳдан раҳмат сўранг, қиёмат куни руҳим енгил бўлиши учун дуои фотиҳа қилинг. Тартибсизликларга йўл кўйманг”.



Жасур жангчиларни тақдирлашдаги саховати, баҳодирларга илтифоти, жанггоҳларда кўрсатган шахсий жасоратлари эл орасида унинг обрў-эътиборини ошириб, исмини афсоналарга жо қилди. Унинг бекиёслиги ҳақидаги кўплаб кўшиқлар балки Марказий Осиёда бугун ҳам жаранглаётгандир. У қудратли саркарда, моҳир сиёсатчи, буюк бунёдкор сифатида, барлос уруғининг оддий хислатларини юксак маданият белгиларига муштарак этган инсон сифатида тарихда қолди.

Париж: Альбэн Мишель нашриёти, 1963.

**Француз тилидан Баҳодир ЭРМАТОВ
таржимаси**

ҲУКМАТ

**Сўз борқим, эшиткучи танига жон кюрур
ва сўз борқим, айткучи бошин елга берур.**

Алишер НАВОИЙ



УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ



Рауф ПАРФИ

Ўзбекистон халқ шоири. 1943 йилда туғилган. Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) таҳсил олган. “Карвон йўли”, “Акс садо”, “Тасвир”, “Хотирот”, “Кўзлар”, “Қайтиш”, “Сабр дарахти”, “Сукунат” каби шеърий китоблари нашр этилган. Шоир 2004 йилда вафот этган.

Дилимни порлатиб ёнар... чироқ

* * *

Бир сўз бор.
Беғубор тонг каби гўзал,
Тонг чоғи очилган ғунча каби,
Ғунчада шабнам каби мусаффо.

Ширин туйғуларнинг
Ширин фарзанди,
Осмон каби бепоён кўзлар севинчи янглиғ
Бир сўз бор.

Бир сўз бор.
Ҳақиқат сўзидан ҳам юксак,
Ҳақиқатнинг ўзидан ҳам юксак,
Бир сўз бор.



* * *

Сув остида ялтирайди тош,
Харсангларда синади сувлар.
Хаёлларим сингари бебош
Тошларда ўйноқлар охулар.

Мавжлар каби жимирлайди жон,
Япроқдек қалтирар нигоҳим.
Тўлқинлар устида паришон –
Севинчларим, чекилган оҳим.

Борини чекаман асабий,
Имонимда аллақандай куч,
Аллақандай қудрат бесабр,
Аллақандай шаклсиз севинч.

Кўзимда қумларнинг ўйини,
Ўйларимда гиж-гиж соқов тош.
Нелар бузди, шоир, ўйингни,
Бунча хурсанд кўзларингда ёш?

Нелар керак менга ўзи? Оҳ!
Кўксимни синдираар харсанглар.
Кафтимга тўкилар бир наво,
Не наводир – ким уни англлар?

Сув остида ялтирайди тош,
Харсангларда синади сувлар.
Хаёлларим сингари бебош
Тошларда ўйноқлар охулар.

* * *

Автобус деразасидан қараб кетсанг
Узоқ-узоқларга,
Масофалар сувратини олиб кўзларга.
Хусусан, ой булутлар орасига беркиниб турса,
Хусусан, юлдузлар сўнганда,
Хусусан, зим-зиё тун чоғи.
Айниқса, шаҳарнинг шовқини сени зериктирса,
Айниқса, севгилинг севмаса сени...
Айниқса, ғийбатлар тўқиса
Дўстларинг
Ўйроқларга қочар қисматлар,
Автобус деразасидан қараб кетсанг.





* * *

Кундуз ўйга чўмар, тун якин
Осмон янглиғ оқшом шарпаси –
Олис уфқ сўнггида ёрқин
Куннинг қизил шоҳи пардаси.

Кечки қуёш турмаклар сочин,
Жозибали бўлар эртага.
Ана, кўк ҳам маржонлар сочди –
Кенгликларнинг мовий эртагин.

Далаларда эсар шаббода,
Эгилади нозик чучмома,
Ялпизларнинг баргидан шода –
Шода шудринг жимгина томар.

Жозибали бўлар эртага.
Севги фасли асл ва бедоғ:
Кумуш ҳаволардан ўртиги
Гўзаллиги билан яшнар тоғ.

* * *

Чирок. Чирок ёнар бўзариб.
Жим. Тинглангиз унинг куйини.
У бир кўшиқ айтар дўстларим,
Саҳаргача айтар куйиниб.
Чирок. Чирок ёнар бўзариб.

Чирок ёнар – севимли орзу,
Чирок ёнар – сўнгги йўқ ҳасрат.
Дилимни порлатиб ёнар у,
Чирок ёнар – энг гўзал қисмат,
Чирок ёнар – севимли орзу.

Чирокни тинглангиз, одамлар,
Қаршисида эгиб туринг бош.
Сизни куйлар у тонгга қадар,
То навбатни олгунча қуёш.
Чирокни тинглангиз одамлар.

* * *

Кўзларимга тўлиб қолган нимадир,
Томоғимга текилиб қолган нимадир, ахир,
Ким айтади, сен айтмасанг агар, гунафша?

* * *

Юлдузларга мен ҳам қарайман,
Юлдузлар – самовий бир хат.
Мен кўпроқ заминга ярайман,
Менга керак ердаги ҳаёт.

Юлдузларга қарайман мен ҳам,
Юлдузлар – чатнаган орзулар.
Хув, мискин кезадир бир одам –
Кўксида ёнмаган юлдузлар.

Юлдузларга қарайман мен ҳам,
Баъзида келадир ҳавасим.
Баъзида босадир оғир ғам,
Баъзида етмайдир нафасим.

* * *

Бу қандай оролдир – осмон кўринмас,
Бу қандай дарёдир – кўринмас соҳил,
Биз шу қадар ночормиз, севгилим?!

* * *

Деразамга урилади қор,
Жаранглайди жарангсиз кумуш.
Деразамга урилади қор,
Қор сингари оппоқ бўлди туш.

Бир ажойиб қор ёғар бу кеч,
Учиб тушар менинг ёнимга.
Менку сени ўйламасман ҳеч,
Сен тушасан аммо ёдимга.


* * *

Термиламан олис уфққа,
Ботган кундан қолмишдир доғлар.
Ёмғир урар қоронғиликка,
Совуққина шовуллар боғлар.

Яна келдим маҳзун гўшага,
Бунда бир най ётибди синиб.
Кўй, сиғинма ортиқ ўшанга,
Кўй, сиғинма унга севгилим.

Мен ҳеч нарса сўрамасман, дилбар,
Ўтмишингдан сўзлама зинҳор.
Мен ҳам бир бор севганман, етар.
Қарасанг-чи, атрофда баҳор.





Поль ЭЛЮАР

Француз шоири. 1895 йилда тугилган. 1917 йилда нашрдан чиққан биринчи шеъррий тўплами биланоқа адабий жамоатчилик эътиборига тушиди. “Боқийликдан фонийлик сари”, “Қақнус” тўплamlарига кирган шеърлари, “Герниканинг галабаси” достони шоирни XX аср Европа илгор адабиёти намояндalари қаторига киритди. Шоир 1952 йилда вафот этган.

Сукунат тарозиси

Гўзал ва ўхшаш

Кун сўнггидаги бир чехра
 Куннинг хазонлари аро бир бешик
 Тугаётган яланғоч ёмғир
 Бутун бошли куёш яширин
 Булоқларнинг булоғи замин тубида
 Барча кўзгуларнинг синик кўзгуси
 Сукунат тарозисидаги бир қиёфа
 Барча тошлари сингари бир тош
 Куннинг сўнгги нурларининг соққони учун
 Унутилган барча қиёфаларга ўхшаш қиёфа





Ички кечинмалар

I

Кирасан сирғалиб совуган ҳаводек
Тўшакка гуллар опа сингилларинг
Оға иниларинг эса мевалар
Тугаётган мавсумларининг
Камалак рангли нур
Такрорланаётган пасту баландлик
Қўлларинг кўзларинг ва сочларинг
Қучоқ очадилар янги абадий
Эврилишларга
Ишон ишон ишон
Табассум қилишингга ўзингга ўзинг
Илк бора
Ишон
Ўзингга табассум қилишингга
Абадий
Ўлим ҳақида ўйламасдан

II

Шиддат билан сенинг шарпанг
Эзғилайди тунни ғижжак устида
Келиб ўрмонларда қил ҳукмдорлик
Тўфонларнинг ҳамлалари
Ўзига йўл ахтарар сенинг уйингдан
Сен эҳтирослари ўйлаб топилган
Шахслар қаторидан эмассан
Ташналигингда кўпроқ зиддият
Чўккан аёллардан
Кел бу ерга бўсани ичгил
Сени ғамгин қилган оловга бўйсун

III

Муздаги қайси куёш тухумни эритиб юбораётган
Қандай ғалати омад баҳор келиб қолди бир зумда





IV

Куйдирувчи ҳам ёввойи кучнинг чехраси
 Қора сочлар ичра олтин Жанубга оқар
 Гуноҳкор тунларда
 Олтин ютиб юборади нопок юлдузни
 Ҳеч ким бўлишмаган тўшакда
 Чакка томирларда
 Худди сийналарнинг учидагидек
 Ҳаёт бўйин згмайди
 Кўзларни ўйиб олмас ҳеч ким
 На уларнинг ёлқинини ва на ёшларини ича олмайди
 Қон улардан устун ғалаба қилади фақат ўзичун
 Тузатиб бўлмас қуюшқондан чиққан
 Фойдасиз
 Бу саломатлик зиндон куради

V

Ёлғиз истагим сени севмоқ
 Ёмғир водийни тўлдиради
 Балиқ дарёни
 Сени ёлғизлигимнинг бўйига мослаб ясадим
 Бекинишга бутун дунё бор
 Кунлар тунлар бир биримизни англаб олишчун
 Кўзларингда сен ҳақдаги ўйларимдан
 Сенинг тасаввурингдаги оламдан
 Бошқа ҳеч нарсани кўрмаслик учун
 Қабоқларинг бошқарадиган кунлар ва тунлар

* * *

Ҳатто олис бўлсак ҳам бир биримиздан
 Бизни бирлаштирар ҳар нарса
 Сен фарқлагин акс садони
 Кўзгунинг ҳам фарқига етгин
 Хона билан саройни фарқ қил
 Фарқла ҳар эркак ва ҳар бир аёлни
 Ёлғизликнинг фарқини англа
 Бу доимий сенинг қисматинг
 Бу доимо менинг қисматим
 Бизлар шундай баҳам кўрганмиз
 Бироқ ишонгандинг қисматинг менга
 Сенга топширмакдаман қисматимни



* * *

Алвидо ғамгинлик
 Салом ғамгинлик
 Сен шифтдаги чизикларга ёзилгансан
 Мен севган кўзларга ёзилгансан сен
 Сен қашшоқлик эмассан ҳеч ҳам
 Негаки энг бечора лаблар сени сотиб кўяди
 Бир табассум билан
 Салом ғамгинлик
 Севишган вужудлар севгиси
 Хайрихоҳлик бирдан намоён бўлган
 Муҳаббатнинг қудрати
 Худди вужудсиз бир махлуқ каби
 Тушкун қиёфа
 Ғамгинлик гўзал чехра.

* * *

Тисарилаётган қоп қора осмон
 Найза юмшоқ ерга санчилар
 Иссиқ тўшакка кираётган
 Совуқ қотган қиз каби
 Ой заминни нурга чўмдирар
 Қолганларни эса ундар ҳаёт синовларига

Француз тилидан
Муродхон НИЁЗХОНИЙ таржимаси



Муродхон НИЁЗХОНИЙ

1960 йилда тугилган. СамДунинг роман-герман филологияси факультетини тугатган. Унинг “Салом, бу – мен” шеърий тўплами ўзбек тилида, “Бир куни Насриддин” номли китоби француз тилида нашр этилган. Мазкур таржималар таржимоннинг шеърий ўналишидаги илк тажрибасидир.



Адабий ҳаёт

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ижодий кенгашларнинг ўтган йил якунларига бағишланган йиллик йиғилишларни ўтказишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Йилнинг биринчи чорагида Уюшманинг ижодий кенгашлари шеърият, наср, драматургия, болалар адабиёти, адабиётшунослик ва адабий танқид, публицистика ҳамда таржима йўналишларида олиб борилган ишларни сарҳисоб қилиб, ўтган йил давомида эълон қилинган асарлар таҳлилини ўтказди. Бу жараён анча меҳнатталаб бўлиб, кунт билан тайёргарлик кўришни тақозо этади. Боиси, йил давомида чоп этилган китоблардан ташқари, матбуот саҳифаларида ва Интернет сайтларида кўринган асарлар ҳам таҳлилчилар эътиборидан четда қолмайди.

Мазкур йиллик йиғилишлар ҳамшиша Уюшма раҳбарияти, ижодий кенгашлар фаоллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, адабий жараёнга қизиқувчи талаба ва адабиёт мухлислари иштирокида очиқ ва мунозарага бой кўринишда бўлиб ўтади.

* * *

Наср ижодий кенгашида ёзувчи Гулнора Раҳмоннинг “Умрнинг уч фасли” романи муҳокамаси бўлиб ўтди.

Роман бир аёл қисмати доирасида деярли олтмиш йиллик тарихни акс эттиради. Бош қаҳрамон Туронбеканинг турмушнинг илк зарбаларини ҳис эта бошлаган ўсмирлик давридан бошлаб, то ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб, кексалик остонасига оёқ кўйишигача ўтган йиллар давомида бошидан кечирган воқеалар шу давр мобайнида мамлакат ҳаётида бўлиб ўтган ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда тасвирланади.

– Бу бир самимий асарнинг тугал ҳолатга келгани билан табриклайман, – деди муҳокамага таклиф этилган ёзувчи Собир Ўнар. – Мен учун янгилик бўлган бир қатор эпизодларни учратдим. Бир аёлнинг охир-оқибат рўшнолик топиб, не азобли, мусибатли кунларни ўтказиб, гулдай, муҳими, гўзал ахлоқли фарзандларидан бахт учқунлари кўриб яшашга етиб келгани... Хуллас, киши эзгуликка, ёруғликка ишонади. Асарнинг энг катта ютуғи шу аслида. Бироқ, асарни янада такомилга етказиш учун анча-мунча тафсилотлардан воз кечиш керак.

– Муаллиф асар устида катта меҳнат қилган, – дея таъкидлади Тўлқин Ҳайит. – Асардаги айрим тафсилотлар, ҳаётинг манзаралар ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Айниқса, Нурмурад муаллим образи жуда таъсирли чиққанини қайд этиш керак. Бу кишининг фидойилиги, кулфагда қолган ҳамқишлоқларига жонқуярлиги билан боғлиқ лавҳалар ўқувчи қалбини тўлқинлантиради. Лекин асарда кераксиз тафсилотлар кўплигини ҳам таъкидлаш жоиз. Айниқса, баёндан, қайтариқлардан қочиш керак.

Муҳокамада иштирок этган кенгаш фаолларидан Рисолат Ҳайдарова, Нўъмон Раҳимжоновлар романдаги даврлар билан боғлиқ лавҳалардаги тасвирларни аниқлаштириш, қаҳрамонлар тилини индивидуаллаштириш лозимлиги ҳақида гапиришди.

Кенгаш муҳокамада билдирилган таклифлар асосида роман қайта ишланиб, ҳар томонлама маромига етгандан кейингина уни нашр этиш мумкин, деган тўхтамга келди.

Муаллиф билдирилган фикр ва мулоҳазалар учун муҳокамада қатнашган ёзувчиларга миннатдорчилик билдириб, асарни яна бир бор кўриб чиқишга ваъда берди.